



ИСАЖОН СУЛТОН
БОГИ ЭРАМ



629

84	32110(2)
C-96	Н. Суюон

бум зерне

2015^а 12.600

$$367 + \bar{v} = 245$$

$$17 / \bar{t} - 275$$

$$6 / \bar{x} - 360$$

$$1 / \bar{x} - 17$$

$$1 / \bar{x} - 5$$

ИСАЖОН СУЛТОН



Қисса ва ҳикоялар

Боғи Әрал

«SHARQ» НАШРИЕТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ - 2015

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)

С – 96

С – 96 Султон, Исажон

Боғи Эрам. Қисса ва ҳикоялар. И.Султон. – Т.: «Sharq», 2015. – 256 б.

Исажон Султоннинг ушбу тўпламидан жой олган қиссаси ўзбек оналарининг мангу таъзимга сазовор инсоний фазилатлари, руҳияти ҳақида. Асар оддий ўзбек оиласида дунёга келган қизалоқнинг болалик давридаги беғубор ўй-хаёллари, таассуротларининг бетакрор баёни билан бошланади. Теваракни қай тарзда идрок қилиб бориши, халқимиз оиласида асрлар мобайнида қатъий амал қилиб келинаётган муҳташам анъаналари таъсирида вояга етиб, турмуш остонасига қадам қўйиши, оиласи, рўзгорим дея бутун умрини, орзу-хаёлларини фарзандларига фидо қилиб юборадиган мушфиқ ва азиз онаизорга айланиши ўзига хос тарзда тасвирланади, турли-туман умид ва армонлари, қувонч ва ташвишлари аро ғоятда пок ва мусаффо бир умрни яшаб ўтиши ҳақида ҳикоя қилинади. Бир инсоннинг дунёга келишидан то кексайгунигача бўлган даврни қамраб олган мазкур қисса мушфиқ ўзбек оналарига бағишлиланган меҳру муҳаббат мадхияси мисоли ўқилади.

Шунингдек, тўпламдан адибнинг турли йилларда яратган ва китобхонлар эътирофини қозонган бир қатор янги ҳикоялари ҳам ўрин олган.

ISBN 978-9943-26-156-3

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)

ISBN 978-9943-26-156-3

629

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бон таҳририяти, 2015

Замшота Аким



Онаизории



Кисса

Ўлмасой опамнинг
азиз хотирасига бағишилайман.

МУҚАДДИМА

Баҳор тоғларнинг устларидан то нигоҳ етмас олислардаги яйловларгача ястаниб кетган бепоён кенгликларни саноқсиз ранг-у тус, шаклу киёфадаги аввойи гул-чечаклар билан безайди, шамоллар қатида исларини, гулчангларини ва уруғларини күтариб учиб, бошқа ерларга сочади, турли-туман күшлар бу ризқлардан чўқиб сайраб юришади. Гуркираб ўсган буталар бағрида курт-у күшлар турлича сасланишади, чигирткалар сакрайди, чумолилар емиш илинжиди ҳар ёкқа тарқалишади.

Ҳаволарни алмаштирадиган ва табиатни жўштирадиган икки унсур бор бу ерда: шамол ва сув. Шамол куртакларни очади, гулкосаларни тўқади, ерни уйғотади. Сув тупроқ бағрида яшириниб ётган уруғларгача сингиб боради. Шу икковлон тупроқни илҳомлантиради, гўё кулок эшитмас, ақл бовар килмас бир садо ила ҳар нарса бирданига ҳаракатга келади.

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Шамол забтида толлар, тутлар, тераклар чайқалади, қамишлар шовиллайди, буғдойзорлар шивирлайди, қовға попилтириқлари момақаймоқ уқпарлари билан ҳар ён қўшилиб учади, ёввойи ўтлар атри экинлар ва дараҳт гуллари иси билан қўшилиб, хузурли, ғалати бўй ҳосил қиласди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Қишлоқ томорқалари аро олинган сарғиши гувалак девор устига күёш чикмасидан ниначилар күниб олишган. Улар турли-туман. Масалан, кичкина сариқ ниначи заиф бўлади, тез чарчаб қолади. Қизғиши тусли яна бир тури ҳам бор. Энг каттасини, кўк ранглисими от ниначи деймиз, у сира толиқмайди. Бошқалари тонгги шудрингда намланган қанотини гувалак ёки ердаги кесак устида қуритиб ўтиради, каттаси эса қаноти нам бўлсаям учаверади.

Томорқа адодида баланд тераклар бўй чўзган. Остларида ўтлар гуркираб ўсан, печаклар оппоқ гуллаб, терак танасига чирманиб, ҳатто учигача чикиб кетган.

Раъно деган кўзлари чақнаб-чақнаб турадиган бир қизча мана шу ҳовлида дунёга келган.

У – шиддати, файрати ичига сиғмас қизалоқ. Ўзидан катта челакларни кўтариб, даранглатиб юриб қолади. Югуриб тинмайди, гулдор қўйлакларни яхши кўради, аммо ўйинга берилганидан кир қилиб қўяди, «кир бўпти-ку» дейишса, «вой ўлай» деб эгилиб этагини кўтариб қарайди.

Дарахтлар бениҳоя баҳайбат ва ажойиб, шохларидаги қушчалар Раънога анқайиб қарашибади. Улкан соялар аро шунақанги тез чопадики! Наъматак буталари оппоқ гуллайди. Шафтоли пушти, ўрик оқиши, гилос қизғиши гул очади. Момақалдириқ гумбирлаб, жала қуйганида барининг гули тўқилиб, сувларда чайқалиб туради, шунда Раъно яланг оёқчалари билан сувларни сочиб ўйнайди.

Қўшни бир қизалоқ ҳам бор, исми Хосият. Хоси деб чақиради Раъно уни.

- Хоси, ўйнайсанми?
- Йўқ, онам иш буюрган.
- У ишни битириб кўйиб, кейин ўйнасак-чи?
- Майли.

Хосиятнинг онаси озғин, баланд бўйли, доим гули ўчган қўйлак кийиб юрадиган аёл.

Биргаллашиб ичи қорайиб кетган ўчоқнинг кулини тозалашади. Кейин ариқда энкайиб коса-товоқ ювишади. Коса-товоқлар сополдан. Уйда оппоқ чинни идишлар ҳам бор, Хосиятнинг онаси уларни ҳеч кимга ишонмайди. Кундалик ишлатиладиган идиш-товоқларни қўпинча тандирдан ё ўчоқдан кул олиб, ишқаб-ишқаб ювишади. Гоҳо ўтларни юлиб, шу билан ҳам тозалашади.

Икковининг ҳам оёқчалири ингичка, товонлари қорайиб-қорайиб кетган, иккалови ҳам кўзлари чақнаб-чақнаб турадиган ёқимтой қизалоқлар.

Юмушлардан бўшаганларида биргаллашиб ўйнашади. Кичкиналикларида қум ўйнашарди. Кейинроқ чўпга бир бўлак матони ип билан ўраб- chirmab, аёл шаклини бериб, «мехмон-мехмон» ўйнайдиган бўлишди. Бу ўйиннинг хусусияти шундаки, гоҳ унисиникига, гоҳ бунисиникига «мехмон» келиб қолади. Қизалоқлар меҳмонни кутиб олишиб, тўшак солиб ўтиргизишиб ҳол-аҳвол сўрашишади, кейин бир чеккага қозон-ўчоқ осиб, овқат пиширишиб, дастурхонга таом ҳам тортишади. Кейин қизалоқлардан бирини ё онаси чақириб қолади, ё ўзи:

– Вой ўлай, гаплашиб ўтираверганимни қаранг, ишларим қолиб кетяпти-ку, борақолай, – дея уйига «жўнайди».

Ажаб, бу беш-олти яшар бу қизгиналарнинг «боловлари» ҳам бор, уларни ўзларича койиб-уришишади:

– Бола бўлмай қол, мунча мени куйдирасан? Буюрган ишларимни қилмабсан-ку?

- Хоси, болаларинг нечта?
- Тўртта. Сеники-чи?
- Меникиям тўртта. Йўқ, бешта экан!

Кишлоқ қизгиналарининг ўйинларидан яна нималарни айтса бўлади? Баҳорда биринчи бўлиб тол очяшил тусда куртак ёзади. Тол пўстлоғи мўрт, енгил бураб туриб, ичидаги оқиши чивиғини чиқазиб ташлаб, попукли қисмини соchlарига кўшиб ўриб олишади, уни толпопук дейдилар. Яшил толпопуклар чиройли кўринади-да. Ўғил болалар эса тол новдасидан сурнай ясаб, чийиллатиб чалиб юришади.

Ўйнаганларида қўшиқлар ҳам айтадилар:

*Чумоли чумоли-я,
Майда чумоли-я,
Чумолини уяси,
Дошқозонни куяси,
Алли қиз, балли қиз,
Чиқақолсин Раъно қиз...*

Кўшиқ айтар эканлар, майса пояларида ўрмалаб юрган чумолилар анграйиб қарашаётгандай туюлади, бундан Раъононинг кулгиси қистайди.

Бундай қўшиқлар кўп, Раъно ҳам анчагинасини ёд билади. Кеч кира бошлаганида дарвозахона олдидан болаларнинг жўр бўлиб айтган чорловлари эшитилади:

*Ҳалинчаг-о ҳалинчак,
Уйдан чиқмаган келинчак!..*

Ўйнай-ўйнай чарчашгач, бу қўшиқнинг терси айтилади:

*Ҳалинчаг-о ҳалинчак,
Уйига кирмаган келинчак!*

Потирлаб ҳамма уй-уйига тарқалиб кетади...

Шом тушганида кўкда юлдузлар жимиirlай бошлиайди. Узум токлари орасидан жуда ёруғ ой самога кўтарилади. Ишком остидаги сўрида овқатланиб

ўтиришса, тўсатдан ғўнғиллаб дарахт қўнғизи ёки бузоқбоши учиб келиб қолади. Раъно бузоқбошидан қўрқади. Кўнғиз эса ягона шохини кўз-кўзлаб, дастурхонни тирмалайди. Ой янада ҳаволаб, кечада коронфисида шитирлаётган тераклар учига етганида айвонга қаторасига жой солинади, боши ёстиққа тегиши билан донг қотиб, болаликнинг мусаффо уйқусига чўмади.

Туш ҳам кўрадими? Ҳа, лекин у тушлар эсда қолмаган.

Эсида қолгани – айвоннинг ораси очиқ тахталири, тепадаги вассажуфтлар ва ўша ердан мўралаб турадиган қалдирғоч болалари...

Ҳарҳолда у жуда одобли ва ақлли киз бўлиб ўсмоқда эди.

Хушёр нигоҳи билан теваракни қузатар эди.

Кишиларнинг бари оппоқ яхтак кийиб, белларини яшил ёки кўк ранг белбоғ билан боғлаб, маҳси-этик кийиб юришади, белбоғларида пичоқлари осиғлиқ туради. У жуда ўткир, айб иш қилса, каталар ўша пичноқ билан шўхроқ ўғил болаларнинг қулоғини кесиб олишлари мумкин. Қизларнинг қулоғини кесишмайди, кишилар уришиш ўрнига кулимсираб қўйишади, холос. Қизалоқларни факат хотинлар чимчилаб-койишади.

Дунё жўшиб ётади-да. Баҳорда ҳар нарса жунбишга келиб, теварак бирпасда турли-туман гулчекакка бурканиб кетади. Ариқчадаги сув ҳам шўх-шодон оқа бошлайди: ранги бўтана тус олиб, у бўтана аро майда шохчалар, ўтларнинг барглари ва гуллари оқиб келади.

Гоҳ-гоҳ уйга бегона кишилар ҳам келишиб, илжайишиб: «Ҳой қизча, отингиз нима?», деб сўрашади. Раъно уларга исмини айтгиси келмайди. «Бор-э», – деб чопиб кетиб қолса ҳам бирор уни койиб-уришмайди, кулиб қўяқолишади.

– Ҳой қизча, салом бермайсанми? – дейди онаси.

Демак, катталар билан ҳам катталарга ўхшаб саломлашиш керак экан-да? Шундай кунларнинг бирида маҳалладан бир-икки эркак отасини сўраб келишганида: «Ҳа, ширин қизча, қалайсиз?» – дейишган эди, бидирлаб:

– Раҳмат, сиз ҳам яхшимисиз. Уйлар тинчми, бола-чақалар тузукми? – деб жавоб қайтарди.

Келганлар кулиб юборишиди.

– Шукур, биз ҳам юрибмиз, – дейишди кейин. – Жуда бурро экансиз-ку? Хўш, отангиз уйдами?

– Иш билан чиқиб кетувдилар, – деб жавоб қилди у. – Келсалар, бир нима деб қўяйми?

– Ўртоқларингиз сўраб келишди деб қўйинг, – дейишди улар ва кулиша-кулиша чиқиб кетишиди.

Ота

Ота баланд бўйли, кенг елкали киши бўлиб, Раъно уни жуда яхши кўради.

«Отанг келганида «Ассалому алайкум» деб, кўлингни кўксингга қўйиб, бурро-бурро қилиб салом берасан, – деб қулоғига куяди она. – Салом берганингда бакрайиб қараб турмайсан, дарров қайтиб, ишингга уринасан.

Сен қиз боласан, тенгдошларингга салом бермасанг ҳам бўлаверади, лекин катталарга албатта салом берасан.

Катталар сенга салом беришса, алик олмайсан, худди эшитмагандай, шошиб ўзинг салом берасан.

Қизалогим, ҳар муомиланинг ўз одоби бор. Мехмон келса, дарров янги тўшаклардан опкелиб соласан, фотиҳа қилингач, дастурхон ёзасан. Дастурхонни тескари ёзиб бўлмайди, хафа бўлади, юзимни тескари қилди деб. Келган киши саноғига қараб тўртта, олтита ёки саккизта нон, қанд-курс, мева-туршак қўясан. Нонни тоқ қўйиб бўлмайди. Нонни тескари қўйсанг, у ҳам дастурхонга ўхшаб хафа бўлади. Мехмон кутишнинг ўзига хос одобла-

ри бор, қай тарзда ҳол-аҳвол сўрашишу қай тарзда хайрлашишгача аста-секин ўргатаман, аммо уйда ўзимиз ўтирганимизда ҳам одобга риоя қилишинг шарт. Масалан, кечагига ўхшаб сираям тўрга чиқиб кетмайсан, қиз боласан-ку, ахир? Ҳамма ўтирганида сен ош-овқат опкеласан. Кейин икки оёғингни чапга букиб, одоб билан ўтирасан, ким чой ичкиси келса, пиёлала ярим қилиб куясан, бармоғингни учи билан тутиб, назокат билан узатасан.

Агар кимдир чойни охиригача ичмасдан қайтиб узатса, билдириласдан тўкасан, чой қолдиги устига яна чой қуймайсан.

Чой дамлашниям ўз усууллари бор, чойнак ичи оппоқ бўлиши керак, қайнок сув билан чайиб ташлаб, кейин куруқ чой соласан. Албатта дам едирасан.

Дастурхонда фотиҳадан олдин ўткир нарса турмаслиги керак. Ўткир нарса дуони кесади деганлари ёлғон, аслида тифига дам берилгани ёки гўшт кесилгани учун олиб кўй дейилади. Ҳамма дуо қилгач, туриб коса-товоқларни йиғиштирасан, кейин дастурхонни «Савобини дунёдан ўтганларга бағишладим» деб қоқасан. Дастурхон одамлар оёқ ости қилмайдиган жойга қоқилади, увоклари курту күшларнинг ризки бўлади, қурту күш еса рўзғорга барака киради...»

Жамалаксочгина, шаддодгина Раъно мана шуларни кўра-кўра ўсади.

- Эркак кишиларга тик қарамагин, – дейди она.
- Нега?

– Одобсиз қизча экан дейишмасин-да. Эркак киши келаётганида йўл бўшат, қақайиб турма. Ёнингга кепқолсаю таниш бўлса, ерга қараб салом бер, нотаниш бўлса гапирмаям, қарамаям.

Ховлию кўча супуришни азалдан ўрганиб олган. Ёзда сувлар ҳам сепади. Ҳамма жуда эрта тургани учун сахарлар онаси: «тур, қизалогим», деганида кўзларини зўрға очади, уйқу жуда ширин. Она

ҳаммадан эрта туриб, сув иситиб ҳам қўяди. Лекин Раънога ариқдаги сувда бет ювиш маъқул.

Чунки жилдираб шўх-шодон оқувчи шу ариқча Раънонинг суҳбатдоши.

- Ариқча, оқяпсанми?
- Ҳа, оқяпман.
- Зўрга турдим, яна ухлаб қолгим келяпти.
- Меҳнат одамни ўлдирмаган, танангда жонинг бор экан, урин, қимирла, ўзингни юмушга ур, – дейди ариқча онасининг овози билан.

Шу тариқа яна бир кун бошланиб кетади.

Гоҳо Хоси иккаласи беҳи остида бир-бирларига сув сочиб чўмилишади. Лекин кунларнинг бирида чўмилишга бориб, беҳи шохига қўниб олган катта бир қушни кўришди. Кушнинг кўзлари сариқ, каттакатта, шоҳда қимир этмай ўтиради. Қизалоклар ҳайиқишиб, ортларига қайтиб кетишиди.

- Нимага чўмилмадинг? – дея сўради она.
- Бир қуш бор экан, бақрайиб қараб тураверди, уялдим, – деди қизалоқ.

Она қизини ўзига тортиб, бағрига маҳкам босиб юз-кўзларидан ўпди: «Ишқилиб, омон-эсон катта бўлгин, онанг чўри», деди соchlарини силаб.

* * *

Яна бир чақалоқ туғилди.

У ҳеч нимани билмайдиган, гоҳ ўзича қулимсираб, гоҳ чириллаб йиғлайдиган қизик бир жонзот эди.

Онаси юмушга уннаб кетганида гоҳо Раънога: «Укангга қараб тур», дер эди. Шунда Раъно қизиқсениб унинг кўл-бетларини ушлаб кўрарди. Чাқалоқка бу ёқмас, ғингширди.

Она аллалари ҳам ўчмас бўлиб ёдига муҳрланди:

Тилимнинг узуни-ё, алла.
Юзимнинг қизили-ё, алла,

*Юрагимнинг тафтига-ё
Тандирлар қизийди-ё, алла...*

*Отасининг давлати йўқ, алла-ё алла,
Онасининг роҳати йўқ, алла-ё алла...*

Сўзларига эътибор берармиди? «Юзимнинг кизиллиги сен туфайли», дермиди онаси? «Сен бўлмасанг сомондай сарғаярдим, худойим етказганига минг шукур» дермиди? «Тилимнинг дўсту душман орасида узун бўлишиям сендан ахир... Йўқса, орзумонларим мўл эди, энди эса юрагимда тафтига тандирлар қизийдиган даражада лаҳча чўғлар бор, жоним болам», деб куйлармиди алласини онаизор?

Гоҳо хотинлар тўпланиб, чилдирма чалиб қўшиқ ҳам айтар эдилар:

*Толеим бўлса эди, ёнган чироқ ўчармиди?
Мен суюнган тоғларим ости билан кўчармиди?*

Йиғлай-йиғлай тиникиб, кейин яна чақчақлашиб ҳам ўтираверишарди. Қизгина улар кийған кўйлакларга, тақинчоқларга эътибор берар, тезроқ катта бўлгиси, мана шунаقا гулдор кўйлаклар кийгиси, тақинчоқлар таққиси келар эди.

Чимчиловчи Ғалати Махлук

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Үйларнинг омонат томларни кўчириб, хас-хашакларни учириб, тик қадли теракларни чўрт узиб юборадиган мана шу қувватли шамоллар қатида девлар учиб келишарди.

Улар бувининг ёки онанинг эртакларидан пайдо бўлган хаёлий махлуклар эдилар.

Баъзиларини эса Раъононинг ўзи ўйлаб-яратиб олган эди.

Шулардан бири – ғоят узун бўйли, баҳайбат, бутун вужуди ялтираб, кўзларининг соққаси тинмай

айланиб турадиган Чимчиловчи Ғалати Махлук бўлиб, ҳамма ухлаган, ой ҳаволаган маҳалда томорқалар орасидан сездирмай чиқиб келар, мабодо ҳеч ким сезмаса, ўйиб-чимчилаб олиши мумкин эди. Чиқиб келар мақонию ғойиб бўлар жойи ноаниқ, қиласи иши фақат Раънони қўрқитишдангина иборат бу махлук қайда яшашинио нима еб-ичишини ҳам билиб бўлмасди. Айвонда ётганида, ой ёғдуси нурли чанг сингари теваракни энлаб, сокинликка чўмдирган маҳалда дараҳтлару жўхоризорлар орасидан чиқиб келаверарди. У махлукни фақатгина Раъно биларди, холос, бирорга айтса култига колишини ўйлаб индамасди. Аслида у Раънонинг тасаввуридагина бор эди, бироқ, қай тарздадир пайдо бўлиб, тепасига келиб ўйиб-чимчилаб олишидан қўрқардида. Ўйлаб қараса, шу маҳалгача бирор сўз айтмабди, қиласи иши қизалоқни вахимага солиш бўлибди, холос.

Айёр Малла Тулки

Шунака қўрқинчли жонзотлардан яна бири Айёр Малла Тулки бўлиб, у экинзорлар ва дараҳтлар орасида пайт пойлаб яшириниб ётар, ёш болалар уйда ёлғиз қолган маҳалида тепасига келиб қитиқлар, кулдира-кулдира ўлдирав эди. Униям яшаш жойи ва нималар қилиб юриши номаълум эди. Бепоён томорқазорлар аро баъзан ёлғиз юрганида, қўралар ва жингуллар орасидан ўша тулки чиқиб келишидан чўчирди. Бир куни баланд ўсган, барглари сарғая бошлаган жўхорилар орасидаги йўлакдан бораётса, поялар қаттиқ шитирлаб, бир нима отилиб чиқиб келганида қўрққанидан жойида серрайиб қотиб қолди. Жажжи юракчаси қинидан чиққудай дукдук урар, юзлари музлаб кетгандай эди. Қараса, шу атрофда санқиб юрадиган дайди мушук экан. Мушук ҳам рўпарасидаги кизчага анграйиб қараб тура-верди.

– Бо-ор, йўқол! – деди Раъно ва йиғлаб юборди.
Ердан кесак олиб отган эди, мушук ура қочди.

Кичкина Сарик Қизча

У қизчанинг мавжудлигини Раъно ўртоғидан билб олди.

Сарик Қизча дараҳтларнинг шохларида, қалин ва гуж ўсган қаровсиз жингулзорларда оёқчасини осилтириб ўтирас, айтишларича, пичоқ ва қалампирдан жуда кўркар, мабодо ёлғиз болаларга дуч келса, бозини айлантириб узоқ далаю яйловларга адаштиргани олиб кетарди.

Раъно мана шулардан жуда кўркарди.

Кечалари баъзан ўрнидан туриб, уйқусираганича бориб отасининг бағрига кириб кетар эди. Ота бағри улкан, тинч ва осойишта, у бағирда таърифсиз тинчлик ва фароғат қўйнига чўмар, сал ўтмай пишиллаб ухлаб қолар, уйкудан уйғонганида эса ўзини ўз жойида кўтарар, шунда ота, у ухлаб қолгач, авайлаб кўтариб ўрнига олиб кетиб ётқизганига ақли етар эди. Отасини шунинг учун ҳам яхши кўрарди, йўқса ота у билан жуда кам гаплашарди, чунки ишидан кеч келарди. Аммо келганида қизгинанинг қалби қувончга тўлиб кетарди, шуни онасиға ҳам, отасига ҳам айттолмасди-да. Шамолларда, ёмғирларда она жаврай-жаврай супра ёйиб, хамир қорар, бир ёқда ука чириллаб йиғлаб, бир ёнда она юмушларига улгуролмай саннаганида, онамга ёрдам берақолай деб чопиб бориб кичкина муштчалари билан хамир қораркан, тезроқ отам кепқолсайди, деб орзу ҳам қилар эди. Ажабки, мана шундай пайтларда ота кириб келса, ҳамма нарса ўз ўрнига тушар, ишлар ўз-ўзидан енгил битар, отам қандай зўр-а деган ўз унинг мурғак дилига қувонч баҳш этарди: «Отам ҳаммадан зўр», – дея Хосиятга мақтанар ҳам эди.

* * *

- *Ха, ариқча, оқяпсанми?*
- *Оқяпман.*
- *Отам ҳаммадан зүр-а?*
- *Ха, сенинг отанғ ҳаммадан зүр!*

Яна бир нималарни гапиришни истардию ичи тўла ҳис-туйғу бўлгани билан тилига сўз келмаётганини ўйлаб, ҳайрон бўларди.

* * *

Тунлари олисларда живирлаётган юлдузларга ҳам термилар, улар нима учун бу қадар олисдалигига ақли етмай, қайси бири менинг баҳт юлдузим экан, деб ўйлар эди.

Баҳт нима ўзи?

Баҳт нималигини тузук-қуруқ тасаввур ҳам қила олмасди. Билгани шуки, бир куни улғайиб, чиройли, кўркли қизга айланади, кейин кимгадир турмушга чиқиб, эр-хотин бўлишади, ҳар ҳолда, эри отасига ўхшаган бўлади, боласи укасига ўхшаб йиғламайди, ўзиям онасидай жаврамайди, ҳамма ишларни дарров бажариб қўяди, ҳовли топ-тоза, идиш-товоқлар ювилган, ўчоқда ширин овқатлар пиширади, болачини ухлатиш керак бўлса онасидан ёдлаб олган аллаларини айтади, ҳаёт сира тугамайди, ўзиям сира каримайди... тасаввури етгани шу эди.

* * *

Улар яна «меҳмон-меҳмон» ўйнар эдилар.

Раъно узун бир чўпни олиб, унга ипдан белбоғ бойлади

- Бу ким? – деди Хосият ҳайрон бўлиб.
- Отам, – деди Раъно. – Ишдан келди.
- Ха, яхши ўтирибсизларми? – дея кириб келди «ота».
- Шукр. Яхши келяпсизми?
- Ҳаҳ, ишиям курсин, чарчадим, – деди «ота». – Чойингдан борми, опкелақол.

- Болангизни яна мазаси бўлмаяпти, – деди она ўчоқ бошига кетаркан.
 - Ия, нима қипти?
 - Яна ичи ўтятти.
 - Ҳозир яхши қипқўяман.
- Ота «бола»ни қўлига олди.

* * *

- *Ҳа, ариқча, оқянсанми?*
- *Оқянман.*
- *Бугун укам ўлиб қолди.*
- *Вой, нима бўлди?*
- *Билмадим... Кўрқиб кетяпман, ариқча.*
- *Кўрқма...*
- *Яхши болача эди!. Кўлчаларини ўйнатиб, чуғурлаб ётар эди. Илжайиб туриб,чувиллатиб сийиб ҳам қўяр эди...*
- *Ҳа, уканг яхши бола эди.*
- *Онам нима қиласди энди?*
- *Бечорага қийин бўпти.*
- *Юпатаман деб: «Онажон, хафа бўлманг, яна битта укача тугиб оласиз», – десам, роса йиғлади.*
- *Энди сен унга мадор бўл, хаёлини чалғит.*
- *Отам-чи?*
- *Отанг нима қиляпти?*
- *У ҳам йиғлаяпти. Аммо онамга ўхшаб эмас.*
Томорқаларни айланиб юради-да, кейин бошини дарахтларга, гувалак деворларга уриб-уриб йиғлайди.

* * *

Укачанинг ўлиб қолгани ёмон бўлса-да, вакт ўтгани сайин у мусибат унутила борди. Қариндош-урұғлар, маҳалланинг чоллари тез-тез кириб туришар эди, кейин камроқ йўқладиган бўлишди. Онаизор отанинг енгига осилиб «боламни олдига бораман» деб йиғлар, ота гоҳ уни уришар, гоҳ эса индамай қайларгадир – укачанинг олдига олиб кетар эди.

«Қора ерларда ётаверадими болам?» дея йиғлар өди бояқиши.

Селлар келганида болам қүркмаяптымикин деб, куз ёмғирларида ётган ери намланиб кетмадимикин деб, қишлиарда музлаб-совқотмаяптымикин деб йиғларди-да, шүрлик.

– Боламнинг олдига бораман! – дея хархаша қиларди онаизор.

– Ҳой ақли паст, олдига борганинг билан қўлингдан нима келади?

– Билмайман, бораман!

– Ҳамманинг боласи бор, меники йўқ.

– Ҳамма хотинлар ўсма-хинолар қўйиб, ясаниб юришибди. Мен эса жинниларга ўхшаб тентирайман, ит ҳам қарамайди. Болам бўлганида мен ҳам чиройли бўлардим...

* * *

Кичкина Раъно нима қиласини билмас эди.

Худо нимага укачани олиб қўйди?

«Нимага олиб қўйдинг» деб сўрар эди Худодан.

Худо жавоб бермас эди.

«Онам қийналиб кетди-ку? Отам сўрида бошини эгиб ўтириб қолмоқда-ку? Мен ҳам соғинибоғиниб кетяпман-ку?»

– Ариқча, Худо нимага укачамни олиб қўйди?

– Билмадим, ўртоқжон. Унақа нарсаларга менинг ақлим етмайди.

* * *

Баҳор келди.

Она кетмонни олиб, томорқа чопди. Ҳамма ишни отангга ташлаб қўйиб ўтираверишимиз инсофдан бўлмайди, деди у. Томорқалар бир-бирига туташиб кетган, нариги ҳовлизиярда ҳам бола-чақаси билан ер чопаётган қишилар кўринавчи эди. Шунака ишларни ҳам урганиб одакои, ~~жактадиган~~ керак

629 6617 05

Запишата Арм

бўлиб қолади, деди онаизор. Ерни бир ярим кетмон чуқурлигига чопасан. Тагида унумдор қатлами бор, у қорамтиирроқ бўлиб ажралиб туради, чопганингда олган тупроғингни ағдариб кетаверасан, шунда унумдор қатлам тепада бўлиб қолади, ана ўшанга уруғ қадалса, ҳосил яхши бўлади.

У оқ рўмол билан бошини бойлаб, оёғига этик кийиб олган эди. Она ёнида баравар ер чопа бошлади.

Кетмон ғувиллаб тушганида эски томирларни тиккасига кесиб юборар, ер остига ин қурган курту кумурсқалар жонҳолатда ҳар тарафга қочар эдилар. Бўлиниб кетган чувалчанглар тўлғонарди. «Бориб товук катагини очиб юбор, бир мазза қилишсин» деди она, қулимсираб. Юзи қип-қизил бўлиб бўғриқиб кетган эди. Раъно чопиб бориб, сим илгагини тушириб, катак эшигини очган эди, товуклар чопилган ер бўйлаб ёйилиб кетишди. Қайдандир қушлар ҳам учиб келиб, учиб-қўниб ризқ излай бошлашди.

– Ўлсин-а меҳнати, – деди она, енги билан пешанасининг терини артиб. – Белим қотиб қолди.

Шу тобда у жудаям истарали эди. Раъно қараб туриб, маҳкам қучоқлаб олди.

– Сизни яхши кўриб кетяпман, – деди юзини кўйлагига ишқаб.

– Айланай жоним кизимдан, – деди она ҳам. – Бўлақол, ишимиз кўп.

Шу маҳал онанинг уқалари – тоғалар ҳам етиб келишди-да, барчалари биргалашиб кечгача ер чопишиди.

Шом маҳали кириб келган ота буни кўриб мамнун ғулди.

– Кечикиб кетяпти деб ташвишланиб юрувдим, яхши қипсизлар, – деди онага. – Бугун ўзим бир ошдамлаб берай сизларга.

Отанинг ош дамлаши қизиқ эди. Раъно унинг ішт-еф қовуришини, туз-намагини тотиб кўришини қизиқиб томоша қилди. Ия, отаси ҳам овқат пиширишни билар экан-да? Бир маҳал ош сузилди, жуда ширин бўпти, мақтаб-мақтаб ейиши.

— Овқат еяётган кишиларга маҳтал бўлиб туради, — деди она. — Уни мақтаб-мақтаб ейиш керак.

— Эр кишини ўчоқ-қозонга яқинлаштирумайсан, — деди. — Бугун отанг ийиб кетиб, ўзи истаб ош қилиб берди, аммо қозон-ўчоқ хотинларнинг жойи.

Қозон тагида кирмочи қолган, она уни капгир учи билан кўчириб, косага солиб кўйган экан, Раънонинг егиси келди. Қараса, ширин экан, ҳаммасини еб кўйди.

— Қозон қирмочини есанг, тўйингда шамол эсиб, ёмғир ёғади, бошқа емагин, — деди она.

Эртасига жўяқ олдилар.

«Қизим, жўяклар тўппа-тўғри қилиб олинади, сугорганингда сув тез оқиб кетмасин ё кўллаб ҳам қолмасин», деди она. Жўяқ олингач, сув очиб келишиди. Сув кесакларни ивитиб, эгат ораларини аста-секин тўлдирди. Раъно майда хашаротларнинг жон ҳалпида қочишларини томоша қилиб ўтирди.

«Энди бир кун турса селгийди, тупроқ намни эмиб олади, — деди она. — Шундан кейин уруғ қадасак ҳам бўлади».

Эртасига сахарлаб туриши. Бодринг уруғи қовун уруғи билан бир хил экан. Тўртбурчак қилиб олинган полларга пиёз, укроп, кашнич экиши. «Ер чопиш қизиқроқ эди, экин экиш сира қизиқ эмас, бел оғриб қоларкан», деб ўйлади Раъно. Полларнинг четига она гуллар қадади. Томорқанинг ҳовли билан туташган ерларига райхон экилди.

«Райхоннинг бир неча тури бор. Садарайхон, оқ ва қора райхон. Оқ деганлари сира оқ эмас, балки жуда оч яшилтоб тусда, баргчалари кичкина, қора ва садарайхоннинг ҳиди ўткир бўлади», деди она.

Ота саҳарлаб бозорга бориб, беш-олти туп кўчат олиб келди, уларни сувли чукурчага солиб кўйиши. Кейин ота дараҳтларни буташга туши. Раъно отасининг ёнида юрарди.

– Ота, нимага шохларини кесяпсиз?

– Новдаси кўп бўлса, дараҳтнинг кучи етмайди, қизим, – деди ота. – Мева қиласидиган шохчаларини колдириб, қолганларини кесиб оламиз.

Кейин кўрсатди:

– Қара, мана шу кесилган жойидан ён новдачалар ўсиб чиқади. Бу дараҳт жуда итоаткор, биз қанақа шакл беришни истасак, ўша шаклга киради. Тикка шохларини атай кесдим, она қизим ҳосил пишганида узиб олишга қийналмасин, деб.

Ота куруқ шох билан нам шохни кўрсатди:

– Кўряпсанми, куруғида жон асари йўқ. Нами эса тирик. Аслида бу дараҳтларнинг барчасининг жони бор, болам. Дараҳт ҳам одамга ўхшаб умр кеширади. Мана, ҳозир кўчат экасан.

– Ота, нимага сиз экмайсиз? – деб сўради у.

– Ой қизим, сендақа ёш болалар экса, барака мўл бўлади, – деди ота.

Шундай қилиши. Раъно кўчатларнинг нам новдасини ушлаб турди, ота эса «бисмилло» деб тупроқ билан илдиз қисмини кўмди. Шиббалаб, сув ҳам куйдилар.

– Булар – сенинг дараҳтларинг, – деди ота. – Ўзинг қараб тур энди.

Кесилган шохлардан ҳали нам кетмаган, кўлга муздай тегарди. Энди булар қиши келганида ўтин бўлади, деди ота. Болта билан уриб-кесиб саржинлади, саранжомлаб, пўстлоқдан белдамчи ясад бойлаб ҳам кўйди. Тўплаб, кўрага босиши.

– Ой қизим, роса меҳнат қилдик, – деди она. – Энди сенга янги гулли кўйлак обераман.

У шодланиб ухлаб қолди. Тушида ой жилмайиб турганмиш, у ҳам гулдор кўйлак кийиб олганмиш.

* * *

Экинзорни ёввойи ўт босди.

Булар ариқдаги сув билан оқиб келган ўт уруғлари эди. Нам жойларда семизўтлар ўса бошлиди. Раъно уларнинг ҳаммасини диққат билан кузатиб чиқди.

Жўяклар орасида курмаклар бўй чўзибди. Тўқ яшил узун баргли, тез ўсувчи бу ўтни сигиру қўйлар яхши кўради, деди она. Курмак улар учун жizzали нондай ширин туюлади. Курмак илдизи патаксимон, оппоқ бўлади. Ерга қаттиқ ўрнашмайди, тортсанг, салга қўпорилиб чиқади. Шўралар ҳам бор экан, улар икки тур – оддий шўра ва маккашўра. Оддий шўра баланд ўсмайди, аммо илдизи ўқ илдиз бўлади, чуқур кетади. Маккашўранинг ҳам илдизи шунаقا, унинг танасию барги кўпол, тукли. Катталашиб, бутадай бўлиб ўсиб кетиши мумкин. Энг заиф ўрнашадигани семизўт, уруғи доимо сувда оқиб келади, танаси ҳам нуқул сувдан иборат. Куригани офтобга қўйсанг, қўнғир тусли енгил хасга айланиб кетади. Ажриқ – энг ашаддийси. Бошқа ўтларнинг танасини эгсанг синавермайди, юмшоқ букилади, ажриқнинг танаси қаттиқ бўлади, буксанг, кирс этиб синади. Ҳар бўғинидан илдиз отаверади, офтобда қолиб куригани ҳам нам тегса, дарров сергакланиб, ўса бошлайди. Ажриқ босган ерни тозалаш кийин бўлади. Шунинг учун юлинган ажриқларни тупроқ устида қолдириш ярамайди, битта бўғими қолсаям бир неча кундан кейин қарасанг, кўпайиб кетган бўлади. Яна бангидевона билан итузум ҳам бор. Итузум худди узумга ўхшайди, аммо еб бўлмайди, уни итлар ейди. Бангидевона катта-катта тикан солади, ичиди қоп-қора, учли уруғлари бўлади, мана шу уруғни мол еса, ақлдан озиб қолади. Агар юлиб ташламасанг, уруғи етилганида пўсти курукшаб, оралари очилади, кейин уруғларини ерга сочади. Дараҳтлар остида ва экинзорда печак ҳамда

қокиўт-момақаймоқларни ҳам кўрасан. Печак заиф нарса, экинга чирмашгани ёмон, момақаймок эса беозор, чунки у ўз ҳолича экинга зарар бермасдан ўсади, дарров оппок попилтириқ чиқаради, ҳар попилтириқ остида биттадан сарғиши уруғи бўлади. Шамол эсганида у уруғни кўтариб ариклар, экинлар, томорқалар узра учади, қўнган ерида ўрнашиб урчийверади.

– Шуларнинг бари ўсиб уруғ солай деб уринишади. Уринса уринаверсин, аммо ўсиб кетишса, ернинг кучини сўриб олиб, сену менинг ризқимизни йўққа чиқаришади. Ўшанчун ҳам юлиб ташлашимиз керак, юлганларимиз сигир-қўйларга емиш бўлади, кейин сигиримиз мўл сут беради, қаймоғи ҳам кўп бўлади, – деб тушунтириди онаизор.

Раъно онасининг ёнига тушиб олиб ҳафсала билан ўтоқ қиласр эди.

«Мана сенга», деб жаҳл билан юлар эди бегона ўтларни.

Орадан ўн беш кунлар ўтгач: «Энди жўхори билан макка экамиз», деди она.

– Нимага, экинлар етилмади-ку?

– Жўхори билан макка қадаб чиқсан, ҳосил пишгунча бир-икки қарич ўсиб улгуришади, – деди она. – Сабзавотларни йиғишириб олганимиздан кейин бемалол ўсаверишади. Ҳосил пишганидан кейин эксан, ўн-ўн беш кун ютқизиб кўямиз.

Раъно тешача билан чукурча қазиди, кичкина кафтига уч-тўртта макка донасини олади-да, чукурчага ташлаб, устига тупроқ тортади. «Осон экан-ку» дейди қониқиши билан. Она унга сув изини кўрсатади. Мана шу издан тепага ҳам, пастга ҳам экма деди, чунки суғорганимизда илдизига сув етиб бориши керак. Пастроққа эксанг, нам кўплигидан чириб қолади, тепароққа эксанг, сув етиб бормай, курийди...

У шундай қилди.

Макка дони катта, сариқ, уч тарафи оқиши, учли эди. Жўхори дони эса кичкина, юмалоқ. Аммо орадан беш-олти кун ўтиб, экилганлар униб чиққанида ҳайрон қолди: дони турлича бўлса-да, унган нихоллар бир-бирига ўхшаш экан. Она айтдики, кейинроқ булар ўзгаради, макка баргининг четида сариқ ҳошия пайдо бўлади. Жўхорининг барги камбаргроқ, тукли, макканини эса энли, силлик бўлади.

– Ой қизим, ер ишига доим хотинлар қараб келишган, – деди. – Ҳамма ишни отанг қиласерса, чарчаб қолади-ку? Аёlda барака бор, дейишади. Ўшан-чун куч-кувват керак бўладиган ишларга отанг, майдаларига сен билан мен қараймиз. Отанг саҳарлаб уйдан чиқиб кетиб кечгача меҳнат қиласди, шом маҳали хориб-чарчаб қайтади, шу ишларни бажариб қўйсак, хурсанд бўлади. Жоним қизим, буни рўзғор дейдилар. Ҳамма бараварига уринибтиришмаса, рўзғор бўлармиди? Қара, экин ерларимиз саранжом-саришта, ҳовлимиз топ-тоза. Озгина бўш ер қолган бўлса, дарров гулу райҳон қадаб қўянимиз. Оқила аёл шунақа бўлади, қизим. Ҳали катта бўлгин, ўзингни рўзғоринг бўлади, ўшандада сен ҳам шунақа қиласан.

– Ҳа, шунақа киламан, – деди Раъно, ишонч билан. Она қизини бағрига босиб, ўпиб-ўпиб олди.

Бехи остидаги ариқча ҳануз жилдираб, шўхшан оқар эди. Теграсидаги ўтлар баланд ўсибди, ажриклар учта ёки тўртта учли кўкиш гул очибди, курмаклар эса гулламабди, печаклар оппоқ, майда, бангидевона тўқ напармон ҳошияли катта карнайсимон гул ёзибди. Яна аллақанча отини билмайдиган ўтлар ҳам бор экан, сув тўла турли ўтларнинг уруғи эди.

* * *

- Ариқча, оқяпсанми?
- Ҳа, қизгина, оқяпман.
- Сувинг уругларга түлиб кетибди.
- У ўтлар айёр-да. Келиб юлиб ташлашиңгни сезиб, уругларини сувларимга сочишиди. Оқиб бориб, бошқа хавфсиз жойларга ўрнашишиң, дея.
- Мен ҳаммасини юлиб ташладим. Энди экинзоримиз топ-тоза.
- Яша, қизгина. Жуда ақлли қизсан-да.
- Бўйти, ариқча, мен кетдим. Хоси билан ўйнайман десам, Хосиникидаям иш кўп экан.
- Майли, қизалоқ, яхши бор.

* * *

– Кун сайин ўсяпсан, тикишният ўрганишинг керак, – деди онаси. – Ҳали ўнта боланг бўлса, кийим етказа олармидинг, бир жойи йиртилса, ўзинг тикиб берасан-да.

Раъно игнага ип ўтказиб, кераксиз матоларни бир-бирига чатишириб тикишни ҳам ўрганиб олди. Тикиш икки тур бўларкан: оддий, маҳкамламасдан ўтказиб-ўтказиб тикиш, иккинчиси ўрмоқлаб тикиш. Ўрмоқлаб тикилган жой мустаҳкам бўлса-да, эгри-буғри бўлиб дўппайиб қоларкан, тўғри тикилганида эса чок текис чиқса-да, осон сўтиларкан. Игна бармоғига кириб оғритди, она унга ангишвона ишлатишни ҳам ўргатди.

* * *

- Хоси-и! Хуу-ув Хоси!
- Ҳа?
- Ўйнайсанми?
- Йўқ, ўйнагим келмаяпти.
- Нимага ўйнамайсан?
- Чунки, йиғлагим келяпти.
- Нимага?

– Отам онамни урди, ўшанга.
– Нимага урди?
– Билмайман, ўртоқжон. Күчада ичиб кепти.
Сенларни боқаман деб умрим зое кетди, биттанды
хам қадримни билмайсан деб роса йиғлади, ке-
йин онам бир нима деган эди, бақириб олдига со-
либ қувди... Күркіб кетганимдан йиғлагим келяпти.
Аммо йиғлаганиям құрқяпман.

– Йиғлашгаям құрқадими одам?
– Отам келиб мениям урса-чи?
– Ҳа, унда юр, маккалар орасига кириб оламиз,
ўша ерда йиғлайсан.

Шу тариқа икки қизалоқ қўл ушлашиб, яланг
оёклари қуёшда қизиган шўр ҳовлида куя-куя,
томорқа адогига йўл олишиди.

* * *

Аммо йиғлашга имкон бўлмади. Тўсатдан катта
бир куш пайдо бўлиб, шундоққина уч қадам нарига
канотларини потирлатиб шовқин солиб тушди-да,
бир нимани чанглаб янага кўтарилиб кетди.

– Жўжа ўғриси! Вой, жўжа ўғриси! – дер
эди ҳаяжонланиб Хоси. Йиғламоқчи экани хам
аллақачон эсидан чиқиб кетган эди. – Кўрдингми
канотларини ёйганини? Жуда катта экан-а?

– Ҳа-ҳа, – дер эди Раъно ҳам. – Нимани кўтариб
кетди?

– Билмадим, бориб қараймизми?
– Яна кепқолса-я?
– Келмайди, узоққа учиб кетди-ку.

Бориб қараган жойларида ҳеч нима йўқ эди.

– Ишқилиб, ейдиган бир нимани кўрди-ю оп-
кетди.

– Балки униям болалари бордир? – деди Хоси.
– Қушларни болалари дараҳтда, саватчада ўти-
ришади, – деди Раъно. – Бултур мен боласини
кўраман деб теракка чиқиб, йиқилиб тушганман.

Полапонлари кичкина, туклари тиккайган бўлади. Яқинига борсанг, қўрқиб чий-чий қилишади. Янаям яқинлашсанг, чўқиб ҳам олишади

– Чўқиса оғрийди, – деди Хоси. – Уйда мени товуқ чўқиб олган

– Товуғинг жўжа очдими?

– Кўрсатайми, олтита жўжаси бор.

– Юр!

Икковлон ҳамма нарса эсларидан чиқиб, катта бўлиб қолган жўхори поялари орасидаги йўлакчадан товуқ катаги томон чопиб кетишиди.

* * *

Кушларнинг турлари кўп эди.

Чумчуқлар дараҳт қавакларига ин қуришар, гала-гала бўлиб учишар, анчайин сурбет эдилар. Мусичалар айвонга ин қуришарди, ҳар баҳорда кукулаб тумшуғида хас-ҳашак ташир, отаси унинг эпсизлигидан куларди. Қалдирғоч лойдан халтачага ўҳшатиб ин қуради, отаси бу қуш ҳар лойни ҳам олавермайди, етиб келгунича тумшуғида пишитиб, юмалоқлаб келади дерди. Каркуноқ ҳам борийди, кўримсиз бу қуш пишган жўхорилар узра ёпирилган чумчуқлар галасини ҳайдар, ҳавода чангаль соларди. Баъзан зағчалар пайдо бўлишарди, булар янада сурбетроқ бўлиб, бир-бирлари билан чағиллашиб уришиб ҳам қолардилар. Қизилиштоннинг эса улар билан иши йўқ, кун иссиғидаги жимлик аро тўсатдан дараҳт танасини тўқиллатиб тешаётгани эшитилиб қоларди. Яна сассиқпопишак билан сариқсўфиён деган қушлар бор эди, сариқсўфиён «Куёв-куёв, кимга куёв» дея сайрарди.

Баъзан кўм-кўк самода қанотини ёйиб бамайлихотир айланиб учайтган калҳат пайдо бўлиб қоларди. Жўжа ўғриси шу эди. Айланиб-айланиб зериккач, узоқларга учиб кетар, Раъно унинг ортидан караб қоларди.

Қисқаси, Раъно яшаб турган кичкина ҳудуднинг жонлию жонсизи, тиллию тилсизи, дараҳтию ғупроғи – ҳаммаси бир бўлиб, ана шу тарзда, қавму қариндошлар каби ҳаёт кечирав эдилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Раънонинг бўйи чўзила боргани сайин юмушлар ҳам орта борди. Ёзда ҳосилни тўплаб, иссиқда макка сўталарини қайириш, она билан бирга жўхори ўриш, дасталаб бойлаш, илдизларини кўчириб томорқа адоғига тўплаш, қуригач, бостирма остига олиб бориб босиш каби юмушларнинг адоғи кўринмасди. Гоҳо Раъно онасига қўшилиб хамир ҳам қорарди. Хамирга хамиртуруш қўшарди, қўшни – Хосининг онасининг хамиртурушининг мағзи ширин, ўшандан опчиқарди. Вакт шомга яқинлашганида онасига қўшилиб овқат ҳам пиширади.

Турли ўтинлар ёнганида турли ислар чиқаарди. Тут ўтини сарғиш-қўнғир учкунчалар ҳосил қилиб оч-яшилтоб тусда ёнса, ўрик ўтини шиддатли ёрқин тилларанг аланга чиқаарди. Терак шохи эса дарров ўт олар ва дарровгина ёниб бита қоларди. Раънога ўрик ва тут ўтинининг иси ёкарди.

– Оз масаллиқ билан ширин овқат пиширишни ўрганишинг керак, қизалоғим, – дер эди она, қозонга ёғ солиб, жизиллатиб пиёз ташларкан. – Рўзғорда ҳар доим ҳам тўкин-сочинлик бўлавермайди. Тўкин-сочинлик бўлганидаям шу қоидага амал қилишинг шарт. Қара, отанг ҳамма майда-чуйдаларни уйга оп-келди. Энди буларни бир ҳафтага етказишинг керак. Гўштни тузлаб, шамолли жойга осасан, шунда қоқ гўштга айланиб, анча муддат бузилмай туради. Сабзиларни ерга кўмасан, ўрада салқинда турсин, пиёзни эса кўмиб бўлмайди, у «эгам мени экиб кўйди» деб ўйлаб ўсиб кетиши мумкин.

— Вой, шунақа деб ўйлайдими? — деб қиқир-қиқир кулди Раъно, пиёзнинг аҳмокгарчилигини кўз олдига келтириб.

— Одамнинг қорни озгина нарсага ҳам тўяди. Шунинг учун кўп овқат пишириш шарт эмас. Ҳар пайшанба ва бозор кунлари палов пиширасан. Бошқа кунлари эса мастава, шавла, шўрва, нон-палов пиширсанг ҳам бўлаверади. Манти, чучвара кабилар кўп меҳнат талаб қиласалар, уларни аҳён-аҳёнда, кўпинча меҳмон келганида ҳозирлайсан. Тушликка овқат пишириш шарт эмас, ҳамма уйда бўлган кунлари қайнатма ёки қовурма шўрва қилганинг маъқул, шўрвага мўл-кўл пиёз, кўкат соласан. Қовурманинг бир бўлак гўшини сарёғда қовуриб олсанг яаям ширин чиқади. Истасанг пишишига бир-иккита тухум чақиб юборасан, сабаби — гўшт қиммат, тухум эса арzon нарса, уни сотиб олмасанг ҳам ўз товукларимиз туғиб турибди, — дея ўгит берди она.

— Шўрвани тўлдириб қуймайсан. Ширин овқат пиширишнинг ўзи бўлмайди, уни чиройли қилиб сузишинг, қилган меҳнатингни кўрсата олишинг ҳам керак-ку.

Кечакотган нонларни узунасига кесган эдик, эсингдами? Улар қуёшда роса куриди, ўшаларни шўрвага қўшиб берсанг ҳам нон исроф бўлмайди, ҳам ширин бўлади. Нонни шамолда ё шабадада қолдирма, нонқутига солиб, дастурхон билан ўраб қўй. Очиқда қолса, ноннинг сувини шабада куритиб кетади.

Эна

Эна — қўллари ғадир-будир, ёноқ суяклари туртиб чиқиб турадиган илдам кампир эди.

Энаникода ҳам табиат жўшиб ётар, бир қарич бўш ер йўқ, аммо ҳовлининг тупроғи нимагадир шўрлашган, ёзда оппоқ оқариб ётарди. Эна доим бир хилда тўқ яшил тусли енги узун кўйлак кийиб,

тоғанинг яхтагини бошига ёпиниб олар, қизиги шундаки, саватми-дастурхонми, бошига шундоқ күйиб олиб кетаверарди. Шу нарсаны кейинроқ онасида ҳам күрди: кузда бепоён далаларга чиқиб, узундан-узақ тутқаторлар тагида ўсган ўтларни ўришди, бир ғарам бўлгач, она маҳкам бойлади-да, бир зўриқиб бошига кўтариб, илдам кетаверди. Раъно ҳам озгина ўт ғарамини шундай қилиб кўрган эди, оғирлигидан йиқилиб тушгудай бўлди. Буни кўриб она кулди, ҳали ўрганмагансан-да, деди.

Буваси, яъни онаизорнинг отаси анча йил бурун ўтиб кетган, ҳозир тоғалари билан эди. Учта ўғил бирин-кетин етилиб келмоқда, қандай қилиб уйлаб-жойлаб оларканман, дея койинар эди эна. Гоҳо онаси Раъони энага ёрдамга жўнатар ҳам эди.

Энаникидаги ишлар ҳам ўз уйидаги каби эди. Томорқани сувда оқиб кетган уруғлар туфайли ўт босар, уларни юлиб тозалашар, хазонларни тўплаб, супуриб-сидиришар, уй «кўтаришар», идиш-товокларни саранжомлашар, фарки шундаки, у хона-донда сигир-бузоқ ҳам бор эди. У – қўшиқни яхши кўрадиган ола сигир эди, бир нимани хиргойи қилиб турмаса, туёғи билан пақирни даранглатиб тепиб ағдарар, оппоқ кўпириб турган сутнинг бир қисми ерга тўкилар, шунда эна жони ачиб, сигирни уришиб-кайирди.

– Ҳаҳ ўл, – дерди. – Сутингни қизғаняпсанми? Ана, бузоғинг эмиб олди-ку, энди мени болаларим-гаям бергин-да?

* * *

«Киз тушмагур, кўйлагинг дарров калта бўп-қопти, ўсаверасанми?» – дея ҳазиломуз койийдиган бўлди уни онаси.

Гапирадиган қушлару дарахтлар Раъони алла-қачон қизиқтирмай қўйган, энди у ҳодисалар ўзининг тасаввuri туфайли шундай тулганини

биларди. Беҳи ҳам гапирмас эди, аммо у билан сұхбатлашғанлари Раънонинг эсида, албатта. Шоҳ-часига чиқиб олиб, шириндан-ширин меваларини егани учун ўзича беҳидан миннатдор ҳам бўлган эди. Пахта беҳи деб атарди уни Раъно, чунки мева-сининг сирти текис ялтироқ бу нав сувли ва жуда мазали бўлиб, нарироқдагиси тош беҳи, қизиғи шундаки, у Раъноларнинг беҳиси эмас, кўшниники бўлиб, болалар шоҳларига чиқиб меваларини ейишса ҳам қўшни лом-мим демас, жилмайибгина қўяр эди. «Мевали дараҳтнинг қўшни томонга эгилган шоҳи – қўшниники», дер эдилар.

Болалигига Раънони қўркитган нарсалар ҳам узоқлашган, жўнлашган, жингул шоҳларидаги ажиначалар аллақачон ўлари чиқиб келган хаёллий маконларга жўнаб кетишган, бир маҳаллар қўрқанларини эсласа, уялар ҳам эди. Ажабки, у хаёллий маҳлуклар бирон марта ҳам зарар етказмабди, яъни у, ўзи ўйлаб чиқарган нарсаларидан ўзи қўрқибди, холос. Қилич қўтарган қора киши, ўрама тўфонлар, ажинанинг уйи ва шунга ўхшаш болалик тасаввuri ҳосилаларининг бари сезилар-сезилмас оддийлашиб, жўнлашиб, олислашиб борар эди.

* * *

Бир куни она, холасининг касал бўлиб қолганини айтиб: «Кўргани бориб келамиз», – деди.

Она тандирда нон ёпиб, сомса пиширди. Сомса-га оқ пиёздан тўйрайсан, бироқ гўштини ўзинг чоп, деди. Учбурчак қилиб сомса ясашди. Сомсалар қип-қизарип пишди. Еб кўрса жуда ширин чиқиби, яна егиси келдию аммо ўзини тийди.

«Ўзингни тиясан-да, болам, – деди она. – Жуда кўп нарсалардан тийилмасанг бўлмайди. Жон қизим, масалан, меҳмонга борсанг, егинг келган нарсалардан ҳам тийиласан. Чунки у одам бисотида борини олдингга қўйган бўлади».

Кейин она қозон осди, тагига олов ёкиб, тухум аралаш гүшт қовурди.

«У ернинг овқати овқатми, уйникига нима ет-син», – деди она.

Таомни чинни косага солиб, гулли янги дастурхонга яхшилаб ўрашди. Сўнгра она-бола йўл ёқалаб касалхонага жўнашди.

Хола қўзлари киртайиб, озғин, қуруқшоқ бармоклари билан кўрпани чанглаб ётган экан. Уларни кўриб хурсанд бўлди: «Мени кўргани жияним кепти», – деб суюниб, Раъннинг бетларидан чўлпчўлп ўпди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач:

– Нима дард келақолди сенга? – дея сўради она.

– Билмасам, ичагим буралиб оғрийверди, ўтиб кетар десам, ўтмади. Дўхтирга келсам, ётқизиб қўйди, – деди хола.

– Қанақа дорилар ичяпсан?

– Қайдам, сўрабманми? – дея кулимсиради хола. – Ишқилиб, бир нималар беряпти. Ичяпман, хийла тузукман шекилли.

– Ранг-рўйинг бинойидай, – деди она. – Сира камалга ўхшамайсан.

Раъно анграйиб қараб туради. Ахир, холанинг ранг-рўйи сирам бинойидай эмас-ку? Авваллари унинг уйига бир-икки борган эди. Уй битмаган, аммо янги, кўчаси тошлоқ, томорқаси ҳам сариштамас, маккалар пишиб-сарғайиб кетган, ўриб олишга одам йўқдай эди. Ариқ бўйидаги ялпизлар ҳам ўсиб, уруғ солиб юборишган экан. Бу хотин ўшандаям соғ эмас эди.

– Энди хафа бўлмайсан, қизим, чой қўйиб, дастурхон ёзай десам, аҳвол бу, – деди хола Раънога ўнғайсизланиб, хижолат тортиб.

Уига қайтаётганларида Раъно онасидан сўради:

– Холам бинойидай эмас-ку, нимага унақа дингиз?

– Мехмон дуо қилади. У дуо кўзга кўринмас шаклда кўк тоқига кўтарилади. Фаришталар ҳам дуо қиладилар. Ўша ерда катта бир хазина ҳосил бўлади. Бир куни ўша ерга борганингда хазинангни кўрасан. Ширин таомингни бир ўзинг пишириб есанг маза қиласан, аммо қанчадир вақт ўтиб, яна қорнинг очқайди. Мехмонга берганинг ўзингники, еганинг ерники, болам.

Раъно бу гапга чиппа-чин ишонди, боз устига, она айтдими, демак, албатта риоя қилиш керак. Ке-ракмасдай ёки ҳатто заарлидай туюлаётган қанча нарсалар бор, уларни Раъно факат она айтгани учунгина бажаарди-ку? Масалан, ҳар куни тонг саҳарда туриб, кўча супуришни кимга кераги бор? Кўча чиннидай қилиб супуриши, кейин сув ҳам сепилиши керак, токи саҳарлаб кўчадан ўтган кишилар дуо қилиб алқаб кетсинлар. Супуриндини тандирга ташлаш керак, хас-чўплар шунда ёниб кулга айланади. У кулни олиб идиш-товоқ ювишга ишлатса ҳам бўлаверади.

Томорқа ишлари ҳам бирдай давом этарди. Яна дала тозалаш, ғириллаб эсган шабадалар, чайқалган тераклар, қуруқшаган поялар.

– Макка пояси ширин бўларкан, шимиисанми? – деди Хоси.

– Йўғ-э, пўсти тилингни қирқиб юборади-ку?

– Эҳтиёт бўлиб шимасан, – деди Хоси.

Шундай қилдилар. Ҳақиқатан ҳам поя ичидаги сув мазали экан.

– Лекин жўхори поясининг суви ундан ҳам ширинроқ, – деди Раъно.

– Жуда қизиқ қизлармиз-да, – деб кулди Хоси. – Тентираб юриб-юриб, бир нималарни топиб еганимизга ҳайронман.

Пўқаклар ҳам ширин бўларкан. Теградаги дарахтларнинг танасида сирач каби ғалати елимсизмон ғуддалар бўлар эди. Шуларни ҳам мазасини

тотиб кўришди. Ўрикнинг елими ширин экан, буни билиб қолган она: «Лекин шафтolinинг елимини сб бўлмайди, жинни бўлиб қоласан», дея уришди. Ёхиникини ҳам еб бўлмайди. «Аммо беҳи донаси ўтлар орасига тушиб чирийди, ҳолва каби жигарранг тус олади, ўшани яласанг жуда ширин бўлади», деди Хоси.

Булутлар ўз-ўзидан сурилиб келар, майда ёмғир томчилари теваракни шитирларга тўлдириб юборар, булутларнинг пайдо бўлишларига ва ўтиб қайга кетишларига ҳам қизиқар эди-да.

Дунё қайдан бошланиб, қайда тугашини ҳам билгиси келарди.

- Хув тоғларнинг ортида ҳам одамлар бормикин?
- У ёқда одамлар яшамайди, – дерди Хоси. – У ёқда девлар, аждарлар яшайди. Одамлар фақат биз томонда, холос.
- Яшаса ҳам бошқача одамлар бўлса керак, копкора, юзи кўк, – деди Раъно.
- Йўқ, у ёқларда лўлилар яшайди, – деди Раъно. – Лўлилар келганида уйга кириб яшириниб олиш керак, бўлмаса опкетиб қолишади.
- Э, бизга нима, – деди Хоси.
- Телевизор кўрдингми? – деб сўради у.
- Отам рухсат бермайди, – деб жавоб қилди Раъно. – Атай бузиб қўйган. Лекин аввал бир-икки кўрганман. Ғалати кишиларни кўрсатади-ку? Кулишади, беўхшов гаплар гапиришади... ўзимизни одамларга сира ўхшашмайди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Хола тузалиб қолган экан, дастурхонига янги ёпган нонларидан ўраб, уларни кўргани келди.

– Қошингни қораси ювса кетарми? – деди уни кучиб. – Айланай сендан, кўз тегмасин, мунча чиройли бўлмасанг, ўлгур? Қалдирғочни қаноти-я, менга бермайсанми?

– Бермайман, – деди Раъно қулиб.

– Қизғанасанми, а, қизғанасанми? – деди хола. – Унда билиб ол, менинг қошим сеникидан чандон қуюқ, қоп-қора эди.

– Унда қани ўша мақтаган қошларингиз?

– Болаларимга бўлиб бердим-да, – деди хола. – Бешта болани ҳар бирига бўлиб берсам, ўзимга нинаям қоларди?

* * *

– Боққа кирсам, бир олма роса қизариб пишибди, – деди она қулиб. – Бозорга олиб чиқиб сотиб юборақолсаммикин?

Ҳақиқатан ҳам боғнинг олмаси бир тарафи тарам-тарам қизғиш, бошқа тарафи оч-яшил бўлиб етилган, якинига борса, бошни айлантирас, ширин исиям гуркираб турарди.

Раъно энди айтилган гапнинг тагида бошқа гап бўлишини билиб олган эди.

– Сотиб нима қиласиз, – деди ғаши келиб. – Зарари тегяптими, бечорани?

– Вой, нимага зарари тегар экан? – деди она. – Мева етилса узиб эгасига берасан-да! Ерга тўп этиб тушсинми бўлмаса?

– Тушса тушаверсин, – деди Раъно зарда қилиб.

– Қўярмидим? – деб кулди она. – Халқни кўзига катта тўй қиласиз ҳали.

– Халқингиз билан нима ишим бор? – дея лаб бурди Раъно.

– Бекор айтибсан, билсанг, боринг ҳам, йўғинг ҳам шу эл, – деди она.

Шу эл сенга қиймат берса, қадринг ошади, қиймат бермаса, моховдан баттар бўлиб қоласан.

Тўй қиласанг ҳам шу элга қиласан, бўлмаса кимгаям қиласинг?

Маросиминг бўлса ҳам шу халқ келиб қарайди.

Юкингни кўтаради, шодлигингга шерик бўлади, мусибатингни аритади.

Ўзингни юртингда ҳамма сенга қавму қариндош, ҳамма сенга жигар.

Бирор бегона жойга бориб кўр-чи, бирор сенга «кел» дермикин?

Бирор иккита нон кўтариб чиқармикин, тўй-тўйчиғида худди ўзингникидай ўйнаб-кулиб ўтира олармикинсан?

* * *

Ота хасталаниб ётиб қолди.

Куз келган эди. Беҳининг япроқлари олтинранг тус олган, терак қирмизи тилларанг, ўтларнинг узун барглари тубидан оч-яшилтоб тус олиб сарғайган, ариқ суви яшил тус олган эди. Ҳавода мезонлар учча бошлади. Эрталаблари ўтлоқлар шудрингдан жиққа хўл бўларди, экинзорларнинг кулранг тупроғи намдан қорайиб қоларди.

– Нима бўлди сизга? – деди она.

– Билмадим, – деди ота, иҳраб. – Шу, биқиним санчиди. Анчадан бери санчиб-санчиб қўярди, ўтиб кетар деб юраверибман, энди кучайиб кетди.

– Вой ўлмасам, нима қиласамиз?

– Мақсад дўхтири ни чақирақол, – деди ота.

Она қўшниникига чиқиб кетди У ердан «Мақсад дўхтириникига бориб келинг, болам, акангизни мазаси қочиб қолди», дегани эшитилди.

Раъно отасининг ёнида не қиласини билмай ўтиради. Бир нима деб кўнглини кўтаргиси келарди, ўйлаб туриб-туриб, ахийри:

– Чой дамлаб келайми, ота? – деб сўради.

Отанинг атрофи тиришларга тўла кўзида илиқ ифода пайдо бўлди.

«Жоним қизим», деди овози алланечук ўзгариб. Яна бир нималар демоқчи бўлиб жим қолди, аклидан ўтаётган ўйлари кўзларидан билинар эди. Ҳар ҳолда, суйиб-алқаб анча гаплар айтгиси келган бўлиши мумкин. Кейин қийналиброқ бир ютинди-да:

– Майли, қизим, – деди.

Раъно отанинг айта олмаган гапларини тушунгандай эди. Ўша маҳалда нималар дегиси келган экан улкан гавдали барваста бу кишининг? Қалб се-зуб туғён кўтарар, ўзини ота бағрига отгиси, тўйиб-тўйиб юзларини ишқагиси, яна аллақанча номаълум истаклар бор ва ҳаммаси қизнинг отага бўлган улкан меҳридан бино бўлмоқда эди.

Лекин ота ҳам бир нима демади, қиз ҳам.

Раъно айвонга борди-да, чой дамлашга тутинди.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсаверадилар:
кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Раъно ўн олтига тўлди.

Ишлар, юмушлар бир зайлда давом этар эди.

Она кўчага камрок чиқишини тайинлади. Энди у ариқдан сув олгани ёки эрталаблари кўча супургани чиқарди, холос. Шу ўтган бир неча йил ичиде деворнинг сувоғи анчайин ўзурлашди, уваланиб кўчиб тушди, бир-икки жойида синчлари ҳам хиёл кўриниб қолди. Уваланган жойдан тушган тупроқни ҳам супуриб, тўплаб олар эди Раъно. Вассаларнинг кўчага чиқсан тарафи қорайиб, ёрилиб-ёрилиб кетибди.

Шу ўтган бир неча йил ичиде теваракда ҳам, кишиларда ҳам анча-мунча ўзгаришлар содир бўлди. У билган дараҳтлар қувватга кириб мева тугди, баъзилари қартайди, масалан, этакдаги шафтоли бир тутам бўлиб қолди, шохлари қорайиб, бужури кўпайди, япроқлари ожиз, шу холида ҳам аччиктирсиқ мева солмоққа тиришар эди. Ота ҳам анча букчайди, юзидағи, бўйнидаги тиришлари кўпайди, она эса нимагадир тўлишиб, эт олди. Бир маҳаллар бежирим ва чиройли юзи ҳам кўпчигандай туюлар эди. Раъно эса янада дуркунлашди, соchlари ҳам қошлари каби қалин, қоп-кора, узун эди. Гоҳ ўзини ойнага солиб дикқат билан разм соларкан, чиройидан кўнгли тўлмас, гоҳ юзи, гоҳ бурни, гоҳ кулоғи ўзига ёқмас ва ойнадан шарта бурилиб кетиб ҳам қоларди.

Қишлоқнинг балоғатга ета бошлаган бўз болалари қизиқсиниб қарашларини нигоҳларидан сеза бошлагани сайин ўзича янада мағурланиб, чиройли бошчасини янада киборроқ, янада адл кўтарар, у нигоҳларни сезмаганга олар, лекин шу билан бирга,

ич-ичида мағрурланишга ўхшаш ёқимли бир хис хам живирлар эди. Жуда тубда, элас-элас: «ҳа, чиройимни қўриб эсинг оғаёздими», деганга ўхшаш нотаниш, аммо илиқ бир туйғу бош кўтартмоққа уринар эди. «Кўриб қўй, мен шунақа чиройлиман», дер эди у туйғу. Лекин бошқа бир ҳайбатлироқ ва залворлироқ ақл овози у туйғу сасини ўша заҳоти учирарди.

Ҳар ҳолда, сўраб-суриштирадиганлар кўпайиб қолган шекилли, она Раънодан мутлақ озодаликни талаб қила бошлади. Ҳовлининг кўз тушмайдиган энг чеккасида бўлса-да, бир хас қолмасин деди. Ҳаммаёқ озода бўлиши шарт. Қилмайман, деди тўрсайиб Раъно. Ўлсин, келадиган совчиларга ёқаман деб шунақа киламанми? Озода бўлмасанг менга маломат опкеласан, қиз тушмагур, деди она. Сени бирор маломат қилмайди, онаси тарбияламапти-да, дейдилар.

Келган-кетган кўп эди. Нихоят, бир куни она Раънога гап очди. Фалончининг бир ўғли бормиши. Келишган, ақлли, оғир-босиқмиш. Оиласи ҳам камсукум, аммо топган-тутгани ўзларига бемалол етадиган бир рўзғор эгаси эканлар. Биттагина ўғилишиш, авлод-аждоди ҳам тузук одамлар ўтишган экан. Шулар сенга оғиз солишаётган, деди.

Отанг ҳам розидай, деди она.

Отанг кўча-кўйда таниш-билишларидан сўрабди, мен ҳам, амма-холаларинг ҳам: «Қанақа йигит экан» деб қизиқиб суриштирдик. Ҳамманинг бошидаги қисмат сенга ҳам етиб келди, хўп десанг, тайёргарчиликларимизни кўраверсак?

Раъно не деярини билмас эди.

Бир томондан мана шу эскигина, аммо озодасаришта ҳовлисидан сира кетгиси келмаса, бошқа томондан, ашёлари ловуллаб турган янги хонадон, келинларнинг охори мўл либослари, қошларига

ўсмалар кўйиб юришлари қизиктирас ҳам эди. Она айтган тутумларнинг биронтаси бу вазиятга мос келмаётган, «Ҳа» деса ҳам, «Йўқ» деса ҳам бўлмайдиган бир ҳолат ўртага чиқсан эди.

Қолаверса, отаси «маъқул» дебдими, демак, ҳақиқатан ҳам яхши инсонлар бўлса керак, дея ўйларди. Ота сира адашмаган, ҳамма нарсани биладиган қурратли ва ғоят ақлли модомики у шундай деган бўлса, ортиқча гап-сўзга сира ҳожат йўқдай эди.

* * *

- Ариқча, оқянсанми?
- Ҳа, қизгина, оқяпман.
- Отам эрга бераман деяпти, нима қилсан экан?
- Ҳамманинг бошида бор бир қисмат-да, кўнмай қайга борардинг?
- Қайдам... Қандай одам экан, қанақа хонадон бўлар экан, ўйлаб ўйимга етолмайман.
- Ташибни қилма, Худо сендай қизни яратади-ю баҳтиргни бермайдими? Худо хоҳласа, ажойиб ҳаёт кечирасан, бир этак болаларинг ҳам бўлади.

* * *

Совчилар яна келишди. Энди уларга бериладиган жавоб аниқ эди.

– Сахар келиб кўчангизни супуриб кетай десам, замон бошқа, аммо шу қизингиз учун йил бўйи ҳар куни супуришгаям розиман, – дея авради куёвнинг аммаси, семиз хотин.

Ўз амма-холалари ҳам шунда эдилар.

– Сиздай хушмуомила, ҳар нарсани ўйлаб иш тутадиган оиласа бермасақ, кимгаям берардик, – деди она. – Қошимни остида, кипригимни устида авайлаб ўстирган қизимга ўзимдан ҳам яхши она

бўласиз-ку, сизниам, авлод-аждодингизни ҳам яхши биламан.

Бу бир ишора замирида ўксикроқ бир ҳайиқиши ҳам сезилар эди. Яъни, беришга берамизу аммо шунча йил заҳматлар билан катта қилган қизимга ўз болангиздай қаарармикансиз деган бир ёлвориш ҳам бор эди.

Нон синдирилди, оқлик берилди. Келганларнинг эркакларига белбоғ, аёлларга рўмол, дастурхонларига нон ва қанд-қурс солинди. Совчилар хушҳол, юз-кўзлари севинчу мамнуниятдан порлаб, хайрхўшлашиб жўнашди.

«Худо хоҳласа, энди қариндош бўлдик», дейишди кетар олдидан.

«Оқлик ҳам берилди, Энди бу ёғи тўй, қиз ўлгур» деди холаси Раънони биқинини чимдид, севибсуйиб.

«Ҳой қиз, энди кўчага чиққанингда қариндош уруғларидан биронтаси ўтиб қолса қочгин, – деди она. – Йўлинг ўша томонга тушса, у кўчадан юрмагин.

Гапиришса гапирмайсан, кўришаман десаю қочгани иложинг қолмаса, ерга қараб турасан.

Элнинг кўзи сенда бўлади, буларнинг бари сенинг ҳаё-одобингни кўрсатадиган нарсалар, хушёр бўласан».

Кўни-кўшнилар – кенг-мўл гулдор кўйлак кийган шаддод-шаддод хотинлар кўрпа-тўшак қавигани чиқишиди.

Қоқ ерга каттакон палос солинди. Кўшнилар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, тўшак қавир эдилар.

– Қиз тушмагур, чой-пой дамлаб келсанг-чи, сенга кўрпа қавиймиз деб белларимиз қотиб кетдику, – деб ҳам қўйишишарди.

– Керак бўлса ўзингиз дамлаб олаверинг, – дер эди Раъно.

– Зарда қилмай қол, – деб кулар әдилар қүш-шілар.

Раъно одамлар күзидан ҳам қочар бўлди. Чунки нафақат тенг-тўшлари, ҳатто кичкина болалар ҳам «Келин! Келин!» дея мазахлар әдилар.

* * *

Икки кундан кейин ўша кишилар, ёнларига яна бир-икки одам қўшилиб, қопларда гуруч, сабзи, саватда янги ёпилган патирлар, ширинликлар, келинга сидирға кўйлаклар олиб, оқ кийгани келишди.

Раъно уйдан чиқмай ўтиради. Келгувчилар бир нималарни гаплашиб, қўпроқ ҳазиллашиб ўтиришли. Бугун сахарлаб она ва хола тандирга сомса ёшиб, қатламалар пиширишган эди, келгувчилар-нинг дастурхонига шу қатлама-сомсалардан солиб қайтаришди. Улар олиб кетган патирлару қанд-курсларни қўшниларга тарқатиб чиқиши.

Яна бир неча кун ўтгач, «қозон оши» бўлди. Куёв томондан уч киши аравада иккита кўй, битта нимта, ёғ, икки қоп ун, гуруч ва сабзавотларгача опкелишди.

– Ана, сени сотиб бой бўлдик, – деб кулди она.

Кўйлар бостиurmaga бойланди, нимтадан эса шўрва ташлаб қўйишди, нонлар ёпилиб, юпқа пиширилди. Келгувчиларга тўн, белбоғ, яхтак, аёлларига қора чийбахмал ё бандорас тўн берилди.

– Куёвимизга ҳам зиёфат юборсак арзир? – деди хола. У учун атай тикилган «майса бекасам» тўн, хонатлас қора белбоғ, қўй тўши пиширилиб, товоқда пистаю бодомлар билан бериб юборилди.

Тўй куни ҳам шу бугун белгилана қолди.

Тўйдан бир кун аввал «нон-патир» маросими бўлди. Юзталаб нон ёпилди, қатламалар пиширилди. Халққа: «Бугун фалончиникида «нон-патир», эртага тўй», деб маълум қилинди.

Куёв томон яна иккита қўй, қопда ун-гуруч келтириб, бугун никоҳ ўқилади деб, маълум қилиб кетишиди.

Кечга яқин мулла келди. Куёв ўртоғи билан банирас тўнини ёпиниб келиб турган эди. Ичкари уйга кирилди. Куёв тўрга, Раъно эса пойгак томонга ўтиради. Орага бир коса ширин сув қўйилди, мулла бува ҳар икки томондан розиликларини сўради, куёв биринчи сўрашдаёқ «Ҳа» деб жавоб қилди, Раънодан сўралганида эса лом-мим демай ўтираверди. «Сукут – аломати ризо», деди мулла бува дўриллаб. Хуллас, никоҳ ўқилди, ўртадаги никоҳ сувидан икковларига ҳам ичирилди.

Никоҳ ўқилаётган маҳал куёв устидан гуруч сепилиб, учи тугилмаган узун оқ ип ўтказилган игна билан тўнининг елка қисмидан тинимсиз тикиб туришди, умр йўллари шундайин оқ, шундайин узун бўлсин, дея.

Махр айтилди.

Кечга яқин Раънонинг тенг-тўшлари келишиди. Зардўз сўзаналар, рўмолу рўмолчаларнинг учлари бойланиб, уй теграсига қаторасига осилди, куёвбоя ўтирадиган жойга энг чиройли, энг нафис сўзана бойланди.

Бир маҳал «куёвнавкар келди» деган гап-сўз таралди. Ҳамма шошиб қолди. Чилдирма дўпдўпию карнай-сурнай садоси остида куёвнавкарлар ҳовлига кириб келишиди, ишкомлар тагида туриб олиб, қуюндай бўлиб ўйнашди.

Куёвнавкар кирадиган уй остонасига туриб олган амма-холалар: «Ҳо-о, кириб бўпсизлар, қани тўнгак пули?» деб туриб олишган эди, йигитларнинг эпчилроқлари уларни елкалари билан суриб, ичкарига кириб кетишиди.

Куёв зиёфати тезда нихоя топди. Куёв куёвнавкарлар даврасида тўн ёпиниб келиб, тўн ёпинганича

чикиб кетди. Раъно бу маҳал қўщнининг уйида эди, уни ўз уйига қайтиб олиб чиқдилар, исириқ тутатдилар, соchlарига оқ паҳтадан узун пиликлар бойлаб ўрдилар, оқ сурп қўйлак, маҳси-кавуш кийдириб, наранжи ёпинтиришиб, ота оёғига бош урдирдилар.

Ёр-ёрлар шунда авж олди.

Оқ милтиг-о қора милтиқ отган отам...

Қолганлар жўр бўлиши:

Ёр ёр-о, отган отам...

Қиз уйидаги ёр-ёр садолари ишкомлар, томорқалар, тераклар узра қалқа-қалқа ҳаволанаверди:

*Ўз қизини-ё бегонага сотган отам,
Ёр ёр-о, сотган отам...*

Ажабки, бу ғалати ёр-ёрни айтиётганларнинг бари шод, бари хуррам эдилар:

*Ўз қизини ўрнига-ё бодом эксин,
Бодом шохи титраса-ё болам десин...
Ёр-ёр-о, болам десин...*

Дарвозахонага яқинроқда тўпланган эрқаклар, кий-чув солаётган хотинлар, кувалашиб ўйнаб юрган майда болалар узра ёйилаверди тўй ёр-ёри:

*Узун-узун аргамчи-ё, ҳалинчакка,
Оппоқ қўйлак ярашади келинчакка,
Оппоқ қўйлак енгига-ё тут қоқайлик,
Куёв бола бағрига-ё ўт ёқайлик.*

Раъно ота оёқларини кучоқлаб, бошларини уриб йиғлади, кетмайман деб дод солди. Ота қўзлари жиққа ёшга тўлиб, овози титраб, хўнграмоқдан бери бўлиб: «Жоним болам, илоё, борган жойингда униб-ўсгин», деб дуо берди.

Шу тариқа, мана шу хонадонда чопқиллаб-чопқиллаб ўсган, юмушларини сира оғринмай адo этган, бўйи етган сайин эси кириб, ҳаммаёқни саран-

жом-саришталаган, аммо тақдир чархпалагининг бир айланишида шу қадрдан ҳовлисидан бошқа бир хонадонга тош каби отилиб кетаётган Раъно қизни ота уйдан олиб чиқдилар.

Борар жойингда тошдай бўлгин, дея дуо қилишди амма-холалар. Тошдай тушгину тошдай қолгин, қизгина.

Келин кетаркан, шўрлик онаизори ҳам қизининг сеп-суругини, бўхчаларини кўтариб, орқасидан жўнади.

Боргунча ёр-ёр айтиб борилди. Гуриллаб ёнаётган олов атрофини уч айлангач, амма-холалар қизни келин уйига олиб киришди. Куёвнинг амма-холаси шу ерда экан, улар қаттиқ-қаттиқ гаплашибашар, шарақлаб қулар ғодилар. Раънога қатикка шакар кўшиб ичиришди. Уй деворларининг шифтга яқин қисмига узун чилвирлар тортилиб, уларга келиннинг сеплари осиб безатилди. Рўмоллари, кўйлаклари, дастурхону сочиқларигача осилди, чимилидик тутилди.

Ташқарида эски матолардан тўпчалар ясалиб, мойга ботириб осиб кўйилган эди, ўшалар ёқилгач, ҳовли чароғон бўлиб кетди. Тўй кўргани келганлар, бола-чақа, хуллас, ҳамма ўйин-кулги қилаверди.

Аста-аста эсиб турган шамол кечга яқин бирдан кучайди, кунботардан қора булутларни ҳайдаб олиб келди, тўсатдан шаррос жала қуиди. Шунда онаизорининг: «Қозоннинг қирмочини емагин-а, қизим, тўйингда ёмғир ёғади», деганлари эсига тушди: «Вой, тавба қилдим, рост экан-да», дея ҳайратланди.

Ичкари келин билан бирга келган қизларга тўла эди. Катта ёшли аёллар келишмаган, даврада фақат ёш қиз-жувонлар эди. Улар уй ясатишди. Дастурхон ёзилди, еб-ичиб, ўйин-кулги қилиб ўтиришди.

Ташқаридаги ўйин-кулги тугагач, кетган кетиб, қолган қолаверди. Эрталаб ҳамма ўз уйига жўнади.

Онаизор чойнак-пиёла, идиш-товоқларини олиб, хотинлар билан етиб келди, «юз очар» бўлди.

Оқ сурп мато билан Раънонинг юзини ёпдилар. «Келяпти, қайноаси келяпти», дейишди хотинлар. Ўир маҳал қайнона қўлида супрасию уни билан кириб келди. Супрани ўртага ёйдилар, Раънога: «Унни хамир қоргандай қилиб ғижимланг», дейишди. Раъно чўнқайиб ўтириб шундай қилди. «Маҳкаммаҳкам ғижимлайверинг, қизим, қўлингиз хамирдан чиқмасин, баракали бўлсин», дейишди. Шундан кеийин амма-холаси икки қўлтиғидан тутиб ташқарига опчиқиши, ўчоққа ўт ёкишиб, идишдаги ёғни қозонга уч марта оз-оздан куйдириши. «Қозонинг доим ёғли бўлсин, муҳтожлик кўрмагин», дейишди.

Шундан сўнг куёв тарафнинг ёш болаларидан бири илжайиб туриб, мевали дараҳтдан синдириб олинган кичкина чўп билан келиннинг юзидағи сурпни юлқаб олди: «Хой бола, олиб бориб онангга бер, сенгаям шунаقا келин насиб қилсин», ейишган эди, бола уялиб, қочиб кетди.

«Юз очар» маросими мана шундай бўлиб ўтди.

Раънони ичкарига қайтиб опкириши. Чимилдиқ кўтарилиди, куёв томон келинга атаган нарсалари ни олиб кира бошлишди: бирор палос, бирор гилам, бирори тўп мато кўтариб олган эди. Кирганларга тўн, белбоғ, сочик, қарироқларига тўшак-болишлар берилди.

Шундан сўнг ҳамма кетиб, янга қолди.

Шундан сўнг куёв кирап бўлди.

«Куёв бола кириб келганида бурчакда кутиб турасан, эгилиб уч марта салом берасан», деб тайинлашди унга.

Тайинловлар мўл эди. Холалар гоҳ «қоғозга ўраб», гоҳ очиқласига шаддодлик билан ҳамма гапни айтиб бўлишган, айтгани бошқа гап қолдиришмаган эди.

Шу билан ҳаммаси поёнига етди. Раъно қиз – кеча ўз уйининг йўлакларида потирлаб, жайрондай чопиб юрган ўша қизалоқ бугун ойдай келин бўлди.

Шу бир куннинг ичидаги жуда кўп воқеалар қаторасига рўй берди.

Бу элда шамоллар сурон солиб эсадилар демаганмидик?

Эҳ-хе, шамол роса эсди, тўпчироқлар ёна-ёна ўчиб қолди, келин-куёв ётган уйининг даҳлизизда янгалар бор эдилар, айникса, биттаси жуда барваста ва шаддод экан, ўгри мушук тугул, чивинни ҳам яқинлаштирумади. Ҳушёр экан, тик этган товушга қулоқ солиб ётди. Жим ётиш ўрнига бир нималарни пичирлаб дуо ўқиб ётди, нималар деб пичирлаганини билиб бўлмади.

Бир маҳал тунги осмондаги булутлар супурилиб, озод-озод тўлин ой самода нур сочди. Бир пари бор эди, келин бўлди, бир жайрон бор эди, кафасга тушди, бир қиз бор эди, турмуш остонасига шу тариқа қадам қўйди. Ана ўша барваста хотин Раъононинг юрагидан кечган туйғулару хисларга ошноликка йўл қўймади, Раъно қиз шу кеч нималарни ўйлади – ҳеч ким билмади.

* * *

Саҳарлаб күш уйқусида хиёл кўзи илинган Раъони холаси даҳлиздан овоз бериб уйғотди.

«Тур, қиз бўлмай қол, ҳовлиларни супур, ишларингни қил», деди пичирлаб.

Раъно ўрнидан турди. Оҳорли келинлик либосларини кийди, у либослар ўзига ярашдими-йўқми, ойнага тузукроқ қарай олмади ҳам, аммо рангбаранглиги, ислари ва янгилиги ёқар эди.

Ташқари чиқаркан, у ҳам пичирлаб, холадан:

– Супурги қайда экан? – дея сўради.

– Ҳаммасини топиб қўйганман, – деди хола. – Мен ҳам чиқаман, бўлақол.

Ховли кенггина эди. Тўй ўтгач, қолган қавму қариндош ҳаммаёқни саранжомлаб кетишган экан. Бир четда даста-даста пиёлаю лаганлар турар, райхонлар остида Раъно янги супургини кўрди. Холасидан миннатдор бўлиб, ҳовли супуришга тутинди. Кўча эшик олдини икки тарафдаги кўшиниларнинг дарвозахонасигача супуриб борди, сувлар сепди, кейин қайтиб кириб, нонушта тайёрлади, бу орада қайнота-қайнона ҳам туришди. Бир четга кумғонга сув ҳам иситиб кўйган эди, қайнота келинига қарамасдан, бориб таҳоратини олиб келди. У келгунга қадар Раъно шошилиб улар ётган уйга кириб, жойнамозини қиблага тўғрилаб солди. Қайнонага салом берганида, у кўз ёш қилиб, пеша-насидан ўпди, елкасига бир сидирға кийимлик мато ташлади. Қайнота намозини ўқиб чиққач, унга ҳам уч бора эгилиб салом берди.

– Баракалла, қизим, Худойим баҳтингни берсин, – деб қўйди қайнота ҳам.
– Ўғлингни уйғот, – деди кейин, қисқа қилиб.

Қайнона келинига қараган эди. Раъно «ҳозир» деди шоша-пиша. Кейин тез ўзининг уйига кирди. Куёвбола ухлаб ётар эди.

– Эй, туриңг, – деди эрига. – Чакиришяпти.
Кейин қайтиб чиқди.

Юмушларни бажариб юрар экан, юз-қўлинни ювиб келиб чойга ўтирган эрига сира қараёлмас эди. Худога шукр, деди кейин ичиди. Бир тузуккина йигит экан-ку. Қийшиқ ё хунук бўлганида нима килардим? Нимаям қиласдим, кўнардим-да. Кўнгач, умрим бўйи шу билан яшар ҳам эдим. Худойимга шукр, дер эди.

Янги рўзгор мана шу эди. Ўз уйидагидан айтарли фарки ҳам йўқ экан. Ҳовли адогида тандир, ости товуқ катак. Берироқда ўчоқ. Устида узум валиши. Нариги томонда бостирма, молхона. Томорқа ҳам ўз уйидаги каби: маккалари ўриб олинган, адогида нок,

беки, олма ва шафтоли бор. Фарқи шундаки, қўшни билан туташ ерида тут ўсибди, ҳовли адогида эса икки туп ўрик билан ёнғоқ бор экан, булар ўсибаҳайбатлашиб кетгани учун остида ўт-ўлан унмабди. Томорқа охирида ариқча ҳам оқиб ўтибди, унинг четларида ҳам турли ўтлар гуркираб ўсибди.

Куёвбола кўчага чиқиб кетган эди. «Шом тушгунча юрмагин, чиллалисан», деди она унга. «Хўпхўп, – деди. – Бир-икки ишим бор, битириб дарров келаман». Чиллали дедилар, чилла уч кунда битар экан. Уч кунгача кечаси ташқарига чиқсанг ҳам бир ўзинг чиқма, мени уйғот, деди хола. Чилланг тугаганидан кейин билганингни қиласерасан. Аммо меҳнатдан кочма, муомилангни ширин кил, жилмайиб гаплаш. Ярим соат кам ухласанг ухлабсан, уйқуга ётишингдан аввал ҳаммаёқ чиннидай саранжом бўлсин. Энг ҳақир ишгаям эринма. Билиб қўй, ҳаммамиз бир кишлокнинг одамлари бўлсак ҳам, куёв тарафнинг одами ҳар бир қадам олишингдан муомилангтacha, тутумингдан фаросатингтacha кузатиб ўтиради. Ҳар қилган тўғри ишинг ота-онангга раҳмат олиб келади, сал нотўғри иш қиласанг, маломат олиб келасан. Иложи борича кам гапир, бир нима сўрашсагина жавоб бер, чехрангни оч.

«Хўп», деди Раъно.

Буларни барини адо этиш мушкул эди. Юмушларини бажариб юрар экан, қайнона ва битта-ярим келган қариндош сўрида бақрайиб ўтирас эдилар. Аслида-ку, ҳаммасини ўзи билганича саранжомлаб қўяди, аммо мана шу нигоҳлардан қутулиш қийин, шартта ишини ташлаб уйига кириб кетгиси келса-да, ўзини қўлга олиб, сезмагандай ишида давом этади. Туш маҳали бўлганида шўрва ичилди, улар билан бирга ўтириб, тушлик қилиш ҳам ноқулай бўлди, сувидан бир-икки хўплаб, яна ўрнидан турди. Ко satovoklarни жойлагач, қайнона ҳам, қайнота ҳам уйига кириб кетди, шунда устунга санчиб қўйилган

ўоркни олиб томорқага ўтди, ариқ бўйидан анча ўт ўрди, кейин олиб бориб бир қисмини мол-кўйлар олдига солди, бир қисмини қуёшда куриб қолмасин дея бостирма салқинига ғарамлаб кўйди. Навбат товуқларга келган эди, ўз уйида макка донидан берарди, ўз уйиники миннатсиз эди. «Бу ерда ҳам берсан гапиришмасмикин», деб ўйлади.

Қавму қариндош, қўни-қўшни саломга келишда давом этар эдилар.

Кимдир бир бўлак гўшт солиб қовурма килиб келар, ёнида албатта қирмизи тусда қатлама ҳам бўлар, кимдир манти, кимдир сомса пишириб келар, хуллас, келувчиларнинг охири қўринмасди. Уларнинг дастурхонига у-бу нарса солиб, идишини топ-тоза қилиб қайтариш, устига устак, ким нима опкелганини эсда сақлаб қолиш ҳам керак эди. Булар болалигида «мехмон-мехмон» ўйнаганларида билиб олган нарсалари эмасми, ҳаммасини уддалади. Югуриб-елиб хизмат қиласар экан, келгувчиликнинг бари бақрайиб қарайверишар, гоҳо ўзига эшиттириб «келин чиройли экан» деб кўйишар, шу бир оғиз гапдан кўнгли кўтарилиб, мана шу ховлихонадон сулоласига меҳр уйғонгандай ҳам бўларди. Ақли «энди сенинг уйинг шу, буларнинг бари энди қариндошларинг» деса-да, кўнгли саркашлик қиласар, тан олмас, кўнгил овозини яна ўчиришга тўғри келарди.

Қайнота донишманд ва беозор киши бўлиб чиқди.

– Келининг билан рўзғорга барака келди, – деди қайнонага. – Ҳали қараб тургин, мўл-кўлчилик бўлади.

– Жуда мақтайдерманг, талтайиб кетмасин, – дея мақтовни хушламаганини билдириб кўйди қайнона.

– Тавба, ғалати бир нарсани сездим, – деди бир куни қайнота. – Ўтган сафар сенга баракадан гапирганим эсингдами?

- Ҳа, эсимда.
- Қирк йилдан бери новвойлик қиласман, – деди қайнота. – Шу ёшга кириб сезганим шуки, нон билан нонни фарқи бор экан.
- Қанақа экан? – дея қизиқсинги қайнона.
- Ниятга қараб экан, – деди қайнота. – Ҳар куни сотишга икки тандир нон ёпаман. Шулар күпинча ё оқиб кетади, қийшяди, ё яхши күпчимайди. Аммо тўйга нон ёпадиган бўлсам, шунақа чиройли, ширин чиқадики, ўзим ҳам ҳайрон қоламан.
- Э, нонни жони бормиди? – деди қайнона. – Ўзингиз эпсиз бўлсангиз керак.
- Йўғ-э, – дея кулди қайнота. – Никоҳ тўйларини айтмаяпман, гумроҳ, гапни маънисига қарасанг-чи. Суннат тўйларига ёпадиган цонларни айтяпман.
- Шунақа демайсизми? – дея, бирданига гул-гул очилиб кетди қайнона ҳам. – Қайдан сезақолдингиз? Гапимизни қарға эшитмасин ё шамол опкетиб ёймасин дейман-да. Худо хоҳласа, тез орада ўшанақа нон ҳам ёпасиз, отаси.
- Худойим, ўзингга минг бор шукр, – деди қайнота ҳам. – Ўша кунга етказсин, илойим. Шунақа нонлар ёпайки!

* * *

Раънонинг ҳаётига баҳт оралади.

Турмушга чиқсан бўлса-да, ҳаёлида ҳалиям кичкина қизалоқ эди. Ҳалиям ўйнагиси келарди. Ҳалиям ўйнагиси келарди. Ҳалиям ўйнагиси келарди.

Эрталаб кўнгли айниди. Ёмон нарса еб кўйдимми деб ўйлади, аммо ўқчиқ бошқача, меъда ўқчиғига ўхшамасди. Шу куни онаизор ҳам кизидан хабар олгани келиб колди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкари уйга киргланларида яна ўқчиқ тутган эди, она икки кўли билан икки билагидан тутиб, кўзларига тикилиб қараб:

- Ўлгур, нимага ўқчияпсан? – деб сўради.

– Билмасам, эрталабдан бери шунақаман, – деди Раъно.

– Бўйингда бўлмасин тағин?

Раънога бу гап ари чакқандай таъсир қилди. Анграйиб онасига қараб қолди.

– Йўғ-э, – деди ақли бовар қилмасдан. – Шунақамикин?

– Шунақа бўлмасинам-чи, – деди она, кейин уни кучоқлаб олиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди. – Айланай Раъно гулимдан, Худойим бахтингни бергани рост бўлсин. Ҳали пахлавондай ўғилча туғволсанг борми?

Кейин ҳомиладорлик белгиларини, нималар қилиш кераклигини бирма-бир тушунтириди.

– Бунга айтсаммикин? – дея иккиланди Раъно.

Раъно эрининг исмини айтиб мурожаат қилмас, шунақа пайтларда «бу» ёки «у» деб қўяқоларди.

– Йўқ, ҳозирча айтмай тур. Ҳеч бўлмаса орадан бир ой ўтсин. Тушундингми?

– Тушундим, – деди Раъно ҳам.

Ташқарига чиққанларида кайнонанинг ўткир нигоҳи Раънода содир бўлган ўзгаришни сезгандай эди. Бир нималарни пиҷирлаб, ўзини нималаргадир уринаётгандай кўрсатса ҳам, Раънога гоҳ-гоҳо ер остидан қараб қўярди.

Ҳа, Раъно кизга баҳт кулиб боқди.

Вужудининг ич-ичида, етмиш икки томири туашган жойда жажжи ва мурғак бир жон пайдо бўлганини ва у кун сайин эмас, соат сайин ўсаётганини тасаввур қилиш қийин, аммо ёқимли эди. Шу игнанинг учидайгина нарса Раънонинг ҳаётини ўзгартириб юборди. «Ҳали дунёга келмасингданоқ менга шунча баҳт олиб келдинг-а» дея мурожаат қиларди Раъно, гўдагига. Қанақа экансан? Ўғил боламикансан, киз болами? Отангга ўхшаган бўйинг баланд, соchlаринг қоп-қора, хушсурат бўлармикинсан? Ё ўзимга ўхшармикансан? Бир

куни дунёга келсанг кулишларинг, қўлчаларинг, оёқчаларинг қанақа бўларкан? Дунёга келиш деган нарсани Раъно сира ўйлаб кўрмаган эди, тасаввурига шу ўй ҳам кириб келди. Юрагимнинг остида хозирча жимгина ўсяпсан, деди унга. Онанг бўлатуриб, бор-йўқлигингни ҳам билмайман, бор-йўғи мени ўқчитиб ўзингдан хабар бердинг, бошқа нарса ўқчитганида хавотирга тушган бўлардим, шу озорингдан ҳам қанчалар суюнганларимни билармикансан, жоним жаҳоним, шўхгина болажоним? Шу аломатингни ўзиёқ ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди-я, ҳеч нарсага қарагим келмай қолди, юрсам ҳам, турсам ҳам сени ўйлайверадиган бўлиб қолдим. Худойим менга сени бериб, шу бандамга бир раҳм қиласай деди, бермаса нима қилардим? Тавба, шунгача қайларда бўлган экансан, худойимнинг даргоҳларида дунёга келишингни кута-кута, онам ким бўлар экан деб ўйлаганмикансан... Худоё тавба қилдим, ғалати хаёллар аклимга келишини қара-я. Ишқилиб омон-эсон дунёга келиб ол, онангни кўзларини қувнатиб-қувнатиб юр, болажон.

Раънонинг пешанасидаги сочи қайсарроқ эди, доим тиккайиб қолавергани учун баъзан қайчи солиб кесар, кесилган сочни эса ўраб-чирмаб, девор кавакларига тиқиб кўярди. Кесилган сочни тандирга ташлаб бўлмайди, жуда иложи бўлмаса холироқ бир жойга кўмиш керак, дея ўргатган эди она. Энди соч кесиб юрмагин-а тағин, деб уқтириди бу сафар. Шунака иримимиз бор, болани умрини кесиб қўяди дейишади. Одамлар келганида олдига чиқаверма, кўхликкинасан, суқ-назар тегмасин. Кўпроқ ҳаракат кил, йўқса боланг катта бўлиб кетиб, туғишига қийналасан. Хамир овқатлардан, янги ёпилган нонлардан ема, кўнглинг бўр ёки кесак тусаб қолса, менга айтсанг, тухумнинг пўстини келида майдалаб туйиб олиб келиб бераман, энди баъзи хил нарсалардан тийилиб турасан, дея ўргатди.

* * *

Кизиқ, Раъно эрини яхши кўрармиди? Эшитгандари, кўрганлари бошқа, ҳаёт бошқа эканини аввалдан биларди. Эри баланд бўйли, корачадан келган йигит бўлиб, кўп ҳам гапиравермасди. Ҳар ҳолда бу оиласда унга энг яқин кишиси эри бўлса-да, ўз туғишганлари каби яқин ва ўз-ўзиникидай туюла-вермасди. Бунга ҳайрон ҳам бўлди, назарида анчамунча нарсасидан айрилиб қолгандай, турмуш деган нарса ўшалардан жудо қилгандай туюлар, қалбини недир армон ва ғуссага ҳам чўмдиради. Ҳа, бир маҳаллар ариқ бўйларида елдай учиб чопганлари, ўйнаганлари, кулганлари – бари ёруғ ва ғуссали бир армонга айланиб қолган эди. Етишилмаган орзулар армонга айланадилар. Аммо умрнинг яшаб ўтилган нурли лаҳзалари ҳам армонга айланар экан. Гоҳо ота уйига борганида ўша сўқмоклар, томорқалар, ариқ бўйларини бир айланиб келарди, ўзи ўтқазган олма, шохларида ўтириб олиб, мевасининг сувини оқизиб-оқизиб еган беҳи... уларнинг бари кўзига ажиб қадрдондай ва суюмлидай кўринарди. Ёғочлари иссиқда ёрилиб-ёрилиб кетган сўри ва ранги ўча бошлаган тўшакларгача суйимли, азиз бўлиб, гоҳо исларини ҳам кўмсаб қоларди.

Раъно мана шуларга бошқоронғи бўлди.

Она «яхшиям тансиқ нарсаларга бошқоронғи бўлмадинг» дея, ўша тўшак, ўша болишлардан уйига олиб келиб берди. Энди она уйнинг иси ўша тўшаклардан келиб турарди, йўқса ўз уйида қанча янги тўшак, қанча янги болиш борийди-ю? Яхшиям узоққа тегиб кетмаганим, дея ўйлади шунда. Узокроққа текканимда она уйимга боришга қийналардим, албатта. Ўз уйида яшаса-да, она уй тараф юрагининг бир четини илитиб, ўзига тортиб турар эди.

Раъно қиз тўлишди, юзларига доғ тушди.

Тавба, аёл киши иккиқат бўлганида юзига Худонинг аршидан бир нур инади дейишади, деди она. Юз-кўзингдан нур ёғилиб турибди-я, болам. Қараб турсам, кўзимга ўтдай кўриниб кетяпсан. Илоё шу нурдан бенасиб қилмасин худойим.

У ғалати ёғдуни Раънонинг ўзи ҳам сезарди. Чунки қалби бемисл бир саодат-ла лиммо-лим тўлган, нуқул баҳт ичидагашаётгандай сезарди ўзини.

Қайнона: «Бизлар сиздақалигимизда тиним билмасдик. Урининг-тиришинг, ҳеч нарса қилмайди», дейишига қарамай, аввалига айтганларини бажарив юрди, кейин эса, қорни бир-икки пастга тортиб оғриганида бас қилди.

«Сенинг дунёга келишинг олдида у ишлар нима бўпти, болажоним», деди хаёлан боласига. «Сени ўйласам, ўзимнинг борлиғим эсимдан чиқиб кетади-ю? Вужудимнинг ичидаги питирлашингни, қимирашингни сезсам, кўзимга дунё чароғон бўлади. Ўрганимниям, турганимниям билмайман, гўё эс-хушимдан айрилгандайман».

«Қиз тушмагур, бўйингда бўлдингу шунақа очи-либ кетдингки», – дер эди она. – Ишқилиб, илойим кўз тегмасин, кўйлагингга кўзмунчоқ тақиб юр».

* * *

Раъно паҳлавондай ўғил туғди.

Тўлғокнинг қанақа қаттиқ азоб эканини ўшанда билди. Бутун вужуди ихтиёридан ташқари, ўз-ўзидан тиришиб, қорнидаги чақалокни дунёга келтиришга уринар эди. У кучли оғриқ аро сұя克拉ринг сурилаётганини ҳам билди. Етмиш икки томирию олтмиш олти сўнгагининг бари ғайри-ихтиёрий ҳаракатга келди, Раъно ўлим нафасини яқиндан сезди.

Ажабки, чақалокни олиб келиб берганларида ҳаммаси эсидан чиқиб кетди. Азоб-ку эсида, аммо азоб ҳиссиёти унутилди.

Исм танлашга кўп иккиландилар
«Вақтидан бир оз ўтиб туғилди, Келдивой деб от
кўяқолайлик», деди эри.

«Йўқ», деди Раъно, кескин.

Умуман, қишлоқда исм қўйишнинг ўзига хос
расм-руsumлари бор эди.

Масалан, Келдивой деган исм бир оила узок
вақт фарзанд кўрмай юриб, кейин болали бўлганида
кўйилади. Исмларга қараб, у оиланинг фарзанд
эҳтиёжмандлигини билиб олса бўлади.

Жуман ёки Жумавой – жума куни туғилган бола.

Она қорнида йиғлаган чақалоққа Машраб дей-
дилар.

Турғун – шу жўжик ҳаётда муқим қолсин, турғун
бўлсин.

Сотовлди – гўё «сотиб олинади», яъни қўш-
нилардан ёки қариндошлардан бирининг боласидай
қилиб, бегона аёлнинг этагига бир юмалатиб оли-
нади, кейин ўз онаси боласини маълум ҳақ эвазига
«сотиб» олади.

Тўхтасин – бир оиланинг туғилаётган фарзандла-
ри бирин-кетин вафот этаверса, шундай исм берилади,
яъни тўхтаб қолсин, кетмасин деган маънода.

Худойберган – бу исмда ҳам маълум истаклар
бор. Фарзандсиз оилалар кўядилар бу исмни.

Холи билан туғилган болага Холмуҳаммад, Хол-
нисо, Холдорали, сафарда туғилса Сафарали, нори
бўлса Нормухаммад, Анорхон, суннати билан дунё-
га келса Суннатвой дейдилар.

Айтилган барча исмлар Раънога хунукдай, бола-
сига ярашмайдигандай туюлар, жуда чиройли, бўй-
бастига мос исм танлагиси келар, аммо унақа исм
тополмас эди.

Нихоят, Давлат дея исм қўйдилар.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

Шу қишлоқнинг шамол эсадиган томонида эски бир кулбада яшовчи қора юзли бир суллоҳ одам ҳам бор эди.

У одамнинг юрган йўлларида ўт-ўланлар сўлиб, жизғинаги чиқиб қораёт, ҳашаротлар нобуд бўлар, ариқдан сув ичса ифлосланар, қўли теккан меваларнинг суви тахир бўлиб қолар, шу қисматидан янибяниб юрадиган озорли бир киши эди.

Бу одамнинг кулбаси зах, теварагини замбуруғлар ва тушунарсиз оқиш нимжон ўтлар қоплаган, кулба деворлари остидан шўра ва ажриклар ўсиб чиқсан, томорқаси қаровсиз, бургану шўралар, супргилар бетартиб ўсиб ётар эди.

Ана шу киши Раънога ғалати-ғалати қараашлар қиласади.

Қишлоқда одам кўп, ҳамма ўз ташвиши билан овора. Боласини кўтариб Раъно дамчи хотиннинг боришга мажбур, йўл эса ўша кулба ёнидан ўтади. У одам чопонини елвагай ташлаб, тоб ташланган эшиги ёнига чиқади, Раънонинг келишидан кетишигача қаттиқ тикилади. То муюлишга етгунича ортидан ўша бўлмағур нигоҳни сезиб туради, мулюшдан қайилгачгина елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олади.

«Худога шукр, ўтиб олдик», дейди боласига.

У одам ҳеч нима қилолмаслигини яхши билади. Шундай бўлса-да, чўчийди. У одамнинг ҳеч кими йўқ. Қишлоқдаги ҳамманинг якини, қариндошуруғи бор. Одамлар уруғининг кўплиги билан мақтанишади. Раъноларнинг уруғи ҳам мўлгина. Тўй қилишса, камида юзта одам тўпланиб келади. Бошқа маҳалларда буларнинг бари ўз ташвиши билан андармон кишилар, аммо тўй-тўйчиқда ёки мусибатда ҳамма тўпланиб бир ерга йиғилишади. Шунда Раъно ҳам уруғи билан фахранади. Эри то-

мон ҳам шундай, кўпчилиги ҳар тарафга сочилиб кетган, қишлоқда ота уруғ-она уруғ, бари бирдай тўпланиб келади, келин тараф сал бегонасираб, бошини эгиброк туради, қуёвларнинг бари етиб келишади. У одамнинг эса уруғи йўқ. Раъно у ҳакда бирордан сўрагани ҳам ор қилади.

Фарзанд кўргач, Раъно ҳақиқатан ҳам гул-гул очилди. Қизлик гўзаллиги бу тароват олдида ҳеч нима бўлмай қолди. Гул эди, Худонинг қудрати билан оқи оққа, қизили қизилга ажралди. Чечак эди, барқ уриб очилди. Булат эди, ёмғирини аямай тўқди. Куёш эди, ҳарорат-ла порлади. Ой эди, тўлишиди. Кеча эди, бағри юлдузга тўлди. Куш эди, жўшиб-жўшиб сайдари. Зилол эди, шарқираб чунон оқди...

Болани бешикка бойладилар. Раънонинг юраги эзилди. Боласини бешикка бойлагиси келмади. Қайнана «Сиз нимани билардингиз» дея, бешикдан алас-алас қилиб ёмон нарсаларни ҳайдади, қовузини тўшади, тувагини қўйди, оёқбоги билан оёқчаларини, қўлбоғи билан қўлчаларини маҳкам сариф, кифтпўшини ёпди. Болачаси оёқларини қимирлатгиси келди, қимирлатолмади. Қўлчаларини ўйнатгиси келди, ўйнатолмади. Нима бўлганига тушунолмасдан қоп-кора қўзчаларини онасига тикиди, озорланиб йиғламоқчи бўлди. Шунда қайнона бешикни у ёқ-бу ёққа дўпирлатиб тебратиб, алла айтмоққа бошлади. Боласининг боши чайқалди, у чайқалишлар лоҳас қилди, қайнонанинг овозига кўшилиб чарчатди.

«Бешик бўлмай ўл» деди Раъно, қайнона чиқиб кетиши билан боласини дарҳол ечиб олиб, бағрига босаркан. Келақол, жоним болам, қўлчаларингни, оёқчаларингни ўйнатақол. Ўлсин энанг ҳам, деди ёзгириб. Сени бойламоқчи бўлдими?

Сени девларга бойлатмаган, жинларга бойлатмаган, энангга бойлатиб қўярмидим?

Раъно боласига ўзи билган ҳамма эртакларни ю достонларни айтиб берди. Уч ойлик бола уларни тушунармиди? Лекин тушунишига Раънонинг ишончи комил эди. Аммо сал ўтмай кичкина қўзчалари юмилиб-юмилиб, митти киприкчалари пирпираб-пирпираб ухлаб қолганида суйиб-суйиб олар ва шу суйим ороми аро ўзи ҳам ухлаб қоларди.

Раъно унга Алпомишни айтди, аммо: «Алпомиш ким бўпти сенинг олдингда?» деди. Назарида боласи Алпомишдан ҳам келбатли ва ҳайбатли бир баҳодир бўлиб улғаядигандай эди.

Унга Рустами достонни айтди, ақлли бўлсин дея Равшан достонни айтди, кулсин дея етти аҳмоқни айтди, меҳри тошсин дея Гулинигорни айтди. Лайли-Мажнунни, Юсуф ва Зулайҳони, Ёзи билан Зебони... неки билса барини айтди. Фақат билмаган жойларини ўзидан қўшиб-чатиб, тўқиб айтди, шунинг учун достонларнинг мазмуни ўзгарди, уларнинг барида болакай бир куни ўсиб-улғайиб, ҳақиқий баҳодирга айланар, ёмонларнинг жазосини берар ва яхшиларга кўмаклашар, достон сўнгида эса ота-онаси билан бирга баҳтли-саодатли ҳаёт кечирап эди.

Ўзининг тўй бўлганларини ҳам айтди.

Мен ҳам бир маҳаллар сендай гул эдим, деди. Кун келди, бўй етиб, турмушга чиқдим. Отанг билан бир чиройли келин-куёв бўлдик, ҳамма эси оғиб, ҳавасланиб-ҳавасланиб қаради. Мен сой чумчуғи бўлиб, сойларга қараб учдим, отанг тоғ капитари бўлиб ортимдан кувди. Мен тезучар лочин бўлиб чангаль солсам, у мерган овчи бўлиб отиб олди. Мен боғда анор бўлиб қизариб пишиб турсам, юрган боғбон бўлиб битталаб узди. Боғда узум бўлиб сарғайиб етилсам, сарик ари бўлиб учиб келди. Мен боғда гулнор бўлиб очилсам, у булбулигё бўлиб сайраб шохимга кўнди... деди тўйни эслаб.

Ҳамма-ҳаммасини мана шу мурғак гүдаккинага айтиб берди. Ариқ бўйида чопгандаринию беҳининг мазасигача айтди. «Болажон, бир нимани билмасанг, мендан сўрагин-а» деди. Яқин орада алпанг-талпанг юра бошлайсан, шунда жон ҳалпида орқангдан чо-парман? Сен кўп нарсани билмайсан-ку, ҳовлида ўйнаб юрсанг, ари чақиб олмасин дея хавотирланиб, қувиб ҳам юрарман?

* * *

Қайнона зориллади.

– Келин деган ўтиравермайди болага қараб. Чиқиб ишингизни қилсангиз бўлмайдими? Биз ҳам бола тукқанмиз, нечтасини катта қилганмиз, иши-миз ўлда-жўлда қолиб кетмаган.

Раъно унинг қўнглини олишга чандон уринди, қайнона сира тинчимади. Ўтирса ўпок, турса сўпок деяверди.

– Ҳой, қўйсанг-чи, – деди қайнота.

Қайнона униям жеркиб ташлади.

Шунда эри орага кирди.

– Нима дейсан, она? – деди жаҳли чиқиб. – Қўли олти, оёғи етти бўлиб хизматингни қиляпти-ку?

– Сигирга сув бермапти, – деди қайнона. – Шу ёшга кириб онам сув ташисин десанг, ўл сен ҳам.

– Ўзим ташийман сигирингга сувни, – деди эр.

– Эркак бўлмай қол, энди, сигирга қараб юрсанг, – деди қайнона. – Эркак деган кўчадан ризк ташиб келади, уйда нима бор экан?

– Унақа дема, она, – деди ўғил. – Жонимни икки томонида иккаланг турибсан. Бир қўлимни тишлиласам, бошқаси оғриса? Ахир, тушунгин-да, она. У бошимни устида бўлса, сен кўзимни устида. Сен норози бўлсанг кўзим оғрийди, у хафа бўлса бошим.

Қайнона тўнғиллаб-тўнғиллаб нари кетди.

Шунда Раъно эр кишининг нима учун устун эканини тушунгандай бўлди. Эрнинг эрлиги келбатида, куч-кувватида эмас экан, деб ўйлади. Эрни эр қиладиган адолати экан. Ичидан миннатдор бўлди, бирданига яхши кўрди. Ундан фахрланди, болажоним, бошқаларнинг отаси сираям бунаقا эмас, худойим икковимизнинг бошимизга баҳт қушини қўндириди, дея севинди. Бола тўшаги устида чиройли кўзчаларини унга тикиб, бир нималар деб чуғурлар эди.

«Қара-я, қандай отанг бор», деди севиниб.

Назарида эри бошқа киёфа олди. Ҳайбати ошди, уйини тўлдирди.

«Сен сабр қиптур, уйларни топ-тоза қилай», деди.

Бола қўл-оёқчаларини ўйнатиб чуғурлаб ётаверди. Раъно ҳаммаёкни қайтадан тартибга келтирди, янги тўшаклардан солди, ўзига оро берди, кўрпа катига яшириб қўйган атирдан сепди.

Бир қараса, ўғлон янги атлас тўшакларгачувилишиб сийиб қўйипти.

Ўргилай болажонимдан-а, деди меҳри товланиб.

* * *

«Рўзгор юпун, еб ётаверсангиз тоғ ҳам чидамайди, – деди қайнона. – Ҳамманинг келинию қизи далаға ўтоқча чиқади, ер чопади, меҳнат қилади. Биз ҳам шунака эдик, меҳнат ўлдирмаган одамни».

«Еган нонимни миннат қиляптими? – деди оғриниб Раъно. – Яримта нон ейманми-йўқми? Эшигига битта хизматкори бўлсаям мендан кўра кўпроқ нон ейди».

«Жон болам, сабр қил, – деди онаизори. – Отанг билмасин, кўнақол. Улар ҳам туппа-тузук одам, ҳали олдинда қанча ташвиши бор, шунга куйинадида, сени ёмон кўрармиди? Жонингни жиндай койитсанг, бир нима бўлиб қолмайсан, кўнақол, болам».

«Хўп», деди.

Кетмонини кўтариб далага чиқди. Қараса, ўзи сингарилар кўп экан. Ҳамма бошигаю оғзига оқ рўмол ўраб олган. Оёғига этик кийди, оғиз-бурнини рўмол билан бойлади. Паҳлавонини икки тол орасидаги беланчакка ётқизди, яхшилаб эмизди. Шу ердаги барваста семиз хотинга: «Боламга яхшилаб қаранг, опажон, ойлигим чиқса, сизга янги рўмол олиб бераман», – дея ялинди. Ортига қарай-қарай, чопиққа йўл олди.

Даланинг тупроғи оч кулранг, кесаклари кўп экан. Ўзи ўрганган иш эмасми, қийналмади. Иссиқ кучаяверди. Дала устида қалдирғочлар айланалайланада учди. Анча-мунча хотин шу тариқа чопик қиласар эдилар. Қуёш тиккага келай деганида кўкраги ийиди. Қараса, кўйлагининг бурмаси сутдан жиққа хўл бўлибди.

Ишини ташлаб, ортига юрди.

Ўша ерда ҳисобчи айланиб юрган экан. У ўша, Раъно дамчи кампирникига қатнаганида ёмон-ёмон қараган қора юзли киши бўлиб чиқди.

– Ҳа, қаёққа? – деди, бемаъни илжайиб.

– Болам очқаб кетди, – деди Раъно, қовоғини солиб.

– Ҳамманиям боласи очқаган, – деди ҳисобчи. – Қани, орқангга қайтиб, ишингни қил-чи.

– Сен ким бўлибсан? – деди Раъно, бирданига бургутдай қанот ёйиб. – Болам очқади демадимми сенга? Қоч йўлимдан, йўқса ҳозир кетмон билан чопиб ташлайман!

Ҳисобчи унинг важоҳатидан ҳайикди. Тавба, бу хотин жинними дея осмонга анграйиб, булутларни томоша қилаётганга солди ўзини.

Раъно чопа-чопа шийпонга борди.

Узоқданоқ, гўдакларнинг йиғиси орасидан боласининг йиғисини таниди.

Шийпон толлари остида у барваста хотин кўринмайди. Беланчакка яқин шохчаларга қора қушлар кўниб, чағиллаб сайрашяпти. Бола кўрқибди. Болани қаровсиз қолдирсанг майна келиб кўзини чўкиб олади деган гап эсига тушди-ю: «Вой ўлмасам» деб елдай учди. Шоша-пиша боласини беланчакдан ечиб олди. Тагини ҳўл қилиб қўйибди, оёқчалари қийилиб кетибди. Бола онасини таниб, баттар йиғлаб талпинди, Раъно унга кўкрак тутдида, қалбини тўфон каби чирпирак қилаётган ташвиш, хавотир, яна алланималарнинг бари эриб йўқолгани, яна шу ажойиб оромга эришганидан кўнгли тўликиб, пиқиллаб йиғлаб юборди.

Бола тўйди. Раъно уни беланчагига ётқизиб, чириллаб йиғлаётган бошқа болани қўлига олди. Бир қўлига унисини, бир қўлига бунисини. Икковига ҳам кўкрак тутди. Очқаган болалар бегонасирашмади, миқ-миқ эмиб олишди.

Шу маҳал боғча хотин келиб қолди.

– Вой Раъно қиз, хафа бўлма, – деди. – Қайнонам ўсал ётувди, югуриб бориб кўриб келақолай дебман-а, аттанг!

– Бу болалар энди сениям боланг бўлди, – деди кулиб. – Яхшиям келибман, йўқса ҳамма болаларни ўзингники қилиб оларкансан!

Ҳисобчи яна келди.

– Ўтираверасанми, эмизишни баҳона қилиб? – деди. – Тур, чопифингни қил!

«Шийпонинг ҳам, чопифинг ҳам бошингдан қолсин», деди Раъно. Тутунини қўлига олди, кетмонини елкага, боласини бағрига босди.

«Ишинг ҳам, ойлигинг ҳам бошингдан қолсин», дея қарғади у ҳисобчини.

«Боламга қарамаган кўзларинг оқиб тушсин», дея қарғади барваста боғча хотинни.

«Ҳамманг дўзахда куйиб кул бўлгин», дея қарғади боласини қўрқитган қушларни.

Шу кетишда уйига кириб борди. Ичкарига кириб, түйиб-түйиб йиғлади. Кейин, эрининг келишини кутди. Эрим келса ҳамма гапни айтиб бераман, мени тушунади деб интизор бўлди. Тик этса ташқарига қаради.

Эр келди. Айтадиган гаплари жуда кўп эди. Лекин тилига келмади.

– Ҳа, қайтиб кепқопсан? – деб сўради эри.

– Болангиз очқаб кетди, дала бўлмас экан, – деди.

– Очқаса эмиз-да, – деди эр.

Тушунтиrolмадим деб ўйлади у, аммо хафа бўлмади. Тушунтиrolмагач, нимасидан хафа бўлади? Худо эмаски, ҳамма нарсани билиб турса? Йўриғи билан тушунтиrarман деди, боласини ухлатиб ҳовлига чиқаркан.

– Ҳа, қайтиб кепсиз? – деди қайнона, бўзариб.

– Мазам бўлмади, – деди Раъно, гапиргиси келмай.

– Баҳона қилади-я, ҳамма нарса битта ўзимга. Қирқта жоним бормиди, бола эмас, тош туғсан бўлмасмиди? – дея, қайнона ота ётган уйга кириб кетди. У ерда ҳам бир нималар дер эди, аммо гапларини тушуниб бўлмасди.

* * *

Амакилару тоғалар аҳён-аҳёндагина йўқлаб келишар, аммо қизлик уйига тез-тез келишларини, ота-онасидан уни сўраб туришларини билар эди Раъно. Сабаби, қиз томондан ҳар ким ҳадеб келаверса, гап-сўз чиқмасин дейишса керак, деб ўйлади у. Лекин келинлик хонадони ўз йиғин-маросимларига албатта уларни ҳам айтишар, ҳаммаларининг иззатикромини жойига кўйишар эди.

Рўзғорнинг ишлари аста-секин Раънонинг қўлига ўта борди.

– Эркакнинг ризқи қўчада, – дер эди онаизори. – Хотиннинг иши уйда. Остонадан бу ёғи сенники, болам. Ҳар нарсага сен жавобгарсан. Отанг бир маҳаллар бир гап айтган эди. Бургутнинг эркаги овлашни биларкану аммо овини майдалашни билмас экан. Ўшанчун ҳам нар бургут ўлжани келтириб инига ташларкан, модаси эса бўлаклаб, полапонларига тутаркан. Худойим ҳамма нарсани одам ибрат олсин деб яратиб қўйган, қараб ўзинг фикр килиб олаверасан.

– Эр киши доим хотинига муҳтож бўлади, – деди яна. – Оилам, болам-чақам деб чеккан захматларини билишингни истайди. Умр бепоён, ризқу рўзгор деган ташвиш бетиним давом этяпти. Шу уринишлар аро эрингга икки оғиз яхши гап гапиришни ҳам билишинг керак. Шу бўлмаса, рўзғоринг икки бўлмайди, шу ишлаб дастурхонингта ризқ ташиб келади, устингни бутлайди, уйингни тузатади. Маҳалла қўйда бирор сени сўраса, фалончининг аёли дейишади, ўз исмингни айтишмайди-ку? Эрга теккунча сен отангнинг соясида, фалончининг қизи эдинг, энди эса эрингни соясидасан. Мехнатини эътироф қиласанг, у руҳланади, қадримни ҳеч ким билмасаям оилам, бола-чақам билади, деб хурсанд бўлади. Буларга ўзингни ақлинг етиб қолгандир, ёш бола эмассан-ку? Хотин оқила бўлса, рўзғор бут, беақл бўлса, рўзғор нобуд бўлади.

Шу ўтган икки йил ичида она янада кичрайган, озғинлашиб, ўз онасига жуда ўхшаб қолган эди. Гоҳо нон ёпса, қатлама-сомса пиширса ё бирор мева пишиб етилса, кўтариб келиб қоларди. Гоҳида эса беш-олтита тухум ҳам олиб келарди.

– Нима қиласдинг овора бўлиб?
– Қуруқ келмайин дедим-да, қизим. Уй товуғининг тухуми болангга жуда фойда.

Ундан-бундан гаплашиб ўтиришарди. Раъно мева, қатлама, тухум кабилар бари баҳона эканини,

аслида онаизор боласини соғинганини билиб турарди. Лекин онаизор буни сездирмасликка уринарди.

Бир куни Раъно шуни сўраб кўрди.

– Вой, ҳа, соғинаман-да, ичимдан узилиб тушган парчамсан-ку, – деди она. – Аммо сениям меҳринг кучайиб, уйга тез-тез қатнаб қолишингдан кўрқаман. Бир кўчачни бошқа ерга ўтқазсанг, тутиб кетиши учун қанча нарса керак? Энди сени уйинг шу, қариндошларинг ҳам шулар, шу сабаб ҳам кўпам талпинавермагин дейман-да, – деб жавоб қилди она.

– Вой, хў-ўп, бормайман, – деди Раъно, онасидан аразлаб.

* * *

Орадан бир ҳафта чамаси ўтар-ўтмас, қайнота вафот этди.

Тонг сахар эди. Қайнота-қайнона ётадиган уйдан «Войдод» деган фарёд чиқди. Раъно сакраб туриб кетди. Эр ухлаб ётар эди. «Эй, туринг, бир нима бўлди» деди саросима ичида, қаттиқ шивирлаб. Шу маҳал такрор фарёд овози эрининг қулогига кириб, сапчиб турди-да, ўша томон югурди. Раъно ҳам унинг ортидан оёқяланг чопди.

– Вой бола-ам, отанг кетиб қолди, – дея бақириб йиғларди қайнона, гандираклаб, устунларни ушлаб-ушлаб ҳовлига чиқиб келаркан. – Отанг ўлиб қолдику, жон болам!

Эр ҳам, Раъно ҳам нима қиласини билмай довдираб турардилар. Ажабки, йиғи келмас эди.

Эр уйга кирдию ўша заҳоти қайтиб чиқди. Ранги бўзариб кетган, нигоҳи тентирар эди.

– Чоп, қўни-қўшнини чакир, – дер эди она. – Одамларга айт, отам ўлиб қолди де, болажоним!

Эр онасига эсипастларга ўхшаб қараб тураверди.

– Тўхта! – деди шунда қайнона, тўсатдан илгари кўрилмаган бир қатъият билан. Овози ҳам қатъий

чиқди. – Ўзингни қўлга ол! Бориб қўшниларга айт, одамларга хабар беришсин. Кейин тезда кайт!

Эр отилиб кўчага чиқиб кетди.

– Юринг, қизим, – деди қайнона.

Раъно нима қиларини билмай, унга эргашди.

– Ҳай отаси-я, – дер эди қайнона. – Индамай кетавердингиз-а? Рози-ризолик ҳам сўрамадингиз-а? Кетавердингиз-а шунаقا қилиб, отаси?

Шунда Раъно қайнотасининг кўзи очиқ, ияги осилиб қолганини кўрди. Қайнона қозикдан оқ рўймолча олиб иягини тортиб боғлади, кафти билан қовоғининг устини силаган эди, кўзи юмилди.

– Келинжон, – деди яна йиғлаб. – Бир бўлак тоза оқ мато йиртиб олинг, бошмалдоғини ҳам бойлайлик.

Раъно шундай қилди, аммо яқинлашишга юраги дов бермади. Қайнона майитнинг оёқларини бойлаётганида эр-хотин ён қўшнилар кириб келишди.

– Вой ўлай, – дер эди қўшни хотин талмовсираб. – Вой ўлай, кечагина юрувди-ю?

– Бўлди, хотинлар, чиқинглар, – деди қўшнининг эри йўғон овозда. – Махтал қилманглар, сарпосуруғини тайёрлайверинглар.

– Малоҳат, Сабоҳат, тезда ҳовли-кўчани супуринглар, – деди қўшни хотин кизларига.

Бирпасда анча халқ йиғилди, шунча одам бунча тез қаердан етиб келганига ақл бовар қилмас эди. Хотинлар яна йиғи чиқаришди, узатилиб кетган қизлар ҳам кириб келишди, бири ўзини ташлаб юборди, ҳовлига оқ мато тутилиб, эркаклар ва хотинлар ораси айрилди.

– Келин, эрингизга обориб беринг, тўнини, дўпписини кийиб, белбоғини бойлаб олсин, – деди қайнона.

Раъно ичкари уйдан янги тўн, дўппи, белбоғ олиб чиқди. Эр хотинини қўриб яна ҳўнграб йиғлаб

юборди. Раъно: «Бўлди-бўлди, ўзингизни босинг», дея қўлидагиларни унга кийдир, белбоғини маҳкам боғлаб, кейин яна изига қайтди.

Қайнана сандиқдан оқ суруп, янги банорас тўн, дўппи олди.

— У ёққа энди ўзингиз қарайсиз, қизим, — деди. — Буларни ғассолга беришсин. Тўнини, белбоғини тобут устига ёпишсин. Манавиниси кафандилиги, мана бу ип ўрами билан тикишсин, бу — замзам сувига ботириб олинган ип, фаришталар савоб айтиб туришади.

Тонг ёришиб улгурмаган пайт эди.

Ҳали Раъононинг бошига мусибат тушмаган эди. Тўсатдан рўй берган бу ҳодиса ҳаммани довдиратиб қўйди. Қайлардадир сокин ҳаёт давом этаётганига ақл бовар қилмасди. Ҳаял ўтмай қариндошуруғлар ҳам етиб келишди, улар ҳам тўн кийиб олишган, эшикдан эркагу аёл бақириб йифлаб кириб келар эди. Эркаклар дарвоза олдида бир-бирини қучоқлашиб йиғлашар, шунча эркакнинг йиғисини илк бора кўрмоқда эди Раъно. Аёлларнингчуввос солишлари юракни эзарди. Мана шу улкан мусибат қалбига кириб борди-да, ўзи ҳам сезмаган ҳолда йифлаб юборди. Йиғи ич-ичидан тошиб келарди, марсия келарди, ғусса ва ғам келарди.

Ғассол ишини тугатгач, жаноза эълон килинди. Тобут деразадан чиқарилиб, ҳовли саҳнига қўйилди. Эркаклар саф тортишди. Хотинларга кимдир: «Жаноза ўқилади», дегач, йиғи-сиғи бирин-кетин тинди, аммо кимдир ҳануз пиқиллаб йиғларди. Имом бу дунёга келиш ҳам, кетиш ҳам ҳақлигини, қолганлар кетгандарни ёд этиб туриши шартлигини айтиб, энди исми-расмини бажариб қўйсак, марҳумнинг ўғли мана шу, айтинг-чи, отангизнинг қарзлари бўлса, зиммангизга олдингизми, деб сўради. Ўғил бўйик овозда: «Ҳа», дегач, марҳумдан қарзи борлар

шу йигитта учрашсинаң, эшитганлар эшитмаганларга хабар берсинаң дейилиб, намоз ўқилди.

– Қани, күттаринглар, – деган ўқтам овоз келди кейин.

Қолгани жуда тез рўй берди. Кишилар тобутни кўлма-кўл кўтариб олиб чиқиб кета бошлидилар. Ҳамма қий-чув кўтариб юборди, Раъно шу издиҳом орасида эрини кўриб қолди, кимдир учиға оқ латта бойланган ҳасса тутқазиб қўйибди.

Бир одам бор эди, йўқ бўлди.

Боягина шу уйда беозор ухлаб ётган эди. Иккича соат ўтар-ўтмас кўмгани олиб кетишиди. Бу ишнинг жуда тез рўй бергани ва шиддати ақлни шошипарди.

Раъно ҳам ҳамма қатори кўк кийди, рўмол ўради. Элнинг одати шу эди, яқинлардан кимдир оламдан ўтса, кўк кийилар, тўй-маросимларга борилмас, бир йилгача кўқдан чиқилмас эди. Кўни-қўшни ош-овқат пишириб, пақирларда чиқариб туришиди, кимлардир чой дамлаб келди. Мусибатдаги кишиларнинг томоғидан овқат ўтармиди? Қишлоқнинг шаддод-шаддод хотинлари азадорларга қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, овқат едиришиди.

* * *

Орадан йил ўтди.

Ёзнинг иссиқ куни эди. Эр кўчадан ҳовлиқиб кириб келди-да:

– Одамларга ер бўлиб беряпти экан, – деди ўзида йўқ севиниб. Юз-кўзи кулар эди.

– Қанақа ер? – дея сўради Раъно тушунмасдан.

– Чопиққа чиққан далаларинг бор-ку, ўшаларни ўлчаб, халққа томорқа қилиб беряпти экан. Бизга ҳам бор экан.

– Вой, – деди Раъно, хурсанд бўлиб. – Ростданми?

Кичкина шу қишлоқ түс-түполон бўлиб кетди. Фарзанди кўп, катта оиласлар бор эди. Хонадонда неча оила борлигига қараб ер берармиш, деган гап чиқди.

— Ана, — деди қоникиш билан эри. — Одам ер билан тирик-да.

— У ерни бирор тортиб олиб қўймасмикин? — деб сўради Раъно хавотир олиб.

— Йўғ-э, ҳаммага беряпти-ку? — деди эри. — Бирор бир тийин сўрамаяпти ҳам.

Эртасига ерни кўргани бордилар. Қараса, ростдан ҳам ўша, ўзи ишлаган жойлар. Бепоён дала, четида тутлар қаторлашиб, шабадада шовуллаб турибди. Эри қозик қоқилган жойларни айланиб чиқди.

— Суви яхши экан, — деди. — Худонинг бергани шу-да. Ер одамни боқади, у-бу экиб бозорга опчиқиб сотсанг, ўҳ-хў, қанча пул бўлади. Камбағални елкасига офтоб тегди, десанг-чи.

— Меҳнатдан одам қочармиди, — деди Раъно. — Ишқилиб, қайтариб олиб қўймас бас.

— Олиб қўймас, — деди эри ҳам.

Ер тепасида анча ўтиришди. Эри ўзича бир нималарни режалаштириб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтиб разм солар, тупроқни қўлига олиб, майдалаб эзиб кўрар эди.

— Уйда, томорқа адогида тераклар етилиб қолган, — деди. — Бу ерга ҳам айлантириб эксан, беш-олти йилда синчга яраб қолади, ҳам чегара бўптуради. Манави томонига бир уй-бир ошхона қилиб иморат солсак, ўғлингга уй ҳам тайёр-да. Гувалак билан айлантириб девор уриб чикиш керак. Уч-тўрт кунда бу ерлар қайнаб-тошиб кетади ҳали, — деди.

Кеч киргандага уйга қайтдилар. Икковлон ҳам хурсанд эдилар.

Одамлар ҳам хурсанд эди. Ҳамма ёқда шу гап-

сўз: кимга қаердан томорка тегди, суви қанақа, тупроғи қанақа эмиш, қўшниси киммиш... Бир-икки киши норози бўлиб, менга этақдан ё ичкаридан тегди деган экан, одамлар маломат қилиб ташлашибди. «Хой, ер йўқ эди, осмондан тушгандай эга бўлиб қолдинг, худо деб ўтирамайсанми?» десалар, ўша заҳоти уларнинг уни ўчиб кетарди.

* * *

Бир иш икки бўлди. Энди эр-хотин ҳам ўз уйларида, ҳам янги томоркада меҳнат қилар эдилар.

Янги томорқанинг тупроғи хосилдор чиқди.

Тепа-кўйи қишлоқлардан бирор инсофсиз келиб ўғирлаб кетмасин дея атрофини омонат қўра билан ўраб, буғдой соҷдилар. Теграсига айлантириб мош, ловия, макка ва жўхори экишди. Шоён меҳр билан қарашди, Раъно сув йўлига тушган кесакларни қўли билан олиб ташлади. Теракнинг ёш шоҳларини синдириб келиб, кеча сув қўйилган айлана жўякка қаторасига суқиб чикишди. Ажаб, ҳаммаси бир текис ям-яшил нозик япроқча чиқариб, кейин бирданнига гуркираб ўсади.

Раъонинг ўғлининг мўйлови чиқди, сабза урди, ўтдай, қуондай, шамолдай бола бўлди. Кўлига хивчин олиб, ўт-ўланларнинг бошини танасидан жудо қилиб, ўтиб кетадиган одат чиқарди.

— Унақа қилмагин, жон болам, — дерди Раъно. — Униям жони бор, худо дейди-я.

— Ўтда жон нима қилсин?

— Уям мўмин-мусулмон бир нарса, — деди Раъно. — Жони бўлмаса ўсармиди?

Эри ўғлини ёнига олиб бирга тер тўқар экан, зуррётига ҳамма нарсани бирин-кетин тушунтирарди. Уларга караб туриб, отаси билан қўчат қадаганлари, ҳосил ўрганлари келарди Раъонинг эсига.

Мош мўл-кўл етилди. Ловия кўзоқлари бўлиқ-лигидан ёрилиб-ёрилиб кетди. Маккалар узун-узун, тўлиқ-тўлиқ сўта солди. Жўхориларнинг ҳар бири қовундай-қовундай бош тугди.

Ҳосилга чумчуклар галаси ёпирилди.

Эри қайдандир узун ялтироқ тасмалар топиб келди. Экинзор устига узунасига бойладилар. Сал шабадада тасмалар қуёшда йилтираса, қушлар чўчиб қочар эди.

Эр уйдаги узум шохчаларидан кесиб олиб, тераклар остига қадаб чиқди. Ўзини сал тутиб олса бас, теракларга чирмашиб ўсаверади, деди қоникиш билан. Янаги йил улар ҳам бехато тутиб кетди. Хусайнини, чиллаки, қора чарос ва тошюмалоқ деган тўрт хил нав эди.

Уч-тўрт йилда ҳосилга кириб қолади, деди эр.

У ёқларга оқма газ бормаган эди. Эр-хотин лойдан ва кесақдан ўчоқ куришди, яхшилаб сувашди. Шабада ғириллаб эсадиган ажойиб ер бўлди-я, деди Раъно. Эски кумғонни, қозонни олиб келишди. Шу ерда ишлашди, шу ерда чой қайнатиб, шу ерда овқат пиширишди.

– Бир тандир куриб берсангиз, нон ҳам ёпаман, – деди Раъно.

Кизчаси талпанглаб кесаклар оралаб юрди. Кушларга анграйиб каради. Ариқ сувини сочиб-сошиб ўйнади. Ўтлар орасидаги капалакларни кувди. Ер ариси чақиб олганида чириллаб йиғлади. Раъно у кизчада ўзининг болалигини кўрди.

Эрта кузда эр ўз ҳовли-томорқасидаги теракларни қўни-қўшнилар билан биргалашиб кесди. Шохларини бутаб-саранжомлаб, куритгани босиб қўйишди. Кейин ўғли билан эгик ўроқ олиб, пўстлоғини шилишди. Теракнинг пўстлоғи заиф бўлади, учидан тортилса анча жойгача кўчади. Пўстлоқ нам, сувли эди. Шилиб олинган оппоқ терак ёғочларини

ерга кўндаланг ташланган эски ходалар устига
куритгани қўйиши.

Остидан ҳаво ўтиб турса бир текис курийди, тоб
ташламайди, деди эр.

Янаги йили томорқамизга бир уй-бир дахлиз
кўтарамиз, ўшанда тандир ҳам куриб бераман, дея
ваъда қилди эр.

Ҳосил етилди. Раъно хосилни алқаб-алқаб,
мақтаб-мақтаб ўрди. Буғдой бошоқларидағи донлар-
ни санаб чиқди. Бошоқларининг бари тўлик, йигир-
ма тўрттадан ўттиз олтитагача дони бор экан.

Кузда янги томорқа топ-тозаланди. Кеч куз-
ги арпа ҳам ўриб олинди. Эр қайтадан тупроғини
ағдариб чиқди. Кейин: «Яхоб берамиз, энди тупроқ
дам олақолсин», деди.

– Ер ҳам биздақа эгаси борлигига суюнади, –
деди эр.

Ернинг ҳам жони бор.

У ҳам мақташингга илҳақ бўлиб туради.

Қўрдингми, бўлиқ тупроғи нимаики қадасанг,
ҳаммасини гуркиратиб-жўштириб ташлади.

Ёввойи ўтлар ҳам тизза бўйи ўсди.

– Ҳа, кўрдим, – деди Раъно.

– Хурсанд бўлсанг-чи.

– Нега?

– Худо ризқни баракаси билан ошириб-тошириб
берганининг аломати бу, – деди эр. – Барака берма-
са шундай бўлармиди?

– Йўқ, сира бўлмас эди.

Халқ бир бўлиб, мол-қўйини экинзорларга ҳай-
дади. Жониворлар қолган-кутган пояларни, майса-
ўтларни ямлаб-ямлаб ейиши. Сигири тўйиб, терак
остида кавш қайтариб ётди.

* * *

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсар эдилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

– Узокларда, тоғлар орасида катта очик жой бор, – деди эр. – Шамол ўша жойдан кириб келади.

Хамма ёқни бузиб эсиб ўтади-да, олисдаги тоғларга бориб урилиб, ўтолмасдан яна ортига қайтади. Ортига қайтганида шиддати сусайиб, ўзи заифлашиб қолади. Шунака шамоллар йилига беш-олти марта эсади.

Биринчи эсадигани – дов-дарахтни, ўт-ўланни, экин-тикинни уйғотадиган шамол.

Тақир ерни, жонсиз шохларни эгиб-эгиб, уйғотади.

Иккинчиси – гул-куртак ёзадиган шамол. Уйғонган дараҳтларнинг танасида сув юради. Шохларида майда-майда куртаклар бўртади. Шамол ўша куртакларни очади. Уни қалдирғоч шамоли ҳам дейдилар. Чунки қалдирғочлар ўшанинг қанотида учиб келишади.

Кейингиси эса гул тўқади. У камида уч марта эсади. Сабаби – гилос, ўриқ, олма эрта гуллайди. Бехи, шафтоли, нок эса кечроқ. Шуларнинг барининг гулини тўкиб ўтади, ана шунда гулкосасиз қолган куртак мевага зўр беради.

Кейингиси – эрта меваларни тўқадиган шамол. У икки марта эсади. Шундан кейин шамоллар мавсуми кузгача тўхтайди.

Шу шамол бўлмаса табиат мана шундай гуркирамасди. Дов-дарахтни чанглантиради, уруғларини сочади.

Худонинг ишига ҳайрон бўлмай иложинг йўқ. Бу шамоллар ўз-ўзидан эсиб қолади деб ўйлайсанми?

Дов-дарахт ҳам жуфт-жуфт бўлиб умр кечиради. Шуларни биронтаси чангланмаса, мева солмайди.

«Шунча нарсани қайдан билади?», деб ўйлади Раъно, ҳайратланиб.

Мева тўкувчи шамол буғдойларни эгиб-қайириб ўтди. Бўлиқ-бўлиқ бошоқлар ерларга эгилиб, айқашиб кетди. Раъно уларга қараб туриб, шамолни қарғади.

«Секинроқ эссанг ўлармидинг», деди.

* * *

Эр буғдойни қоплаб босиб кўйди.

«Энди ун деб хавотир олмайсан, – деди кулиб. – Чунки, буғдойимиз бор.

Ун керак бўлса, шартта иккита қопини оламан-у тегирмонга обориб, тортириб келаман».

«Бизга пул-мул ҳам керакмас энди, – деди. – Тегирмончи хизмат ҳақига уч-тўрт кило унни олиб қолаверади. Чикитини ҳам олиб келсам, сирингга емиш бўлади.

Ёғ зарур бўлса бир қопини оламану дўконга обориб, ёғга алмаштириб келаман.

Яна нима керак сенга ҳой хотин?»

«Ҳеч нима, – деди Раъно ҳам кулиб. – Болалар соғ-омон, ўзимиз тинч, битта мўмин-мусулмонга яна нимаям керак бўларди?»

* * *

Баҳор ёмғирлари тугаб, кунлар қизий бошлаганида эр иморат бошлади.

Катта-катта дарё тошларидан олиб келдилар. Ерни ўйиб, тош билан уриб-уриб шиббаладилар. Сен энди аралашмайсан, буёғи эркакларнинг иши, деди эри Раънога. Қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар келишди, катта қозонда шўрва, ош дамланди. Қишлоқда ҳар куни ҳашар эди. Кишилар ҳайё-хуй ила, ҳазиллаша-ҳазиллаша бир уйнинг деворини бир кунда уриб қўяр эдилар. Раънонинг эри пойде-

вор күттарди. Тежамли бўлсин дея пойдеворга тош қаладилар. Шундан сўнг бултур кесилган теракларни олиб бориб синч кўтаришди. Раънонинг эрининг устачиликдан хабари бор эди, тиним билмай чумолидай ишлаб, хаммасини аста-секин битириб олди. Синч ёз бўйи қуриб турди. Бу орада эр-хотин лой қориб, гувалак солишди. Гувалаклар ҳам ёз жазирамасида қуриди. Ёз тугагач, эл ҳашарга айтилди. Халқ келиб, кечгача уриб-кўтариб кетди. Раъно теварагида ва ичкарисида сомонли лой парчаларию гувалаклар қолиб кетган иморатга қараб, савлатли, кўркам уй бўлди деб қувонди.

Эр тўқайдан қамиш кесиб келди. Томга терак шохларини кўндалангига териб, устидан ўша қамишларни босишиди. Кейин эр сомон аралаштириб катта лой қилди, томга лой ҳам босилди.

– Шифер ҳам қиласизми? – деб сўради Раъно эридан.

– Шиферга пул йўқ-ку? – деди эр.
– Бизни уй ҳам чиройли бўлмасинми? – дея туриб олди Раъно.

Эр кўнди. Нихоят, кеч кузга борганда томни ёпиб олдилар.

– Ана, иш битди, – деди эр қувониб.
– Энди тахта полини қоқсак, сувоғини қилсак, эшик-ромини ўрнатсак, уй тайёр-да. Кириб, маза қилиб ўтираверасан..

– Ҳечам-да, – деди Раъно. – Шолча-палос, тўшак-парда деган нарсалар ҳам бор.

– У ёғи сени ишинг, – дея кулди эри.

Шунда Раънонинг эсига онасининг гапи тушди. Эрига ер остидан каради, у хушфеъл кулиб турарди.

Сирайм бургутга ўхшамасди.

Ўзи ҳам она бургутга ўхшамасди.

Бекор гап экан, деди. Мусичаларга ўхшамаймизми кўпроқ?

Мусича ҳам хас-хашакдан ин куради, биревга зарари тегмайди, ку-кулаб дон-дун ташиб юраверади.

Ёмони шундаки, ўша қора юзли киши улардан бир неча ўй наридан томорқа олган экан. Қайтаётгандаридан томорқасида бир нималарни мүлжаллаб юрганини кўриб, Раънонинг юраги увишиб кетди. Бақрайиб қараб турганини кўриб: «Илоё, бетингни Худо тескари қилсин», дея қарғаб ўтди.

Кўни-кўшнилар «Янги уй кутлув бўлсин», дея ош-палов пишириб чиқишиди.

– Эл барибирам яхши-да, – деди Раъно, суюниб. – Қаранг, бирпасда ҳаммаёқда иморат. Одамларимиз жуда инсофли-диёнатли-да.

– Ҳаммаям эмас, – деб этироуз билдириди эр. – Нариги кўчадаги Аҳмадни танийсан-ку? Кеча маст бўлиб, кўшнилари билан уришибди. Ёки тепа маҳалладаги Тошмат? Ҳаммани алдаб, пулини олиб қайтармай юради.

– Унда ўша Аҳмад билан Тошмат ёмон, – деди Раъно. – Эл эса барибирам яхши.

* * *

Раъно яна қўк кийди.

Қиска вақт ичидан ота-онасидан айрилди.

Ҳар икковлон касал бўлмасдан, биревга оғири тушмасдан жон бергани юракни янада эзар эди.

Ўлим ҳақ! Ҳар ким ҳам бир куни бу оламдан кетади.

Яна бир ҳақиқат шуки, кетганлар сизу биз борадиган жойга бизлардан аввалроқ бориб турадилар.

Ўзингники ёмон бўлар экан. Раъно ёмон куйди. Ўзини ҳар томон урди. Ота излари қолган тупроқларга ўзини отиб йиглади, у қурган иморатларга юзини босиб йиглади.

«Вой отам, ҳамма нарсаларингиз ўз жойида турибди-ку, ўзингиз қайдасиз?» деб бўзлади.

«Уйингизга кирсам, исингиз димоғимга урил-япти-ку, жон отам?»

Касал бўлганларида «Жоним қизим» дея, у ёғини айта олмай ютинганларигача хаёлида жонланди.

Айтиб-айтиб йиғлади. Шундай йиғласа, юраги-нинг ичидаги тафти босилгандай бўлди.

*Қатор-қатор уй солган,
Деворига гул солган,
Солган гули битмасдан
Гўристонга йўл олган,
Экса битмас майдоним,
Чақирсан келмас меҳмоним,
От кўттармас полвоним,
Уйимдаги султоним,
Орқамга тушган офтобим,
Устимга кийган кимхобим,
Қишилардаги қишиловим,
Ёзлардаги яйловим,
Отажоним, жон отам,
Отажоним,вой отам...*

Этигига, белбоғига, тўнига юзини босиб-босиб йиғлади Раъно қиз.

Ха, қизнинг куйиши ёмон бўлар экан. Қиз ўз-ўзини еб қўяр экан. Жонини аямас экан, кущдай по-тирлаб ўзини ҳар ён урап экан.

На қайнона юпата олди уни, на эр, на боласи.

Биттасигаям қулоқ солмади. Боласини бағрига маҳкам босиб, дарду армонларини айтиб бўз-лайверди, бўзлайверди.

«Отажонимни беҳиси», деб мурожаат қилди беҳига. «Наинки ўзини, балки қўлларининг изиниям тополмай қолдим-ку, энди сен ҳам қўзимга ўтдай кўриниб кетяпсан», деди беҳининг ғадир-бутир та-насини сийпалаб.

«Индамайгина ўлиб қолаверди-я», дер эди ку-йиниб.

«Хеч кимимиз қолмади-ку, болам», дер эди қизчасига.

«Бу ёруғ оламда сену менгина қолдик холос, жоним болам».

Бола түлпок қўлчаларини ўйнатиб, онасиға тиниқ нигоҳини тикиб тураверди.

«Энди кимга керагимиз бор, болажон?

Бобонг ҳайитларда белбоғини қатига қанд-курс қистириб, сени-мени кўргани келарди-ку?

Энанг ҳар икки-уч кунда бир: «Нон ёпувдим, кип-қизариб пишди, иккитағинасини сенга илин-дим» деб потирлаб келаверар эди-ку?

Ҳаётида бирор рўшнолик кўрмасдан, мана, ўтди-кетди-ку?

Ўзи емади-ку? Ўзи ичмади-ку?

Шунда қизрасининг юзига кўзёшлари томар, томар, томар... Раъно: «Болажоним, сениям қийнаб кўйдим-ку» деб, томчиларни рўмолининг учи билан артиб-артиб оларди.

Ҳатто эрига ҳам гапиргиси келмасди. Индамасдан йиғлай-йиғлай юмушларини қилиб юраверарди.

Шундай кунларнинг бирида ёмғир ёғди.

Ёмғир тандир ёнига босиб қўйилган ғўзапояларни, макка боғларини, сарғайган ўт-ўланларнинг барини хўллаб, майдалаб ёғаверди. Бирпаста ҳаммаёқ шалаббо бўлди.

Чироқ аллақачон ўчиб қолган эди. Салқин этни жунжиктирас, уй бўғотларидан шаффоф томчилар чакилларди.

Раъно уйга кирди, шам ёқди.

– Қўй энди, куяверма. Болаларинг ҳам қийналиб кетишиди, – деди эр меҳрибонлик билан.

Раъно индамади.

– Бунақада ўзингни бир нима қилиб кўясан.

Раъно яна индамади.

– Кел, қўй энди, – деди эр, овозида меҳри товланиб, ўзига тортиб. Шунда рўмоли сирғалиб елкасига тушди. Эр соchlарини силамоқчи эди, Раъно четланиб, рўмолини қайта бойлади.

– Нега бойладинг, тураверсин? – деди эр.

– Йўқ, уят бўлади, – деди Раъно.

– Ўзимиз холосмиз-ку?

– Худо кўриб турибди, – деди Раъно.

Жим қолдилар.

– Айт-чи, – деди эр овози ўзгариб. – Мени сира яхши қўрганмидинг?

– Вой, нима деяпсиз? – дея ҳайрон боқди эрига. Бундай хаёл ақлига келганига ажабланди.

– Ростдан?

Эр атай шу савонни берганига ақли етиб турарди.

– Ростини айт, – деди эр. – Балки қиз болали-гингда кимнидир ёқтиргандирсан?

– Нималар деяпсиз? – деди Раъно эрига рўй-рост жаҳли чиқиб қараб. Кейин шартта деди:

– Ўлсам ҳам бирорга тегмас эдим!

Шу гап етарли эди. Эрнинг юз-кўзига фавқулодда жилмайиш инди. «Худойимга шукр», деди илжайиб.

* * *

Кунлар ўтаверди. Томорқа тераклари жуда тез ўсади. Кўпчилик иморатини тиклаб ҳам олди. У ерга қараб туриб қачонлардир бепоён дала бўлганига ақл шошар эди. Раъноларнинг иморати ҳам битди.

– Одамларнинг баҳтиёр бўлиши учун қанчалар оз нарса кераклигини қара-я, – деди эр. – Ҳақиқатан ҳам, бир парча ер, озгина ризқ-рўз, тинчлик хотиржамликдан бошқа яна нимаям керак бўларди? Худога шукр, ҳаммамиз соғ-саломат, халқ омон, болалар ўйнаб-кулиб катта бўлишяпти...

- Ҳа-я, – деди Раъно.
- Полвоннинг тўйиниям қилолмадик, – деди эр. – Аввал меникилар кетишид, кейин сеникилар. Уч йил кўқдан чиқмадинг. Энди элга ҳалоллаб кўйсак нима дейсан?

Топган-тутгандарини йиғиб-териб, оз-моз қарз ҳам олиб, полвонни «ҳалолладилар».

Бўй-бастига муносиб кичкина тўнча, иси анқиб турган яп-янги дўппи кийдирилиб, белига белбоғ боғлаб кўйилган ўғилча нималар рўй бераётганига ақли етмасдан қўлида ўйинчоқлари ва ширинликлари билан ҳовлида ўйнаб юрар, ҳамманинг дикқат-эътибори тўйболада, қиз томон куёвнинг ота-онасигаю, ўзига бошдан-оёқ сарпо ҳадя қилган, тоғалар каттакон новвосни эл кўзида етаклаб олиб келиб, бостирма устунига бойлашгач, шохларигаю туёқларига арқон ташлаб, мана шу пилдираб юрган болакайнинг келажакда омон-эсон ўсиши учун курбонлик ўлароқ сўйилиб, кони четроқда ерга қазилган чукурчага оқизиб ҳам бўлинган, ҳозир беш-олти киши биргаллашиб терисини шилар эдилар. Уста келганида Раъно ичкари уйга қочиб кириб, кулоқларини беркитиб ўтириб олди, боласининг озор чекишини ўйласа вужуди дир-дир титраган эди.

Ташқаридаги эркаклар қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, кулар эдилар.

Бир маҳал боласи чириллаб йиғлаганида Раъно ҳам йиғлаб юборди, сира ўзини босолмас эди. Аммо худонинг раъйига, элнинг урфига қандай қарши борсин? Сал ўтиб, бола йиғиси босилганида: «Ана, энди катта йигит бўлди», дея шод-хуррам турган кишилар орасига кириб бориб, чўмбири устига дўппи ёпиб, белбоғ ташлаб кўйилган, аммо ўзига берилган ўйинчоқларгаю кичкина пичноқчага алаҳсиб, қора киприкларида ҳалқа ёши титраган-

ча жилмайиб турган ўғлини кўрдию енгил тортди: «Хайрият», деди. Ўғилнинг ҳам, қизнинг ҳам онасини куйдирадиган бир доғи бор, ишқилиб, болаларимга бошқа дард бермагин, берсанг ўзимга берақол, деб ёлворди.

* * *

Энди Раъно ота уйига борганида томорқа айланар, ариқча кичрайиб қолган, тубида озгина сув оқар эди, холос.

Қизгина энди ота экиб кетган беҳи билан сўзлашар эди.

«Отамнинг беҳиси, ўсяпсанми?»

«Ўсиши қайдо, она қизим. Бир амаллаб жон сақлаб турибман. Кўряпсанми, мадорим қуриди. Майдагашохчаларимнинг учлари ҳам қуриб бормоқда».

* * *

Ўша тонгда зилзила рўй берди.

Зилзиладан бир неча сония аввал Раъно тўсатдан ўйғониб кетди. Шу маҳал ер остидан жуда кудратли бир гулдурос эшитилди. Ҳаял ўтмай ҳаммаёқ силкинди. Деворлар қарсиллади, бир нима тарақлаб тушди, сигирлар бўкириб, итлар ангиллай кетишиди. Раъно жон ҳолатда сапчиб, калима қайтара-қайтара, бир кўлига қизрасининг бешигини, иккинчи қўмита ўртанчасини ва катта ўғлини олиб, ташқарига отилди.

Валишлар ҳам силкинар эди.

Ҳавода қизғиши туман сузар эди. Бунақа ғалати туманини сира кўрмаган эди Раъно. Ёз кунида пайдо бўлиши қўрқинчли эди, ҳозир ер юзи ёниб кетса-я, деб кўрқди у.

— Худоё ўзинг сақла! Вой, тавба қилдим!

Тинмай шу сўзларни такрорлар эди.

Эр ҳам отилиб чиқди, шу фалокат вақтида ҳа-

лиям қарсиллаб чайқалаётган иморатларига ола-
кула кўзларини тикиб у бир ён, уч боласини бағрига
босиб, тили қалимага келмай турган Раъно бир ён...
шу икки жон, эру хотин.

Салдан кейин зилзила тинди. Одамларнинг қич-
қириғи, мол-қўйларнинг маъраши ҳануз эшитилар
эди.

– Қанақа қилиб опчиқдинг буларни? – деди эр
хайрон бўлиб.

Раъно ўзиям билмади.

– Билмасам, – деди ҳайрон бўлиб.

Ҳақиқатан ҳам кап-кatta йигитга қўшиб, қиза-
локни ва бешикни бир вақтнинг ўзида уйдан олиб
чиқиш ақлга сиғмас эди.

Кўча тўла одам эди. Ҳамма тўзғиб, уйларидан
ташқарига отилиб чиқишиган эди.

– Тинчмисизлар, тузукмисизлар? – дер эди ҳам-
ма бир-бирига.

– Шукр-шукр, – дер эдилар қолганлар ҳам.

Ҳамма бир-биридан ҳол сўрар эди.

Қишлоқ ваҳимага тўлиб кетган эди. Кимнингдир
сигир-қўйи бостирма тагида қолибди. Пастроқда,
айниқса, шовқин кучли эди. Кўзи ёмон қора киши
бултур қўшниси билан девор талашиб уришган
экан, зилзилада уни ўша девор босиб қолибди.

– Тавба, Худойим тинчликни қадрини кўрсатиб
қўйди-я, – деди Раъно.

* * *

Эр телевизор олиб келди.

Томга симини чиқарди, қаеринидир бураган эди,
липиллаб турли юртларни, турфа кишиларни, уруш-
жанжалларни кўрсатди. Тўда-тўда бақироқ оломон
уйларни ёқар, қичкириб-бақирап эди. Телевизор ота-
сини ўлдирган болани, ўғлини уриб майиб қилган
отани, номаълум сабабга кўра тўда-тўда бўлиб

ўзини соҳилга уриб ҳалок қилган балиқлар галасини, тасодиф туфайли бойиб кетган аклсиз кишини, онасини ёлғиз ташлаб қўйган ўғилни кўрсатди.

– Ўчириңг шуни, – деди Раъно кўнгли озорланаб. – Тавба, дунёда шунака одамлар ҳам борлигига ишонгинг келмайди. Биронтасида ҳаё-инсоф деган нарса йўғ-а? Бир-бирини итдай ялаб-юлқайди, одамлар бор ҳам демайди. Ўлсин, нима қиласардингиз шуни опкелиб?

– Болалар кўришсин дедим-да.

– Болаларга кўрсатиб нима қиласиз, бетини очиб? – деди Раъно.

* * *

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсаверадилар, кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Эрнинг соchlарига оқ тушди. Гавдаси эгилди, юзи тиришларга тўлди. Ўзининг ҳам ажинлари кўпайди. Аввалги чакқонликлар қайда энди?

Юмушлар эса эсини таниганидан бери ўша-ўша: ҳануз ариқ бўйларидан, экинлар ораларидан ўт юлиб, сигирга солиш, томоркага қараш, ҳовли су-пуриш, хамир қориш, нон ёпиш, овқат пишириш... Аммо бели дарров оғриб, чарчаб ётиб олгиси келар, вужудни қувват тарк этмоқда эди.

Ўғилни уйлар вақти юз кўрсатди.

Таниш-билишлар ким орқалидир кимнидир қизини рўпара қиласа ғидилар. Эмишки, фалончининг қизининг сочи супурги-ю кўли косов, оёғи олти-ю кўли етти, хуллас, жуда меҳнаткаш эмиш. Ҳар қанча ишласа ҳам чарчамасмиш. Ўзи ниҳоятда камсукум, фоятда одобли, гап сўрасангиз гапирмасмиш, ҳар иш кўлидан келармиш, келин бўлиб тушган хонадини боғу бўстонга айлантириб юборармиш.

Шундай эса-да, Раъно ўғлини ҳеч кимга раво кўрмас эди.

Йўқса, ўғил кучга тўлди, кўркам, ажойиб йигит бўлди. Ота-боболардан қолган одат шу, йигит эр етилгач, уни йўлга соладиган хотини бўлади дейдилар. Кўча-кўйда юраверсаям бўлмайди. Тезда бошини икки қилиб кўйсанг, қуюлади, ақли киради.

Ўғлига: «Сени уйлантирамиз», дердию ич-ичи бир симиллаб оларди.

Ўғилнинг жилмайиб турганини кўриб ғаши ҳам келар эди.

– Ҳах, илжаймай кол, нимага куйдирасан? – дер эди. – Ҳали хотининг тарафга оғиб кетарсан ҳам?

– Менга барибир, хизматингни қилса бўлди.

– Унақа дема, – деди Раъно. – Мени хизматим нимаям бўларди? Хотин киши рўзғорингни бутлайди.

– Бутласин-да, – дея кулди ўғил жилмайиб, онасини кучоқлаб. – Лекин хизматингниам бажарсин. Қанча меҳнатлар қилдинг, қанча қаттиқ кунларни кўрдинг, қават-қават тўшакларда мазза қилиб ўтира-да энди, она.

* * *

Йигирма йил аввалги ҳодисалар энди Раъононинг кўз ўнгига такроран рўй бермоқда эди.

Келин бўлмишнинг яқинлари кўча-кўйда кўриниб қолишиса, эгилиброқ салом беришар, қуюкроқ хол-аҳвол сўрашишарди.

Ҳар икки хонадонда ҳам анча-мунча киши тўй тадориги билан овора.

Деворларнинг тўкилган сувоклари қайтадан сувалган, бўялган, эл келса маломат қилмасин дея ҳар тараф саришталанганди.

Жўхорилар ўсиб ётган ерлар тозаланганди.

Кишилар маҳалланинг дошқозонларини араваларда ташиганди.

Келиннинг уйига қўй, нимта, ун-гуруч, гўштнон, сарпо-сурӯғ юборилганди.

Раъно ўғлининг бўй-бастига қараб туриб, уни ҳануз қизганар эди.

«Айланай қош-кўзингдан, бирам келишган йигит бўлдинг-ки», дер эди.

«Эшигимдан кириб келган давлатимсан-ку, айланай», дея суръ эди.

«Юзимнинг қизилиям, тилимнинг узуниям сенсан, болам».

Маросимлар давом этар, тўй руҳи қишлоқнинг анча-мунча хонадонини эгаллаб олган эди.

Кичкина болачалар ҳам ўйнагани кириб келишса: «Тўйлар кутлуғ бўлсин, хола», – деб кетар эдилар.

Узун капгири, катта чўмичлари билан баковул кириб келди. Катта ўчокларга ўтин қалади, кўк тутун кўкларга ўрлади. Баковул қизариб-қизариб, дошқозонларнинг бирида тўй шўрваси, бирида ош пишириди.

Маҳалланинг одами кириб келди, ҳовли издиҳомга тўлди. Ёш болалар ҳам маккаси ўриб олиниб тозаланган ерга ўтириб олиб, «мазза бўпти» деб шўрва ичар эдилар. Қарияларга ичкарига жой қилинган эди. Ош сузилди. Одамлар еб-ичишиб, келин-куёвга худо бахту саодат берсин, дея фотиха қилиб кетишиди.

Келган-кетган кўп эди. Ҳаммасининг дастурхонига бир-икки сиқим қанд-курс, нон-қатлама, парча мато қўйиш керак эди.

Ҳовли яна иккига айрилди. Хотинлар тараф узун оқ сурп билан тўсиб қўйилди. Эркаклар дарвозахонада тўпланган эдилар. Хотинлар тараф қушлар сайрагани каби қий-чувга тўла, ҳаммаси баб-баравар гапираётгандай тасаввур уйғотарди.

Ёш-яланглар тўйхонани тайёрлаб бўлишган, учтўрттаси ток зангига катта қора кутиларини ҳам осишган, қўшиқчилар тайёр, нарироқда карнай-сурнайчи ҳам жамулжам... Раъно мана шу тўстўполон ичидаги пилдираб юарди.

– Куёвнавкарлар тайёрми?

– Тайёр, тайёр.

Бир маҳал келин-куёвга ажратилган уйдан ба-нарас тўни ингичка қадди-бастига чунон ярашган ўғли чиқиб келди. Қоп-қора соchlари дўппи остидан тошиб чиқиб турар, қора қошлари қалин, баланд бўйли, кўркам йигит бўлган эди.

Раъно истамаса ҳам қарокларига ёш келди. «Вой ўлай, тўй бўляпти-ю, йифлагим келишини қара, уят-а», деди.

«Бўй-бастингдан айланай деб бағримга босай десам, бўйингга бўйим етмайди-я, онанг чўринг бўлгур!»

Қариндош-уруғлар, танищ-нотанишлар ҳам куёвнинг елкасидан олиб, юзларига фотиҳа тортар эдилар. Ҳамма хавас ила куёвболага қарашарди.

«Ху, кўзинг ўзингга теккур», деди Раъно ичida, келганларнинг орасида биронтасининг кўзи бор бўлса-я деб хавотирга тушиб.

Ха, Давлатбек куёвларнинг сарвари бўлган эди.

Куёвнавкарлар жўнаб кетишиди.

– Ғўзапоя опчиқмайсизларми? – деб сўради Раъно.

– Йўқ, хола, энди ғўзапоя ёқилмайди, – деди йигитлардан бири.

– Вой, келин-куёв олов атрофида айланмайдими?

– У маросим бекор бўлган, – деди йигит.

Раъно у ишни жоиз эмаслигини билса-да, келин-куёвга зарап-зиён тегмасин дея, барибирам ўт атрофида айланишларини истар эди.

Ярим соатча вақт ўтгач, куёвнавкарларнинг қий-кириғи, чилдирма дўп-дўпи эшитилди.

Келин келди!

Куёвларнинг сарвари Давлатбек келинни етаклаб даврага олиб кирди.

Раъно ана шунда ўзини тутолмай, теварагидаги-лардан ҳам уялмай, рўй-рост йиғлаб юборди.

«Ҳой, тузукроқ кўйлагингизни кийиб олмайсизми?» деди кимдир.

Раъно ўғлидан кўзини узгиси, бошқа кўйлак кийгани уйга киргиси келмай, кўзидан ёши оқиб қараб турарди. Ёр-ёр садолари остида болажони давра тўрига ўтиб ўтиради. Ўртакаш бир нималар деб жаврай бошлади, аммо гаплари Раънонинг қулоғига сира кирмас эди.

* * *

Орадан йил ўтар-ўтмас қизни ҳам чиқардилар.

Қизалоги отасига тортган, чўзинчоқ оқ юзли, кошлари пайваста, ойдай бўлиб турар эди.

Келинни олиб чиқиб кетар маҳали отани чорладилар.

Яна ўша эски ёр-ёрлар айтилар эди.

Валишлар остига, қизалоқнинг қанча шўх-шодон кунлари ўтган шу қадрдон ҳовлининг тупроғига, ота оёғи остига янги палос тўшалди. Холалар қизни икки қўлтиғидан ушлаб, ота пойига олиб келишди. Қиз икки букилиб: «Отажон», дея таъзим қила-қила келди. Хотин-халаж, бола-бақра қий-чуви остида падар оёғига бош урди, бу бош уришда: «Неча йиллар сув келса симириб, тош келса емириб ўстириб катта қилдингиз, энди мендан рози бўлинг», деган нидо ҳам бор эди. Шунда ҳаётнинг пасту баландини кўравериб дийдаси анчайин қотиб кетган шу кишининг кўзларидан ҳам тирқираб ёш чиқиб, юзларига оқди, атрофидагилардан ҳеч тортинмай, барагла хўнграб юборди.

Қизнинг қалбida ҳам, отанинг юрагида ҳам айтилмаган қанча гаплар бор эди-ю!

Бу йиғининг маъноси шундай эди:

«Дунёи дунда якка бир ўзим эдим, Худойим

фариштадай бир қизалоқни – сени ҳадя қилиб юборди. Уйимда ўйнаб, чопқиллаб юришларинг ҳаётимни нурга тўлдирди. Чарчаб келсам, кичкина қўлчаларинг билан оёқларимни, елкаларимни уқаладинг, чойлар дамлаб келдинг... Отанг курбонинг бўлсин, болам, уйимда меҳмоним эдингми? Шунча йил асрабавайлаб катта қилдим, бағримдан сира чиқаргим келмайди, аммо найлайнин?»

Кизнинг айтар гапларини эса ҳеч ким билмади. Киз ичидағи гапларини ўзи билан олиб кетаверди.

Келинни олиб чиқдилар.

Кий-чув билан хотинлар ҳам жўнашди. Ҳовли хувиллаб қолди. Отанинг бир-икки дўст-ёри бор экан, шулар жонга ора киришди, у ёқ-бу ёқдан гапириб, чалғитиб ўтиришди.

Тўйхона эса чароғон, ҳамма шод, бир гапириб ўн кулар эдилар.

Куёвлик сарполари ўзига ярашган куёв давра тўрида қўр тўкиб ўтирас эди.

Раъононинг юраги ийиди.

«Куёвжон», дегиси келди.

«Кипригимнинг устида, қароғимнинг остида катта қилган қизимни ўзим опкелиб қўлингизга топширяпман.

Иложи бўлса, бағримдан чиқаармидим?

Жонимни ипини қўлингизга бериб қўйяпман, жон болам.

Қошингизда пилдираб юришларимдан, сизга музтар-музтар, ялиниб-ялиниб қарашларимдан сезмаяпсизми?

Жонимнинг шу битта парчаси энди сизга бойланган. Сиз кулсангиз, ичим ёришади, қовоқ уйсангиз, дунё коронги бўлади.

Илтимос, шунча йил қошу қароғимда олиб юриб, авайлаб катта қилган боламга озор берманг, чўрингиз бўлай!»

Бу гаплардан күёвнинг хабари бормиди? Билиш қийин. Күёвнавкарлар қаторида кўр тўкиб, Алпомишдай бўлиб жилмайиб турар эди.

Ўзининг иззатини ҳам, кадру қийматини ҳам билб турар эди.

* * *

Шу тариқа кетма-кет тўйлар бўлди. Гўё болачақа ташвишидан қутулдилар.

Шамоллар ҳануз аввалгидек эсар эдилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Келгану кетган: «Ана, ўғилни уйлантириб, қизларният чиқариб олдингиз, катта ташвишдан қутулдингиз», деб ҳавасланишар эди.

Аммо бола-чақасини уйлаб-жойлаган одам ҳам сира тинчимас экан.

Үйида ишларига уриниб юради-ю, аммо кўнглининг бир чети нариги маҳалладаги қизида, нима қиляпти экан, тузукмикин, дея. Яна бир чети бу қизида. Ўғли сал ҳаялласа, питирлаб жойида ўтиромай қолади. Болалари катта бўлгач, одам боласининг кўнгли яримта бўлиб қолар экан, деган хуносага келди у. Яримта нимаси, парчаларга бўлиниб кетар экансан. Бир парчанг ўғлингга, бир парчанг қизингга тортиб тураверар экан.

Онаизорининг гапи ҳам эсига келди. Бир маҳаллар: «Ичимдан узилиб тушган парчамсан-ку», деб ёйилиб кулимсираганлари кўз олдида жонланди. Оддийгина у гапнинг шунақа чўнг маъноси бор экан-да, деди ҳайратланиб.

Тавба, тақдир деган кўзга кўринмас бир чархпаклак секин-аста айланмоқда.

Келин ҳовлида юмушларини бажариб юрипти. Бир нима дей деса, лоп этиб кўз олдига ўз қизи келади.

Келинчак ҳали жуда ёш, гоҳ тортиниб, гоҳ довдираб ўзича юмушларга уриниб юрибди, мана,

хозиргина товукларга жүхори донидан сепди... бир нима дей деса, у ёқда қайнонаси қизига худди шу гапларни айтишидан чўчийди.

Ўғли келиб қошида бир оз ўтиради, кейин уйига кириб кетади.

Одам хотинига, боласига боғланиб қолар эканда деб ўйлади. Ажабо, эри ҳам шунакамиди? Раҳматли қайнонаси ҳам шунака деб ўйлаганмиди?

Шулар хаёлидан ўта-ўта бир куни эрига:

– Отамиз-онамизга бир жонлик сўйиб ис чиқарсак, тушимга киришибди, – деди.

Эр мамнун бўлди.

Лекин бу ишларнинг барининг битта яхлит ҳикмати бор эди.

Бу ёруғ дунёда неки қилсанг ўзингга қайтар экан: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам. Ҳатто гапирган гапинг ҳам бир айланниб ўзингга қайтиб келиб турар экан. Бирорга: «Фалончи нега бунақа-я» деб гапириб ҳам бўлмас экан, чунки кун келиб ўшанинг ахволига ўзинг тушар экансан. Ҳа, дунёи дунни бежиз чархпалақ демас эканлар. Чархпалак деганлари оҳиста айланниб, ариқларга сув қуяди, дунёи дун чархпалаги эса ўз қилмишларингни ўзингга қайтариб қуяр экан...

* * *

Баъзан ўйлаб ҳам қоларди, шунча йил яшабди, бирорга сира ёмонлик қилмабди. Ажабланарлиси шундаки, ўзига ҳам бирордан ёмонлик етмабди. Ёмонликларнинг кўпи сўз туфайли бўлишига ҳам ақли етди. Ҳа, бирор бирорвнинг молини ўғирлаши ёки ҳақини еб кетиши ҳар доим ҳам рўй беравермайди, аммо ҳар куни сонсиз-саноқсиз сўзлар айтамиз, кимларнидир гапирамиз, кимларнидир ёмонлаймиз, мана шу сўзларнинг бари эгасига етса озорланиши, ранжитиши ва гуноҳга айланиши турган гап.

Раъно кампирнинг ўйлари кўп эди. Бирининг ортидан бошқасичувалашиб келаверар эди.

Тенг-тўшларининг, яқинларининг кўпи қишлоқ-нинг тепа тарафидаги жимжит маконга кўчиб кетишиди. Бува-буви, ота-она, қайнота-қайнона, кулгилари, гап-сўзлари оламни чароғон қилиб юрган яна аллақанча кишилар ўша ёқка абадиян жўна-дилар. Ажабки, юрагининг бир чети ўша томонга ҳам тортиб туради.

Бутун ўтган умрига разм солса, бир қушдан ортиқ бўлмапти. Ўзи кўрган кушларнинг бари ин қуриб полапон очишарди. Раъно ҳам бир ин қурибди, полапон очибди, ризқ ташибди...

Бу орада Давлат катта киши бўлди. Юрганида ер зириллади, гапирганида осмон. Уйга тўртбурчак катта бир нима кўтариб келди, уни деворга осиб, бир ерига босган эди, фириллаб салқин ҳаво чиқара бошлади.

– Мана, она, маза қиласан, – деди Давлат. – Энди ёз иссиқларида, қиш совукларида қийналмайсан.

– Бунақа нарсаларингни ўзинг ишлатақол, – деди. – Менга қишга битта сандал қуриб берсанг кифоя.

– Сандал ҳам қуриб бераман, – деди Давлат. – Роса меҳнатни қилдинг, энди оёғингни узатиб, бир оз ором олсанг-чи?

Шунча йил заҳмат чекдинг, сира биринг икки бўлмади, бор топган-тутганингни боламга деб илиндинг.

Нима учун шунча уриниб-тиришиб меҳнат қилсанг ҳам бутун умр бўйи топганинг шу бир уй-у бир даҳлиз иморат бўлди, нега шундай деб ўйлаб ҳам кўрмадинг.

Хаёт шу экан-да дединг, кўндинг-чидадинг.

Кўлларингни қадоғи ҳалиям кетмабди-ку, она?

Дунё ранг-баранг, қайлардадир кишилар етти ухлаб тушингга кирмаган роҳату хузурлар ичida яшаб юришибди, уларни билмадинг ҳам, кўрмадинг ҳам.

Энди кел, дунёни күрсатай десам, отанг билан биргалашып курган шу уйимдан кетмайман деб болаларча тихирлик қиласан.

Дунё ўзгариб кетган, она, юр, сен ҳам күр десам, уйимда невараларимни хотиржамгина ўйнатиб ўтирсам, сен ишингдан кечга қолмасдан вақтида келсанг, синглинг тумов-пучқоқ бўлмасдан уйида тинч бўлса бас, дейсан.

Ҳалиям нон увоқларини терасан, ҳамма нарсани тежайсан. Ҳалиям бир парча бўш ер қолса, тешачани олиб, инқиллаб-синқиллаб ўша жойга бир тупрайхон ё битта чечак қадаб қўясан.

Невараларингга бир боқсанг-чи. Сен яхши кўрган еримиздан худо барака бериб жўштириб юборган ризқ сингари, булар ҳам шунаقا жўшиб-тўлқинланиб этилиб келмоқдалар.

Оlam ўзгариб кетган десам кизикмайсан ҳам. Ҳа, ишқилиб тинчлик бўлсин, деб қўясан.

Кейинги пайтлар: «Қаторимиздан хато бўлмасин» деб дуо килар бўлдинг.

Болалигимдан биламан-ку, авваллари қизиққанинг турли-туман кўйлаклар эди. Гоҳо ҳайитларда: «Болам, кўйлагим эскириб қолди, мени бозорга олиб бориб, янги кўйлак олиб берсанг», дер эдинг.

Шуниям айтмай қўйдинг...

Лекин қўшнининг болаларидан биронтаси касал бўпқолса, дарров бир нима пиширасан, дастурхонга ўраб, ўшани кўриб келасан. Бирор тўй қилса, келинингдан бир парча мато сўраб оласан, отамнинг кўйлагини бошингга ёпиниб, пилдираб ўша тўйга ҳам бориб келасан.

Она, ўғлинг куч-куватга тўлди. Дунёда одамини ақли бовар қилмайдиган юртлар, мамлакатлар бор. Кўрсанг эсинг оғадиган мўъжизалар бор. Юракол онажон, кўрсатай десам, худди кичкиналигимда бир нимани билмасдан сўраганимдаги каби бағрикенглик билан жилмаясан, ўзимни яна ўша

маҳалдаги каби нималарни дир билмас ҳис қиласан. «Қўй болам, менга шу эл кифоя, дунёнгни нимаям қиласадим», дейсан.

Бир куни қаттикроқ туриб олдим, ўшандаям кўнмадинг.

«Ортиқча пулинг бўлса, рўзгорингдан ортса, ана, синглингга қараш», дединг.

Бегона бир хонадонга узатилиб кетганида, сингил акага мўлтираб қолади, дединг.

Сингилни акага доим ичи ачиди, жони куяди, ҳар ерга борса: «Акам ундоқ, акам мундоқ», деб мақтанади.

Бўй-бастингни кўрса хурсанд бўлиб кетаверади, мабодо уйига йўқлаб борсанг, ўша теваракдагиларни олдида кўкси тоғдай бўлади, гердайиб-гердайиб юради.

Кўзининг ёши бирпасда дувиллаб оқиб ҳам кетаверади: «Отамнинг ўрнига отам келди-я» деб суюниб ҳам олади.

Сенинг келганингдан шодланиб: «Акам яхши кўради» деб, кўллари куя-куя қумғонда чой дамлайди.

Ўзиди йўқ бўлса: «Акам келди!» деб қўшнидан қаймоқ олиб чиқиб олдингга қўяди.

Эрининг олдида тили узун бўлади. «Мендай ғарибниям йўқлаб келар одамим бор», деб суюнади.

Нима десанг ҳам оғзингга мўлтираб қараб туради.

Сингил райҳондай бўлади, жамбилдай бўлади...

Болам, дединг яна, ота уруғингдан хабар ол, она уруғингдан хабар ол.

Тоғаларинг қони сенда оқади. Она уруғинг қайишади, сени бир томиринг оғриса, уни етти томири оғрийди. Билиб қўй, тоғаю хола онадай меҳрибон бўлади.

Амакиларингдан хабар ол. Отa уруғ сир-ҳайбат сақлаб туради. Отa уруғда отангни қони оқади.

Отангдай вазмин, хайбатли бўлиб туради. Сенга бир гап бўлса, тегрангни тоғлардай куршаб олишади.

Сен кичкиналигингда улар куч-қувватга тўлиб, кўча-кўйларни тўлдириб юрган кишилар эдилар. Сен қувватга тўлганингда улар заифлашдилар. Эшигидан кириб борсанг, уларнинг кўнгли ҳам тоғдай бўлади.

Ота уруғинг хотини тарафга, она уруғинг эри тарафга мақтанади, кўрдингми, қариндошим келди, дея.

Болажон, сен жуда ақлли бўлиб улғайдинг, сенинг қувватли ақлинг етган жуда кўп нарсаларга менинг ақлим етмайди. Аммо шунча йил яшаб, билганим: шу келбатинг, фаросатинг, зеҳнинг билан ҳам ота уруғингни, ҳам она уруғингни бирлаштириб.

Бирлашмасанг бўлмайди, болам, хаёт оғир, мураккаб, қийин, шу олатасир ичиди бир-бирингга икки оғиз яхши гап айтишинг шарт. Ҳамманиям ризки етиб турибди, ҳеч ким сенинг ризқингга зор эмас. Аммо одамлар икки оғиз меҳр сўзига жудаям зор...

* * *

Йиллар ўтаверди.

Қизик, умр гоҳ шитоб билан ўтаётгандай, гоҳ эса аста-секин оқаётгандай туюлади.

Отанинг беҳиси тамомила қартайди.

Томорқа оралаб ўтган ариқча кўмилаёзди.

Тепада ким дир сувни бер ким ди.

Ариқча қирғофидаги ўтлар аввалгидай бўлиқ ўсмай қўйдилар.

Бу сув қишлоқнинг тепасидан, тоғлар бағридан келади, дерди. Туси окиш, тошдан-тошга урилиб, ҳар хил маъданларни эритиб жуда хуштаъм бўлиб келарди.

Келмай қўйди - я...

Отам ўшанда нима учун беҳи эктирганини энди

англағандайман, деб ўйлади у. Беҳи узоқ яшар экан. Нок, ёнғок, ўрик ҳам. Қолғанларининг умри қисқа экан-да.

Қизалогим умри бўйи шу мевадан тотиб юрсин, деган экан.

Лекин болаларимга шуни уқтиrolмай жоним ҳалак.

Ҳой, уйинг буғдойга тўлгур, кўчат қадаб кўй. Күш есаям, курт есаям савоб. Ўйнаб юрган кичкина болачалар еса, яна савоб.

Сендан ош-нон сўрармиди? Бир-икки йил тагига сув куйиб турсанг бас. Илдизи намга етиб олгач, ўзи ўсиб, мева солаверади-ку? Йиғиб-териб олишга эринсанг, меваси сени кутиб қанчадир вақт шохидатуради, кейин узилиб ерга ҳам тушади.

Худойим бутун оламни баҳор пайти одамнинг ақли етмайдиган тур, ис, шакл ва қиёфада анвойи чечаклар билан безашини кўрмаяпсанми? Кузда хаммасини хасга айлантириб юборишидан ақлинг шошмаяптими? Ўша гўзалликларнинг барини ҳазонга айлантириб, лой-тупрокқа кориштириб ташлаётганидан ҳайиқмаяпсанми?

Раъно кампирнинг тоби қочди.

Қизиқ, бир сабаб йўқ, бир жойи оғримайди, шу ёшга кириб бир марта касал бўлмаган одам, энди мадорсизланиб, вужудидан куч-куввати кетиб ётиб колди.

Шунча заҳматларни кўрган кўзлари энди юмуқ, бармоқлари, ияги ҳолсиз титрайди, ажин босган юзида, пешанасида тер кўринади... бир тутамгина бўлиб, кенг-мўл ўринда ётади.

Гоҳ хаёллари орасига кириб кетиб, ўзини бир маҳаллар ариқ бўйида капалакларни қувиб юрганини кўради. Қизиги шундаки, у капалаклар ҳам ўша кезлардаги каби Раъно билан гаплашишади.

– Юр, ўйнаймиз, – дея ҳилпираб учишади капалаклар.

Күшлар ҳануз тумшуғида бир нималар күтариб инларига шошишади. Ҳануз у инлардан полапонлар чийиллаб, бошчаларини чиқарып қараб туришади.

– Ҳой, күзингни оч, – дейди кимдир эрининг товуши билан.

Раъно ўрнидан күзгалмоқчи бўлади, кўзини аранг очиб, эрини кўради. Эрнинг қароқлари нам.

– Мени кўркитмасанг-чи, – дейди ияги қалтираб.

– Ҳа, келдингизми?

– Келиш нимаси, бошингдан қимирламай ўтирибман-ку?

– Отаси... кетиб қолмасмикинман?

– Ҳар нимани гапираверадими одам деган? – деб зарда қилмоқчи бўлади эр, аммо овозида шиддат йўқ, қалтираб чиқади. – Кўзингни очсанг-чи.

– Озгина ором олай, – дейди Раъно кампир, ялинчоқ овозда. – Салгина холос, кейин тураман, отаси. Фақат...

– Гапирақол.

– Фақат... «Розиман» деб кўйинг, отаси...

– Розиман, – дейди шунда ота кўзининг ёшлари дув этиб оқиб. – Мингдан-минг розиман, онаси. Худойим сендай аёлни менга омонат қилиб берибди-ю, рози бўлмасмидим?

– Шукр... – дея пичирлайди Раъно ва бирданига тириш ажинлари ёйилиб, кулимсирайди.

* * *

Кулимсираган маҳали у ўзини яна улкан дарахтлар, шодон ариқча, гапирадиган гул-чечаклар орасида кўради.

– Ҳа, ариқча, оқяпсанми?

– Оққандоқ? Шунақанги тўлиб-тошиб оқяпманки!

Сал нарида бепоён бир дарахтзор шовиллаб чайқалади.

Ой ҳаволаб нур сочармиш. Раъно ўша дараҳт-зорнинг бошланиш жойида, ой ёруғи чанг каби ёғдуланган ингичка сўқмоқ бошида турганмиш.

«Бу қанақа дараҳтзор бўлди, илгари сира кўрмаган эканман-а», деб ўйлармиш ҳайратланиб.

Ажабки, ўзи қизалоқлигидаги каби куч-қувватга тўлган, чаққон эмиш.

Теваракда ҳеч ким йўқлиги ҳам ҳайратга солармиш.

«Кўшнини боласини мазаси йўғийди-я», – деб хаёлига келармиш. – Шуни бир кўриб чиқмадим-а, аттанд».

Эри ҳам хаёлига келармиш.

«Яна анча-мунча ишлар бор, отаси, – дермиш хаёлан эрига, эшитиб турганига аниқ ишониб. – Найлайн, қисмат экан, мен энди шу ёқларга келиб қолдим. Сиз шошмай турақолинг, ҳаммасини битириб, кейинроқ келарсиз».

Шу сўқмокдан юрса, ортига қайта олмаслигини ҳам билармишу сўқмоқ қайга олиб борар экан деб кизиқар ҳам эмиш.

Лекин ўша томонга бориши ҳам шартмиш.

Сўқмокқа қадам босаман деган жойида, шундоққина йўл четида турган Чимчиловчи Ғалати Махлукни кўриб ҳолди.

– Вой, – деди севиниб. – Бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Эсингдами, болалигимда мени кўркитганларинг?

Чимчиловчи Ғалати Махлукнинг кўзлари маъюс эмиш.

– Нимага индамайсан? – дермиш Раъно.

Шунда:

– Алвидо, – дебди Чимчиловчи Ғалати Махлук, қайгадир бошқа томонларга караб.

У қараган томонларда оппоқ булутлар сузар эмиш.

– Нимага унака деяпсан? – деб сўрабди Раъно.

Чимчиловчи Фалати Махлук жавоб бермасмиш.

Шундан кейин Раъно ўша сўқмоқдан илгарилаб бораверди. Юзига шамоллар урилди.

– Сиз ҳам шу ерда экансиз-да, – деди у яна суюниб. – Эсингиздами, соchlаримдан юлқилар эдингиз? Сочларим қоп-қора, узун эди-да... Садоланишларингизни босаман деб қанча қичқирсан ҳам овозим ғувиллашларингизни босиб кетолмасди. Меваларни дувиллатиб тўкиб ўтардингиз, осмонда қат-қат булутларни тўдалаштириб ҳайдаб келардингиз. У булутлар ёмғирларни ёғдирап эди, ўша ёмғирлар остида чунон қичқириб ўйнап эдим-ки...

– Алвидо... – дейишди шамоллар, ортга қараб эсаркан.

Раъно янада ҳайратга чўмиб, сўқмоқда илгарилашда давом этармиш.

Буталар остида кичкина малла тулки ҳам турган экан.

– Вой ўлгур, сен ҳам шу ердамисан? – деди Раъно унга.

– Худойимга шукр, ҳаммангиз шу ерда экансизку, – деди миннатдор бўлиб. – Ҳозир шунақанги ажойиб бахту саодатни сезяпман-ки! Келинглар, ҳаммамиз биргалашиб ўйнаймиз.

– Алвидо, – дебди тулки ҳам, маъюс кўзчаларини пирпиратиб.

Уларнинг бир хилда туришларидан ажабланган Раъно яна йўлида давом этган эди, салдан кейин ингичка, тевараги гулу чечаклар билан безалган, бир учи булутлар орасига кириб кетган ҳавоий сўқмоқ олдидан чиқиб қолди.

Сўқмоқнинг теграсида ўсган чечакларга эгilib, уларнинг ўзи бир маҳаллар ўтқазган оку кора райхонлар ва чиннингуллар эканини кўрди.

Бу ерда ҳам печаклар, курмаклар, ажриқлар бор экан, улар йўл устини қоплаб, ям-яшил гиламча ҳосил қилишибди.

– Вой-бўй, – деди у сўқмоқ учига қараб. Ўша ерда улкан бир дарахт кўринар, остида ўйнаб ўтирган кичкина қизчалар кўзга ташланармиш.

– У Тўби дарахти, – дейишармиш чечаклар. Узоқ-узоқларда, янам юксакда жуда улкан бир нима кўзни олгудай бўлиб яраклаб товланармиш.

Сўқмоқ устидан кушлар учеб ўта бошлиди. Раъно уларнинг ҳам ўша, ўзи таниган кушлар эканини кўрди.

– Қаёққа кетяпсизлар? – деб сўради у кушлардан.

– Билмадик, юксаклардан жуда қудратли бир садо келди, – дейишиди кушлар. – Ўз-ўзимиздан тўпланиб, ўша садога жавобан чағиллай бошлидик. У тепаю пастдан, чапу ўнгдан, ич-ичимииздан баб-баравар келди. На емишга, на полапонларга қарадик. Дон-дунлар, учолмай қолган полапонлар ер бетида шундок қолиб кетаверди, тўлқин-тўлқин келаётган ўша кувватга истасак-истамасак бўйсундик. Шу учишда тоғлару чўллар, дарёю денгизлар узра учамиз, токи ўша садо «Етар, бас» демагунча.

– Полапонлар? Вой ўлай, мениям полапонларим бор эди-ку?

– Вакт-соати етганида улар ҳам ортингдан келишиди, – дейишиди кушлар. – Улар борадиган жойга сен сал аввалроқ бориб турақол. Зотан, умр бўйи шундай қилмадингми? Бўлақол, ўша ерга етиб олсак, ҳаммамиз биргалашиб ўйнаймиз.

– Хўп, – деди Раъно, уларга ишониб.

«Ҳақиқатан ҳам, энди қўлимдан нимаям келарди», деб ўлади.

«Умр бўйи эримни, болаларимни келишига овқат пишириб, чойларини дамлаб кутиб ўтиредим.

Үйимни саришта қилдим, ҳарому зиён-захмат оралатмадим, томорқаларда тер тўкиб уриниб-тиришдим.

Умрим бўйи бирорвга ёмонлик қилмадим, қўпол гапирмадим, билганим меҳнату ризолик бўлди.

Аслида, у жой ҳамманинг ҳам борар жойи эканини билиб турибман.

Модомики шундай экан, вақтни ўтказиб, болаларимга оғирим тушиб нима қилдим? Ҳа, борақолай, ҳали-замон отаси ҳам ортимдан келиб қолади, уни ўша ерда кутиб олақолай.

Назаримда ўша ёқда ҳам шу қадрдон уйим, валишларим, тандир-ўчоғим бўладигандай.

Назаримда, анча-мунча кишилар ўша ёқдаям худди ўзимизнинг кишлоқдагидай яшашаётгандай.

Борсам, Худойим яна бир уй-жой ато этар, ахир? Суририб-сиририб, озода килиб кутиб ўтираман-да, кўлимдан яна бирор нима келармиди?

Куриган-нетган жойи бўлса, гулу райхон ҳам қадаб кўярман, сувлар ҳам сепарман.

Қара-я, ҳамма қўркиб-ҳайиқиб юради, аммо сира унақа эмас экан-ку?

Шунақа, оддийгина экан-ку», деб ўйлади.

«Тавба, одамнинг умрида ҳеч нима йўқолмас экан-да? Абадиян йўқотдим деган нарсаларимнинг бари худди ўшандагидай.

Одамлар билмайдиган бир ҳикматни билиб олдим, афсус, айтай десам иложим йўқ».

Шундай деб ўйлади у.

Сўнг, худди боласи ёқимли бир иш қилганида кулимсирагани каби кулимсираб, булутлар сари ҳаволаниб кетган ўша сўқмоққа қадам қўйди.

Шу хотин, юзу кўзига аршу аълодан умр бўйи нур ёғилиб турган шу муштипар аёл...

ХОТИМА

Яна баҳор келди. Яна далалар, яйловлар, сен қадам қўйган йўлаклару сўқмоқлар узра чаппар уриб нозланди.

Сен ҳам баҳор каби эмасмидинг, онам!?

Йўқ, сен тупроқ каби эдинг. Бағридан анвойи чечакларни ўстириб юборган ва теваракни гўзаллигу латофатга буркаган, инсонлар учун турли меваларни етиштириб фарқ пиширган, болаларингнинг ҳамда яқинларингнинг хоки пойига ясланиб, ўзини инсонлар учун харж айлаб юборган хоксор тупрок!

Йўқ, сен сув каби эдинг-ку, онагинам? Умринг сувдай оқаркан, меҳринг, севгинг, бағрикенглигининг ила қалбларни яшиллантириб гулу чечаклар очтирган, жон томирларга ҳаёт мусаффолигини етказиб, ўзи ҳам бир дарёдай узоқ-узоқларга қайтмас бўлиб оқиб кетган...

Сен шамол каби эмасмидинг, она? Бошим узра ҳаётбахш эсиб, умр куртакларини очган, ҳаволарни алмаштириб, қанчадан-қанча гулларни яшнатган, унум келтирган ва шамоллар каби елиб-елиб ўтган...

Сен оташ ҳам эдинг, нуридийдам! Ҳароратинг бўлмаса эди, болангнинг бу жўшишлари, бу шиддати, бу ғурури қайдан ҳам келарди?

Қалбингнинг ичида нималарни сақлаганингниую нималарни олиб кетганингни мен билмасми эдим?

Иzlaring қолган тупроқлардан кўзимдан ёшим оқиб бенаво кезар эканман, менинг шу кезишлирим, кучу кувватим, шаъну шавкатим, бахту саодатим учун ўзингни курсон қилиб юборганингни, қадрингга етолмаганимни ўйлаб изтиробларга чўммоқдаман.

Мехнату заҳматлар аро қадоқ қўлларинг тафтига зорман, меҳр тўла кўзларингни яна бир бор кўриш учун дунёларни сарфлаб юборишга ҳам тайёрман.

Уйимда юмушларга уриниб юришларингнинг
ўзиёқ бир бебаҳо давлат экан-ку, хазинам менинг!

...Ахир, баҳор ҳам келди...

Сен қадаган гулу чечаклар яшнаган ҳовлида бо-
лаларим ўйнаб юришибди. Гоҳо ўйиндан тўхтаб,
нарироқда ўз хаёлларига ғарқ бўлиб одимлаётган
оталарига ҳайрон-ҳайрон боқмоқдалар.

Улар ҳали жуда кўп нарсаларни билишмайди.
Вақт-соати келиб улгайганларида, мен ҳам сен кет-
ган томонларга йўл олганимда... менинг ҳозирги
аҳволимга тушсалар ҳам ажабмас... ахир, ўзинг айт-
тар эдинг-ку, умр бир чархпалак дея?

Бироқ она уйининг ҳовлиси, дараҳтлари, йўлак-
лари ва боғчалари аро кезиб юрган оталарини бу
тарз эзгин қиёфада кўришларини истамайман.
Кўзларининг олдида доимо чўнг, тоғ келбат-
ли, мустаҳкам ва тадбирли Ота ўлароқ қолишни
истайман.

...Кўзимнинг ёшини кафтимнинг орқаси билан
артиб, истиқболимга чопиб келаётган болаларимга
ҳам андуҳ, ҳам севинч ила жилмайиб юзланаман...

...худди сен, бир маҳаллар менга қараб, ёйилиб,
бегубор жилмайганинг каби!

* * *

– Ариқча, оқянсанми?

– Ҳа, оқянман, эй Эгамнинг ўғли...

2013



Ҳикоялар



«Еру осмон оралигига»
туркумидан

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

Кеча қоронғилигидә ёмғир шивалаб ёғарди. Корамтирип дараҳтларнинг кўланкалари аро томчилар энтиклирувчи шитирларди.

Шу бугун дунё янги йил кириб келишини нишонламоқда, кўчалар турли чироқларга ва ёзувларга тўла, ҳаво совуқ, рутубатли, одамлар қор ёғишини қаттиқ исташган, аммо тушдан кейин бир хилда изиллаб ёмғир ёға бошлаган эди. Одамлар ўзларича “Эх, корсиз янги йил бўлармиди” деб хушҳол тўнғиллаб кўйишса-да, байрам кайфиятига ёмғир барибирам таъсир қилмади. Хонадонлар қолиб, кишилар тўп-тўп бўлиб турли ресторандарда ҳам байрамни нишонлар эдилар, Қорбобо ва қорқизлар аробаларда пул топиш илинжида кезиб юришарди. Мана шундай муҳташам ресторандан бирининг ойнаванд эшиги ёнида қизғиш зарҳал кийим кийган дарбон турган эди. Келгувчилар аллақачон кайфу сафони бошлаб юбориши. Ҳозир вақт тунги соат ўнга яқинлашган, Янги йил киришига икки соатча қолган эди.

Ҳаво булат, лекин тунги осмон нимагадир ёруғ, булатларнинг қатлари кўриниб туради. Байрамларда осмон ёришгандай туюлиши бор гап.

Шу маҳалда кўча бўйлаб қатор чўзилиб кетган ҳашамдор кунгурали қасрлардан бирининг эшик кўнғироғи жиринглади. Бу уйда гаплашиш ускунаси бор экан, тикир-тиқир сас келди-да, кузатув телекамерасининг чирокчаси ёнди, ичкаридаги келгувчини танимади шекилли, салдан кейин ўқтам бир товуш:

– Кимсиз? – деб сўради.

Келгувчи узун бўйли, кўзлари сокин-мусафро
бир киши эди.

– Истеъдодман, – деди меҳмон,

Овоз жимиб қолди, кейин кулги аралаш яна
сўради:

– Қанака истеъдод?

– Оддий, ҳар доимгидай истеъдодман!

– Бунақасига буюртма бермаган эдик-ку, – деди
у ёқдаги. – Хўп, кўлингиздан нима келади?

– Мен юлдузлар тилини биламан, – деди кел-
гувчи. – Юлдузлар сираям биз ўйлагандек эмас. У
ерда етти ухлаб тушга кирмайдиган ҳодисалар рўй
беради.

– Йўқ, тўғри келмас экан, – деди овоз эгаси, би-
роз мулоҳазадан сўнг. – Ҳеч бўлмаса башорат қила
оласизми? Масалан, бугун кор ёғадими?

– Ёғади, – деди келгувчи ишонч билан. – Лекин
ярим кечасидан кейин ёғади. Сахарга яқин тоғда
қор кўчади, чунки чўққиларга кеча қор тушган эди,
буғунги ёмғир уни эритиб юборади. Аммо ҳеч ким-
га зарари тегмайди.

– Йўқ, узр, – деди мезбон, бирпас ўйланиб. – Ба-
шоратчи керакмас бизга. Нима истайсиз?

– Мен ҳам янги йилни кутсам дегандим, – деди
келгувчи. – Чунки ҳеч кимим йўқ, ҳамма байрам
қилаётганига ҳавасим келяпти.

– Э-э.... – ўнғайсизланди уй эгаси. – Танимаган
одамга нокулай-да барибирам. Балки егулик у-бу
керакдир?

– Йўғ-э, егулик керакмас, – деди келгувчи. – Ҳеч
кимим йўқ дедим-ку?! Янги йилни ким биландир
кутгим келди.

– Бироз юрсангиз, чап томонда катта ресто-
ран бор, – деб маслаҳат берди мезбон. – Ўшангага
борақолинг, у ерга бугун кўпчилик йиғилган. Янги
иилингиз қутлуғ бўлсин.

– Сизга ҳам, – деди истеъдод ва ёмғир остида йўлида давом этди.

Ҳақиқатан ҳам салдан кейин олти қаватли муҳташам бино кўзга ташланди.

– Янги йилингиз муборак бўлсин, – деди у, қизғиши ливрея кийган дарбонга.

– Раҳмат, сизгаям, – деди дарбон. – Хўш, хизмат?

– Ичкарига кирсам бўлармикин?..

– Таклиф қилинганмисиз?

– Йўқ.

– Афсус... Хўп, қўлингиздан нима келади?

– Истеъдодман.

– Қанақа истеъдод?

– Тушунтириш қийин, – деди у. – Мен теваракдаги воқеаларнинг ақл етмас боғланишларини пайқай оламан.

– Ҳим-м... Тасодифан, масҳарабоз эмасмисиз?

– Йўқ.

– Эсиз, – деди дарбон. – Соат ўнга масҳарабоз келиши керак эди, касал бўпқолибди, келолмасмиш. Ҳозир битта масҳарабоз жудаям керак-да. Кўряпсизку, ҳамма ўйнаб-кулишни хоҳляяти, бир қанчаси маст-аласт.

– Ҳа, пайқаб турибман, – деди истеъдод.

– Қандай қилиб пайқаяпсиз, давра ичкарида бўлса? – ишонқирамади дарбон.

– Мен истеъдодман-ку, – деди келгувчи. – Одамларнинг ўй-фикрларини ҳам сеза оламан.

– Байрамларда ҳамма яхши кишига айланиб қолади, – деди кейин. – Ҳозир бу ерда ҳамма яхши, ҳатто энг учига чиққан фирибгар ҳам. Лекин оддий кунларда бу кишиларнинг қанчалар зерикарли ва ҳатто зааркуннанда эканини тасаввур қилолмайсизку? Мен эса тасаввур қила оламан, – дея оддийгина тушунтириди Истеъдод.

– Тўғри айтасиз, – деди дарбон, бирданига жон-

ланиб. – Ростини айтсам, буларнинг кўпи ярамас кишилар. Ҳе, ўша ўйин-кулгингдан ўргилдим сенларни!

– Йўқ, ярамас эмас, – эътиroz билдириди Истеъдод. – Улар қўрқишиади...

– Нимадан?

– Тўсатдан, кетма-кет бойлик келаверса, фалокат бўлишини акллари сезмасаям қалблари сезади. Шунинг учун юрак овозини шароб ёки ўйин-кулги, ишрат билан ўчиришиади.

– Тўғрисини айтсам, унчалик ҳам тушунавермайман бунақа гапларни, – деди дарбон. – Айтингчи, шунақа нарсаларни билишдан сизга нима фойда?

Шу пайт рўпарадаги икки тавақали катта эшик очилиб кетди-да, ичкаридаги давранинг шовқини, айтилаётган алёрлар эшитила бошлади. Паст бўйли, семиз бир киши давра ўртасига чиқиб, сал олдин футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тақдирини олдиндан айтиб берган Пауло лақабли башоратчи саккизоёқнинг оламдан ўтганини маълум қилди. “Кириб келаётган шу янги йилимизда орамизда баъзи дўстларимиз йўқ, мана шундай ажойиб кунларга етиб келишолмади, – деди у. – Ҳаммаси қатори, шу қадаҳни ўша дўстларимиз ва мўъжиза саккизоёқ хотираси учун кўтаришингизни сўрайман!”

Шодон давра ўша махлук шаънига қадаҳ кўтарди.

– Айтинг-чи, у ростдан ҳам башоратчимиди? – деб сўради дарбон.

– Йўқ, ҳатто ўзининг саккизоёқ эканини ҳам билмасди, – деди истеъдод. – Бир оёги қаттиқ оғрир, ўшани кўп чўзарди. Бор-йўғи шу.

– Ҳа, тасодиф бўлса керак, – деди дарбон. – Аммо шу топда менга шунақа саккизоёқ жуда зарил-да. Катта пул ютиб олсан борми?! Сизга бир гап айтами? Менга-ку мумкинмас, аммо ичкарида

яхши йигитлар бор, кўрикчилар хонасининг ортига секингина ўтиб, бир қадаҳ олмайсизми, байрам-ку ахир?

- Йўқ, мен мутлақо ичмайман, – деди меҳмон.
- Ёкимли киши экансиз, – деди дарбон. – Жонжон деб ичкарига қўярдим сизни.
- Ҳа, яхши бўларди, совкотдим, – деди Истевъдод. – Ичкари иссиқ, роҳатбахш бўлса керак. Ёмғир суяқ-суягимдан ўтиб кетди.
- Лекин тепадагилар норози бўлишади-да, – у оромгоҳнинг юқори каватига ишора қилди, – У ёғини тушунаверинг, мендаям бола-чақа бор.
- Ҳа, гапингиз тўғри, – деди Истевъдод.
- Айтингчи, истевъдодингиз нимада йўналган?
- Йўналмаган, – деди у – Ким билсин... Ҳали кўп нарса аниқ эмас.
- Қизиқ одам экансиз, – деди дарбон. – Зарилмиди сизга шу?
- Бошқача бўлмайди-да, – соддагина англатди у. – Бошқача сираям бўлмайди. Тўғрисини айтсан, шундагина юрагимроҳат топади.
- Отам менга, роҳат келтирадиган нарсалардан узок юр, ишла, меҳнат қил, меҳнат одамни ўлдирмайди деб насиҳат киларди, – деди дарбон. – Ҳақиқатан ҳам кимга кераги бор бу нарсаларни? Эҳхе, юлдузлардан, яна бир нималардан гапирасиз-а? Нондан гапирсангиз-чи, нондан??!
- Шуни айтаман-да, менга нима зарил эди, – деди Истевъдод.
- Хўп, модомики бугун байрам экан, яна бирор нима денг-чи, – деди дарбон. – Ичкаридагиларни кўйинг, улардан наф йўқ, шу ҳаётларида давом эта-веришин. Менга алоқадор бирор нима дея оласизми? Фақат, боя айтганингиздай, юлдузлар илмидан эмас, шу ҳаётга якироқ бирор ҳодисани айтиб бера оласизми?
- Аслида билмаганингиз яхшироқ эмасми? – деб

сўради меҳмон. – Билганингиз билан фойдаси йўқ-ку?

– Ҳа энди, буям бир эрмак-да.

– Майли, фақат бир қисмини айтаман, холос. Байрамни бузиб нима қилдим? – деди Истеъод. – Вақти-соати етиб, мана шу даврадаги боёнларнинг кўпчилиги ғузурингизга бош этиб келишади... Қараб туринг, ҳозир чироқ учади, лекин сал ўтмай яна ёнди. Ҳаёт чироги ҳам қоқ ярим кечаси тўсатдан ўчиб колиши мумкин.

Бир сония ўтар-ўтмас, чироқлар ростдан ҳам ли-пиллаб учди, теварак қоронгиликка бурканди. Лекин бир сониядан сўнг яна ёришиб, чароғон бўлиб кетди.

– Қайдан тахмин қилақолдингиз? – деб сўради дарбон ҳайратланиб.

– Содда қилиб англатсан, ҳозиргина шаҳар ташқарисида битта қуш совуқда ўлиб қолди, – деди Истеъод.

– Қушни нима алоқаси бор?

– Ёмғирда ҳўл бўлиб, усти музлаган эди, – деб тушунтириди Истеъод. – Совқотганидан юқори кучланишли ускуннанинг ичига кириб олди. У ернинг иссиғида қанотидаги музлар эриб, томчилаб оққач, қисқа туташув рўй берди, суғурта ускунаси фалокат рўй бермаслиги учун электр токини узди. Ҳар холда, ишчилар дарҳол тузатишган бўлса керак.

– Бечора қуш... Ҳа, ростдан ҳам ғалати, – деди дарбон тан бериб. – Лекин, зўр одам экансиз, гап йўқ. Оила, бола-чақангиз йўқми, ёлғиз юрибсиз?

– Ўзимни зўрға эплаб юрибману бола-чақага йўл бўлсин? – деди келгувчи. – Оиланинг масъулияти жуда оғир, у юкни қўтариш қўлимдан келмайди деб қўрқаман.

– Узр... Лекин барибирам шунаقا нарсаларни қайдан билишингизга қизиқяпман. Соддароқ қилиб тушунтирангиз бўлмайдими?

– Ҳамма воқеа-ҳодисалар бир-бирига кўринмас занжир билан боғланган бўлади, – деди Истеъдод.

– Хўв, икки киши қўлида қадаҳи билан чиқиб келаётганини кўряпсизми? У одам бир маҳаллар, айни навқирон, кучга тўлган маҳалида бир муҳтож одамни масхаралаб кулган эди. Масхараланган эса, қонли урушларда жигаридан ўқ еган, кўмакка зор киши эди. Қадаҳ тутиб турган шу ҳолида ўзининг ҳам жигари қуриб бораётганидан бехабар, бироқ...

– ниманидир тусмоллаб, ўзича ҳисоб-китоб қилди у. – Орадан уч-тўрт ой ўтгач, безовталанганида ҳаммасидан хабар топади, аммо кеч бўлади. Ёнидаги одам эса уйига садақа сўраб келган ёш болали жувонга айниб қолган овқатларни берган эди. Гап шундаки, боланинг қорни очқаган, жувон эмизай деса, кўкрагида сути йўқ... азбаройи болам тўйсин деб ўша айниган таомни ейишга мажбур бўлган эди.

– Шўрлик... – деди дарбон. – Жувонга ҳеч нима қилмагандир, ишқилиб?

– Худонинг қудратини қарангки, на жувонга, на болага зарап етди, – деди у одам. – Қайтанга, ўша озгина таом туфайли сут мўл-кўл тошиб келди, бола тўйиб-тўйиб эмиб, кейин мириқиб роса ухлади... Ёмғир сира тинадиганга ўхшамайди, мен борақолай. Дарвоқе, Янги йилингиз кутлуғ бўлсин.

– Афсус, яна бир оз гаплашсак бўларди, – деди дарбон афсусланиб. – Сизга ҳам кутлуғ бўлсин. Майли, яхши боринг, – дея хайрлашди чин дилдан.

* * *

Чорак соатдан сўнг Янги йил кириб келди.

Кейин ҳаво бирданига совиди. Шивалаб турган ёмғир аввалига майда қорга айланди, кейин тезлашди-да, шиддат билан ёға кетди. Шимолдан совуқ шамол эсади, изғирин кучлигина эди.

Чароғон шаҳар ҳалиям байрам шукухига тўла эди.

Яна бир неча соатдан сўнг кимсасиз тоғлар устида қор кўчди. Улкан харсангошларнио синиб-уйқашиб кетган арчаларни қўшиб-юмалатиб, шовкин-сурон сола, худди баҳайбат тўфон сингари пастга караб шитоб билан йўналди. Қор турли жойларда турлича кўчди, хайриятки, йўлида қишлоқлар йўқ эди, сўқмокларни, баъзи катта йўлларни ва музлаб қолган ирмокларни энлаб-босиб тушганини айтмаса, янги йил тунидаги бу қор кўчкиси инсонларга зарар келтирмади.

Янги йил шу тариқа кириб келди.

* * *

Орадан йиллар ўтди.

Дарбон яна узоқ йиллар ўша жойда ишлади. Рўй берган воқеаларни ўйлаб кўриб, ниҳоят “Хизрни кўрган бўлсам керак” деган тўхтамга келди. Чунки ўша кишининг айтганларининг бари рўёбга чиқди: орадан тўрт ойлар чамаси вақт ўтгач, қадаҳ кўтариб ташқарига чиққан кишилардан бири – шаҳарнинг энг олди бойи жигари қуруқшаб, бор молу дунёсини сарфласа ҳам нафи тегмасдан оламдан ўтди. Иккинчиси эса уйида айнигандарни шаробни ичиб, заҳарланиб ўлим топди. Дарбон ўша кишининг гапларини бошқаларга айтиб берди. Келган кишининг кимлигини бирор билмас эди. Дарбон тинимсиз уқтирас эдики, эшик олдида турганимда, ёмғир остида тўсатдан кепқолди, уст-боши ночор, очга ўхшарди, деб. Ўзидан анча-мунча гапларни тўкиб-чатиб, уни салкам авлиёга айлантирди. Авом ишонди, ўйинкулги кечасидаги боёнлар дарбонга “ўша номаълум киши бизлар ҳакимизда ҳам бир нима деганими?” деб. Ўзларича совға-саломлар кўтариб кела бошлишди.

Дарбоннинг эл назарига тушгани, мўътабар ки-

шиларнинг кўпчилиги ҳузурига бош эгиб келишгани рост. Башоратнинг бу қисми ҳам рўёбга чиқди, аммо мазкур ҳолат дарбонга сира завқ бахш этмас эди.

Негаки, кечалари ухломасди.

Ухлай деса, ўша номаълум истеъдод айтган нарсалардан яна бирининг – энг охиригининг рўёбга чиқишидан қўрқарди: худди ўша кечаси бехос чироқ учиб қолгани каби, қоқ ярим тунда, уйқу чоғида тўсатдан етиши мумкин бўлган ажал шарпаси...

2013

ОТА ҚАСИДАСИ

Мухташам бир бинонинг ойнаванд кириш эшиги олдида кўкиш зарҳал кийим кийган икки бақувват дарбон зерикиб турар эди.

Ёмғир шивалаб ёғар, қизил тош терилган йўлаклар, қимматбаҳо аробалар турли-туман чироқлар ёғдусида товланиб кўринарди.

Кишилар шоша-пиша йўлакдан ўтиб бормоқда эдилар. Салдан кейин усти ёмғирда анчайин ивиган, дўппи кийган ўрта яшар бир киши дарбонлар ёнига яқинлаши.

Башанг йигитлар илк қарашибаёқ унинг кимлигини аниқлаб бўлишган, ҳар ҳолда юпунгина бу одамнинг ҳашаматли ресторонда қилар иши йўқлиги шу бир қарашибаёқ аниқ-равshan бўлган эди.

Кишининг соchlари оқарган, пойафзали ҳам анча уринган.

У бир нафас тўхтаб, турганлардан ниманидир сўради. Ҳар ҳолда, юз-қўлимни ювиб чиқсан майлими, деган бўлиши мумкин.

Дарбонлар қош чимириб, бош чайқашди.

Шундан кейин у одам иккиланиб бир оз турди.
Кейин, ёмғир томчиладётган қизил йўлакдан қаддини
букканча, йўлида кетди.

Бор-йўқ воқеа шу: бир юпун киши келди, эшик
олдидагилардан бир нима сўради, жавоб олгач,
йўлида давом этди.

Келинг, хаёл қушимиз шу одамнинг орти-
дан боши узра айланиб учаколсин, ёмғирдан пана
қилиб, шу баҳона, унинг ўй-хаёлларига, ўтказган
умрига назар солақолсин!

Бу одамнинг онаси, аёли, қизлари бор эди.

Вақти-соати етиб, она оламдан ўтгач ва қизлар
турмушга чиққач, ҳайҳотдай уйда ёлғиз аёли билан
колган эди.

* * *

Агар сен бўлмасайдинг, мен ҳеч ким эдим,
дер эди хаста онасига, ақли тўлишгач, онасининг
оёқларини ювиб, кўнгли тусаган нарсаларини олиб
келиб, оғзига овқат тутиб ёнида ўтиаркан.

“Бор, болаларингни олдига чиқақол, шунча
ёнимда ўтирдинг, етар.”

“Йўқ, она, яна бир оз ўтирай, – дер эди. – Дийдо-
рингга тўйиб-тўйиб олай. Ахир, сира ёнингдан кет-
гим келмаяпти.

Қадрингни энди билмоқдаман, онам.

Қадринг шунчаларки, агар бу дунёда сен
бўлмасайдинг, мен ҳам бўлмас эдим.

Сен бир сирли-сехрли маҳак тошимидинг,
ҳаётимни, оламимни ўзгартира оладиган?

Бир йўнилмаган гавҳар эмасмидим, ўзининг
қийматини, нималигини билмаган, фикрлашни ҳам
бilmайдиган бир ғовак тош.

Жоним ипига бойланганим деб оҳ урсанг, юзинг-
нинг пардаларини сидириб ташлаб ташқарига югу-
риб чиқсанг, охингдан етти дўзахнинг тутуни ен-
гил буф каби бўлиб қолсаю... бор-йўғи бир тошга

қоқилиб тиззам шилингани учун етти оламниу фа-ришталарни, тақдирниу қисматни куйиниб-куйиниб қарғаган ҳам сен эдинг.

Мени деб Худодан ҳам қўрқмасмидинг, она?

Ҳар нарсада сенга зор эдим, сен бўлмасанг ҳайвондан фарқим йўқ эди.

Ҳатто ҳайвоннинг ҳам боласи ширин бўлади-ку, кўзингга ўша ҳайвон боласидай ширин кўринган бўлсам не ажаб?

Еяётган нарсамнинг нималигини билмасдим, чўғ нима, сув нималигини билмасдим, ғоят бечора ва ноchor бир жонзот эдиму не учун менга бу қадар меҳр қўйганингният билмасдим. Ҳозир эслолмаймануammo ақлим етади, ҳар ҳолда эмаклаб ёки талпанглаб юриб бориб ариққа ёки шундоққина тупрок ерга неча мартадир йиқилиб тушган, ҳар сафарида чириллаб йиғлаб, сенга талпинган бўлсам керак. Ҳар сафарида ҳам мени оромбахш бағрингга босиб, бисотингдаги энг ширин сўзларингни айтиб овутгандирсан. Ундай ширин овутишларингни факат менгагина атаганингни, ўз жонингдан кўра мени устун қўйганингни ҳозир яхши биламан. Дунёда ҳеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етади. Тотли бир мевани кўрсанг, егинг келса ҳам емай қўйнингга солиб, на у меванинг таъмини фарқлай оладиган, на ўзининг кимлигини биладиган эмаклаб юрувчи бир жонзотга опкелиб тутганингни, тамшаниб шуни есам, оламга сиғмас даражада суюнганингнию мабодо емасам, шунча жойдан авайлаб олиб келганингга ранжимасдан, “жоним-жаҳоним” деб, инжиқликларимдан севинганингни-ю “шундай ширин нарсани емади-я, болагинамда бир хикмат бор, худойимдан ўргилай” деб, қўни-қўшниларингга суюнчилаганингга ҳам ақлим етади.

Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, зотингнинг қанчалар улуғ эканига ақлим етмаса нима қиласай? Бунчалар меҳрни худойим қай тарз дилинг-

га солибдики, ўтгаям, сувгаям қарамай мени дер эдинг? Йиқилганимда, бир жойим ғурра бўлганида жонҳолатда ҳеч нимага қарамай чопиб келганларинг элас-элас эсимда. Бир куни устимга тахлам тушиб кетганида сен бир нима қавиб ўтирас эдинг, ўшанда ўтирган жойингдан мен сари эмаклаб интилганларинггача эслайман, эй кўзимнинг нури, онагинам! Кулишларинг, гапиришларинг бари эсимда. Арзимаган сифатларимга суюниб мен билан мақтанишингни ҳам билмасмидим? Бўй-бастимга қараб суюнганларинг-чи? “Эшигимдан кириб келган давлатим” деб суймасмидинг мени? Қандай мушфиқ, сира ўзини ўйламаган зот экансанки, хаста ҳолингда ҳам мен келганимда “Вой болажон, дарров овқат пиширақолай, ичингга иссиқ ўтсин” деб қозон бошига кетганинг? Ахир, ўзингнинг ҳам онанг ҳаёт эди-ку, қошига бормасдан, дийдорига тўйиб-тўйиб олмасдан болам деб менинг қошимда ўтиравергандаринг? Шамолларда, ёмғирларда мени деб тут баргларини ташиганларинг? Бошингга бир ғарам ўт қўйиб, бир қўлингда мени, бир қўлингда бешигимни қўтариб шийпонларга боргандаринг, далаларда ишлаганларинг? Ўзинг емай менга едиргандаринг, ичмай менга ичиргандаринг, ахир, ўзинг бир тишламгина есанг бўлмасмиди, онам?

* * *

Вояга етиб улғайганимда ҳаётимга яна бир аёл кириб келди, у ҳам сен каби бир мушфиқнинг боласи эди.

Кўнглингга олмасанг, у ҳақда ҳам бир сўз айтсам.

То эр етилгунимча менинг сифатим сенга ўғиллик эди. Устимда ҳар қанча кўп хақинг бўлсада, билмаган эканман. Бирор мени маломат қилса, сени маломат қилган бўлмасмиди? Ўзимча исмингни, зотингни ҳимоя қилас эдим. Аммо сен-да,

бир хато иш қилсам, хатойимга шунчалар куйинар эдингки, кўзларингни ёши дувиллаб оқарди. Эр етилдинг, турмуш қурмасаңг бўлмас дединг, аммо мени қанчалар қизғанишиңгни билиб турардим. Ахир, кучга тўлган, муштиҳми ерга урсам ер титрайдиган, ойга урсам ой тарикдай сочилиб кетадиган йигит эдим-ку? Қирда қуюн билан кураш тушардим. Шунчалар шиддатга, кувватга тўлган эдим. Қудратга тўлганим сайин сен заифлашиб ошардингу шу ҳолингда ҳам мени асраб-авайлар, ошовқатимдан хабар олар эдинг. Қанчалар қизғансанг ҳам айтай, она, қизғанганинг шу аёл менга яна бир қадр-қиммат бахш этди. Мен энди сенинг ўғлинг мақомидан ташқари, бир оиласа бош бўлдим. “Кўзим” деб суяр эдинг, “тойчоғим” деб алқар эдинг. Кечагина қуюндай елиб юрганинг энди тоққа айланди, улкан, собит, мётин бир қоятошга. Шу кичкинагина худуд менинг факат менинг салтанатим эди. Шу оиласамда ҳукмим ҳукм, сўзим сўз бўлди. Ҳар қилган ишимнинг маломати ўзимга бўлди, ҳар ҳукмимнинг масъулияти ҳам ўз елкамга тушди.

Сен қилган ҳамма нарсанни у ҳам қилди, овқатимни тайёрлади, кийимими тузатди, уйимни саранжомлади, опкелган ризқимни донолик ва ҳушёрлик билан тақсимлаб, тежаб-тергади, умримда яна бир ҳаловат қўрғони бор эса, у – оиласам, бўлди. Ҳайтнинг олатасирларида озорлансан, районлар иси анқиган, гуллар очилган, сувлар сепилган ҳовлимга киришим билан бари эсимдан чикиб кетар ва ёш оиласанинг маликаси жилмайиб кутиб олар эди. Бир ёнимда сен – умримнинг Каъбаси, бир ёнимда у, ҳушбахтлик ила ҳаёт кечирад эдиму шу ҳушбахтлигимнинг сабабчилари бўлмиш сизлардан айрмасин деб Тангридан қўрқар, “Илоҳо, мени севганларим билан имтиҳон қилмагин” дея илтижолар қилас эдим.

Ақлим етгани шуки, у ҳам бир онанинг боласи – бир маҳаллар мен каби, ўт нима, сув нима, билмайдиган ғоят бечора ва ночор жон эди, шу ҳолида, мана шу заифлигию мусаффолиги боис отонаси унга дунё қадар меҳр қўйган эди. У ҳам бир маҳаллар эмаклаб ёки талпанглаб бориб, ариққа йиқилган ва ҳар сафарида чириллаб йифлаб, онасига талпингандир? Ҳар сафарида ҳам онаси уни бағрига босиб, бисотидаги энг ширин сўзларини айтиб овутгандир? Унинг онаизори ҳам ширин мевани кўрса қўйнига солиб, на у меванинг таъмини фарқлай оладиган, на ўзининг кимлигини англай оладиган эмаклаб юрувчи бир жон эгасига – боласига опкелиб тутганини, тамшаниб ўшани еса оламга сиғмас даражада суюнганинию мабодо емаса, шунча жойдан авайлаб олиб келганига хафа бўлмасдан “жоним-жаҳоним” деб, инжиқлигидан севинганини-ю “шундай ширин нарсани емади-я, шу боламда бир ҳикмат бор, худойимдан ўргилай” деб, қўни-қўшниларига суюнчилаганига ҳам ақлим етади.

Мана шу ғалати чархпалак аро умрим ўтиб борар экан, ҳаётимда яна бир аёл пайдо бўлди!

* * *

Ой қизим, сенга қарайману ўзимнинг сендайлигим эсимга тушади.

Сен ахир, ўзингнинг кимлигингни, ўт нима, сув нима эканини билмайдиган ночор бир жон эгаси эдингу шу ҳолингда, мана шу заифлигинг аро сенга дунё қадар меҳр қўйган эдим. Табиийки, бундан бехабар эдинг. Эмаклаб ёки талпанглаб бориб ариққа ё ховли тупроғи устига неча марталаб йиқилиб тушар, ҳар сафарида чириллаб ё онангга, ё менга талпинардинг. Ҳар сафарида сени бағримга босиб овутганман-у... аммо бисотимдаги энг ширин сўзларим барибирам ичимда қолиб кетган. Ота ўзининг ҳиссиятларини тилига чиқаравермаслиги

керак дер эдим-да. Ўзим билган ҳамма шириң сўзларим фақат сенгагина аталганини ҳам, ўз жонимдан кўра сени устун қўйишимни ҳам билмасдинг. Дунёда хеч бир кас сен каби бўлолмаслигига энди ақлим етмоқда. Мен ҳам онанг каби, тотли бир мевани кўрсам, сенга опкелиб тутганларимни, тамшаниб есанг, оламга сифмас даражада суюнганимни мабодо емасанг, шунча жойдан авайлаб олиб келганимга хафа бўлмасдан, инжиқликларингдан ичимда суюнгандаримни билмаслигингта ҳам ақлим етади.

Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, қанчалар ажойиб мўъжиза эканингга маҳлиё эсам, нима қиласай? Бунча меҳрни худойим қай тарз дилимга солди эканки, ўтгаям, сувгаям қарамай сени дер эдим. Йикилганингда, бир жойинг ғурра бўлганида йиглаб чопиб келгандаринг, овутсам, сал ўтмай қикир-қикир кулгандаринг, чугурлаб гапиргандаринг – бари эсимда. Ўртоқларингга “менинг дадам ҳаммадан зўр”, деб мактанишларингни билмасмидим? Сени койисам ё уришсам, салдан кейин кўзингда ёшинг билан чопқиллаб келиб бағримга талпингандарингда, бунча меҳрни Худойим қай тарз дилингта солди экан, ўтгаям, сувгаям қарамай мени дейсан дердим.

Жужуқлигинда сени “Ой қизим” деб суйган бўлсам, кейинроқ “Она қизим” деб суяр бўлдим!

...Эй онам менинг, эй доном менинг!

Кўряпсанми, куз келди, ёмғирлар ёғмоқда. Кушлар саф-саф бўлиб қайларгадир учиб кетмоқдалар.

Бир куни тонг саҳарда, сени шириң уйқунгдан тўсатдан уйғотишганида, мен ҳам шу қушлар каби қайгадир учиб кетган бўламан!

Ашёларимнинг ҳаммаси ўз ўрнида турганидан, худди ҳозиргина кўчага чиқиб кетганману мана ҳозир қайтиб кирадигандай туюлишимдан эзилишишгни, кўзларингни ёши дувиллаб оқишини, бўзлаб-бўзлаб қолишишгни биламан, онам.

Лекин, фалакнинг чархпалагини кўр, жоним қизим – сен ҳам бугун бир шаҳзодани сulton айлаган ажойиб маликасан, кун келиб, “сен бўлмасайдинг, мен ҳам бўлмас эдим” дейдиган қуондай бир болакайнинг онаси ҳам бўларсан.

У маҳалда мен, ҳар турли килмишларимдану ҳатто озорларимдан ҳам суюнган онаизоримнинг, мени “паҳлавоним” деб суйган, айтар сўзларининг кўпи ичидаги қолиб кетган отамнинг оёқлари пойида бўлсам ажабмас.

Ва албатта бир куни, Худойим барчамизни бир ерга жамлашига, севганларимиз билан албатта қовуштиришига ишончим комил!..”

* * *

Бас, ҳикоя мана шу ерда тугади!

Энди сизу бизнинг қиласи – эшик оғзида турган, муҳташам отелнинг муҳташам кийимли майларига мана шу гапларни етказиб қўйишдан иборат, холос.

Яна, агар кўчада кийимлари хийла уринган, ўз хаёллари оғушида кетиб бораётган, сочлари барвакт оқарган ўрта яшар бир кишини кўриб қолсангиз, Яратган Эгамдан нигоҳингизга теранлик, қалбингизга тиниқлик сўраб илтижо қилинг!

Ахир, у – Отадир!

Ажабо, бутун умрини, топган-тутганини, бору йўғини ота-онасига ва оиласига сарф қилиб юборган, ҳозир эса, ғофиллар қаршисида бир дам музтар бўлиб қолган шу зотга бир оғиз таскин сўзи топа олармикансиз?

Тополмаслигингизга ишончим комил!

Тополмасангиз, ҳеч бўлмаса бир жилмайиб қўйинг.

Бас. Етар!

2013

ОГРИҚ ТОҒИ

“...У тоғ тарафларга боришиңи анча йиллардан бері орзулаган бўлсам-да, шу маҳалгача сира насиб қилмаган эди. Қаерлардадир, жануби-шарқда эканини билардим. Табийики, кўриниши, набототи ва унда ўсадиган дов-дараҳт ҳақида сира тасаввурим йўқ, билганим – ўзимизнинг азалий виқор тўкиб турадиган Тиёншон, Чотқолу Олой, улардаги қадрдан тарғил-жигарранг қўнғир тошлару ўзимиз билган оддий ўт-ўланлар. Ўзимнинг тоғларим худойимнинг қудратидан дарак бериб юксалишган. Самарқандда Лангар тоғлари бор, Қаршида Сиём... Булар болалигимдан бери эшитиб-кўнишиб келганим атамалар.

Декин шу – Оғриқ тоғи, ўзи эмас, номи анчадан бері сира тинчлик бермай келарди. Нима учун айнан Оғриқ тоғи деб номланган экан деб ўйлар эдим.

Мана, саёҳат қилиб юрганим шу томонлардаги тоғларнинг номлари ҳам қизиқ экан. Масалан, Намруд тоғи бормиш. Бағрида биронта гиёҳ ўсмас, ҳар тарафи куп-куруқ корамтири тошлар, харсанглар ва қоялармиш. Ёмгиру жалаларда селларга тўсиқ бўладиган ва қуёш қиздирганида чирсиллаб-чатнаб ёриладиган у тошлар аро ўт-ўлан ўスマслиги ҳар ҳолда ёқимсиз манзара бўлса керак. Намруд – Иброҳим пайғамбар замонида яшаб ўтган шаккок ҳукмдор, тоғнинг унинг исми билан аталишию бағрида хеч нима унмаслигига балки бир ҳикмат бўлса керак деб хаёл қилдим.

Оғриқ тоғининг устида куйланган бир қўшик ҳам бор.

*Оғриқ тоғин устинда
Урдилар мани...*

Оғриқ тоғи бепоён, устма-уст қалашиб кетган корамтири-қизғиши, тарам-тарам қоялардан бошлинар экан. Арчалар ва сарвлар оз, тоғ этаклари-

да шу атрофдаги қишлоқларнинг болакайлари кўй-сигирларини ўтлатиб юришибди. Наридан кирлар бошланибди, уларни шу ернинг кишилари бўзкир дейишар экан. Тандирларида ёпган нонлари ўзимизнинг нонларимизнинг худди ўзи, тандир тиккамасига эмас, ётқизиб курилган, жуваю чекичлари ҳам худди ўзимизники.

Бир оз мулоҳаза қилиб кўргач, бу тоғ шууримга нималарнидир шивирлаб огоҳлантираётганини, нималарнидир уқтироқчи эканини сеза бошладим.

Эсимга водийга кетаверишда, Қамчик довонининг бошланишида ўсаётган ёш тоғ ҳам келди.

Довонга кўтарилишда, ўнг тарафда катта кўл ўртасидан ҳақиқатан ҳам каттагина қоя бўй чўзиб чиқкан. Ҳар нарсанинг чақалоғи хуш ва азиз бўлгани каби, у ҳам кўзимга ёш ва саркаш бўлиб кўринади. Ҳар ўтганимда эътибор бериб қарайман. Баъзан уловни тўхтатиб, қайиқми бир нима топиб ўша қояга яқин боргим келади. Устида қушлар ин курибди. Балки гиёҳлар ҳам ўсгандир? Ахир, шамол турли уруғларни ҳавода учирив ҳар тарафга ёядику?

Хулласки, ҳар ўтганимда ўша ёш токқа тикилиб-тиклиб қарайман. Кўл юзаси сокин-осойишта жимиirlайди. Оч-яшил тўлқинлар майда кўпиклар ҳосил қиласиди, шабада уларни соҳил томон суради. Йўл ёқасида майда-чуйда болалар ўралашибади. Ёш тоғнинг қоялари ҳали оч-қизғимтири, тошлари унча қотмаган, кучу кудрат сезилмайди шаклу шамойилида. Ҳақиқатан ҳам устида бир-икки ўт ўсибди, ёмғирлар мавсуми тугагани учун сарғайиб ҳам улгурибди. Қуриган гуллари шабадада чайқалади. Учтўртта кўл қуши устида чағиллаб айланишади, тухум кўйиб бола очган бўлса эҳтимол. Чағалайлар агар хатар бўлмаса шундоққина тошлар устига ин куриб, тухум кўйишади. Хатар бор-йўқлигини қайдан сезишганига ақл шошади...

Лекин, кўнглимда кувонч уйғотган у ёш тоғ ўз юртимда, бу ердан жуда узокда. Мен эса ҳозир ўша, ўзим номига қизиққан Оғриқ тоғининг қаршисидаман.

Илк қоялар тарафга шошилмай чиқиб борарканман, катта бир тош узра кимнингдир кафтининг изларини кўрдим. Из шу қадар аниқ эдики, кафт чизиқларигача кўриниб турар эди.

Хўв пастда сурувлар ёйилган, ўша ёқдан болаларнинг ингичка овозлари, қийқиришлари қулоққа чалинади, шабада соchlаримни юлқилайди... лоп этиб хаёлимга болалик уйимнинг деворларидағи кафт излари – отамнинг кўлининг азиз излари келди!

Отам... Отам ҳам тоғдай келбатли бир киши эди-я!

Кичкина болакай бўлганим учун кўзимга бенихоя улкан бўлиб кўринарди. Пастдан тепага бошимни буриб қараганларим, улкан, қудратли қўллари эсимда. Суянган тоғим деган бир гап бор-ку. Одам нега суянчиғим дейди? Табиийки, хориб-чарчаб маҷоли қолмаганида ёки касалланганида суянади бирон нарсага. Тоғим дейишининг сабаби – тоғнинг бенихоя ҳайбатли ва мустаҳкам эканида.

Мен отамнинг келбатига ҳавасланиб термилар ва оёқларининг остида ўралашиб юрар, у улкан, қудратли қўллардан таралаётган куч ва қувват гоҳо чўчитар ҳам эди.

Оғриқ тоғининг тиканлари оёғимга кирди. Бир ерда тошга қоқиниб йиқилдим, болдирим қаттиқ оғриди, қарасам, сал ўтмай қизариб, шишиб чиқибди.

Хиёл нарида, жарлик лабида қанакадир ёлғиз бута ўсган экан. Жар томонга қараб эгилиб қолибди. Қип-қизил илдизлари тошлар орасидан кўриниб турибди. Шохлари носранг, барглари кулранг-оқимтири, қаттиқ, кичкина тиканчалари ҳам бор.

Яқынроқ бориб қарадим, жийдами? Ия, жийда эканку?

Лоп этиб эсимга аммам келди. Барваста гавдали, шаддодгина у хотиндан ҳам жийда иси келмасми-ди?

Қандай аёл эди-я! Кулганида кулгиси анча жойгача янграб кетарди, меҳри оташ, кўзлари кулиб-кулиб турарди. Уруш вақтида қишлоқда эркак қолмаганида, уни қирқдан ошган, учта боласи бор бир кишига никоҳлаб беришган, яна еттита бола кўрган эди. Жуда қийин ва заҳматли бир умрни бошидан кечирди. Мен талабалигимда касал ётганлари эсимда. Бир куни оламдан ўтганини айтди отам. Тоғ келбатли отам ўшанда буқчайиб қолгандай эди. Ахир, биттаю битта опаси-ку?! Опа қанақа бўлишини билмайман, ўзимнинг опам ҳам, акам ҳам йўқ, бу дунёда гўё ҳеч кимим йўқ, ёлғиздайман. Лекин, отамни уришганлари эсимда. Кап-катта отам бўйини букиб унга қулоқ солар, сира эътиroz билдирмас эди. Мана, опасиз қолди. Қани у? Қани кулишлари, кошларини чимириб-чимириб койишлари қани?

Оғриқ тоғининг шамоли жуда узокларда қолган бир қўшиқни олиб келиб қулогимга урарди:

*Оғриқ тоғин устинда
Урдилар мани...*

Ҳаётимда ғусса-қайғуни ёқтиравермайман. Лекин бу ғалати, ёруғ ғусса эди, юрагимга малҳам берар, юпатар, аллаларди. Қалбимнинг ўзгаётганини, яхшиликка ва меҳрга тўлиб бораётганини хис қила-қила одимлар эдим.

Салдан кейин шарқираб оқаётган бир жилға кўринди. Ичидаги ва теграсидаги қора-қизғиши, жигарранг, оқ ва тарғил тошчаларни бир-бирига уриб, шарқираб оқар эди.

Тиник сувидан ичгим келди, кафтигма ол-

диму ича олмадим, жудаям муздай экан. Юксак чўққилардаги қору музларнинг эришидан ҳосил бўлганмикин, деб ўйладим.

Оғриқ тоғи баланд, пурвиқор, чўққилари кўп, қаршимда нафасимни тўсиб-ҳайиқтириб, жим турибди.

Метин қояларининг ҳар хил. Палахса-палахса бўлиб юксалгандар ҳам бор. Баъзилари қаттиқ, яхлит тошқоя. Яна баъзилари қуюлиб қотган каби кўринади. Ранглари ҳам турлича. Палахса қояларнинг уваланган жойларида майда чечаклар ўсган, тошқоялар ва қўйма қоялар қошида ҳеч нима бўй чўзмабди. Оралариди, тошларнинг уваланишидан ҳосил бўлган қўнғир тупроқ устида арчалар қад ростлабди. Ўтлар чунон гуркираб ўсибдики, ақл шошади.

Илк тизма учига чиқиб бориб, қаторлашиб турган ёш қояларни кўрганимда эса, кўзимдан ёш тирқираб кетди.

Ёш теваракни ҳалқалантириб-бузиб кўрсатди.

Воҳ, ахир, бир-биримизнинг кўлларимиздан ушлаб шамолдай елар, ўйинга тўймас эдик-ку? Тутқаторлар остидаги улкан сояларда бекинмачоқ ўйнамасмидик? Бепоён наъматакзорлар аро яшириниб олганимизда бизларни ҳеч ким тополмасди, факат бир-биримизниги топар... умрнинг улкан соялари аро аллақачон бир-биримизни топган ва қўл ушлашиб, ўсмирана мағрурлик ила келажак сари йўлга ҳам чиқкан эдик!

Ёдимга дўстларимнинг бугунги қиёфаси келди. Баъзилари ҳозир сафимизда йўқ, борлари ҳам мана шу тоғ каби юксалган, бағирлари, юзлари шу тоғ каби тилиниб, ажин тушган, ҳаётимнинг тилинган, кексайган, викорли тоғлари каби, дунёнинг мувознатини жим ва сассиз саклаб туришгандай...

Ҳайҳот, бу тоғ билан менинг яқинларим ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Ёш қояларнинг ранги оч, тошчалари майда, бағрида ўсган ўт-ўлан сийрак эди. Улар узра ҳам күшлар ин қурибди. Тавба, баъзиларининг бағри палахса, баъзиси тарам-тарам. Тегра сокин-осойишта. Ҳа, қоялар сўзламайдилар. Сўзласалар ҳам биз эшита олмаймиз. Лекин тилга кирсалар, ҳозирнинг ўзида у оғриқка чидолмаслигим аниқ. Ахир, сўзламоқдалар-ку? Юрагимнинг ичидаги пайдо бўлаётган ҳислар шу қояларнинг хитоблари туфайли эмасми?

Яна бир жойда ғуж қояларни ҳам кўрдим. Олтига ёки еттита қоя тоғ бағридан ажралиб чиқиб, ўзаро ғуж бўлиб олишибди. Улар ҳам метин-мустаҳкам, аммо устлари тилиниб-тилиниб кетган, баъзи жойлари чатнаган.

Шабада қулоққа нималарнидир олиб келиб уради.

Шунда бу тоғни нима учун Оғриқ тоғи деб аталишини тушундим! Ахир, менинг ҳам болаларим улғайиб, қувватга тўлиб келмоқдалар-ку? Ҳар холда, кўзларига тоғдай келбатли, пурвиқор, чўнг ва азим бўлиб кўринсан эҳтимол. Ичимда не оғриқларим борлигидан хабарлари йўқ, албатта. Ишашганида ҳам айтармидим уларга? Лекин, менинг қояларим ҳам яшинларда тилинган, жазирамаларда ёрилиб-ёрилиб кетган, жала ва шамолларда чатнаган. Менинг чўққиларим ҳам уваланиб-уваланиб тўкилмоқдалар.

Баъзи қояларга кимдир ўз исмини ўйиб ёзибди. Бу орада жуда эски битикларни ҳам кўрдим, вакт ўтиши билан у битиклар хиралашиб, тушунарсиз ҳолга келибди. Қачонлардир кимлардир менинг ҳам бағримга ўз исмларини тиф билан ўйиб-ўйиб ёзган, у исмлар вакт ўтиши билан хиралашиб кетган бўлсада, ҳануз бор. Яна, бир маҳаллар... қайлардадир, жуда олисларда... кулиб-кулиб турадиган қийик кўзли бир қиз бўларди, у ҳам ўз исмини бағримга

айнан шундай, аммо хино суви билан ёзган эди. Тавба, ранги сира ўчмас экан! Зотан, хинонинг эмас, хино гулининг суви билан ёзилмаганими? Ажаб, бу орадан хино гулининг ҳам ислари келаётирми?

Хино гули шокила-шокила, кўбизли бўлади. Бармоғингизни тегизсангиз, ширр этиб ҳимоя пўстлоғи очилади-да, уруғларини теваракка сочиб юборади. Шунда ўтқир иси анқиб кетади.

Дарҳақиқат, сал нарида қаторлашиб, бетартиб ўсиб ётган хино гулларини ҳам кўрдим. Бир ерда бунчалар ғуж бўлиб ўсганининг сабаби уруғларини шу атрофига соғганида бўлса керак деб ўйладим.

Энди тамомила ўз ҳаётимнинг армонларига ва хотираларига ғарқ бўла-бўла одимлар ва табиийки, Оғриқ тоғининг аввалги мавнолари йўқолиб кетган эди.

Яқинларим, қавму қариндошларим, дўстларим, биродарларимнинг ёди юксалар эди бу нотаниш тоғ бағрида. Барининг чехраси майин, барининг ёди ёғдули, менга мулойим қараб туришгандай ва мен ҳам улар сари қадам ташлаб борарканман, мана шу Оғриқ тоғининг энг устига чиққанимда, улкан бир маънидан хабар топадигандек, шунча йиллар бўйним букиқ, заҳматлар ва меҳнатлар аро ўтган умримга мазмун кирадигандек... ҳаётларини мен каби яшаб ўтган қавмдошларим сари етакла-ётган шу ҳислар қўзларимдан тирқиратиб ёш чиқарап ва у ўшлар теваракни қўзимга ҳануз бузиб, ҳалқалантириб кўрсатар эди.

Лекин, чарчадим-ку? Энг баланд чўққига чиққани мадорим йўқ. У ернинг шамоли анчайин кучли, ғувиллаб эсишларини ҳозир, шу ердан ҳам эшитиб тургандайман. У ернинг изғиринигаю совуғига бардошим етмаслигини ҳозирдан сезаётирман.

Энг тепа чўққиларда – изғирин шамоллар, қалин

ва топ-тоза оппок қорлар, абадий кўк музликлар ма-
конида... ёлғиз ўзим, нима ҳам қилардим?

“Яқинларингни сев ва қадрига ет! – дея ҳайкирар
эди Оғриқ тоғининг шамоли энди, бошим узра
ҳайбат солиб эсаркан. – Ҳатто энг улкан тоғлар ҳам
уваланишга ва чўкишга маҳкум эканини, энг баланд
чўққилар тўзонга айланиб ер узра сочилиб кети-
шини ва устида ўт-ўлан ўсиб, гул-чечак ёзишини
зинҳор ёдингдан чикарма!”

Сийрак туман аро элас-элас кўзга ташланәётган
водийлар, ўтлоқлар, қишлоқлар кўзимга ҳозир, мана
шу ерда жуда-жуда истаётганим инсоний меҳрнинг,
инсоний тафтнинг узокларда қолиб кетган тимсоли-
дай бўлиб кўринар ва пастга қараб ошиғич чопгим,
бу ғалати тоғ чўққисини тезроқ тарқ этгим, ҳориб-
чарчаб бўлса-да, бир амаллаб ота уйимга қайтгим ва
яқинларимнинг дийдорига жуда-жуда тўйгим келар
эди...

* * *

Ниҳоят, Ота ҳориб-чарчаб сафардан қайтганида,
ҳаммани меҳр билан бағрига босишини, кўзлари
ёшланганини кўриб, болалари ўзларича кулиб
кўйишди: одамнинг ёши ўтгач, кўнгли мана шу-
нақа юмшаб қолар экан-да? Қаранглар отамизни,
яқиндагина дунёни энлаб турган бир тоғдай эмас-
миди? Ҳозир анчайин чўкиб қолгандай, ҳаммага
жавдираб қараётгандай. Тавба, шиддати, қудрати
қани?

Қизлари эса бағрига мусичадай кириб, бироз
кўзёши ҳам қилиб олишди.

Ҳамма бир-бири билан кўришиб, ниҳоят, дас-
турхонга ўтиришганида, катта ўғил кулимсираб,
дўриллаган овозда сўради:

– Хўш, ота, қаерларни кездингиз? Бир тоғ
ҳақида ҳам гапирган эдингиз, қанақа экан у тоғ?

Ота ўғлига қаради, шунда Оғриқ тоғида күрган манзаралари хаёлидан бир қалқиб ўтди. Айтсаммикин деб ўйлади... Йўқ, вакти-соати етганида ўзи билб олар деди-да, мулойим оҳангда жавоб қилди:

– Айтишга арзирли ҳеч нарсаси йўқ. Оддийгина бир тоғ экан, болам...

2012

ЎРМОНДАГИ КУЛБА

Эй руҳ, фитратининг ўрмонларида
Кезинган, эзилган, озурда эй руҳ!
Заҳмат сойларининг ҳовурларию
Ғусса водийларин шовурларида
Бир ўзи ииғлаган,
 ўксиган, куйган,
Ҳасрат ёмгиригининг куюкларида
Илма-тешик бўлиб
 изиллаб турган!
Эски зиндонингдан бир зум чиқақол!..

МУКАДДИМА

ЎФИЛ

Шабада эсмас, лекин ўрмон гувуллаб-шовуллаб турад эди.

Сарв, қайрағоч, арчалар баланд ўсган, ўт-ўланлар пояси тўқ яшил, дараҳт остидагилари эса сийракрок, ранги ҳам нимдошроқ, баъзилари гуллаган, майдамайда гулчалар узра асаларилар ғўнғиллаб учиб юрар эди. Дараҳтлар ортида кўринмаса-да, қайдадир қуёш ёрқин нур сочарди. Осмон қўум-кўқ, увада оқ булатлар қимир этмасди.

Кўпдан бери инсон зоти юрмаган сўқмоқдан тез-тез одимлаб борардим.

Ичимдаги сурур қайдан пайдо бўлганини билмасдим. Бу ўрмон менга ёқар, кечагина минг хил ташвиш билан пешона тириштириб юрган бўлсам, энди ҳаммасини унуттандек, хаёлимга «Қара-я, ўрмон жонга роҳат бахш этаркан-ку» деган ўй ортидан «Нима бўлганда ҳам инсон табиатнинг фарзанди, бағрига тортаверади-да» дегандай «жиддий фикр»лар ҳам келмоқда эди.

Одамниңг ўйи қизиқ-да. Бир нимани кўрсангиз,

беш-олти хил фикр бирдан уйғонади. Энг маъқулини танлаб оласизу қолганини ташлаб юборасиз гүё. Лекин ҳозир ўйларимнинг бари қийматлидай, биронтасини рад қилиб бўлмайдигандай туюлди – ўзимча мамнун илжайиб қўйдим.

Шу сабабли ўрмонда қиласидиган ишим бехавотир кўринди.

Ҳа, шу яқин ўртада эски, кимсасиз бир кулба бор. Мен унинг ертўласига тушишим керак.

Яна пича одимлагач, сўқмоқ адогида ўша уйча кўринди. Кичкина, тик томли экан. Қурилганига неча йиллар бўлгандир... Олдидағи майдончага терилган тошлар орасидан ўт ўсиб чиқибди. Тарвақайлаган мевали дараҳт бўй чўзибди – ўрикка ўхшайди, шохларида довуччалари ҳам бор.

Дараҳт ёнидан ўтиб, уйчанинг тош зинасидан юқори чиқдим. Эшик очиқ экан.

Бу ерга кўпдан бери инсон қадами етмаган эсада, эгалари қайгадир кетганига бир-икки ҳафта бўлгандай, назаримда. Чунки рўзгор ашёларининг бари ўз ўрнида, аммо хиёл чанг қоплабди. Ўнг томондаги жавоннинг эшиклари ёпиқ, ичидаги уй эгаларининг буюмлари бўлса керак. Дераза тагида каттагина стол, устида эскироқ компьютер, қалам-қофоз ёнида сўлий бошлиган чечаклар ҳам бор, ҳарҳолда, уй бекаси нозиктабиат аёл, шекилли. Деразага оч-сағириш гулли парда тутилган. Бориб, тавақаларни очиб юбордим, ўрмоннинг ўт-гиёҳлар исига тўла тоза ҳавоси ичкарига ёпирилди. Катта жигарранг печка устида оғир чўян чойнак, ерда эса беш-олтига қарағай саржини, гугурт доналари сочилиб ётибди.

Чап томондаги хона эшиги ёпиқ. Болалар хонаси бўлса керак. Балки меҳмонхонадир?

Ҳа, шинамгина-ю, аллақанча муддат қаровсиз қолган бир уй.

Ўзи ертўлага тушишни ўлгудек ёмон кўраман.

Нимқоронғи, кераксиз ашқол-дашқоллар бетартиб қалашиб ётган, зах хиди анқиёттан жой тасаввуримда жонланади. Баъзилар ҳаво алмашиши учун туйнук ҳам очади, туйнуғи бўлмаса, ертўла ҳавоси оғир, дим бўлади-да.

Хув анави ерда яна бир эшик-ертўла эшиги, шекилли. Очиқ турибди.

Эшик олдига келиб, пастга қарадим. Бвш ёки олтита пиллапояси бор-ов.

Аста қадам босдим – кўндаланг тахталар ғичирлаб кетди.

Она

Умр бўйи дала-тузда овораи сарсон, болам-чақам деб заҳмат чеккан бир аёлман-у, кутилмагандага менга «Ўрмонга бор» дедилар.

Ўрмон тушимга ҳам кирмаган — сап-сариқ куму лойқа сувлар орасида катта бўлганман-да, аммо рости, бу манзараларни кўриб оғзим очилиб қолди. Ҳамсояларим эсимга тушиб кетди, бечоралар, оила-рўзгор заҳматидан ортиб шунака кўркам жойларни ҳам кўришса эди, деб илиндим.

Чиндан ҳам жуда чиройли, сарвлари ва номини мен билмайдиган тик қадли оғочлари енгил шабада шовуллар эди.

Сўқмоқ тор, одам юрган ерларида сийрак майса ўсган, четларидаги ўт-гиёҳлар мовий, сариқ ва оқ тусда гул очибди. Дараҳтларда кушлар сайрайди. Бир қарагай шохида жажжи олмахонни кўрдим, кўлида бужур ёнғоги ҳам бор, мунчоқ кўзларини менга беҳадик тикиб ўтирибди.

Ўрмондаги уйчанинг эшиги очиқ экан. Эгалари қани, дея хавотирланиб ичкарига мўраладим. Ҳеч ким йўқ, ҳаммаёқ ораста, батартиб, ёғ тушса ялагудек. Дераза тагида катта бир стол, устига оппок дастурхон ёзилган, кўкимтир шиша гулдонда уч дона

чиройли гул. Печка устида ялт-ялт кулранг темир чойнак, ерда текис тахланган беш-олтита саржин ўтин.

Дераза ҳам очиқ, оппоқ парда майин шабадада хилпираётир.

Ҳархолда, уй эгалари саранжом-саришта экани кўриниб турибди. Дарвоқе, қайга кетишган экан?

Шу уй ертўласига тушишим керак.

Ертўла жуда чукурга ўхшайди, фира-ширада зиналарнинг охири кўринмайди. Ўлсин, қоронғи экан, деб ўйладиму пастга қараб қадам босдим.

Ота

Ташвишим бошдан ошиб ётибди-ю, ўрмонда бало борми менга?

Бунақа ўрмонни йигитлигимда – ҳарбийда кўрганман. У маҳалларнинг меҳнати оғир эди, шунака бепоён бир ўрмонда дараҳт кесганман...

Шамол оғочларнинг қуриган шоҳларини қисирлатиб синдираётир — шунинг шовқини. Баланд-баланд дараҳтлар оғир-оғир чайқалиб ингранади, йўл устидаги ўту гиёҳлар эгилиб-букилиб шитирлайди.

Майсалар гулинин ер узра сочиб юборибди. Ўрмон гувуллаб-шовуллаётир – аллақаёқлардан вахимили овозлар келаётир.

Кимсасиз бу ўрмонда ваҳший ҳайвонлар ҳам бордир? Ана, нимадир ўкиргандек бўлди. Айиқми, силовсин, ё бўримикан?

Сўқмоқдан қачондир ароба юрган – ғилдирак излари ўрни тақир, тупроқ қуруқ, аммо излар орасида ўт гуркираб ўсибди.

Салдан кейин ёмғир ёғса ажабмас – осмондаги булутлар тўдалашиб-уюлиб келмоқда. Бу – шамолнинг иши.

Ваҳший ҳайвонлар оч бўлса, хужум қилиши тур-

ган гап. Тезроқ ҳув анати уйчага етволишим керак.

Тез-тез юриб уйчага келдим. Эшиги ёпиқ экан, аста итарсам, тарақлаб очилиб кетди.

Бу ерга инсон қадами тегмаганга ўхшайды. Ҳаммаёкни қалин чанг қоплабди. Дераза пардаси эски, түк жигарранг тусда. Уй ҳавоси дим. Деразаларни ланг очиб юбордим. Стол устида қизғимтиришиша гулдон, ичидағи суви лойқаланиб сасиб кетибди. Печкага анчадан бери ўт ёқилмаган, кули олинмаган, ичида чала ёнган икки-уч саржин...

Айтганимдай, салдан кейин ёмғирнинг шитирлаши эшитилди.

Чанг устида из қолдириб, ертўланинг ёпиқ эшиги томон юрдим. Очиб, етти ёки саккизта пиллапоя босиб пастга тушдим.

Биринчи бўлим. ЕРТЎЛАДА

ЎФИЛ

Ертўла кенг-мўлгина экан. Қоронғи – охири кўринмайди. Кераксиз нарсалар тиқилиб ётибди бу ерда. Оёғим остида эски ўйинчоқлар, дараҳт новдасидан ясалган ўқ-ёй, пушти ва оқ копток, қўғирчоқлар... Улар ҳам чангга ботган.

Ие, ўзимнинг ўйинчоқларим-ку?! Бу ерда нима қилиб ётибди?!

Яна одимлайман. Туйнуклар очиқ, ҳаво ростдан ҳам майин. Ертўла заҳ эмас. Туйнукларни ким очди экан? Ҳозир-ку баҳор, аммо қишида туйнуклар ёпилмасмиди?

Ўйинчоқлар болалигимни эслатгани боис ертўла бегона туюлмади, худди бир сирдан воқиф бўладигандек, қалбимда илиқ туйғу бош кўтарди. Шу кичкина ёйдан қушларга ўқ узардим, ўқни беҳи новдасидан ясардим, табиийки, биронта қушни отиб ололмаганман, лекин ўша маҳаллар ўзимни дов-

юрак овчи дея хаёл қилғанларим, қийқира-қийқира дараҳтзор оралаб чопғанларим эсимдә.

Яна бир-икки қадам босган эдим, түсатдан ертўла адоғидан, коронғилик қаъридан бир овоз келди. Ие, бу ерда бирор борга ўхшайди.

Ха, ўша ёқда – тахта рафлар зулмат ичидә кўзга кўринмай кетган жойда кимдир ўзича завқланиб кулмоқда эди.

Овозига қараганда, мен тенги йигит, шекилли. Нега куляпти экан? Мен каби ертўлага киргану болалик бисотини топиб олиб, ўша маҳаллардаги бирор воқеани эслаб кулаётган бўлса-чи? Кулги сасини эшитганим ҳамоно менга зиён етказмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки беғубор-беозор кулги эди бу. Эски-тускини титкилаб, қадрдон буюмини топиб олган бўлса керак. Узун бўйли, соchlари қоп-кора, кўзлари чақнаган ва, табиийки, шошқалоқлигидан кўпинча хато ҳам қилиб қўядиган софдил-самимий бир йигитга ўхшайди.

«Борай-чи, ким экан?» дея у томон қадам ташладим.

Она

Бир маҳаллар ота уйимизнинг ертўласида сабзи-пиёз саклар эдик. Катта хумларда ёғ, гуруч, буғдой, чоғроқларida мош, ловия, нўхат бў-ларди. Кейинчалик эски тўшакларни ҳам олиб тушиб, думалоқлаб ўраб қўйган эдим. Бу ахир ўша нарсалар-ку, аввал қандай бўлса, шундайлигича турибди.

Ертўла саришта, аммо ўтмиш иси келади. Ие, оламдан ўтиб кетган онаизоримнинг кўйлаги, рўмоли ҳам шу ерда эканми? Йўқотиб қўйганман деб эзилиб юрардим. Мана бу отамнинг тўни эмасми? Шифтга эски бешик илиб қўйилибди, ёпқичи остидан қовузлари, қўлбоғичлари кўриниб турибди.

Худога шукр, бегона жой эмас экан.

Яна бироз юрган эдим, ертўла бурчагидан, қоронғилиқдан бирорнинг овози келди. Шошиб қолдим. Тавба, у ерда бир аёл ўксиб-ўксиб йигламоқда.

Букчайиб ўтириби – озғин елкаси, униқкан кўйлаги, нимдош ҳаворанг рўмолини илғадим. Юзи кўринмайди, аммо нимадандир эзилиб-эзилиб, тўликиб-тўликиб йиглаётир.

Чорасиз одам шунаقا кўзёш тўкади. Дунёи дунда ҳаётининг қийматсизлигидан, ҳарчанд тиришмасин рўшноликка чиқа олмаётганидан, умр эса ўрмонни чайқатган шамол каби долғалар сола-сола елиб ўтиб кетаётганидан юраги ғамга тўлиб, Худога ёлвора-ёлвора нола қиласи.

Бечора, ертўлада нима қилаётган экан? Балки шу уйнинг бекасидир? Бошига бирор мусибат тушган бўлса-чи?

Жоним ачиб кетди. Ким бўлсаям, ёнига борай, хол-аҳвол сўрай деб ўйладим. Одам тафтини одам олади, агар мусибатзада бўлса, Худо меҳрибон, ҳар мусибат ортидан бир яхшилик кўрсатади, деб тасалли бергим келди. Фарзандлари бордир, улар олдида ҳаёт ташвишлари нима бўпти? Аёл турмуш куриб, бола-чақали бўлгач, ўзини оиласига фидо килиб юборади, ўксинманг ахир, дея юпатгим келди.

Ота

Ҳм-м, ертўла бўм-бўш экан.

Бунаقا жойларда каламуш урчиб ётади. Ҳойнахой илон ҳам бордир? Йўқ, зах жойда илон бўлмайди. Захсевар майда-чуйда ҳашаротлар ўрмалаб юрган бўлиши мумкин.

Чап томонда – девор тагида ётган асбоб-анжомлар ишлатилмаганидан занг босиб кетибди: болта, арра, теша, ўрок, дастасиз кетмон. Бир уюм қийшайган мих-пих...

Нима зарил эди бу ерга келиб? Норозилик ила секин-аста одимлайман.

Зах тупроқни селгитиш учун анча меҳнат қилиш керак. Туйнук-деразаларни очиб, яхшилаб шамоллатмаса бўлмайди.

Ертўлада бир неча хона бор экан. Ҳаммасининг эшигига қизил бўёқда «Кириш мумкин эмас» деб ёзилган тахтача-лавҳа илиб қўйилган.

Ким ёзган экан уларни?

Теварагимни кузатиб, мулоҳаза қилиб турганимда, ҳув наридан, коронфиликдан инсон саси келди.

Ўша ёққа қараб, гавдаси мен қурам, орқа ўгириб буқчайиб турган кишининг қорасини кўрдим.

Ғўлдираб сўкинар эди.

Нимадандир жуда норози, эски ашқол-дашқоллар орасидан бир нималарни қидиради, қўлига илинган нарсани отиб, тепиб юборади, бундан баттар тутоқиб, баттар ғудранади...

Нега сўкинаётган экан? Оиласи, бола-чақаси қаёkkадир кетгану ҳали қайтмаганидан жаҳли чиққандир? Бир нима дегим келди-ю, ниятимдан қайтдим.

Негаки, бизнинг ёшга етган одамни ўз ҳолига қўйиш керак. Гоҳ-гоҳ шунақа бир ертўлага тушиб, ўкраб-ўкраб йиғлаб олсаям бўлади. Енгил тортадида. Чунки биз тенги одамлар юрагида кўпинча зилзамбил тош олиб юради. Аммо йиғлаб ёки сўкиниб хуморидан чиқса бўладиган жой топилмайди. Бу ер зап жой экан... Анави одамни танимадим.

Ёнига боргим келмади. Ўз ҳолига қўйиш керак дедим-ку. У билан неча пуллик ишим бор? Ўзимнинг ташвишим ҳам етиб ортади. Мана, ертўлага тушдим, айтарли ҳеч нарса топмадим, энди қайтиб чиқиб кетсан ҳам бўлар. Тезроқ уйимга борганим маъқул, қанча юмушим бор ахир, бу ерда нинаям қилдим?

Иккинчи бўлим. ЧОРЛОВ

Ўғил

Ашқол-дашқоллар орасидан бир маҳаллар севгилимга ёзган хатларим чиқиб қолса бўладими! Қизик, у қиз пақкос унутилган-у, хатлар турибди. Қай тарз бу ерга келиб қолган – ҳайронман. Хатлар мазмуни ўса йўқ, аммо баъзи сўзлари ёдимда.

«Сенсиз менга ҳаёт керакмас», деб ёзган эдим, шекилли.

Шу маҳал боя кулган йигит мени чақириб қолди.
«Келақолсанг-чи, ахир!» дер эди у.

«Ғалати бир нарса топиб олдим, кел, сен ҳам кўр», дер эди.

Нима топиб олган экан? Кимлигини билмасам-да, ҳар ҳолда мени танийдиганлардан биронтаси эканинга ақлим етиб турибди. Йўқса чақиравми?! Менга алоқадор бир нарса бўлса керакки, чақиряпти.

Кўнглим тошиб у томон ошиқдим. Кимлигини билгим келди, бу ғалати ўрмонда ёлғиз эмаслигимдан кўнглим хотиржам тортди. Балки синфдошимдир, балки болалик ўртоғимдир?

Она

Шу маҳал ўша йиғлаган аёл мени чақирди.
Вой тавба, мени танирканми?

Бечора, бу ерларга қандай келиб қолди экан?
Бола-чақам деб ўр-монда мева-чева териб юргану шу ертўлага кириб, бир нимани кўриб қолганмикан?
Нима бўлганда ҳам ўзимга ўхшаган бир боёқиш-да.
Йиғлаб ўтиришидан билувдим, бир дард-изтироби борлигини!

Хозир ёнига бориб ҳол сўрайман. Балки боласидан, ё эридан, ёки бирон жигаридан айрилиб қолгандир?

Қозикдан онамнинг рўмолини олиб бошимга ўрадиму у томон юрдим.

Ота

Қайтиб чиқиб кетмоқчи эдим, бүкчайибрөқ турған нотаниш киши тұсатдан хиёл ўғирилиб, исмимни айтиб чақирди.

Иккиланиб қолдим – борайми, бормайми?

Э-э, нимадан чүчийман? Аммо танимаган одамга ишониб бўлармиди? Ён-веримга қараб, ушлашга қулай, учи оғир таёққа кўзим тушди. Кетмон сопи экан. Отамнинг катта кетмони бўларди, фақат сопи қолибдими дейман?! Олиб қўлимда айлантириб кўрдим: мабодо ҳамла қилиб қолса, бошига ураман деб ўйладим. Ҳа, бошига уриш керак, зарба кучли бўлса, кўз олди коронғилашиб, хушидан кетади. Лекин ёрдам сўраётган бўлса-чи? Ҳозир бирорвга кўмак берадиган пайтми, ўзим кўмакка зорман-ку!

Нега хавотир олганимни ўзим ҳам билмайман. Ким билсин, овлок ўрмон бўлса...

Таёқни икки қўллаб маҳкам тутиб, эҳтиёткорлик билан ўша томон юрдим.

Учинчи бўлим. КЕЛГАН КИМ?

Ўғил

Овоз эгаси томон бир неча қадам босган эдим, кутилмаганда тепада, ертўла эшиги томонда яна кимнингдир шарпаси сезилди.

Қадам товушлари залворли эди.

Ким бўлиши мумкин?

Ўрмонда бошқа бирорни кўрмаган эдим-ку!

Келган киши эса менинг исмимни айтиб чақиряпти.

Ие, дўстим-ку! Энг яқин, жонажон дўстим!

Шошиб, ортимга ўғирилдим. Кўрганларимни унга айтиб бераман, кейин бирга анави йигитнинг

олдига борамиз. Ёлғиз эмасман, дея күнглим таскин
тоңди, журъатим ошиб, истиқболига дадил юрдим.

Она

Тўсатдан ертўла эшиги яна ғийқиллаб очилди-да,
кимдир кириб келди. Уни кўриб, шошиб қолдим.

Отамга ўхшайди-я?

Вой, отам-ку!

«Жоним отам, ўтиб кетган эдингиз-ку?

Э тавба, тирик экансиз-да?!»

Кулишларингиз ўша-ўша, бағрикенглигу хуш-
фельлик билан жилмайиб турибсиз!»

Кучоғига отилгим келди.

Аммо кап-катта хотинман-ку!

Кап-катта хотин бўлсам нима қипти? Отам-ку,
пуштипаноҳим, суюнган тоғим ахир! «Отажоним!»
дея бирданига хўнграб, бағрига отилдим.

Ота

Тепадаги эшик ғийқиллади.

Яна кимдир келдими?

Йўқ, ҳеч кимнинг кораси кўринмайди.

Айтмоқчи, шамолдир?

Ха, кўча эшик очиқ қолувди. Бу ёкқа келаётганимда қучли шамол турган эди. Очиқ қолган эшикдан кириб, уй ичини обдон тўзитган, ертўла эшиги ни ҳам ғийқиллатган бўлиши мумкин.

Ҳар эҳтимолга қарши яна қарадим: йўқ, ҳеч зоғ йўқ!

Ростдан ҳам шамол экан. Ана, пиллапоянинг чангини яна тўзитди. Ортимга қарадим: сас келмай қўйганди, бояги одам қаёққадир гойиб бўлибди!

Аёл отасининг руҳи

Оҳ, содда қизгинам, бу ўрмоннинг ўрмон эмаслигини билмадингми? Ахир, манзараларга разм солиб қарамадингми, ўзинг кўрган, ўзинг билган ҳамма нарса қўз олдингда жонланди-ку!

Ой қизалоғим, ҳалиям ёш гўдакмидинг? Капкатта ўғлинг, эринг бўла-туриб, мени йўқлаганингдан хавотирландим, жон болам.

Ажаб, нега болангни чақирмадинг, авайладингми?

Нега эрингни чақирмадинг, кўнглинг йўқми?

Она қизим, қиз учун отадан улуғроғи йўқ дедингми?

Мана, ошиғич келавердим қошингга.

Модомики келдим, юрақол, иккимиз ўша ўксиб йиглаётган аёлнинг ёнига борайлик, кўзёшларини артиб, юпатайлик.

Юрақол, оппоқ қизим...

Бўшлиқ

Ким мени бўм-бўш деб айтди?

Кўзингиз илғамаса, қулоғингиз эшитмаса, танингиз сезмаса бўм-бўш бўлаверадими?

Мен оддий бўшлиқ эмасман. Тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқман.

Замин бўшлиқлари ўт-ўлану майса билан, само бўшлиқлари ҳаво, турфа ислар билан, одам қалби бўшлиқлари меҳр ва севги ила тўлганидай... тўлиши керак бўлган бир яратиқман.

Тўлсамгина тилга кираман мен.

Эвоҳ, бир маҳаллар бундай бўм-бўш эмас эдим. Дараҳтларим, майсаларим бирин-кетин сўлиб, куриб-қақшади. Улкан оғочларим бўронларда қарсиллаб ағдарилди. Сувим эпкинларда чайқала-чайқала қуриди, осмонимнинг булутлари учиб йўколди. Шамолларим эсмай қўйди.

Шу тариқа ҳеч нарса қолмади бағримда.

Хой, шу бўшлиққа бир майса, бир чечак қадай оладиган тирик жон борми ёруғ оламда?

Дўст

Дўст, нега чақирдинг?

Нега безовта қилдинг? Мен ҳам бола-чақали одамман, ташвиш бошдан ошиб ётибди. Хилват ўрмонда нима бор сенга?

Биламан, ичингда шунака дардларинг борки, мендан бошқа бирон кимсага ёрилмагансан. Асл изтиробу кечинмаларингни биладиган ягона одам менман. Мен ҳам сенга ишонаман, бор-йўғи ўрмондаги бир ертўла экан-ку, жаҳаннамга десанг ҳам бораман, энг хатарли маҳаллардаям содик биродаринг бўлиб қолавераман.

Дўст, сен чақирасан-у, мен бормайманми?!

Ахир, укангни, қариндошингни ё отангни эмас, мени чорладинг-ку!

Менинг ҳам сендан бошқа кимим бор?!

Албатта, келаман-да қошингга!

Ертўлага тушарканман, сени соғ-саломат кўриб қанчалар енгил тортдим! Хайрият, бирор кор-хол рўй бермабди.

Кел, бир бағримга босай – чанг-ғуборга ботган шу ғалати макон ертўласида, эски ашқол-дашқолларнинг қоқ ўртасида.

Биласанми, сен хумпарнинг елкангга муштлаб-муштлаб қўйгим келяпти! Ҳазиллашиб-да!

Пешонамга битган ёлғиз дўстимсан, борингга шукр!

Тўртинчи бўлум. ХОТИМА

Она

«Ой қизим, энди борақол уйингга, – деди отам. – Бундан бу ёғига йиглама. Бу ертўлага бошқа тушма, ийги эшигини маҳкам ёп.

Ахир, чидашиб керак. Чидамасанг бўлмайди.

Гулдай болаларинг бор. Жон болам, чида. Ҳали яхши кунлар келади, чида, болагинам!»

Ота

Йўқ, тезроқ борақолай уйимга.

Мен-ку дунёи дунда ғоят ёлғизман, аммо уйимда менга ишонган соддадил болаларим бор. Эр кишиман-ку, чидамасам бўлмас.

Чидамасам, уларга қийин...

Ҳа, яна озгина сабр қиласам бас. Кейин болалар катта бўлади, ўз-ўзини эплаб кетади.

Ҳозир менга кераги – сабр. Бир чимдимгина сабр...

Ўғил

«Юр, юрақол юқорига, – деди дўстим кулимсираб. – Бу ерда нима бор сенга?!

Ёруғ кунлар ҳали олдинда. Ўша кунларни бирга кўришимиз керак. Отамиз, онамиз, болаларимиз билан, юзимиз ёруғ бўлиб, юрак-юрагимиз шукронага тўлиб, қўлма-қўл, елкама-елка, бирга-бирга етишимиз керак, дўст!

Елкама-елка...

Бирга-бирга...

Ровий сўнгсўзи

Алқисса, бир оиланинг уч вакили ғалати ертўлани тарк этиб, юқорига – офтоб нур сочиб турган ҳаёт бағрига қайтиб кетди.

Бир ўзим қолдим. Найлайн, ертўладан чиқай десам – чиқолмайман. Қолавераман, ғалати ўрмоннинг, ертўланинг, сас-товушларнинг ҳайбатлари аро... чукур-чукурларга яшириб қўйилган маънолар қаршисида лолу ҳайрон, музтар-музтар...

2014

БИР ТОМОША ТАРИХИ

— Мухтарам дўстлар, томошамизни бошлаймиз! — дея тантанали эълон қилди бўйнига қизил рангли латта боғлаб, кўкрак чўнтағига ҳам шу рангдаги атиргул тақиб олган ўртакаш.

Шундай дейиши билан шодон мусиқа янгради. Уни саҳна ортидаги ҳовуздай чукурда ўтирган ўн чоғли мусиқачи чалмокда эди.

— Марҳамат, кутиб олинг. Саҳнага профессор, Маэстро... — у профессорнинг исмини айтди. — ...марҳамат қиласидилар!

Шундан сўнг қора ингичка сюртук кийиб, капалакнусха бўйинбоғ таққан киши чиқиб келиб, ҳаммага таъзим қилди.

Томошабинлар турфа хил, ӯлар орасида тужжорлар, уларнинг хотинлари, болалари ва ҳатто ясантусан қилган чол-кампирларгача бор эди.

Маэстро залга бир муддат жим қараб турди. Ўткир нигоҳи кишиларни тит-пит қилаётгандай эди гўё. Кейин хотиржам овозда деди:

— Мен муҳтарам томошабинларимизнинг ғоят ажойиб кишилар эканини кўрмоқдаман. Фақат, бир нозик хусусиятни айтиб қўймоқчиман. Одамлар бир-бирларининг ташқи кўринишига, тутумиу гапиға қараб баҳо берадилар. Лекин ишонч билан айтаманки, бу ерда ҳозир биронта ҳам ёмон одам йўқ. Фикримга ҳамма қўшилса керак. Тўғрими?

Кишилар қарсак чалиб юборишиди. Бу гап барчага маъқул келган эди.

— Айтмадимми? — деди профессор, мамнун бўлиб. — Ҳақиқатан ҳам, одам боласи ҳар доимо ёмон ёки ҳамиша яхши бўлиб яшай олмайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам одамнинг икки юзидир, десак ҳам бўлаверади. Аммо, бўлар-бўлмас, ясама кўзбўямачиликлардан кимга фойда? Ишончим комилки, мана-ман деган сеҳргар ҳам сиз-

нинг кўзингизни бўяй олмайди. Келинглар, ундан кўра бир-биrimiz билан чин кўнгилдан сухбатлашақолайлик. Театр нима бўпти, борйўғи бир томоша-да. Илтимос, ўзини яхши киши деб ҳисоблаганлар ёки яхши ҳаёт кечирдим, деб ўйлаганлар бармоқларингизни чалиштиринг.

Ким чалиштириди, ким чалиштирмади, билиб бўлмасди. Бир оз сукутдан сўнг профессор деди:

– Мен ҳозир баланд овозда “Бир” дейман. Шу саноқдан сўнг бармоқлари очилмай қолган кишиларни саҳнага таклиф қиласман. Дикқат, бошладик.

Ва роппа-роса уч сониядан кейин у баланд овоз билан “Бир!” деди. Кейин янада шодланиб, негадир кўз ҳам кисиб, бармоқлари очилмай қолган кишиларни юқорига чорлади.

Ўн чоғли одам бирин-кетин тепага кўтарилиб, саф тортишди. Ораларида башанг қизил либосли икки хоним ҳам бор эди.

– Ўзини яхши инсон деб ҳис қиласидиган одам камдан-кам топилади, – деди Маэстро, қоникиш билан. Кейин сафда турганларнинг биринчисига яқинлашиб:

– Исмингиз? – деб сўради.

Гавдасини ёғ босган, сочи тўкила бошлаган у киши исмини айтди.

- Нима иш қиласиз?
- Шу, тирикчилик.
- Сиз-чи?
- Фалончиман.
- Машғулотингиз?
- Ер-сувлар эгасиман.
- Кўриб турганингиздай, бу кишилар эл орасида обрў-эътибор топган зотлардир, – деди Маэстро, тантанали овоз ила. – Обрўни эса ёмонлар қозона олмайдилар. Келинглар, уларнинг қай даража ажойиб инсонлар эканини биргаликда билиб олайлик.

– Саҳнага уч-тўртта одамни таклиф қилгандан

кўра, ҳаммани бирданига сехрлаб қўяқолсангиз бўлмайдими? – деб сўради қизиқувчанроқ бир киши.

Профессор унақа қилиб бўлмаслигини, чунки кишилар кейинчалик нималар бўлиб ўтганини эслай олмасликларини тушунтиргач, “Дикқат! Бошладик!” деб эълон қилди.

– Мен ҳозир бошмалдоғим билан кўрсаткич бармоғимни қўтариб, чертки товуши чиқараман, – деди у. – Уни эшиганингиздан бошлаб ҳаммангиз оқкўнгил сухбатдошларга айланиб қоласиз. Шундан кейин одамларга айтадиган гапларингиз бўлса бемалол гапираверишингиз мумкин. Розимисиз?

– Розимиз, – дейишди саҳнадагилар, бир оз иккиланиб.

Томоша чироқлари ўчиб, саҳнадагиларни ёритди.

Маэстро шодон ҳитоб қилди:

– Бошладик! Бир-икки-уч! Марҳамат! Сиз қай тарзда яхши одам бўлолдингиз?

Калласи катта, давангирдай одам бирданига хўнграб йиглаб юборган эди, залда кулги қўтарилиди.

– Мен сирам яхши одам эмасман, – деди у кўзидан ёши шашқатор оқиб, ҳиқиллаб. – Аслида жуда ярамас кишиман.

– Ия, буёғи қизиқ бўлди-ку, – деди Маэстро. – Лекин ҳақиқат шуки, яхши кишилар доим ўзларини маломат қилиб юрадилар. Марҳамат қилиб айтингчи, нима учун ўзингизни яхши одам деб ҳисобламайсиз?

– Мен... мен... – деди у киши. – Хотинимдан бекитикча биттасини яхши кўриб қолганман! – деб иқрор бўлган эди, кишилар яна кулиб юборишиди. Одамларга бу ёқиб тушди, ҳатто “Ол-а, азамат, қандингни ур!” деган хитоблар ҳам эшитилди.

– Томоша қизияпти, – деди Маэстро. – Яхши

кўрсангиз кўрибсиз, хўш, унда нимага изтироб чекяпсиз?

– У муттаҳам хотинимдан ҳам баттар чиқди, – деди ҳиқиллаб. – Доим хархаша қилгани қилган. Хотинимдан эса ... қўрқаман.

Яна кулги қўтарили. Ҳамманинг олдида хотинидан қўрқишини очик-ойдин тан олган бу киши бирданига оломонга ёқиб тушди.

– Бола-чақамни ризқидан қийиб ўша ялмоғизга сарфлайман, – деди у, кўз ёшлари дувиллаб оқиб.

– Сарфига пул етказолмаганим учун ҳар турли хийлалар қилишга, ҳаммани алдашга мажбурман.

– Хафа бўлманд, – деди Маэстро. – Балки, бошқалар ёрдам беришар? Хўш, бу одамга қанақа қилиб ёрдам берамиз?

– Ўша манжалақини саҳнага опкелишни иложи йўқмикин? – деди бирор.

– Афсуски, иложи йўқ, – деди Маэстро. – Бу кишига нима маслаҳат берсак экан-а? Кўриб турганингиздай, ниҳоятда яхши одам, лекин ҳаётида хато қилиб қўйибди, шундан қийналиши ҳам яхшилигининг аломати. Ёки, унча яхши эмас дейдиганлар ҳам борми?

– Бор изтиробини тўкиб солди, – деди бирор. – Аммо ичидан шунча дарди бор экан, майли, яхши деяқоламиз.

Навбат иккинчи кишига келди.

– Салом!

– Салом!

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз қанақа киши-сиз?

Кейин у томонга эгилиб, ҳаммага эшиттириб кулоғига шивирлади:

– Сизни жуда кибру ҳаволи, ўзидан кетган дейдилар, лекин яхши эканингизни ҳеч ким билмасаям мен биламан!

Иккинчи киши хўмрайиб тураверди.

– Айтишни истамасангиз ўзингиз биласиз, – деди Маэстро. – Майли, ихтиёр сизда. Учинчи кишишимиз эса...

Навбат учинчи кишига келди.

– Мен назаримда тошбақага ўхшайман, – деди у. – Қалбимни очай десам, қадримга етадиган ҳеч ким йўқ, шунинг учун косамга қамалиб, хўмрайиб юрсам ҳам аслида юрагим жуда тоза.

Оломонга бу гап унча маъқул келмади. “Ёғ босиб кетганини қаранг, балки анча-мунча кишининг ҳақидан уриб семиргандир, косасидан чикиб, килмишларининг барини айтсин” дейишиди.

– Мухтарам жамоанинг талабига нима дейсиз?

– Тўғри, мен муттаҳамман, – деди у киши, чин юракдан. – Кўпни ҳақини еганман, одамларни алдаганман. Аммо, бола-чақам олдида кўпни ҳақи кўзга кўринармиди? У ишларнинг гуноҳ эканини биламан, ҳаром йўллар билан пул топсан ўзим топақолай, бола-чақам тўкин яшасин, жавобиниям ўзим бераман деб аллақачон айбимни бўйнимга ҳам олиб қўйганман.

– Унда сизни қанақасига яхши одам дея оламиз?

– деб сўради Маэстро.

– Айтдим-ку, ўзим яхши одам бўлсан ҳам, болаларим қийналмасин деб ёмон ишлар қилишга мажбурман, – деди у киши. – Менимча, энди бу йўлдан қайта олмасам керак. Болалар ўрганиб қолишиди, шундай кетаверади энди бу ёғи.

– Ҳа, ишингиз қийин экан, – деди Маэстро. – Хўш, бу кишини нима қиласиз? Қаранг, ўзи учун эмас, бола-чақаси учун тиришибди. Балки кечирапмиз?

– Бола-чақасини бурнини ерга ишқаб ишлатиш керак, – деди бошқа бир киши. – Майли, бу одам барибирам яхши киши экан, аммо ўзини сарф қилиб юборганини бола-чақаси билармиди? Бил-

гунига қадар ишлатавериш керак, токи нон топиш кийинлигини англаб олишсин.

Маэстро тўртингчи кишига ўтди.

– Сиз-чи?

– Мен отамдан қ-қўрқаман, – деди у киши, хиёл дудукланиб. Унинг гапи одамларда яна завқ ўйғотди.

– Ия, нега қўрқасиз?

– Отамни ж-жаҳли ёмон эди, – деди у киши хиқиллаб. – Яхши одам эмаслигим ш-шундаки, отам ўлиб қолганида суюнганман.

Зал жимиб қолди.

– Отаси ўлганида суюнганлар яна борми? – деб сўради Маэстро, аммо бирор жавоб бермади. Ҳайратланарлиси шундаки, бу гапни айтган одамга бирор нафратини ҳам изҳор қилмади.

– Ростини айтганингиз учун раҳмат, – деди Маэстро – Хўш, нима учун суюнгансиз?

– Отам б-бераҳм киши эди, – деди у одам. – Ҳайбатидан қўрққанимдан баъзан дудукланиб қ-коллардим. Ҳалигача ҳаяжонлансан, дудукланаман.

– Бунинг иши осон, – деди Маэстро. – Мен ҳозир қўлимни кўтараман, сиз қараб туринг. “Бир” деганимдан кейин дудукланманг, хўпми?

– Хўп, – деди у киши, итоаткорона.

Маэстро айтганини қилиб қўлини кўтарди-да, қаттиқ овозда “Бир” деди, кейин имо қилди.

– Ана, айтмадимми? – деди хурсанд бўлиб.

Шундан кейин у одам тўлиб-тошиб ўз ҳаётида рўй берган воқеаларни ҳикоя қила кетди. Шунчалар таъсирланиб гапиради-ки! Гоҳ кулимсира, гоҳ кўзидан ёши окиб-оқиб кетарди. Ота ниҳоятда ярамас киши экан, бу одамнинг орзу-истаклари мўл, аммо ҳаммасини ичига ютиб, айтган йўригини бажаришга мажбур бўлибди. “Мени кетмон сопи билан ҳам урган, – деди шикоят қилиб. – Шунаقا қаттиқ урганки, кетмон сопи синиб кетган. Ахир,

бошқача одам бўлмоқчи эдим, – деди чуқур изтироб билан. – Бўлолмай колдим. Мен ажойиб бир одам бўлмоқчи эдим, насиб этмади...

– Майли-майли, – дея юпатди Маэстро, унинг хаяжонли ҳикояси томошабинларни зериктира бошлаганини сезиб. – Кейинги қаҳрамонимиз кутиб қолмасин. Сиз тинчланинг, бугундан бошлиб ҳаммаси изга тушиб кетса ажабмас.

Бешинчи киши эса кутилмагандага Маэстрога қараб тиржайди.

– Сен ярамас, шунақа қилиб ҳаммани алдаб пул топиб юрибсан-да, – деди ғолибона. – Ҳийла-найрангларингни яхши биламан. Сенга ўхшаганларни кўпини кўрганман.

Маэстро ҳам жилмайди-да, қўлларини икки ёнга ёйиб, томоша аҳлига юзланди:

– Бу кишини нима қиласиз энди?

– Яхши одам эмас экан, қўполлигини қаранг, – дейишиди томошабинлар бир овоздан. – Саҳнадан тушириб юборақолинг.

– Марҳамат, – деди Маэстро. – Саҳналан тушинг, деган илтимос бўлди.

– Нега тушар эканман? – деди қўпол киши, тиҳирлик қилиб. – Умрим бўйи шунақа бир жойга чиқиб одамларга гапиргим келарди, мана, етишдим. Шошманг, мениям айтар гапларим бор.

– Айтақолсинми? – яна залга юзланди Маэстро.

– Йўқ, керакмас, – дейишиди кишилар.

– Узр, – қўлларини икки ёнга ёйди Маэстро. – Бизнинг жамиятда халқнинг иродаси қонун билан teng. Мен эса қонунни бузолмайман. Марҳамат қилиб, жойингизга боринг.

Исёнчи тўнғиллай-тўнғиллай пастга тушиб кетди. Қолганлар эса саҳнада қолишганидан хурсанд бўлиб, илжайишиди.

Навбат башсанг кийинган хонимларга келди.

Маэстро уларга таъзим қилди-да, ҳалққа эшитилар қилиб пичирлади:

– Сизнинг ғоят гўзал ва ажойиб эканингизга сира шубҳа йўқ. Балки гапирмай кўяқоларсиз?

– Гапирсин, гапирсин, – деб шовқин солди олон-мон. – Энг қизиги шуларники бўлади ҳали, қараб туринг!

– Гапирақолинг унда, – деди Маэстро.

Шунда қизик ҳол юз берди. Хонимларнинг биринчиси нозлана-нозлана қош қоқиб, турли ифодалар билан бир нималарни сўзлай кетди, қизиги шундаки, гапларини сира тушуниб бўлмасди. “Кимнингдир кўшнисининг товуғи барибирам тилла тухум туғмаса-да, унга мутлақо алоқаси йўқ бошқа аллакимнинг қулоғидаги марваридли тилла балдок қайгадир борилганида кимгадир ўтиб, бир айланаб яна эгасига қайтиб келиши эҳтимоли бормийўқми?” деб тугатди у гапини ва чиройли кўзларини оломонга тикиб, жим бўлиб қолди.

– Бўлдими? – деб сўради Маэстро, кулиб.

– Тўғрисини айтсан, гапимнинг бошланиши эсимдан чиқиб қолди. – деди хоним, ўнгайсизланиб.

– Лекин, асосийини барибирам гапириб бўлдимку? Нима қиласиз мени қийнаб?

– Менимча, хонимларга шафқат қилишимиз кепрак, – деди Маэстро ва яна таъзим қилди. – Сизлар бу саҳнага фақат гўзллигингиз учунгина чиқдингиз. Ҳар доимо мана шундай латофатли бўлиб қолинг, марҳамат!

Хонимлар виқор ила саҳнадан тушиб кетишиди.

– Диққат! – дея эълон қилди Маэстро. – Биз билан қолинг! Томошамизнинг иккинчи қисми бошланмоқда.

Саҳнанинг четидаги қизғиши-яшил чироқлар ёнди, майин ва нозик мусиқа чалина бошлади. Сирасини айтганда, мусиқачилар ўз вазифаларини қойилмақом қилиб адo этишмоқда, куй ажойиб

ва дилтортар бир воқеа рўй беражагини билдириб ҳаволанмоқда эди.

– Дўстлар, бизлар ҳозир ёш болаларга айланамиз, – деди Маэстро.

– Гапимни диққат билан эшигинг! – деди у буйруқ оҳангида. Мусика тинди.

– Бир дақиқадан сўнг ҳаммамиз болалик даврларимизга қайтамиз, – деди у тантана ила. – Тескари санашни бошлайман. Мен саноқни тугатганим ондан сиз бола ҳолига қайтасиз! Бошладик!

– Ўн!

Кишилар жим бўлиб қолишли.

– Тўққиз!

– Саккиз!

– ...Беш!

– ...Икки!

– Бир! – дейиши билан саҳна чироқлари яна ўчди-да, ўргани доира шаклида ёритган оппок нур қолди.

– Ёшингиз нечада?

– Ўн учда, – деди бурро қилиб у киши, икки қўлинин икки ёнига тушириб. Зўр берганидан ҳатто бурнининг учи терлаб кетди.

– Ўқишиларингиз яхшимиз?

– Яхши.

– Баҳолар қалай?

– Унчамас, – деди у хижолат тортиб. – Лекин тузатишга сўз бераман.

– Қайси фанларни яхшироқ биласиз?

– Э-э... Ҳм-м... Жисмоний тарбияни.

– Ҳа, жисмоний тарбия ҳам бўлаверади. – деди Маэстро қоникиш билан. – Чунки қолган фанларнинг биронтаси ҳаётда керак бўлмайдиган фанлар. Рост-да, – деди у, бирданига жонланиб. – Масалан, физиканинг олтин қоидасининг ҳаётга қанчалар алоқаси борлигини ҳозиргача мен ҳам билмайман.

Лекин ҳаётнинг олтин қоидаларини ҳаммамиз яхши биламиз, шундай эмасми?

- Шундай, шундай, – дейишди залдагилар.
 - Сиз-чи?
 - Бешинчи синф ўкувчисиман.
 - Фанларга қизиқасизми?
 - Ҳа.
 - Масалан, қайси фанга?
 - Математикага, – деб жавоб қилди “бала”, не-гадир ўнғайсизланиб.
 - Қизиқ-ку, масалан, мен математикани жуда ёмон кўрардим, – деди Маэстро. – Сизни фақат олқишлиш керак. Айтинг-чи, математиканинг нимаси сизга ёкиб қолди?
 - Тўғрисини айтаверсам, уришмайсизми? – деб сўради “бала”, бешбаттар тортиниб.
 - Йўғ-э, нега уришар эканмиз? – деди Маэстро.
 - Бемалол айтаверинг.
 - Мен.. мен... – дудукланиб қолди у, кейин шартта айтди: – Математикадан дарс берадиган муаллимани яхши кўриб қолганман.
- Зал гур кулиб юборди.
- Ана холо-ос! – деди Маэстро, яна қўлларини икки ёнга ёйиб. – Дардингиз бедаво экан-ку?
- Навбат кейинги кишига келди.
- Хўш, сиз-чи? – деб сўради Маэстро, ўша кувноқ оҳангда.
 - Сенга нима? – деди у киши, бирдан хўмрашиб. – Ишингни қил, ўралашмасдан.
 - Хўп-хўп, узр, – деди Маэстро, ундан узоқлашиб. Кейин эълон қилди: – Энди умумий саволга ўтамиз. Савол барчангизга бирдай таајлукли. Ҳозир хотирангиз уйғонади, бола бўлсангиз-да, айни пайдаги аклу заковатингиз ўзингизга қайтади. Хўп, саволим шу: катта ҳолингизга қайтишни истайсизми?
 - Йўқ, – деб йиғлаб юборди биринчи турган се-

миз киши, азбаройи истамаганидан оёқларини та-
пирлатиб. – Керак эмас, сиражам хоҳламайман.

– Сиз-чи?

– Онамни олдига кетаман, – деди бурнини
шилқ-шилқ тортиб. – Менга бу ер ёқмаяпти. Онам-
нинг олдига бораман.

Хўмрайган кишига навбат келди.

– Сиз?

Кутилмагандада у муштларини қисимлаб, олдинга
бир қадам ташлади-да, кўксини кериб:

– Нима? – деди ҳурпайиб. – Биттага битта чиқа-
санми?

– Йўғ-э, – деди Маэстро. – Ҳечам унақа ниятим
йўқ.

– Унда тек ўтири, кўп жаврамасдан, – деди “безо-
ри”, ер остидан атрофига назар ташлаб.

* * *

– Азиз дўйстлар, томошамизнинг сўнгги қисмига
ҳам келдик, – деди Маэстро, нимагадир қайгули
оҳангда.

Зал бир тўлқинланиб олди.

– Нима, истамайсизми? – деб сўради Маэстро.

– Йўқ, давом этаколинг, илтимос, – деди норғул
йигит.

Кейин сахна ёнига келди, Маэстро энганиб
унинг гапини тинглагач, баланд овоз билан:

– Сиражам иложи йўқ, – деди. – Афсуски, бу-
нинг сирини очиб бўлмайди. Аммо, қай тарз содир
бўлиши тарихини айти оламан. Айтайми?

– Ҳа!

– ... Бир пайтлар ... деди у, овозини пасайтириб.

– Жуда қадим замонларда, Қизил денгиз соҳилида
саҳар вақти бир юлдуз порлаган эди...

Тун ўтиб, ҳали күёш чиқмасидан, саҳронинг тоза осмонида янги бир юлдуз пайдо бўлгани одамларни шоён саросимага солиб қўйган эди.

Гап шундаки, Сулаймон пайғамбарга шамол бўйсуниб истаган ерига олиб учар, ҳайвонлар ва Тангри таолонинг кўзга кўринмас маҳлуқлари ҳукмини оғишмай бажарап эканлар, кишилар орасида “Сулаймон бу ишларни сехру жоду ёрдамида амалга оширияпти” деган миш-мишлар урчиб кетган эди.

Одамлар ҳакиқат ҳамда сехру жоду орасидаги фарқни билдириш учун ер юзига Ҳорут ва Морут деган икки фаришта туширилганидан ҳали бехабар эдилар.

Айтадиларки, фаришталарнинг баъзилари инсон авлодлари ер юзида хаддан зиёд бузғунчилик қила бошладилар, сен улар ўрнига бошқа ҳалқни ёки бизларни туширсайдинг, ундей бузғунчилик қилмас эдик, деб айтганларида, Тангри таоло, агар улар билган нарсаларни сиз ҳам билсайдингиз, албатта бузғунчилик қилган бўлардингиз дея, ораларидан утласининг ер юзига тушишини истаган экан. Учовлондан бири бу ишнинг орти кесик эканини пайқаб тавба қилгач, қолган иккитаси ер юзига тушибди.

Бузғунчилик қилмасликларига қаттиқ ишонган у фаришталар Зухро исмли ғоят ажойиб ва гўзал бир аёлга дуч келишибди. Зеболигидан ақлу хушларини йўқотишибди.

“Ўзимиз бир фитна эдик, биздан ҳам кувватлироқ бошқа бир фитнага дуч келмадикмикин” дейишибди улар.

Аёлнинг гўзаллигидан ақлу хушини йўқотган фаришталар ўzlари билган хос билимларини Зухрога билдиришгач, Тангри таоло уларни Бобилдаги бир чоҳга ҳибс қилишибди. Зухро эса, фаришталар сири-

ни билгани учун осмонга құтарилиб, алал-оқибатда юлдузга айланиби.

Сеҳр ўрганувчилар ана шу воқеани билғанларидан сүнг Бобилга дарёдай оқиб келаверишибиди.

Ваҳоланки, сехру жодуга ҳеч қандай эхтиёжлари йўқ эди. Кимдир бошқаларнинг ўй-фикрларини ёки нималар қилаётганини билиб туриш учун, кимдир хукмронликни кўлга олиш учун, кимдир бошқалар наздида ўз даражаси баланроқлигини кўрсатиб шуҳрат топиш учун у ишларга кўл ура бошлабди.

Ажабланарлиси шундамишки, у икки фаришта келгувчилардан “Осмонга Зухро юлдузи чиқдими?” деб сўрашар, “Ха, чиқди” дейишса, қайғуга ботиб, яна ер остига кириб кетар эканлар.

Аслида эса, Зухро юлдузи ҳақидаги ривоят афсонадан бошқа нарса эмас. Инсонлар наздида Бобилга Сулаймон пайғамбар замонида ростдан ҳам икки фаришта туширилгани ва улар сехру жоду ўргатганлари ҳақидаги гапларгина аник ва рост, қолганлари тўқима бўлиши ҳам мумкин.

* * *

— Бир маҳаллар Қизил денгиз соҳилида мана шу воқеа рўй берган, — деди Маэстро. — Энди дўстларимизга сўнгги саволимизни берамиз. Аввал айтганимдай, пастга тушганларидан сўнг ҳеч нарсани эслай олмайдилар. Саҳнада қанча вақт бўлдингиз деб сўрасангиз, беш ёки тўрт сония деб жавоб берадилар. Ҳатто янада ақллироқлари бир сония дейишлари ҳам мумкин. Томошамизнинг учинчи қисмida бизлар бу кишиларнинг кексалик вақтига саёҳат қиласиз. Қаранг! — дея хитоб қилди у. — Болалик ўтгач, кишилар у бегуборликларини юраклари ичига жуда маҳкам беркитиб ташлаганларининг шоҳиди бўлдик. Яшаш, мол-дунё ҳирси ва яна аллақанча түғёнлар аро умр ўтганида, бу кишиларнинг қандай хулосага келишлари қизиқ эмасми сизларга?

- Қизиқ, албатта қизиқ! – дейишди залдагилар.
- У ҳолда марҳамат, томошамизнинг якуний кисми! – деб эълон қилди Маэстро.

Биринчи кишининг ўзини қариб-қартайган чол сифатида тутиши кулгили ва қизиқарли эди.

- Кўзларим яхши кўрмаяпти, – деб шикоят қилганида, оломон кулиб юборди. Ҳа, томоша ростдан ҳам ажойиб бўлмоқда эди.

- Неччига кирдингиз? – деб сўради Маэстро ундан.

– Саксон иккига, – деди у, чолларга хос қалтироқ овоз билан. - Кувват сира йўқ, болам, – деб шикоят қилди Маэстрога. – Томоқдан овқат ўтмайди, зўрга қимирлаб юрибман. Худога шукр қилмай илож қанча?

- Кексалик гашти дейишарди, қанақа экан?

– Қанқа гашт? – деди у. – Ҳар кеча тиш-тирноғинг билан ҳаётга ёпишиб, илдизларини маҳкам чанглаб яна бир кун яшармикинман деб қўрқасан, эрталаб кўз очганингда кувватсизлигингни, қарилингни бир дам унугтан бўласан, ёки болалигингни, йигитлигингни туш кўрасану уйғониб хурсанд бўлиб ётасан, кейин аъзоларинг бирин-кетин уйғона бошлади, оғриқларинг ҳам уйғонади. Қарасанг, яна ўша аҳвол... кўрганинг эса ширин хаёл ёки ёруг туш экан... – деб хўрсинди у. – Юрибмиз-да болам, қимирлаб.

Икки юзи қип-қизил, тоғни урса талқон қила-диган давангирдай бу кишининг гаплари кулгили эди. Маэстро ҳам жилмайди.

- Шунча одам сизнинг насиҳатингизу ўгингилизга илҳақ, – деди кейин. – Уларга айтадиган бирор гапингиз борми?

– Нимаям дердим, – деди у, мижжаларини артиб. Кейин “Ўтириб олсан майлими?” деб сўради.

- Майли-майли, – деди Маэстро.

- Гапим шуки, – деди у бир оз ўйланиб. – Рост-

дан хам ҳаёти дунёда бир-икки куним қолдими-йўқми, билмайман. Аммо шуни айтган бўлардимки, якинларингизни сира алдаманг, – деди у афсус-ланиб. – Умр жудаям бебаҳо хазина, беҳудага зое қилманг. Мана, шунча яшабману лекин ўйласам, деярли барини арзимас нарсаларга сарфлаб юборибман. Ҳаммангизга худо раҳм қилсин.

– Айтганингиз келсин, – деди Маэстро самимий оҳангда ва кейинги кишига ўтди.

– Умр жуда қисқа эканини билмай қолибман, – дея иқрор бўлди у. – Ўйлаб қарасам, бениҳоя кўп бўлар-бўлмас нарсалар билан мақтанган эканман. Энди эса... – деб бирданига йиғлаб юборди у. – Қайтай десам, сира иложим йўқ, яхши ишлар қилай десам, мадорим йўқ.

– Ҳечқиси йўқ, хафа бўлманг, – деб юпатди уни Маэстро ва кейинги кишига ўтди. У ўсиқ қошлари остидан ҳануз хўмрайиб қараб турарди.

– Қанча йиллардан бери олдимда ўралашиб юрасан? – деди у бирданига. – Нима керак сенга?

– Ҳеч нарса керак эмас, шунчаки сиз билан икки оғиз гаплашмоқчиман холос.

– Бор, ишингни қил, сенга айтадиган ҳеч қанака гапим йўқ, – деди хўмрайган киши.

* * *

Залдагилар шифтни кўчиргудек бўлиб, тинимсиз қарсак уришар, ниҳоятда шод эдилар.

– Азиз дўстлар, томошамиз маъқул келганидан хурсандман, – деди Маэстро. – Ҳа, барчаси охирлаб колди. Ҳозир саҳнада чироқлар ёнади, ҳозиргина гарқ бўлганингиз сирли дунё саҳна билан қўшилиб ғойиб бўлади. Сиз чарчаб, ўйин-кулги қилишга келган кишиларсиз, албатта, бир дунё ташвишингиз борлиги барчага аён. Ёшигиздан қатъий назар, дунё тошларини ортмоқлаб юрганингизни хамма яхши билади. Тўғри эмасми?

- Түғри, түғри! – деб кичқирди оломон.
- У ҳолда сизга яна бир ҳақиқатни ошкор қилиш пайти келди.

Зал яна бир түлқинланиб олди.

– Гап шундаки, сизга күрсатганимиз бу саҳна ҳақиқат эмас, бор-йүғи бир томоша эди, – деди Маэстро. – Мен ҳам ҳеч қанақа Маэстро эмас, шу театрнинг оддий бир актёriman. Саҳнадагилар ҳам актёрлардир. Сиз азиз томошабинларимизга янгилик тақдим этиш мақсадида томошанинг шунақа шаклини танладик. Борингизга шукр! – дея таъзим қилди у.

Жилмайиб турган бошқа актёрлар ҳам таъзим қилишди.

Олқишилар ва сийловлар оҳангиди яна мусика таралди, аммо кутилган гулдурос қарсаклар эшитилмади.

Зал негадир жим эди.

Кейин кутилмаган ҳодиса рўй берди.

Олд қаторда ўтирган баҳайбат йигит қўлидаги музқаймогини саҳнага қаратса отди.

– Аблаҳ! Ярамас! – деб бақирди кўзи қонга тўлиб, ғазаби ошиб. – Ҳали алдадингми халқни?

- Алдабди!
- Муттаҳамлар! Ёлғончилар!
- Мана сенларга!
- Пулни қайтар, ярамас!

Саҳнадаги воқеаларга чин юракдан ишониб, ҳайратланиб ўтирган оломон бирданига ғазабга мишиб, қўлида неки бор, барини саҳнага ота бошлади. Ҳамма, ҳатто башанг кампирлар ҳам элни алдашга журъат қилган бу бадбаҳтларни жазолашни талаб қилиб бақириб-чақирап эдилар.

– Йўқол! Даф бўл! – деб қичкирап эди оломон.

Курсилар қарсиллаб синар, тери копламали суюнчиқлару темир оёқларни ҳам ғалати бир тарзда суғуриб олиб, саҳнага отар эдилар. Актёрлар

саҳнадан қочиб чиқишга мажбур бўлишиди, ҳатто парда ортидаги мусиқачилар ҳам шоша-пиша асбобларини кўтариб, қайгадир яширинищди.

Тезда ўт ўчирувчилар гуруҳи етиб келди. Саҳнада носранг зарҳал кийимли ҳарбийсифат кишилар пайдо бўлганини кўрган одамларнинг ҳовури бир оз босилиб, афсус ичра бирин-кетин тарқала бошлишиди.

Тажриба тариқасида ўтказилган ва бор-йўғи бир мартагина намойиш этилган театр томошаси мана шу тарзда ниҳоя топди.

2014

БҮРИ

Маъруфжонга

Болам, кишининг изғиринли кечаларида кимсасиз далаларда гала-гала бўлиб изғиган дайди итларни бўри деб ўйлаганингни гапириб бердинг-а? Ҳа, дала-тузнинг тупроғу кесакларини ҳам музлатадиган совуқларда кучуклар ўшанақа тўпланиб олишади.

Аммо сен кўрганинг оддий гала холос-да. Истасанг, сенга бўри ҳақида гапириб берақолай.

Мен умрим мобайнида бўрига бир неча марта дуч келганман.

Дунёда ваҳший ҳайвонлар тўлиб-тошиб ётибди. Куч-қудрати, викори, одамни ҳайиқтирадиган ҳайбати билан қайлардадир арслонлар, сиртлонлар, айиклару тимсоҳлар умр кечирмоқда. Ваҳший деганда, ақлни қўрқитадиган куч-қудрат ила инсон вужудини пийпалаб-мижиглаб, тишлари билан парчалаб-узиб ейдиган этхўр ҳайвонлар кўз олдингга келади.

Бўриям шундай.

Уни ақлли дейдилар. Ҳайвонлар орасида шугина бир марта жуфт танлаб, умрининг охиригача ўша жуфти билан ҳаёт кечиради. Ўз маконининг чегараларини эринмай белгилаб чиқиб, биронта жонзот киришига йўл қўймайди.

Унга илк дуч келганимда ёш бола эдим. Далада кетмон чопаётган отамга овқат олиб кетаётганимда, қишлоғимизнинг тепа томонидаги тўқай ёнида ғалати кучук боласини кўриб қолдим. Қамишлар орасидан менга қизикиш билан анграйиб қараб турарди. Бир маҳал бурнининг учига капалак қўниб олди. Кучукбола капалакни қувишга қанча уринса ҳам кетмас, айланниб учаверар эди.

Кулгим қистаган, ҳатто завқланган бўлсам керак. Тугунимни ўт устига қўйиб, яқин бордим. У тўлпоқ,

оёклари бакувват, бўйнидаги ёли типпа-тиқ, кулранг бўри боласи эди. Мени кўриб сира ҳайиқмасдан ёнимга югуриб келди, сакраб атрофимда айланди, кейин шимимнинг почасидан тишлаб-тортиб, ўйнай бошлади.

Ўйинга кизиқар эдим-да, унга кўшилиб тупроқлар, ўтлар оралаб роса чопдим. Кейин чарчаб, ўт устига ётиб олдим, бўри боласи устимга чикибтушар, яна ўйнамаймизми дегандай чопиб нари борар, ўша жойдан туриб менга бошини буриб қарап ҳам эди.

Кўп ўйнагани вактим йўқ, отамнинг олдига боришим керак. “Э, кўрмайсанми, иш кўп-да” деб ўрнимдан турганимда, сал нарида қоядай қотиб турган ота бўрини ҳам кўрдим.

У викорли, кўкраги кенг, панжалари пайдор, одам боласи билан ўйнашаётган зурёдига индамай қараб турарди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳайбатли эди, аммо туришида таҳдид сезмадим. Шундай бўлса-да, кўрқаним эсимда. Салдан кейин паст овозда ирилаган эди, боласи талпанглай-талпанглай қошига чопиб борди. Сўнг икковлон бамайлихотир ортга бурилишиб. ўз йўлларига кетишиди.

Яна эсимда қолгани шуки, қуёш нурида булатлар тарам-тарам, алвон-алвон, оралари очик-очик, бепоён кўкни шу тарз энлаб олган, яшил дараҳтларнинг баланд учлари ҳам алвон тусга бўялган эди.

Тугунчамни олдиму мен ҳам ўша йўлдан отам қошига ошиғич чопиб кетдим.

Чопонининг ўнгирини қайириб, кетмон чопаётган отамга бўлган воқеани ҳовлиқа-ҳовлиқа айтиб берганимда, қошлири чимирилиб “Қани, юр-чи” дея кетмонини кўтариб, мен келган йўлга қараб юрди. Узокларда қишлоқ тераклари кўзга ташланар эди. “Чўл ичкарисидан келган бўлса керак”, деди отам тусмоллаб. Икковлон бўри турган жойгача келдик.

Отам теваракни бир айланиб чиқди, йўқ, ваҳший кўринмасди.

– Асли онанг аҳмоқ, – деди отам, жаҳли чиқиб. – Тўқайга ёш болани ҳам жўнатадими?

– Йўқ, ота, индамай қараб тураверди. Боласи мен билан роса ўйнади.

– Қўй-қўзиларни бўғизлаб ўнгариб кетиши мумкин, – деди отам. – Хайриятки, корни тўқ экан, сенга тегмабди.

Кейин уйга етгунимизча бўрилар ҳақида гапириб борди. Йўлда ҳам атрофига аланглар эди.

– Эркак бўри боласини ўйнатгани олиб чиқмайди, балки овга ўргатади, – деди. – Бошқа болалари ҳам бордиру сен кўрмагандирсан. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам даф қилмабди, худога шукр.

Уйга қайтгач, отам атрофдаги кишиларга хабар беришга кетди. Шу-шу, бир неча кун қишлоқ эркакларининг бири милтиқ, бири болта, бири калтак олиб, қўраларини қўриқлаб ётишди, аммо бўри қайтиб кўринмади.

* * *

Кейинчалик ҳам қишлоққа бўри даф қилгани ҳақида гап-сўзлар гоҳ-гоҳ оралаб қолса-да, уни бирор кўрмас эди. Табиийки, ҳар хил гаплар учирди. Ҳамманинг уйида мол-қўйи бор, чорва-ку ўз йўлига, аммо болачалар хавотир уйғотади. Ўйнаб экинлару оғочлар орасига кириб кетса, оч ваҳший биронтасини бўғизлаб ташлаши мумкин. Ҳар ҳолда кишилар орасидан бўри ваҳми анчагача кетмаса-да, менинг дилимда у қўркув ўрнига ўша маҳалдаги хотиржам киёфаси ва боласининг беозор ўйнаши қолаверди.

Ииллар ўтди, отам қартайди, мен эса эр етилдим. Ҳаёт шавқи қонимни қиздирар бўлди.

Ўша маҳаллар, вақт-соати келиб бир рўзғор кураман, бир-биридан шўх болаларим бўлади, элюрт қатори бирордан кам, бирордан кўп, аммо

бахтиёр хаёт кечираман деган ишончим дилимда мустаҳкам эди. Вақти келиб, ҳаётимда бир тартиб ўрнатаман, отам қилган хатоларни мен тақрорламайман деб ўйлардим-да. Балки отам ҳам мен сингари турли-туман ҳаёлий режалар тузғандиру ҳаёт мاشақкатлари у режаларнинг амалга ошишига йўл қўймагандир? Кимdir озорлаганида уйимизнинг айвонида ҳаммамизни чақириб бағрига босгандлари, “шу болаларимдан бошқа ҳеч кимим йўқ” деб ўксингандлари эсимда. Эсимда нимаси, гоҳгоҳ тўсатдан шууримга қалқиб чиқади, бот-бот шуни ўйлаб ҳам кетаман. Теграда одам кўп, қавму қариндошлар ҳам ўзига ҳолларича келиб хабар олиб туришибди, нимага отам “Болаларимдан бошқа суюнчиғим йўқ” деб озорланған экан дея, сабабини топишга уринаман.

Уйланиб, бола-чақали бўлдим, ҳаёт гирдобрлари мени ҳам ўз домига аста-секин тортиб кетаверди.

У маҳаллар қиши қаттиқ келарди. Ҳар йили ўтин ғамлайман, аммо барибирам етмай қолади. Сабаби, сандалга қалаймиз ёки тандирга ишлатамиз. Қолаверса, қишининг узун кечаларида узоқ ёнадиган, чўғи тезда ўчиб қолмайдиган ўтин керак бўлади. Бу сафар эрта куздаёқ совуклар бошланиб кетди. Маккапояларни бир кечадаёқ ушук урди, эртасига узун-узун япроқлари сарғайиб, палахса-палахса бўлиб илвираб осилиб тушди. Ғамлаб қўяқолай дея тўқайга ўтин кесгани бордим. Ичкари қисмида саксовуллар ер бағирлаб ўстган, ўшаларнинг қуриган шохларидан уйга олиб келиб босиб қўйсам, қишига яхши ўтин бўлади деб ўйладим.

Шохларни тўплагунимча кеч кирди. Уйга қайтаётганимда чўл адогидан улкан ой самога кўтарилигандан, шабада эсар, ҳаммаёқ шитирлаган сасларга тўлиб кетган эди.

Уни иккинчи бор ана ўшанда кўриб қолдим.

Тўқайдан чиқаверишда, йўлим устида кулранг соя каби, чўнқайиб ўтирас эди.

Кучли, пайдор панжалари шундок кўз ўнгимда. Ойга қараб увиллади, кейин нигохини менга тикди.

Ундан ҳайиқдим.

Айтмоқчи, ўтин кесгани чиққан, қўлимда ўткир ойболтам бор-ку?

Бўрилар тифида ой нури аксланган ойболтадан кўрқади деганлари ростмикин?

Йўқ, ёлғон бўлса керак, чунки мендан сира ҳайиқмаётган эди.

Тавба, кеч шом маҳали, ой бўм-бўш кенгликларда танҳо сузган шу кечада мен ва бўри, бир-бirimизга қараб турадик.

У ўша, болалигимда кўрганим бўримиidi, ё бошқасими, айтолмайман. У кўрганим бўрининг нигохи ўз қудратига ишонган, хотиржам нигоҳ эди. Қаршимдагининг нигоҳида эса таҳдид сезилмоқда!

Яна, кўксида чукур жароҳат изи ҳам бор. Кулранг ёллари орасидан корамтири ўйиқ бўлиб кўриниб турибди. Макон ёки ўлжа талашиб уришганида қай бир ваҳшийнинг тиши қолдирган бўлиши мумкин.

Олдинга қадам боссам, бир ҳамла билан бўғзимга ташланиши турган гап.

Аммо мен ҳам кучга тўлган, шаҳду шиддатла ундан қолишмайдиган эр кишиман! Ойболтамни кисимлаб, олдинга бир оз эгилиб, бир-икки хушёrona қадам ташладим.

Бўри қимир этмади.

Шу тариқа сўқмоқдан жуда секинлик билан, қўзимни ундан узмасдан аста-секин илгарилай бошлидим.

Ойболтам жуда ўткир эди-да. Ханжардан ҳам, қиличдан ҳам ўткир эди! Дарахтнинг майда шоҳчасини ҳавога отиб, тушаётган маҳали бир урсам, иккига бўлиб ташлайдиган даражада кескир эди.

Сўқмоқ четидан унга юзланиб, олдга хиёл энкайиб, сурила-сурила ўтиб олишни кўзлаганим аниқ. У эса чўнқайганича, шиддат тўла нигоҳини мендан узмасди.

Милтиқ олмаганимни қара! Милтиғим бўлса, тўнғиз ўқи билан бир отишда жонини жаҳаннамга жўнатордим. Тўнғиз ўқи теккан жойини йиртиб-куйдирив ўтади. Яқинроқдан отилса суякларини ҳам синдириб, баҳайбат бўлса-да, бир неча қулоч нарига улоқтириб юборади.

Бўрининг ёллари янада хурпайди, олд панжалари билан ерни тимдалади.

Хозир ташланса-чи!

Шу маҳал анча наридан, тўқай ичкарисидан увиллаган бошқа бир товуш ёшилди.

Сўқмоқ четидаги рақибимнинг ёллари пасайди, кўзини мендан узиб, товуш келган томонга бир қараб қўйди. Шунда нигоҳидаги шиддатнинг ғойиб бўлганини пайқадим. Ортига тисарилди, аммо сира шошмасдан, викор или ўгирилдию ўша томонга йўртиб кета бошлади.

Э, тушундим! Бўрилар оила бўлиб яшайдилар. Унинг ҳам оиласи бор-ку?

Ха, бўри оила қуради. Нарироқда, тўқай ичкарисида уяси бўлсаям ажабмас.

Бўри болалари қанақа бўлишини биламан, болалигимда кўрганман-ку? Кулранг тумшуқларининг учи қоп-кора, гоҳ ҳавони исказ, гоҳ бир-бирига суйканиб лапанглаб чопадиган, тўлпоклигидан гоҳо йиқилиб-аганаб ҳам тушадиган уч-тўртта жўзиклари бўлса эҳтимол.

Ҳар ҳолда, у ерда бир оила яшар, эркак бўри эса менинг, яъни чўл бағрида ўзича куймаланиб ўтин тўплаб юрган одамнинг киёфасидаги хатарни сезиб, йўл ёқасига бола-чакасини ҳимоя қилгани чиқсанга ўхшайди.

Ким билсин, балки қишлоқ томон йўл олгандирү аммо мени кўриб, ниятидан қайтгандир?

Ажабо, мени ёв хаёл қилдимикин?

Мен ҳам уни ёв хаёл қилдим-ку?

Ортимга чекинсам, ҳамла қилмаслиги мумкинмиди?

Аммо, мендаям бола-чақа бор-ку?

Ортимга қайтсам ҳам бўларди, албатта. Лекин, олдинда – қишлоқда менинг ҳам болаларим бор. Ортимга чекинсам, шу бўри ёки тўдадагилари қишлоққа даф қилсалар нима бўлади? Мол-хол, қўйлар-ку майли, болаларимга чанг солса-чи?

* * *

Қишлоқда одам кўп, ҳаммамиз бир жамоа кабимиз.

Тўй-маросимларда баримиз тўпланамиз. Катта қозонларда ошлар пишади.

Бекорчилар қозонга ўтин ёқилмасиданоқ кўча базмини бошлаб юборишади. Уст-боши анчайин тўзган кишилар шунака маросимларда бироз яирашади.

Ёмғирлару корлар ёққанида ҳам шу манзара узгармайди. Бизнинг тарафлар фақат баҳор ва ёз ойларида жонланади, холос. Кузда ҳаммаёқ лой-балчиққа айланади, киш келиши билан ҳаракат, дарахтлар уйқуга кетгани каби сусаяди. Мўрилардан кўк ва кора тутун ҳовур аралаш чиқа бошлайди. Ерларда ғўзапоя ва макка поялари қорайиб, илвираб ётганини кўрасиз.

Уй ишлари билан машғул эдим. Кўча тарафдан бирор чакирди.

Қарасам, қўшним экан.

– Ҳа, киравермайсизми? – дедим саломлашиб.

– Гап бор, – деди. – Айтиб кўйяй дедим, кеча тунда қишлоққа бўри оралабди.

– Йўғ-э! Бирорга зарари тегмабдими ишқилиб?

– Тегмабди. Қишлоқ четидаги уйнинг томоркасигача кириб келибди. Уй эгаси хавотирланиб ташқарига чиқса, дўнгга чўнқайиб ўтириб, ойга қараб увиллаётган экан. Кучукларнинг овози ўчиб кетганмиш. Қўйлар ҳам қўрққанидан қўранинг бир четига ғуж бўлиб олишибди.

– Гузарда кишилар тўпланяпти, – деди кеийин. – Бу йил ҳам қиши оғир келади шекилли. Маслаҳатлашиб олайлик, сиз ҳам чиқарсиз?

– Ҳозир бораман, – дедиму тўнимни кийиб, ортидан эргашдим.

Ҳақиқатан ҳам, гузарда ўн-ўн беш чоғли эркак тўпланган, яна бўри келиб қолса нима қилиш кераклигини гаплашиб туришарди.

Қишлоқнинг уч-тўрт хонадонида милтиқ бор экан. Колганлар болта, кетмон, болға каби анжомларини тайёрлаб қўядиган бўлишди. Кимdir дашт тарафга бориб тузоқ қўйиб келадиган бўлди. Яна, кимки бўри кўрса сас чиқарсин дейилди. Ҳамма ҳушёр ётсин, тиқ этган товуш эшишишса, чопиб чиқишин. Қўй-кўзи-ку майли, аммо одамга ташланаб қолса борми? Шу сабаб, ҳушёр турган тузук.

Қайтаётганимда ҳаво очик, совуқ бўлса-да, осмон кўм-кўк, уйлар ортидан, икки-уч жойдан тутун ўрлар эди. Ғўзапоя тутунимикин?

Ғўзапоя тутуни кўк бўлади. Тут ўтини эса яшилтоб аланга чиқаради. Тутунларга қараб, ким нима қилаётганини билиб олса бўлаверади. Қорамтири тутун тандирга нам ғўзапоя ёқилганини билдиради. Кимdir нон ёпмоқчи. Оч-кулранг тутун хазон ёқилганининг аломати. Ҳа, қайдадир нон ёпиляпти. Ана, шабада исини ҳам олиб келди: ёнган ўтиннинг ва пишаётган ноннинг иси.

Тумов-пучқоқ болакайлар кўчада ўйнаб юришибди.

Тунда қүшнилар билан қишлоқнинг шимол томонига чиқдик.

Кимdir ката тикди. Ката ичида ётибмиз.

Ҳаво совуқ, осмон тўла тўнғиган юлдуз. Гоҳо ёруғ из қолдириб учади. Ҳар тарафдан чириган хасхазон иси келади.

Дашт адоғидан улкан ой самога кўтарилиди. Ҳаял ўтиб, ҳаволагани сайин кичрая борди.

Ёғдуси тунги даштни ёритди. Теваракни ўзгаририб кўрсатди.

Туриб, атрофни дикқат билан кузатаман. Буталар орасида ҳаракат сезилгандай бўлади. Лип этиб бир нима ўтади. Йўқ, бўри эмас. Бўри бунака лип этиб келмайди. У хотиржам, ақл билан иш тутади.

Уч-тўрт кун шу тарз қўриқлаб ётдик, аммо бўридан дарак бўлмади. Ёшроқ йигит-яланглар от суриб, атрофни кезиб чиқишиди. Ҳар холда ўлжа излаб ёки ўзича айланиб бир келгану қишлоқда жонига зуғум кила оладиган кишилар борлигини сезгач, болаларини олиб узоқроққа – эмин-эркин дашт қўйнига, емиши оз, аммо хавфсиз маконларга кетган бўлиши мумкин.

Киш қаттиқ келса чўлда емиш қолмайди, дешигади. Ўшанда қишлоққача тушиб келиши мумкин. Йўқса, ҳатто шундай кучли ҳайвон ҳам инсон кўзидан қўрқади, тик қарай олмайди, одамлардан нари юришга уринади.

* * *

Кунлар-ойлар ўтар, болалар улғаяр эдилар. Турмуш қийин, уриниб-тиришмасанг сира бўлмайди. Бола-чақа бокиши, катта қилиш осонми? Ота оламдан ўтган, она касал, болалар улғайган, ёлғиз ўзим уриниб-тиришмасан. Ёнимга кирадиган, ҳамдард бўладиган бирон кимса йўқ. Тащвишим шу қадар кўпки, қайларгадир бош олиб кетгим келади. Ҳа,

қайлардадир, узок-узокларда бепоён даштлар бор. Ҳозир у ерлардаги буталарни ҳам оппок булдуруқлар қоплагандир?

Дашту далалар, буталар уйқуга кетган. Ҳавода түлғин булатлар оғир сузади.

Ичимда ёввойи бир ҳаяжон бош күтаради. Ой ёғдуси остида ястаниб ётган ўша кенгликларга боргим келади.

Аммо, болалар катта бўлишяпти-ку? Уларни ўқитишим, уйлаб-жойлашим керак...

Ҳа, ташвишларим мўл. Уларни адо этиш менинг оталик бурчим, бажармасам бўлармиди? Аммо бир нафасга бўлса-да, тин олгим келади-да. Миямни чирсиллатар даражада оғир ташвишлар чарчатганида, бир нафас, атиги бир нафасгагина ўша ёқларга кетсам... бепоён кенгликларда кўксимни тўлдириб ҳайқирсан, озод-озод, сарбаст-сарбаст чопсам дейман... Ким билсин, буталар остида нигохини менга хотиржам тикиб турган ўша бўрини яна кўрсан ҳам ажабмас.

Негадир уни ваҳший деб ўйламаслигим ўзимни ҳайратга солади. Балки, болалигимда беозор ўйнаганим учунми? Ёхуд қай бир жиҳатларимда ўзимни шу ваҳшийга тенглаштирганим учунми? Мен ҳам ҳудудимни белгилаб олганман, бегона бирор кириб келишига сира йўл қўймайман. Мен ҳам гўё овга чиқаман, емиш топиб келаман, у ризкимга бирор чанг солса ғажиб ташлар алфозим бор. Шуни деб гоҳ, кимлар биландир уришганман ҳам, кимлардир мени ҳам жароҳатлаган, у жароҳатлардан анчагача ўзимга келолмай юрган маҳалларим ҳам бўлган.

Бута остидаги бўри нигохини мендан олади, бoshини бошқа ёққа буради, бўйинини кўкка чўзиб, пастак, ҳомила булатларга қарайди.

Ўзимни абгор, абжағи чиқиб кетган, аммо иродаси букилмас қаҳрамондай хис қилганим ғалат.

Уясида болалари бўлса, эҳтимол.

Тўлпок, юнглари қорамтири, кучукболаларга ўхшаб кетадиган болалари.

Бир-бирига суйканиб-ғингшиб, ташқарига чи-кишга уринаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Бу сафар ҳам у менга даф қилмаслигини биламан.

Яна дуч келсак, у томон одимлайман, нигоҳларимиз яна тўқнашади. Бу сафар қўлимда ойболтам йўқ, аммо ўзимга ишончим кучли.

Бўри менга жим қараб туради.

Икки оила бошлиғи шу тарика дуч келамиз.

...Бепоён дашту далаларда бўри тўдалари ке-зиб юрадилар. Ўзларига тўдабоши сайлаб оладилар. Қолган бўрилару тўдабошига мутлақо бўй-сунадилар. Худуд ҳам бепоён, у худудга бошқа бирор ваҳший киришига йўл қўймайдилар.

Баъзиларининг кўксида, елкаларида жароҳат излари бўлсаям ажабмас.

Ажабо, менинг худудларим қайда эди, қайдан бошланиб, қайда тугаган эди?

Хаёт деб аталган дашту биёбоннинг қай ерида эди менинг маконим?

Бўри-ку ўз йўлига, аммо мен инсонман-ку? Теграмдагилар ҳам инсонлар-ку? Нима учун худудимни белгилаб олишим, бегона кириб келишига йўл қўймаслигим, нима учун ризқимни талашиб-тортишиб топишим керак?

Уйим, дастурхоним доимо очиқ, бирор кириб келса хушҳоллик билан олдига топган-тутганимни қўяман, гоҳ мўл-кўл, гоҳ оз бўлади. Шу одам мени йўқлаб келганидан бошим кўкка етади. Ҳа, бир қараашда ғарифонман, бир қараашда кичиккўнгилман, эл қатори ризкини топиб-тутиб, эл қатори болачақасини катта қилаётган бир мардуми мусулмонман.

Шу дард ила турли юмушларга уринганман, кимлардир ризқимга чанг солиб ҳам күрган, чангалидан юлиб олган маҳалларим бўлган. Ҳаёт мени ҳам яраган, у яраларни гоҳо мен ҳам ярадор каби ялаб-юлқайман, фақат бундан беозор ухлаб ётган болаларим бехабар, гўдакликнинг мусаффо тушлари аро гоҳо жилмайиб, гоҳ тамшаниб ухлайдилар.

Гоҳо тўнимни елкамга ташлаб ҳовлига тушаман.

Жуда юксакларда, бениҳоя олисларда кичкина ой сузади.

Ой, мен орзу қилган ўша чексиз худудларни эсимга солади.

Кичкина шу маконимда бир-бир одимлайман.

Бедорлик азоб беради.

Шу тоб, мана, умрниң аллақанча қисми ўтиб, шиддатлар илғар-илғанмас сусайиб борар экан, унутилиб кетган ёввойи бир шавқ ҳам ичимда уйғонади.

У шавқ аро худудимдан чиқолмай типирчилайман.

Бир силтаниб, занжирларимни узиб, бепоён даству далаларга ошиғич чопиб кетгим келади.

У ёкларда ҳозир ҳам совуқлар ўйнаётган бўлса эҳтимол. Кузги буталарни қировлар қоплаган бўлиши ҳам мумкин.

Ўша ерда болалигимдаги викорли ва мағрур ҳайвонни кўрсам ажабмас.

Унинг ҳам отаси аллақачон оламни тарк этгандир? Мен кўрган ўша тўлпоқ бўри боласи аллақачон улғайиб, бир оиласининг бошига келгандир? Унинг ҳам мен сингари зурёдлари бордир, ҳозир, уясида бир-бирларига суйканиб, гингшиб ухлашаётгандир?

Оила бошлиғининг бедору ҳушёр эканига шубҳа йўқ.

Мени пайқаб, ўша хотиржам ва совуқ нигоҳи билан ҳаракатларимни чамаласа, бу ёлғиз одам боласи

тунда, ой ҳаволаган маҳалда дашту тузга не учун келди деган ўй ила ҳушёр-хушёр бокса ҳам ажабмас.

Мен эса, йиллардир хаёлимда гавдалантириб юрғаним шу манзаранинг рўёбга чиққанидан ўзимча суюнаман.

У мени ҳушёр кузатади. Мен эса истиқболига одим отаман.

* * *

Қишлоғим жуда четда, электр ҳам тузук-куруқ келмаган, шамолларда, ёмғирларда ўчиб қолади. Ёзда ҳамма ўз ташвиши билан овора, кишда эса юмушлар бир оз камаяди, шунда түн кийган, белбоғ ўраган кишилар кўчаларда тўп-тўп тўпланишади.

Анча нарида, бир киши томда антenna тузатади, шабада овозини олиб келади:

- Бўлдими?
- Йўқ, ўнгга бура!
- Кўрсатдими?
- Кўрсатмай қолди, орқага бура!

Узун терак ёғочи учига маҳкамланган иккита катта мис лаппак лопиллади.

– Э, бугун кино бўлади! – деб илжайишади кишилар.

У кино урушда фашистлар қўлига тушиб қолган киши ҳақида. Ҳар йили икки-уч марта кўрсатилади, воқеа Польшада рўй беради, нимагадир қишлоғимнинг кишиларига ўша кинонинг воқеалари маъқул келиб қолган.

Фашист зобити асирга бир стакан тўлдириб ароқ кўйиб беради. Асири оч, аммо мағур. Ароқни бир симиришда ичади, устига-устак “Мен биринчисидан кейин газак қилмайман” дейди хўмрайиб.

Қишлоқдагиларга мана шу жойи маъқул.

– Куй!

Күйилади.

– Мен биринчисидан кейин газак қилмайман, – дейди илжайиб қўшним.

Бу ҳаммага ёқиб тушади.

Бу гал ҳам дўкон олдида эдик. Чироқ аллақачон ўчиб қолган. Паст тарафдан шовур эшитила бошлиди. Беш-олти киши ҳөвлиқиб, бақириб-чакириб келар эдилар:

– Бўри! Бўри!

Зиёфат ҳисси шамол учиргандай бадар кетди. Ҳамма ўша томонга чопди.

– Яна бўри оралабдими?

– Қайда экан?

– Ҳеч нима қилмабдими?

Келгувчилар қопда бир ҳимани орқалаб келмоқда эдилар.

Етиб келишгач, норғул, давангирдай йигит:

– Жаҳаннамга жўнатдик, энди қишлоқ тинч бўлади, – деди илжайиб.

Кейин қопни остидан кўтариб бир силтаган эди, ичидаги бўри танаси шалоп этиб лой устига тушди.

Унга қарадиму ичим бир қалқиб олди.

У кучли, бақувват бўри эмас эди. Суяги эндиғина қотган, эндиғина кучга тўлиб-етилиб келаётган бўри боласи эди у.

Юнглари тўқлашиб улгурмаган, тумшуғидаги ҳалқаси кетмаган, бикинида тўнғиз ўқининг жароҳати корайиб турган, кўзи қотиб қолган... хуллас, ўлиб ётар эди.

* * *

– Қуй! – деди қўшним, шодон. – Биз иккинчисидан кейин ҳам газак қилмаймиз!

– Менга қара, – деди кейин. – Буни терисини шилиб олинглар-да, тирноғини кесиб, уйга осиб қўйинглар.

– Нимага?

- Эскилардан қолған бир гап бор, – деди ғолибона. Кейин күрсаткич бармоғини нуқиб, уқтириди:
 - Бўрининг тирноғи омад келтиради. Унутма!

* * *

Ўша тун ухломай чиққанимни болаларим айтиб беришди.

Самода ниҳоятда тўлин ой сузгани эсимда. Уйга келибману ҳовлида, сўрида ойга қараб ўтираверибман. Кўзимдан ёшим дув-дув оқар эмиш. Хотиним келсаям, болаларим келсаям қарамабман, “Нимага бунақа ўтирибсиз, уйга кирсангиз-чи” дейишича, тўнғиллаб шундай жавоб қилибман:

- Кирмайман уйингга!
- Кираколинг, чарчабсиз, ахир.
- Кирмайман дедим-ку?
- Вой, нима қиласиз бу ерда?
- Ойга қараб увиллагим келяпти, хотин, – дебман.

Шундан кейин тўликиб-тўликиб роса гапирибман. Биласанми, ичимда бир бўри бор, дебман. Мени кўча-кўйда индамас, ювош бир одам бўлиб юришимга қарама. Умрим бўйи ўша бўри ташқарига чиқиб кетмасин деб уриниб келдим. Энди эса, хеч бўлмаса шу кеча қоронғисида, ҳамма ухлаб донг қотиб ётган маҳалда ойга қараб бир мартагина чўзиб-чўзиб увилласам бўлмайдими ахир, дермишман...

Эртасига хотиним, болаларим ўзларича илжайишиб “Яхши ётиб турдингизми” дея ҳар доимгидаи ҳол сўрашганида кўзларига қарадиму бир нимани биладигандай кулимсираб туришганини кўрдим. Нонушта маҳали хотин ҳар доимги одатини қилиб, ўсмоқчилаб “Кеча ғалати-ғалати гапларни гапирдиларми, хўжайн” деб сўради. Тунги воқеалар эсимда эди, албатта. Аммо ўзимни унугандай кўрсатиб:

– Бекорларни айтибсан! Тез-тез бўл, ишга кеч қоляпман, – дедим тўнғиллаб.

Бўримиш?! Бор-йўғи бир ваҳший-да. Иши одамларга нукул заарар келтиришдан иборат. Бизлар инсонлармиз-ку?

Бир хўмрайган эдим, хотиннинг дами ичига тушиб кетди. Аммо шундайм кўзининг бир четидаги кулимсираш ифодаси кетмаганини пайқадим. Билмаганга олиб, тўнимни кийдим-да:

– Келишимда гўшт олиб келаман, кечқурун ўзим сизларга бир палов дамлаб берай, – деб, чопонимни этагини қоқиб кўчага чиқиб кетаётсам, хотин ортимдан гапирди:

– Унда манавини нима қилайлик?

Ўгирилиб қарасам, кўлида узун оқиш бир нима. Бўрининг тирноғи!

– Ташлаб юбор, – дедим энсам қотиб. – Омад келтиради деб қайси аҳмоқ айтди сенга?

– Ўзингиз айтдингиз-ку?

– Ҳамма гапимгаям ишонаверасанми, ҳазиллашдим-ку? – дедим-да, ҳар кунги ишимга-ташвishимга йўл олдим.

Шу тонг чоғида, кимдир даласига, кимдир хизматига, кимдир ўқишига, кимдир қариндошиникига кетаётган, ҳар кунги ташвишлари билан андармон юзлаб-минглаб кишилар каби.


Яъни, эл қатори...

2014



«Боди Эрам
хикоялари»

туркумидан



ОТАМГА НИМАДИР БҮЛДИ

Мен жудаям кичкина боламан. Бўйим эндиғина отамнинг тиззасига етган.

Отам жуда кувватли, кафтлари улкан-улкан. Йўғон бармоқларидан тутиб, отамга бошимни қайириб қарайман.

Мевалар пишса, елкасига чиқиб оламан, дараҳтнинг хўв учидагиларгаям қўлим етадиган бўлқолади.

Тунги юлдузлар бодроқдай сочилган. Отамнинг елкасига чиқиб олсаму ўзим яна пича ўссам, уларният тўплаб олавераман.

Худо юлдузларнинг ортида. У жуда меҳрибон, ер юзини ўша жойлардан туриб кузатади.

У отамгаям, онамгаям меҳрибон. Шу туфайли бизларни унга фарзанд қилиб берган.

Отам ҳам меҳрибон. Лекин, узоқларга ишлагани кетмоқчи.

“Отам кетмасин” дейман онамга.

Онам айтадики, кетмаса бўлмайди-да, тойим. Сенларни боқиб қатта қилиш керак, шунча ташвиши қандай бажарсин?

Кетадиган жойи жудаям узоқда. Отам ўша ўлкалар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Йўл юрармиш, йўл юрсаям мўл юрармиш. У ёқларда роса қорлар ёғар экан. Оқ айиклар бўкириб юрармиш... Одамлари муздан кулба қуриб яшар эмишлар.

Айиклари ёққан қорлари туфайли оқ бўлса, унда девлариям оқдир? Оқ дев дегани ўша ёқларда яшаса-чи? Муз баъзан оч-кўкиш тусда бўлади, балки кўқ дев ҳам бордир?

Бир неча кундирки, хаёлимда шу ўйлар. Уйимизга кимлардир келишади, маслаҳатлашишади, кейин отам онам билан узок-узоқ гаплашади, мен қулоқ солиб ётаман. Печкада ўтин чирсиллади, баъзан нам новда вишиллаган овоз чиқаради, шунда хивичдан отилиб чиқаётган ингичка буғ оқими кўз олдимга келади. Кўпинча узум новдаси шунака сас чиқаради, бошқа ўтинлар турваламайди, аммо ёнганидаги овози ҳар хил бўлади. Ўша турфа овозларгагам қулоқ солиб ётавераману ухлаб қоламан.

Туш кўраман.

Сигиримизнинг бири оч, бири тўқмиш. Оч сигиримиз тўқ сигиримизни ер эмиш.

Еримиз тап-тақир, биттагина бошоқ ўсиб чиқканмиш, холос.

Уйимиздан отлар чиқиб кетишаётганмиш, ҳаммаси баланд бўйли, ёллари ҳилпираган, аммо эгарлари бўм-бўш отлар...

* * *

Ниҳоят, отамнинг кетар куни келди. Ерларні киров босди. Кўни-кўшни, қариндош-уруг йифилди Ерқозонда овқат пиширдик. Мен эски ўтинларнин иссиғида исиниб ўтиредим. Ёғлари қалқиб-қалқиб шўрва пишди, кишилар нон ботириб, мактаб-мактаба ийишиди, кейин дуо қилиб кетишиди.

Онам катта халтага нон, талқон, тутмайиз солди
Отам айвонда ўтирас эди.

“Ота, дедим. Бўйноқни бостиurmaga бойла^т кўяйлик, қачонки олдидаги сув айниб қолса, кучу^т ер тишлиб ириллайверса, сизга бир нима бўлганини шундан билиб оламиз. Шунда мен ўзим бориб сиз ни кутқариб келаман”.

Отам кулди, катта кафти билан бошимни си лади, кучоқлади, кейин “Майли, айтганингдек бўлақолсин, аммо кучук шўрликни кийнаб ним

қиласан?” деди. “Кечқуунлари бойлаб қүяқол, кундузлари ўйнасин”.

Мен күндим.

Бўйноқни чақирдим, думини ликиллатиб келди. Бу яхши кучук, овқат сўрамайди, дастурхон қоққанимизда ўша ерда ўралашиб увокларни териб ейди. Бегона биронни уйимизга яқинлаштиrmайди. Опам мактабга жўнаса, ортидан обориб ташлаб келади, ўқишидан чиқишига ҳам бориб кутиб туради.

Мен Бўйноқнинг ақлли эканини биламан.

Отам тўғри айтди. Кундузи занжирлаб қўйсам, опамни ким мактабга оборади?

Бўйноқни бостирмаға бойладим, олдига эски чатноқ косада сув қўйдим. “Шу сувга энди ўзинг караб тургин” деб тайинладим. •

Кеч туша бошлагач, гуриллаб қўшнимизнинг эски аробаси келди. Отам хайр-хўшлашиб аробага минди, у ортидан кўк тутун чиқариб жўнаб кетди.

Кўлимни силкитиб туравердим, аммо отам ортига қайрилиб қарамади.

Шу тариқа, уйимиз ҳувиллаб қолди.

* * *

Эртасига яна кировлар тушди. Индинига ҳам. Ҳар куни тушаверди.

Ўша кундан бошлаб уйимиз иссиқ бўлмай қолди. Отам борлигига ҳароратли бўларди. Тўнига ўраниб чой ичиб, телевизор кўриб ўтирас, гоҳ тиззасига уриб, бақириб-бақириб кулар ҳам эди. Мен бағрига кириб олардим. Гоҳо туриб печкадаги оловга караб кўярди. Кутидаги нонларни печка устига қўйиб иситса, иси ҳаммаёқни тутиб кетарди.

Отам кетгач, кучукка меҳрибон бўлиб қолдим. Олдидаги сувини ҳар куни янгилайман, нон бераман. Беҳи ҳам берган эдим, егиси келмади. Атай сувига диққат билан қарайман: топ-тоза, тиник

бўлади. Хурсанд бўламану тўкиб ташлаб, ариқдан бошқа сув опкелиб соламан.

Отам ўша олисларга етиб бордимикин, деб ўй-лайман.

У ёқларни жуда совуқ дейишади. Отам бир маҳаллар ёшлигига ўша ёқларда аскар бўлган экан. Икки-учта пўстинни устма-уст кийиб юрардик, деганлари эсимда. Отам кетган томонларда дев бўлмаса керак. Дев унақа совуқ жойларда яшай олмайди, чунки пўстини йўқ. У ёқларда оқ айиклар билан узун шохли буғулар яшармиш.

Ха, у ёқларда дев нима қилсин? Дев ўзимизни томонларда бўлади. Ишламайди, баҳайбат гавдасини лўкиллатиб, қорни очганида ғоридан чиқиб келади, теваракдаги қишлоқларнинг одамларини қўрқитиб, қорнини тўйғизади. Девнинг кийими ҳам йўқ, белига лунги бойлаб, ялангоёқ юради. Хотини ҳам, болалари ҳам бўлмайди. Бунинг устига анчайин аҳмок, еб-ичишдан бошқа дарди йўқ, Бўйноқчалик ҳам фойдаси тегмайди. Қора кунимга яраб қолар деб одам ғамлашиям мумкин. Очқаганида четан ичига қамаб қўйилган одамлардан биронтасини егани энкайиб келади, шунда одамлар “Мен ориқ, у семиз” деб ҳар томонга қочишади.

Отам у ёқларда нима қилар экан? Кўллари совкотиб дараҳт кесар? Ҳар қанча уринсам ҳам тасаввурим у манзараларни жонлантира олмайди. Унданбунда эшитганларим бирлашиб, тушунарсиз манзаралар ҳосил қилади. Ўрмонлари бепоён эмиш. Юз йил юрсанг ҳам тугамасмиш. Қизиқ, отам нима учун уларга уй қуриб берар экан, ўзлари қуролмас эканми? Йўқ, бизларникидай уйларни қуришни билмас, ўшан-чун музни йиб, ичига кириб яшар эканлар. Отам уларга уй қуришни ўргатиб, кейин қайтиб келса бўлмасмикин?

Бўйноқ ҳар оқшом думини ликиллатиб олдимга келади. Отам кетганидан бери у билан ўйнамайман.

Менга ҳайрон бўлиб қарайди, ўйнагиси келади-да. Айтдим-ку роса аклли деб, бостиurmaga оборсам, ерда ётган занжирини тишлаб кўтариб, бошини тиқмоқчи бўлади. Билади-да эрталабгача тутқунда ётишини. Кейин олдидаги сувига қарайман – йўқ, айнимабди. Суюниб кетаман, сакраб-сакраб чопаман.

* * *

Орадан кунлар ўтди.

Бир кечада Бўйноқ дуёни бузгудай бўлиб ғингшиб чиқди.

Осмонда ой сузар эди. Майдатараларни ёритиб, совуқ осмонда танҳо сузаверди.

Бўйноқ сира тинчимади.

Югуриб бориб, сахар ёруғида қарасам, косадаги сув айниб қолибди!

Энди нима қилдим? Отамга бир нима бўлдими?

Бўйноқни бўшатсам, ер тимдалаб ғингшийверди. Томорқаларни айланиб кур чопиб чиқар, кўча эшик олдига бориб кўчага, дала-тузга мўралар, нима қиларини билмасди шўрлик.

Үйга кирсам, косадаги сув ҳам айниб қолибди.

“Ака, – дедим. – Отамга нимадир бўлди”.

“Йўғ-э, – деди акам. – Эсинг жойидами?”

“Йўқ, ака. Отамга ростдан ҳам бир нима бўлди, чунки Бўйноқнинг олдидаги сув айниб қолди”.

“Бўлмағур гапни кўйсанг-чи”.

“Ака, эътибор берсанг-чи. Уйдаги бор тартиб отам туфайли эди. Ўзи узоққа кетган бўлсаям бегона қушлар экинга келмас эди. Энди эса, кўряпсанми, жухориларни ёввойи қушлар босиб кетди. Менимча, отамга бир нима бўлди.

Разм солдингми, бир кечада этакдаги бурган билан шўра ўсиб кетди. Мевали дараҳтларга қарадингми? Беҳи мева солган жойида бужмайиб қолди. Шафтоли меваларини тўкиб юборди. Узум-

лар чириди. Ака, уйимиздан бир нима кетиб қолди.
Чунки, отамга нимадир бўлди!

Ахир, разм солсанг-чи! Опам синик ойнага караб, синик тароқ билан соч тараар бўлди. Жон ака, сен кучлисан, отамнинг ўрнидасан, ўртоқларинг билан чиқиб кетиб қош қорайганда қайтгунча рўзғорга қарасанг-чи. Ахир, отамга бир нима бўлди!

Кўшни сувни ўзига буриб олди, маккаларимиз сув ичолмай ранги кетди. Кеча келаётсам, эшигимизни тагига кимдир пўчоқ ташлаб ўтиди. Уйнинг сувоғи шўрлашиб кўчиб тушди, бирор сидириб-тўплаб, суваб кўймади. Ўша ердан ҳам шўралар ўсиб чиқди.

Яна айтайми, ака? Этақдаги бобом эккан нок куриб қолганини сезмадингми? Юз йилдан бери бир хилда мева соларди, шу бир-икки кун ичидан баргларини тўкиб юборди, пастда, ерга яқин шохидагина новдаси қолди, холос.

Онам нон ёпса, нонлари оқиб-қийшайиб кетяптику? Овқат қилса тузи шўр-ку? Туз-намагини тотганида кўзини ёши оқиб қозонга тушганини неча марта кўрдим-ку? Овқатларни таъми ҳам ўзгариб қолди, есам, лаззати йўқ. Ҳар нарсадан таъм кетиб қолди. Кир ювса кўпирмаяпти-ку? Ҳовли супурса яна хас босиб, ёввойи ўтлар ўсяпти. Маккалар пишмади-ку? Ўтлар қуриб қолди-ку?

Иморат ҳам чўқди, пайқаяпсанми?

Ака, туш кўрдим, тушимда сигиримизнинг бири оч, бири тўқмиш. Оч сигиримиз тўқ сигиримизни ер эмиш.

Даламиз тап-тақир, биттагина бошоқ ўсиб чиқканмиш, холос.

Уйимиздан отлар чиқиб кетишаётганмиш, ҳам маси баланд бўйли, ёллари ҳилпираган, аммо эгарлари бўймбўш отлар.

Қара, ахир, укам тандир бошига бориб, оғзига бошини тиқиб отамни чақирипти, кўрмаяпсанми?

Бўйноқ, нимага бўйнингни ерга ишқаб менга жавдираисан? Қўлимдан бир нима келармиди? Нимага мени тортқилаб қайларгадир ундаисан, инграниб увиллайсан?

Эй Худо, бу аҳволга бирор чора борми?

* * *

Бу – ота оиласини сенсирагани боис ҳаммани сенсираб гапирадиган нигохи мусаффо болакай эди. Сенсираса кишилар аччиқланишмасди, қайтанга жилмайиб қўйишарди.

Энди хаёлан отасига гапиради.

“Энди келақолинг, жон ота”, дер эди.

“Келмасангиз сира бўлмайди.

Кетганингизга қанча бўлди-ю!

Онам билан ерларни чопиб экин экмоқчи бўлдик, бир сув келса, бир келмади, ҳаммаёқни ўт босди, аммо экин битмади. Сизсиз барака кетиб қолди.

Акам бориб сув очиб келар бўлди, уч-тўрт кун уринди, бирор сув бермади. Кап-катта кишилар ҳақимизни еб қўйишиди. Сиз бўлганингизда улар ҳайиқар эдилар.

Дов-дараҳт мева солмай қўйди. Ҳар ёқни шўр босди.

Сигирларимиз озиб кетди, қарайдиган одам то-пилмади.

Ота, акам ҳам, онам ҳам билишмайди, аммо мен билиб турибман-ку. Сиз келсангиз, дараҳтларимиз дунёни мевасини тугади, бозорга опчиқиб сотоверамиз-сотоверамиз, ахийри бойиб кетамиз.

Сиз келсангиз, еримиз мўл-кўл ҳосил беради, уларни қоплаб босиб қўямиз. Сигиримиз оламжаҳон сут-қаймоқ беради. Уй ҳам қаддини кўтаради, кўкрагини кериб савлат тўкиб туради. Эгам келди деб суюнади-да.

Сиз уйда бўлсангиз, у қаср бўпкетади. Уям

ңөшкә уйларга мақтанади, қара, әгамни савлатини күр дея.

Келақолинг, отажон. Елкангизга миниб олай, күкдаги юлдузларга қўлим етадиган бўлсин, истаганимни бодроқдай қилиб узиб олаверай. Юлдуз нимаси, Ойга ҳам қўлим етар бўлсин.

Ука, кеча тандир олдига бориб отамни чақирдинг-а? Бекор қилдинг, тандирга бош тиқиб чақирсанг, отам эшийтмайди. Этақда катта тол бор, ўшани қовагига оғзингни тутиб “Отажон” десанг келади.

Юр, укажон, ўша толни олдига. Иккаламиз бирин-кетин чақирамиз.

Отам яхши қўрадиган тол у. Кавагида шамол ўтиради, биз чақирсак, сасимизни узокларга олиб кетади. То отамнинг қулогига етмагунча учаверади. Шамол тандирга киргани қўрқади, чунки унга олов ёқилади-да...

Юрақол, биргалашиб чақирсак, отам албатта эшигади...

* * *

Яна кун ўтди.

Эрталаб она барвақт турди. Бориб мол-ҳолга ўт солди, нонушта тайёрлади. Кейин болаларими ни уйғотақолай деб ичкари уйга кириб овоз берди. Караса, ўртанчаси жойида йўқ.

“Вой ўлай, – деди. – Ҳой, уканг қани?”

“Билмадим” деди каттаси, кўзларини ишқалаб.

Ҳовлига чиқиб аланглаб атрофга қаради, нигохи ҳар тарафни тентираб кезиб чиқди. Бола кўринмас, бостирма остидаги занжир бўм-бўш, кучук ҳам йўқ эди.

“Вой, ўлибгина қўяқолай, – деди ўтакаси ёрилгудай бўлиб. – Ҳой болам, қайдасан?”

Биров сас бермас эди.

“Жоним болам, қайлардасан?”

У маҳалда ота, қора совуқларда тиришиб меҳнат қила-қила, ниҳоят, мадори қуриб, қаттиқ иситмалаб ётиб қолган эди.

Иситма олган одам устида юзлаб зил-замбил тошлар бордай ҳис қиласы. Суяклари қақшаб оғрийди. Қарайдиган одам йўқ, шериклари уни қолдириб, ўзлари ишга кетишган. Роса бўралаб қор ёқкан эди, шу иситма аро деразага қор зарраларининг шитирлаб урилишигача эшитиб турибди.

Бир маҳал ғувиллаб шамол эсаверди. Деразанинг кўзи синган, ўрнига қалин сувқоғоз тутиб қўйилган эди, ўша ердан кириб келди. Тол баргларининг тўкилган сасларини олиб қелиб қулоғига урди, маккапояларнинг шитирини, мол-қўйларнинг баършини олиб келди. Ўша саслар аро кичкинасининг овозини ҳам олиб келди у.

“Отажо-о-н” деган заиф, ингичка, ёлвориш тўла сас!

Овозда ҳам кўзёшлари бўлар экан-да? У сас тўла кўз ёши эди.

Кўз ёшининг иси ҳам бўлар экан-да? У ис боласининг хўл сочидан келадиган исга ўхшарди.

Турай дейдию туролмайди, сира мадори йўқ.

Бир маҳал қараса, эшик очилиб ўртранчаси кириб келяпти. Шу совуқда, битта юпқа кўйлакда! Кўлидаги дўпписида бир нималар бор. Ёнида эса Бўйноқ.

“Ота, туриңг, кетдик уйга” деяпти хўмрайиб.

“Ия, сен нима қилиб юрибсан бу ёқларда?”

“Ота, Бўйноқни олдидаги сув айниб қолди, – деяпти. – Занжирдан бўшатдиму ортидан келавердим”.

Дўпписининг ичидаги бир ҳовуч йилтироқ нарсалар кўринади.

“Ота, уйда эканингизда елкангизга чиқиб юлдузларни териб олиб, бостиргмага яшириб қўйган эдим, ўшаларни олиб келдим”, деяпти.

“Турсангиз-чи ахир, жон ота”, дейди.

“Ота, сизсиз қийналиб қолдик”.

Гапиради-ўксинади. Гапиради-термилади. Гапиради, кўзининг ёши дув-дув оқади.

“Хозир тураман, болам” дейдию туролмайди.
“Хозир, болам...”

“Йўқ, турмасангиз бўлмайди” дейди.

“Юринг биз билан, ота” деб эшикка қараб йўналади.

“Эй Худо”, деди ота шунда. “Эсон-омон оёкка туриб олсам, ўша заҳоти уйимга кетаман!

Бу ерларни елкамни чуқури кўрсин!

Менга нима бор эди бегона юртларда, бировларга мўлтираб нон топсам?

Мен нодон, болаларимни ўзимга интизор қилиб кўйибман-ку?

Уларга орзу-ҳавас қилган нарсаларимдан ҳам кўра, ўзим керак эканман-ку?

Нима қилиб юрибман бу ёкларда, яқинларимдан, жигарларимдан айрилиб?”

* * *

Шу маҳалда болакай билан Бўйноқ қишлоқдан чиқиб олишган, тақир аро кетмоқда эдилар.

“Бўйноқ, дерди болакай, кучукка. Сен йўлни биласан. Отамнинг изини исказ-исказ топиб бора-верасан.

Отам жуда олисда, аммо яхшилаб югурсак, албатта етиб оламиз.

Теваракда чиябўриларнинг улиши эшитиляпти, кўрқяпман. Лекин ёнимда сен борсан-ку, улардан кўрқаслигингни биламан.

Бўйногим, сув бекорга айнимади. Яхшиям айнибди, агар қонга айланиб қолганида уйимиз куярди.

Қара, юлдузларнинг живирлашини... Уларнинг ортида Худо бор. У жуда меҳрибон, ўша жойлар-

дан туриб ер юзини кузатиб туради. Ҳозир отамни излаб чикқанимни ҳам кўриб турибди, йўлимизни кўрсатсаям ажабмас”.

Шу тариқа, кеча қоронғисида деярли югуриб бопарди болакай, итини эргаштириб, узокъларга, отаси кетган олис-олисларга...

* * *

Топиб бора олармикин? Ёки қишлоқнинг олди эркаклари уни излаб, ортидан келиб қайтариб олиб кетишармикин? Бундан хабаримиз йўқ.

Ажабмаски, ота ҳам қадрдонлари сари йўлга чиққан бўлса... Бир авлоднинг каттасию кичиги шу тариқа бир-бирининг дийдорига тўйишларини ти-лашдан ўзга тилагимиз йўқ.

Ахир, яқинларнинг ҳасрати оғир бўлади. Жигар уқубати ундан ҳам оғир эмасми? Ёлғончи тонг гира-ширасида кузатиб қолар эканмиз, бизнинг ҳам бир илтижомиз бор, у илтижомиз шундайдир:

“Хеч кимни яқинлари ва севганлари дардига дучор килмагин. Бизларни севганларимиз билан имтиҳон қилмагин. Яқинларимиздан, улуғлари-миздан айрмагин, сафимизни бут килгин, риз-кимизни кенг қилгин!”.

Бошқа нима ҳам дея олардик?

2014

ЁҚИМЛИ ЁМФИР САДОСИ

Синфдошларимга

Бу ҳикоя – одамлар, воқеалар, ҳодисалар ҳакида эмас. Бу ҳикоянинг қаҳрамони – қишлоқ. Ҳа, айнан қишлоқ.

У нозланади, чаппар уради, бағрида борини муҳайё қиласи, гоҳо тўрсайиб-хўмраяди, хуллас, бир тирик жонзот нимаики қила олса, барини у ҳам қиласи.

Авваллари унинг ўз феъл-атвори, инжиқликлари борлигини билмас эканман, энди ўйласам, бир жон-лидан сира кам эмас – яслangan боғу роғлари, ўйнаб оқкан равон сувлари, бепоён далаларию синчли ўйлари билан аллақачон тилга кириб, менга бир нималарни сўзлаб ҳам улгуребди.

* * *

Бир маҳаллар унинг бағри қайноқ, қуёши жазирама, суви кумуш, ўзи ғоят сахий эди. Ёзниг иссиқ, дим кечаларида бедазорлар, экин ерлари, тут шохларию чанг босган узумзорлар узра енгил шом қўнганида, уйлардан чиқаётган элас-элас шовур мусиқасини хотирамга ёзиб олган эканман. Айвонимизда симга осиғлиқ эски радио бўлар эди, ота ишдан келган, сингиллар сўрига қизил йўлли дастурхонни ёзиб бўлишган, қайдандир пиёздоғ иси, болалар кий-чуви келар, эски бир оҳанг тараларди:

*Барнолар ичра барно, Раъно,
Гулмисан, гулёрмисан?
Ҳамма гуллардан аъло, Раъно...*

Шу шом маҳали оппоқ гуллаган ўрик оқариб кўзни қувонтирса, исини шабада атрофга ёйса, дадан қайтаётган чопиқчиларнинг қийқиришлари, сигир маърашию пақир дарангига ҳам эшитилар, чунки кўпчилик кунига икки маҳал сигир соғарди. Ҳавода сут иси ҳам анқиб кетарди, сигир челакни тепиб ағдарди шекилли.

Томга тираб қўйилган эски шоти, бир четда ётган арава гупчаги, қишлоқ четидаги анчайин ёввойидай туюлган қамишу қовғалар орасида беозор жонзотлар қувнаб ўйнаб юришгандай туюлиши, буларнинг бари ой нури эланган кечаларда хонадонларга кириб келиб мўралашса-да, зарари тегмагани қизик. Одамлар дарахтларга, ҳайвонларга гапиришгани ундан ҳам ажойиб. Сут тўла пақирни тепиб ағдарган сигирни худди одамдай койиган, шивалаб

эзиб ёққан ёмғирларга, шамолларга, жазирамаларга сўзлаган кишилар бўлар эди. Ёмғирлари ажойиб, тўнка кўчирап шамоллари ҳам ўйнаб-кувнаб эсгандай, ҳатто қишида қалин ёққан қорлари ҳам илиқдай таассурот қолдирибди.

У маҳаллар кўчалар ҳозиргидай текис ва равон эмас, кузу қишида лой-ботқоқ бўлиб ётарди. Баҳор бўтаналярида дараҳт гуллари оқиб келгани, даҳанага тўпланиб, гирдобларда чир-чир айлангандари – ҳаммаси ёдимга муҳрлангани ажаб.

Қишлоқнинг яна бир ажойиботи шунда эдики, қайга ўйнаб кетсан ҳам у ерда бир таниш киши чиқар эди. Далалар адоғида бепоён боғлар бўларди, у меваларнинг тахир таъми ҳозир бениҳоя ширина туюлади. Ҳали пишиб улгурмаган хом мевалари сувини оқиза-оқиза ер эканмиз, боғ қоровули ё ишчиси келиб қолса уни танирдик, ёки у бизни таниб олиб “Ҳой Фалончининг боласи, отангга айтаман” деб пўписа қиларди. Бир куни ёш болалар ўйнаб бошқа қишлоққа бориб қолганимизда, у ердаги бегоналикларни кўриб ҳайрон бўлганимиз ҳам эсимда. Бошқа қишлоқда биронта таниш кишини учратмадик, одамлари ҳам бизни танишмади, қайтанга “Кимнинг боласисан? Бу ерларда нима қилиб юрибсан?” дея койиб беришди, қадрдон қишлоғимизга қайтганимизда ўзимиз билган тупроғи упадай кўчалар, иссиқда ҳансираган экинзор далаларга етиб олиб суюнганларимиз ҳам эсимда. Энди билсам, ўзининг қадрини ёш онгимга ўша тарз рўпара қилган экан.

Одамлар қишлоқ билан уйғунлашиб кетганини ҳам айтами? Кучукчасини замбилга солиб кўтариб кетаётган, кум ўйнаб ўтирган ёки дараҳт шохларига чиқиб осмонга қараб кичкираётган болачалар, кенг гулдор кўйлак кийиб олган жувонлар, жамалаксоч қизчалар, мўйлови энди сабза ура бошлаган, кўлинини кўксига кўйиб салом беришни ўрганиб олган, тўй-

маросимларда беминнат дастёрлик киладиган новдадай-новдадай ўспириллар... буларнинг бари кишлокқа ярашиғли безак бўлиб, ўша умумий манзарага ажойиб бир нақш бўлиб тушибди.

У маҳалларнинг олди кишилари-чи? Кўчаларни тўлдириб-тўлдириб, баланд овозда гаплашиб туришмасмиди?

* * *

Ўзининг қадрини менга росманасига кўрсатиб қўйганида, эндинга акли тўлишаётган йигитча эдим.

Биласизми, кимнидир соғинсангиз, хаёлингизда у бошқача бир тарзда намоён бўла бошлайди. Қиёфаси ўзгариб қолади, кўникилган чизгилар куюқлашиб-ёруғлашгандай туюлади, соғинган кишингизнинг кулишлари, гапиришлари шу қадар суйимли ва азиз бўлиб жонланадики, ақлингиз шошади. Дийдорлашганингизда тўйиб-тўйиб термилуб оласиз, кейин сал вақт ўтиб соғинч ташналиги босилгач, сиймо хиралашиб, яна одатий қиёфага айланади.

У ҳам хаёлимда ана шунаقا жонланади бошлади.

Гапирадиган бўлиб жонланганига нима дей?

Йўқ, одамга ўхшаб лисон ила гапирмас эди. Туриш-турмуши, вазияти, кўринишининг ўзи онгимга бир нималарни сўзларди.

Қалбимнинг ич-ичидан садоланаарди-да.

Тушуняпсизми? Ҳар жиҳатдан тўкин, ҳеч ни мадан камчилиги йўқ бир ҳаёт ичидаману лекин у йўқ эди, унинг йўқлиги мана шу тўкинлик лаззатини кеткизар, юрак ўша азиз, қадрдон маконни кўмсайверарди.

Ўша илонизи йўллар, ораларида шамол ўйнаган қамишлар, боғлар, дараҳт шохларига тирмашган болакайлар...

* * *

Бу орада, еру осмон оралиғида умр йиллари ўтгани сайин, у қурғур ўзининг қадрини яна кўрсатди.

У гоҳ отам, гоҳ онам, гоҳ севгили дилдор, гоҳ дўст, гоҳ қавму қариндош қиёфаларига кира бошлиди. Ана шунақа товланишлари билан йил ўтгани сайин мени ўзига мафтун этиб, чорлайверди.

Эй воҳ, отам жуда меҳнаткаш, камсуқум киши эди. Баҳорларда бизларни ёнига олиб ер чопар, меҳнат қилас, ҳосил етиштирас... ўшандада узум ширасига ёпишиб олган асаларилар юз-қўлимни чақиб олганигача эсимда. Ҳатто ўша чақишлари хам ҳозир беозор туюлганига, завқимни келтирганига не дейин? Отам гоҳо бизларни ёнига ўтиргизволиб, ҳаётнинг нотекисликларию мушкулотлари ҳақида насиҳатлар қилас, эди, қарасам, қишлоқ ҳам ўз тилида ўшандай насиҳатлар қила бошлабди.

Меҳнатдан чарчаган ота каби бир дам ҳорғин ёнбошлаган, бўйи чўзилиб кучга тўлиб келаётган ўғилларига бир дам кўнгли кўтарилиб бокқан бўлса не тонг?

Бир борсам, лабида мен ўйнаган ҳовуз ёқасидаги боғ, шохлари қуюқ толлар, зовур устига қурилган, ёғоч устига тахтаю қамиш тўшалиб, устидан тупрок бостирилган кўприк ҳам, у ердаги ёввойи беҳилар ҳам йўқ. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, чиройли, тартибли, аммо мен кўрган манзаралар йўқ-да!

Ахир, улар ҳам аллақанча воқеаларга гувоҳ эдилар-ку?

У кўприкнинг қачон қурилганини билмайман. Аммо нима учун онгимда манзаралар ҳосил бўлмоқда? Оқ яхтак кийиб олган кишиларнинг зовур устига хода ташлаб қамиш босишлиарини, кетмонни гупиллатиб уриб, чим бостиришларини қўраётганим ажаб.

* * *

Мана, баҳор ҳам келди.

Гултўкар шамоли бот-бот шиддат урмоқда.

Ростини айтсам, кечалари шамол эсганида ҳалиям ташқарига чиқиб кетаман. Аммо юртимнинг шамолларини тополмайман. Ёмғирлар ёққанида ҳам чиқиб оламан, юзимни тутсам – тафти бошқа. Ўзимнинг ёмғирларимни шунақсанги соғинаманки! Ҳатто тупроғи ҳам бошқа туюлади, ўз тупроғим майнироқ, иликроқ, тафтлироқдай, бунда ўсадиган ўтлар заифрок, рангпарроп, ўз юртимнинг тупроғи ҳаётбахшу жонлироқдай, ҳатто ҳавоси ҳам майнироқдай туюлади.

“Эй шамол, такир кўчалардан эса-эса, ҳасчўпларни тозалаб уйиб кетмасмидинг, яна бир бора эсақолсанг-чи”, дегим келади.

“Эй ёмғирлар, яна бир шаррос қўйсангиз-чи, гулларни тўкишингизни-ю сувларда пуфакчалар ҳосил қилишингизни шу он яна бир кўрсайдим!

Булутлар, уюр-уюр сурилиб келсангиз-чи, ўша келишларингиз ила ўзга ҳаволарни, бепоён дашту тузнинг ёввойи исларини олиб келардингиз-ку, ахир?!“

Шунда билсам, мен унинг жамолини излар, кўмсар эканман. Разм солсам, у жудаям чиройли экан!

Сўлим ва сулув водий аро бир томони тоғлар, бир томони дашту дала узра ясланган, гул-чечак таққан бир нозли сулувдай экан. Менинг умрим ўтгани сайин унинг ёшариб бораверганига нима дейин? Ҳозир ҳатто калтак олиб мевасини қоқканим дараҳтларигача ачинаман, ўшандада озор берганмикинман, дейман. Тандирларигача соғинаман, ичидаги қип-қизил ғўзапоя чўфи ланғиллаган, учбурчак сомсалари, жизза солинган нонларию қизариб бўрсиллаб пишган патирларигача кўргим келади. Тагига босиб қўйилган ғўзапоя уюми орасидан бўй чўзиб, бир кечада оппок гуллаган бодом кўз олдимда жонланади. Кечалари кўкда учган

турналар ўзимни шунда қолдириб, хаёлимни ўша ёқларга олиб кетади, турналар қаторида тепадан туриб, эгилиб-буралиб оқкан сувларини, тифиз яшил боғларини, тупроқ йўлларинио шамол супуриб кетган кўчаларини кўраётгандай бўлавераман.

Ўша ораларда ингичка, узун бўйли бир ўсмир менга қараб турганга ўхшайверади.

Яқинлашиб таниб қоламан: у ўзим бўлиб чиқади. Менга ўйчан боқади, “Келсанг-чи ёнимга” десам, бош чайқайди. Ўзгариб ҳам туради, гоҳ болалик ўртоқларимга, гоҳ холамга, аммамга, қавму кариндошларимга, қўшниларимга, ҳамюртларимга айланади.

Мени койийди, аразлайди, кўзида ёши силқиди, хафа бўлиб “Нима қилиб қўйдинг... ўзингни?” деб сўрайди онамнинг товуши билан.

“Мана шу бодом новдасидай гул очган чоғингда бағримдан узилиб кетган эдинг, соғиндим-ку сени?” дейди холам каби.

“Йўлларимни оёқ остингга тўшай, дараҳтларимни эгай, шамолиму ёмғирим соғинч қўшиқларини куйласинлар десам, бағримда йўқсан-ку?” деб чорлайди мени.

“Сени билганларнинг кўпи дунёдан ўтиб кетишиди, маъракаларда кўринмадинг-ку” деб хафа бўлади.

Бир қарасам, сахар эшигимни қоқиб келибди: ёмғир остида дийдираф турибди. Кирмайсанми уйга десам, бош чайқайди. “Юрақол мен билан... сени олиб кетгани келдим” дейди.

Бир қарасам, онам бўлиб тупроқ йўлдан ортимдан эргашиб келаётир, “Кетма, болам!” дея...

“Холанг қариб қолди... ўзим ҳам... кетма!..”

Бир қарасам, амакимга айланибди, кўлида ҳассаси, елкасида тўни, кафтини кўзига соябон қилиб йўлимга қараб турибди, “Болам, кексайдим, суякларим оғрийди, келиб бир кўриб кетакол. Худо билади, яна кўришиш насиб қиласмикин?” дея.

“Қара, болажон, узумларнинг барглари қип-қизил тус олди, куз уни кирмизи рангга бўяб қўиди. Орасида ҳусайнилари олтиндай товланиб турибди. Иккитасини сенга илиниб, куш чўқимасин дея латта билан ўраб қўйганман, оғзинг тегиб қолсин деб...”

Ана шунда... шодон қушларим гур этиб ҳавога кўтарилади, самода айланиб чарх уришади.

Қишлоқ эса йиглайди.

“Улуғларим дунёдан ўтиб кетишди-ку, сен қайдасан?

Дўстларинг ҳам кап-катта киши бўлиб қолишиди... кўчада кўрсам, чопиб бориб елкасидан олиб сўрашаман, сен йўқлигингда ўшалар ҳам кўзимга ўтдай кўринади-да.

Ҳатто осмон ҳам сени сўраётганга ўхшайди. “Бир боланг бўларди, қуёшда қорайтан, корамағиз. Шафтоли шохига чиқиб олиб роса қичкирадиганинг... қани?” дейди.

Ёмғирлар изингни сўрашади, “сувларни сочиб ўйнайдиган боланг қайда” дея.

Дарахтлар музтар-музтар туришади, “меваларимиз пишганида шохларимизни эгиб-эгиб ейдиганинг кўринмайди-я”, деб?

Шамоллар айтишади, “Эсганимизда бизга қўшилиб қичқириб чопадиган кичкинанг қани” деб?

Томга тираб қўйилган эски шоти ҳам сени сўраса, мен нима қилай?

* * *

Жон олғувчи у нозанин ана ўшандай тарзда минг эврилиб, минг ўргилди, ҳар сафар ҳар хил қиёфада жонланиб, шунаقا кўп нарсаларни онгимга рўпара килди-ки!

Йўқса, эл қатори, оддий бир қишлоқ-да, масалан, тог ёнбағирларида ундан юз карра сулувроқ бошқа қишлоқлар ҳам бор, аммо ўшанинг жилвалари жонимни қийнаса нима қилай?

Кишилар ҳам аллақачон бошқа қиёфага кириб

олишибди – ҳаммаси ажойиб, бенихоя яхши одамларга айланишибди.

Модомики, яхши кунингда қувнаб, қийин кунингда юкингни күттарган. ўша кишилар қаторида эмас эканман, бир куни шамолингга айланиб устингдан елиб ўтарман, мунисим!

“Болам шамол бўлиб қелди” деб суюнарсан, ўтлокларингга қўнган шудринг мисоли кўз ёшларинг аро.

Шамолга айланганимда, ўзимнинг уюр-уюр булутларимни ҳам суриб келарман, ҳаётбахш тупроғинг узра ҳеч бўлмаса ёмғир бўлиб ёғай деб?

Ёмғир олдидан бир нафасга ҳамма ёқ жимиб қолади. Биламан, ҳозир ҳам шундай: қақраган тандирлар, сарғая бошлиған экиндар, турли-туман мевалию мевасиз дараҳтлар, ўтлар, кушлар... ҳаммаси ҳаётбахш ёмғир ёғсайди деб бир нафас жим қолишгандай.

Ана шунда мен ҳам ёға бошларман тупроқларинг узра, бағрингга тамомила сингиб кетиш учун!

Бир куни шу қадрдон тупроғинг узра бир ўт, бир майса бўлиб униб чиқиш учун... азизим менинг!

Ана ўшанда... яна бир жонбахш қўшиқ таралар, оқ гулларга бурканган новдаларни эгиб-эгиб, гулкосаларни тўкиб-тўкиб, сувлар устида кичкина пуфакчалар ҳосил килиб ёғувчи ёмғирнинг салқин эпкинлари, турли-туман гул-чечак ислари аро, тупроққўчалар, баланд тераклар, пахсалию сомон сувокли уйлар узра.

Ахир, ёқимли у ёмғир аллақачон ёға бошлади-ку, сезмаяпсизми?

*Барнолар ичра барно, Раъно,
Гулмисан, гулёрмисан,
Ҳамма гуллардан аъло, Раъно...*

2014

УЗУК

шоур Аъзам Ўқтам хотирасига

Ҳикоя ёзиш осонми, қийинми?"

Тўғрисини айтсам, ҳалигача шу саволга жўялироқ жавоб бера олмайман.

Мана, бир неча кундирки, тугилган кунида кизимга совға қилганим узук хаёлимдан кетмайди.

Ингичка, нозик, кўкиш-яшил тошчали зийнат уни қувонтириди, соф нигоҳида севинч порлаб кетди, олдимда бир оз тортинса ҳам, барибирам айлантириб караб-қараб кўйди.

Ўзим ҳам қувондим, кўзчаларидаги севинч қалбимга кўчиб ўтди. "Яхши кунларингда тақиб юр", дедим унга. Кейин, бир маҳаллар онамдан эшитганим ҳазрати Сулаймон узуги ҳақидаги ривоятни айтиб бердим.

– Лекин бу унақаси эмас, оддийси. Отангнинг кўлидан келгани шу холос, – дедим кулиб. – Аммо Сулаймон узугичалик маънолари бор. У маъноларни вақти келганида билиб оларсан".

Шундай десам-да, ўзимнинг ривоятим ўз хаёлимни бошқа ёқларга етаклаб кетди.

* * *

Отам ниҳоятда беозор, умрини болаларига фидо қилиб юборган киши эди.

Бизлар тўққиз жўжиқ, онам уйда, фақат отам ишларди, холос. Етишмовчилик бошимизда килич каби осилиб турар, саҳарлаб туриб, кеч кузнинг совуқ булдуруқлари йилтираган далаларда турли юмушларни бажаришга мажбур эдик. Яланг оёққа калиш кийиб олар, оёқчаларимиз совқотарди. Ерларни қирор босган, макка поялари қўлга муздай тегади. То сийрак туман аро тераклар орасидан улкан қизил қўёш кўтарила бошлагунига қадар уриниб-беринар, кейин шоша-пиша чой ичиб, яримта нонни олиб мактабга жўнардик.

Қишлоарда муз қотган ерларни ўяр эдик. Ўйиб бўлиб, ҳосил бўлган чукурни ғўзапўчокка тўлдиригач, пакирда ариқдан сув ташир, тизза бўйи келадиган сувга тушиб олган отам ғўзапўчокни сув билан қориштириб бир томонга уяверар, ниҳоят, заҳматли шу иш тугагач, устига гўнг арадаш тупроқ тортилиб, эски-туски кўрпалар ёпилганида дилдираб уйга кирадик. Ҳўл ғўзапўчоқ кун ўтгани саин үз-ўзидан қизиб, чириндиға айланар, у чиринди ўғит ўрнида экинга солинарди. Печкага ўт ёқилгач, уй аста-секин илир, ўша илиқлиқ баданга ўтиб элитганида овқатга ҳам карамай ухлаб қолганларимиз эсимда. Тўққиз бола, тўққиз ўғил-қиз... Эрталаб турганимизда отам аллақачон уйғонган, печкада ўт гуриллаб ёнаётган, устига кечаги нонларни қўйиб, илитиб ўтирган бўлар, уйни исиган ноннинг ёқимли иси тутиб кетарди.

Кўз етмас узок-узокларгача ястаниб кетган бошқа қишлоқлардаги одамлар ҳам шунга ўхшаган ишлар билан машғул эдилар.

Нимасини айтай, хотирамда жуда кўп шунга ўхшаш манзаралар сакланиб қолган. Улар тинчлик бермайди, жонланади, бошқа маънолар касб эта-эта, онг тубларидан худди ўша – устида ғўзапўчоқ қалқиган қорамтири муздай сув каби юракни музлатиб, этни жунжиктириб сизиб чиқаверади. Фалати бир ҳаёт кўз ўнгимда гавдаланади.

Юмушлар кўпайгани маҳал болалар мактабга бормай қўйишарди. Мехнатлар сира тугамасди-да. Поёнсиз далаларнинг эгатлари орасида ўтириб, беҳи ердик. Кеч кузда мезонлар учар, гоҳ оқиши туманлар тушар, нам ерга ўтириб, олов ёқардик. Чигитни ўтга ташласак, чирсиллаб отиларди, еб кўрсак, анчайин шўр таъми бўларди. Муаллимларимиз ҳам ўзимиз қатори, этик кийиб далани айланиб юришарди.

Эл тирикчилик дея тинмай уринарди-да. Юмушдан ортар-ортмас, сигир-молни далага ҳайдар, куз мезонлари учган, халқ “жола” деб атайди-

ган ҳайҳотдай шудгорларда тўп-тўп бўлиб мол боқардик.

Мен шом тушмасдан уйга қайтишим, қўрадаги бултурги қуруқ ўтинларни олиб келиб ўчокқа ўт ёқишим керак эди. Мен ўт ёққач, онаизорим овқат пиширади.

Ўшандай маҳалларда тўйлар бўлиб қолса, суюнуб чопардик.

Нимагадир эсимда кеч куз тўйлари қолган. Совуқ, гапирсангиз оғзингиздан ҳовур бурқираб чиқади. Келин-куёв совқотмасин дея, оёқлари остига тоғорада чўғ қўяр эдилар.

Шу аснода куёв келиннинг бармоғига узук ҳам тақиши керак эди.

Узук тақилганида ҳамма қийқириб юборарди.

Йўқса, аллақачон никоҳ ўқилди, элга маълум қилинди, халқ келиб даврани тўлдириб ўтирибди, этакроқдаги тозаланган экин ерларига курилган катта ўчоқда шўрва қайнаб, ош пишмоқда... узук тақилганида униси куёв, буниси келин бўпқолармиди? Ким билсин, одамларга шуниси маъкулроқмиди?

Узук тақилганини илк кўрганимда, уйга келиб ота-онамнинг бармоғида узуги бор-йўқлигига кизикканман, йўқлигини кўриб, сабабини сўраганман ҳам.

– Бизнинг вақтимизда бунақа урф йўқ эди, – деди онам. – Аравада келин бўлиб келаверардик. Катта давралар ҳам бўлмасди. Совуқларда ўртага катта ўт қаланаарди, эски-туски латталарни думалоқлаб симга бойлаб, мойга ботириб валишларга осиб тўпчироқ ёқиларди. Сенинг айтганларинг янги замоннинг урфлари, болам.

Мен келин бўлиб тушганимда ўн олти яшар эдим. Энанг ўзининг узугини менга берган эди. Аммо тақмаганман, авайлаб яшириб қўйганман”.

Мана шундай шароитда аста-секин ўсиб, вояга

етиб борар эдик, бизлар – бир қишлоқнинг майдачуйда болачалари.

* * *

Айтдим-ку, меҳнат орасида катта бўлганман. Шу боис, бармоқлари қавариб-қавариб ёрилган, юзлари қорайган, соchlari типпа-тик, ғоятда софдил қишлоқ болалари қўнглимга жуда яқин. Ҳалиям турли қишлоқларга йўлим тушса, ўшанақа болалар билан гаплашгим келади.

Вақти етиб, уйландим. Мен ҳам куёв бўлиб келин қўлига узук тақдим. Оддийгина, ингичка, лекин қимматбаҳо эди. Хотиним уни бармоғига такиб, хурсанд бўлиб караганлари эсимда. Кейинчалик ҳам авайлаб сақлаб юрганини биламан.

Тўйдан бир-икки кун кейин онам келинини суйиб-алқаб, сандигидан ўз узугини олиб берибди. Уни кучиб, ўпиб “Бу – келинлик узугим, раҳматли қайнонам совға қилган эди, энди сиз катта келинимсиз, олинг, яхши кунларингизда такиб юринг”, дебди. Хотиним мақтаниб, менга кўрсатгани ҳам эсимда. Эски замонларнинг тилласидан қўйилган, хозирги нозик узулларга ўхшамайдиган тақинчоқ.

Онаизоримнинг меҳрибонлигидан ўзимча суюндим, чойлар дамлаб бериб, оёқларини уқалаб ўтириб, сўрадим:

- Отам-чи, узук совға қилмаганмиди?
 - Отанг ҳам совға килган, аммо тўйдан анча кейин, сен дунёга келганингда, – деди онам.
 - Таққанингизни сира кўрмаганман-ку?
 - Тақармидим? Ҳаммасини сандиққа солиб яшириб қўяверганман.
 - Нимага?
 - Оғир кунларимизда ишлатармиз деганман-да.
- Шундай дегани билан, оғир кунларида ҳам ишлатмаганини биламан-ку? Тавба, узук десам, кўз олдимга ўша қишли-кировли кунлар келавергани-чи?
- Отанг у узукни қанча заҳматлар, не-не

мехнатлар эвазига, узоқ шаҳарга бориб сарсон бўлиб олиб келган. Ўшанда роса суюнгандман. Шунча қийматни ўзида жамлаган у узукни сотиб, кунимга ишлатармидим? Ўлсам ҳам ишлатмасман! — деди онам.

* * *

Болалар улғайгани сайин ташвишлар ортар, шавқлар озаяр, мен эса заҳматларга кўмилиб кетган эдим. Теракларнинг барглари қирмизи қизарарди. Тавба, нима учун кеч кузни яхши кўрас эканман? Дараҳтлару ўтлар турли ранглар олади. Сарикдан яшилгача, яшилдан қирмизигача ҳамма ранглар кўз-кўзланади. Ҳар нарса гарқ пишган, ҳар дараҳт “мана, яшаб шуни қилдим” дегандай умрининг ҳосилини кўз-кўзлаб туради. Яна мезонлар учади, ер бағирлаб сийрак туманлар сузади. Яна тўйлар мавсуми бошланади. Кишилар шод-хуррам, катта ўтлар гуриллаб ёнади. Тўн кийиб, тўп-тўп турган кишиларни кўмсайман. Мен билганларнинг кўпи ҳозир у орада йўқ, ўшаларни кўриб-гаплашсам дейман. Аммо, гаплашсам ҳам айтарли узоқ сухбат бўлмаслигига ақлим етади.

— Ха, юрибсанми, тузукмисан?

— Шукур.

— Болаларинг катта бўлиб қолишгандир?

— Катта бўлиб қолишибди.

— Тузук... ишқилиб, тўйларга етказсин.

Шу, холос.

* * *

Бир куни жуда қадими узук ривоятидан хабар топдим.

Сулаймон подшохнинг бир ҳикматли узуги бўлган экан. У узукни тақса, шамолу қурт-кушлар бўйсунар, ер остию ер усти хазиналари очилар экан.

Ёш бўлганимда ҳавасланиб, ўшанақа узукни орзу қилган бўлардим. Аммо, ёшлиқ ўтди. Энди ҳар нарсадан маъни излайдиган палладаман-ку?

Ақлим турли тасодифий воқеаларни бир-бирига улаб, бир мантиқ нұктасига етаклаб кетди.

Сулаймон подшоҳдан аввал ҳам узук ҳадя қилиш одати бўлганмикин?

Ҳазрати Сулаймоннинг узуғи-қу унугилаёзган бир ривоятнинг ажойиботларидан дарак бермоқда. Унинг ҳикмати жуда ҳайбатли экани аён, бирор, мен кўрган-билган узуклар шу ёшимда, тўсатдан тилга кирганига нима дейсиз?

Улар ота-онам тилидан гапира бошладилар.

“Бизлар, яъни отанг-онанг, Худойимнинг даргоҳларидан шу дунёга келиб униб-ўсган икки жон, сени қошимизнинг остида, қароғимизнинг устида асраб-авайлаб катта қилдик.

Сен гуркираб ўсдинг, болажон.

Очлик-муҳтоҷлик кўрмагин дея ўтга кириб, сувлар кечдик, шамол изиллаган тунлардаю саратоннинг жазирамаларида жонимизни жабборга бериб уриндик.

Энди улғайдинг, сен ҳам катта бир заҳмат ичига кириб бормоқдасан.

Тўйлар қилдик, уйлантиридик...ҳали ҳаёт олдинда!

Бизнинг сенга берар топган-тутганимиз шу.

Сенга шамоллар, қурту-қушлар бўйсунсин, қаршиңгда дунёning сарватлари очилсин деб ният килмадиг-у лекин мабодо бирор кор-ҳол рўй бериб колса, шу нарса оғир кунингга ярасин, дедик.

Бу узук бизга ота-онамиздан мерос қолган эди.

Оғир кунимизга ишлатмадик, сизларни меҳнатимиз билан вояга етказдик.

Аммо ҳар доим шу узук – ҳар қанча қадрли, азиз бўлса-да, бир кун келиб мабодо қийналиб қолсанг корингга яар дея асраб-авайлаб саклаб келдик.

Олақол, болажон. Ҳаёт йўлинг узун бўлсин.

Узун бўлсину аммо мушкул бўлмасин.

Буни ҳаёт деб қўйибдилар, бир кун бизлар

йўқлигимизда оғир кун бошингга келса, сира иккиланма, у узукни сандиқдан ол.

Бир мушкулингни осон қылса ажабмас!”

* * *

Маънолар оғир бўлади.

Маънолар одамни қийнайди.

Шу маънони кашф килиб олганимдан бери ўртнаман.

Яқинда мен ҳам тўйларга кираман, ўғлимни уйлантираман.

Аёлим ўз зеб-зийнатларини баҳтли кунида келинимга совға қиласман деб кўнглига туғиб ўтирганини айтмасаям биламан.

Шунингдек, сулолалар аро асралиб келинаётган ўша тақинчоқларни болаларим тақиб юришларини ҳам хоҳлайман.

Яна, у узуклар авлодларга сирайм “Бир мушкулингга ярасин” деб эмас, бор-йўғи ота-онадан хотира бўлиб қолишини истайман. Авлодлар жўёжикларига “Улуғларимиздан ёдгор, шуни авайлаб юр, шояд бир куни шамолларни-ю табиат ҳодисаларини, еру кўкларни бўйсундирсанг ажабмас... Аммо сирайм оғир кунингта ишлатма! Бошингга ундей кун келмасин!” дейишларини истайман.

* * *

Найлайн, умр ўтиб бормоқда.

Мен ҳам, аёлим ҳам ҳаёт шамолида кеч кузнинг мезонлари каби, узоқдаги олтин дараҳтзорлар сари учуб бормоқдамиз.

Ичимдан бир шукронада ҳам келадики, нимагадир мен яхши кўрадиган ўша кеч кузнинг заҳматли совуқларини болаларим билишмайди.

Совуқда музлаб-кўкариб кетган қўлчаларини, оёқчаларини дилдирай-дилдирай сандалга тиқиб, музлаган оёқчаларига иссик ўтганида сезиладиган ачиштирувчи ғалати оғриқдан ҳам бехабар улар.

Жади кандай хизматларини оғринмай адo этадиган онаси, хонадонда тоғдай бўлиб турган отасининг ичида не оғриклари борлигини ҳам билишмайди.

Хозиргина кеч кузнинг ўтлоқларида ўйнаган совуқлар аро ингичка бўлиб учган мезонлардан гапирдим-а? Бизлар, яъни кичкина болакайлар у мезонларнинг ҳилпираб уча-уча, қайга ғойиб бўлиб кетишларини билмас эдик. Гоҳо ўтларнинг нам поясига ё дараҳт шохчасига илиниб қолганлариям бўларди.

Фарзандлар ёш, қун келиб, отаю она кеч куз совуқлари ўйнаган томонларга ўша мезонлар каби учиб кетишини ҳам билишмайди.

Ғўзапоя юоми ловуллаб ёнган кечаларда, эл йифилиб келиб шод яйраган тўй оқшомларида совуқда дилдираган келин бармоғига тақилган узук манзараларини ҳам қўришмаган улар. Бу авлоднинг тўйлари мухташам тўйхоналарда, иссиқ, ораста давраларда ўтади.

Аёлимнинг сандигида иккитами-учтами тақинчоқ тўйларни кутиб ётибди. Ҳа, бир куни тўйлар бўлади. Шундан кейин у узуклар эгасига совға қилинади. Келинчак нигоҳида фақат севинч порласа, уни ҳадя қилаётган кишининг кўзида ҳаёт заҳматларини ва қувончларини акс эттирган ўзгача маънолар балқиса ажабмас.

Найлайн... У манзараларни кўра-кўра етиб келган маъноларим – шулар. Қувватга тўлиб келаётган боламга ўзимча синчиклаб қарайману бир бошқача истеъдоди бормикин, дейман. Бошқа болалар кўрмаган нозикликларни илғайди, чиройли тарзда ҳикоя ҳам қилиб беради.

* * *

Ҳикоя ёзиш осонми, қийинми дедим-а?

Ҳақиқатан ҳам, бу саволга ҳалигача жўялироқ бир жавоб тополмайман. Осон десам, қийинга ўхшайди. Қийин десам, маънолар ўз-ўзидан балкиб келаверади...

Ким билсин, бир кун келару боламнинг нодир истеъдоди ярқ этиб юзага чиқар? Ўшанда, менинг ақлим етмаган ажойиб хикматларга балки у етар?

Болам, орзуларим мўл, ҳаммаси ажойиб, ёруғ.

Кун келиб, мен шоён истасам ҳам эришолмаганим ўша улуғ хикматга... “Сулаймон узуги” деган азим ва муҳташам бир маънонинг тубларига албатта етишингга жуда ишонаман.

Ўшанда... шунча мўъжизаларни яратган Парвардигор биздан мерос узукларга ҳам айри бир маъно ато этсаю еру осмонларнинг бори хазиналари сизларга ланг очилса дейман.

Ахир, ажойиб орзуларимизнинг очқич-тилсими ўзингиз-ку? Дунёга келганингизда қувонганларимиз, митти бармоқчаларингиздан тутиб гапирганларимиз... мусаффо нигоҳингизга термилиб, орзуларимизнинг рӯёбини кўрганларимиз... ҳаммаси кўз ўнгимизда.

Ой қизим, сен денёга келар чоғингда, онаизоринг тушида узук кўргани, «Ингичка, нозик, кўкиш-яшил тошчали зийнат экан... Кўриб жуда қувонибман», дегани ҳам эсимда.

Ахир, ушалмас орзулар ҳам бўлармиди? Захматкаш ота-онамнинг беозор орзулари-ки ушалган экан, бизнинг, сизнинг орзуларингиз... ушалмай қолармиди?

Албатта ушалади! Ўшанда йўл оламиз, болажон, барчамиз қўл ушлашиб, бепоён умидлару хикматларнинг ажойиб маконларига...

2014

ГЎЗАЛ

Кўча бўйидаги ажриқзорда уч-тўртта бекорчи гап сотиб ўтиради.

Ҳаво сарин, қуёш булутлар ортидан қўринмас, теваракда енгил шабада эсиб, сокин куз ҳавоси кезар, вакт қиёмдан ўтган маҳал.

– Ўтиравериш жонга тегди, – деди бекорчилардан бири, эриниб. – Ишлай десанг иш йўқ, лоп этиб катта ютуқ ютиб олсанг борми?

– Нима қиласдинг? – деди буниси, қизиқсиниб.

– Ютуқ учун аввал лоторея сотиб олиш керак, - деб кўйди униси

– Эҳ-хе! – деди орзуманд бекорчи. – Охирни кўринмайди-ю! Уй солиш керак, кейин мошина, кейин яна битта уй, кейин хотингаям мошина, қизгаям, яна битта уй... Ортса, ота уйини таъмир килиш керак. Ундан ҳам ортса, ана, куёвларгаям биттадан мошина олиб бериб, қўлларига озми-кўпми пул ҳам тутқазиб қўйсанг...

– Йўқ! – деди униси ўйланиб туриб. – Ютуқ ютиб олсанг ҳам етмас экан

– Ўшанда тинч, хотиржам яшардим-да, – деди униси.

Хуллас, шу тариқа бўлар-бўлмас гаплардан гаплашиб ўтиришарди.

– Ия, анавини қара! – деди бир маҳал орзуманд бекорчи, ҳаяжонланиб.

Ҳаммалари бош буриб қарашди.

Йўл четидан ажойиб бир гўзал шу томонга келар эди.

Юзи сутдай ок, қоши қалдирғоч қанотидай, кўзи юлдуздай, қомати типпа-тик, хуллас, ҳар қандай кишини лол қолдириб қўядиган даражада сулув эди.

– Воҳ-воҳ! – деб юборди орзуманд бекорчи, ҳатто ўрнидан туриб кетаёзди. – Уни қара-я!

– Кимга насиб қилган экан бунақа париваш? – деди ҳазин овозда буниси

– Биронта бойгадир-да, – деди наригиси. – Чўн тагингда ҳемириинг йўқ, бунақа гўзалларни алла-қачон бойлар эгаллаб олишади.

– Аммо кийими анчайин унниқибди, – деди бошқаси, синчиклаб назар солиб. – Бойлар май-шуқаларини қўғирчоқдай қилиб кийинтириб қўйи-

шади, ўз оиласига сарфламаганларини ўшаларга сарфлашади.

– Агар шунақа маъшуқам бўлса борми? – деди орзуманд. – Қошидан сира кетмасдим. Кулсаям, хўмрайсаям термилиб ўтираверардим. Ўзим ишлаб, кўлини совуқ сувгаям урдирмасдим!

– Гўзаллар бевафо бўлишади, – деди униси. – Қадрингта етмайди.

– Гўзаллар ёлғиз бўладилар, – деди буниси.

– Ҳа-а, бизга йўл бўлсин, – деди хўрсиниб, униси. Лекин шу тобда безорилик килгиси, ўша гўзалга бир нималар деб гап отгиси, ҳатто уятсизроқ бир нималар дегиси ҳам келар эди.

– Бу қизнинг тарихини мен биламан, – деди шу тобгача индамай ўтирган тўртинчи киши.

“Ажрашганмикин?” деган ўй келди биринчиси-нинг хаёлига

“Эрга теголмай қолганмикин?”

“Биронтасининг иккинчи хотинимикин?”

Учовлон ҳам шеригининг оғзига қараб туришарди

– У – оддий бир хонадоннинг қизи, – деди тўртинчи киши. – Жуда кўпчилик чиройига ошиқ бўлиб оғиз солган, ҳар хил ҳийлаю найрангларни ишлатиб кўришган. Қиз биронтасига ҳам унамаган. Ниҳоят, бошқа маҳалладаги бир йигитни севиб қолади.

Йигит-ки, ҳар томонлама мукаммал, кўркам, тўкин-сочин бир оиланинг ёлғиз боласи.

Ҳамма томошабин.

“Турмуши бўлмайди” деганлар қанча.

Ўзича яниб юрганлар, тўйини бузаман деганлар, бир илож қилиб аламини оламан деганлар қанча, аммо у йигит олдида бари бир пул. Ҳақиқатан ҳам қизга арзидиган бир ўғлон.

Тақдирни карангки, қайдандир келишаётганда фалокат юз бериб, ота-онаси ўлади, йигит эса хушидан кетганича қайтиб ўзига келмайди.

Үшанды күшдай потирлаб ўзини хар ён уради бу қиз. Тўқсон икки кун ёнидан кетмайди бу қиз. Нимаики бор, ҳамма нарсасини сотади бу қиз. Тепасида ўтираверади. Кўз ёшлари йигитнинг юзига томади. “Киприги қимир этиб қолармикин?” деб кутади. Дўхтирлар “Одам бўлмайди, мабодо ўлмасаям мажрух бўлиб қолади” дейишади. Қиз барибир жойидан жилмайди.

Жуда киммат дориларни топиб келтиради. Биринки қаланғи-қасанғилар шундан фойдаланиб, анчамунча пул ҳам ишлаб олишади. Бошига мусибат тушиб турсада, бир-иккитаси хушомад ҳам қилиб кўради. Ҳамма ўзича хар хил маслаҳат беради. Қиз гўё кар-соков, йигитнинг тепасидан жилмайди.

Йигитда жон асари сира сезилмайди, фақат, томирларига улаб қўйилган Сир ускуна юрагининг зўрға ураётганини билдириб, заиф сас чиқариб турди, холос.

“Очсанг-чи кўзингни, бир мартагина кипригингни қимирлатсанг-чи” дея ёлворади қиз.

Кунлар, хафталар шу тариқа ўтаверади. Ҳамма умидини узади. Ҳеч ким ёрдам бермай қўяди. Қизнинг уйидагилар ориятига чидолмасдан уни койиб-қийнайверишгач, “Худонинг иродаси эканда” деб ҳар ким ўз ишига кетаверади. Ёнида бирор қолмайди.

– Худо сақласин! – деди биринчи бекорчи, сесканиб. – Бечора!

– Кейин-чи, нима бўлди?

– Бу қиз ҳозир ўша йигитни олдига кетяпти, – деди ҳикоячи. – Ҳа, либоси башанг эмаслиги аниқ. Кўлидаги тўрхалтасида овқат бўлсаям ажабмас.

Таъсиранганлардан бири эсанкираб:

– Товуқ шўрвамикин? – деб сўради

– Товуқ шўрва бўлсаям эҳтимол, – деди ҳикоячи.

– Демак, йигит тузалиб кетибди-да? – дея шодон сўради иккинчи бекорчи.

– Бир ҳафта олдин ўзига келиб, тепасида қўзлари жикқа ёш қизни кўради. Ҳали бошига нима мусибат тушганидан бехабар, гапиролмайди, аммо нигоҳ ҳам гапирап экан-да. Ўша маҳалда нигоҳи оркали дунё-дунё севинчларни, шукроналикларни, интизорликларни, миннатдорчиликларни ифода этганмикин? Синган умуртқа суяги бита бошлайди, аммо шифокорлар “Ҳануз умид йўқ” дейдилар. Қиз ижарага уй олади, бир жойга фаррош бўлиб ишга киради, топган пулига шу йигитга яна дори-дармон, овқат олиб келади... Хуллас, бу қизнинг тарихи мана шунаقا.

Бекорчилар давраси жим бўлиб қолди.

– Ҳа-а, – деди чўзиб биринчи бекорчи, боягина айтган гаплари эсига келиб. – Сира етишиб бўлмас экан-ку!

Назарида, боягина кимнингдир маъшуқасидай туюлган шу малак энди инсон боласи етиша олмас юксакликларга кўтарилиб кетгандай эди.

Иккинчи бекорчининг эса қўзларида ёш милтиради.

– Шунчалиг-а? – деди, таъсирланиб. – Пойига таъзим қилса бўлар экан-ку бу қизни. Худо баҳтини берсин, илойим...

– Эндиам бир нима дея оласизми? – деб сўради гапирган киши.

Орзуманд бекорчи бир нималарни ўйлаб ўтиради. Бир маҳал бошини кўтарди-да, шерикларига қараб, ҳаяжон билан изтиробини маълум қилди:

– Оёққа туриб кетса... ишқилиб, қадрига етармикин у йигит?

– Ким билсин? – деди буниси, хомуш.

– Туринглар, кетдик, – деди гапирган киши. – Ўтираверишдан нима наф?

Ўзининг ҳикояси ўзига таъсир қилгани сезилиб туарди. Шу тобда ақлига нима хаёллар келганини билиб бўлмасди.

Ўрнидан туриб, қовоғини солди-да, түсатдан ше-
риклариға қараб деди:

– Тур ўрнингдан, ўтираверасанми? Биттангни
қадр-қимматинг ўша қизчалик эмас, ғийбат қилиб
гап сотишингни қара!

Кейин қўшиб қўйди:

– Яххиси, жўна ҳамманг уйингга, бола-чақангни
олдига!

2014

БОҒИ ЭРАМ

Уйимизнинг орқа томонидаги бедазорда иссиқда
ўт-ўланлар орасига тушиб қолган асаларилар бўғиқ
ғўнғиллашар эди. Бедазорнинг ниҳоясидан зилол
сувли ариқ оқиб ўтган эди. • Уртоғим иккаламиз
онам ёпган нонлардан бирини олиб қочиб, ариққа
окизаётган эдик. Шундоққина ёнимиздаги томорқа
девори бир маҳаллар ағанаб тушган, ҳосил бўлган
каттакон дарвозадан тупроғи ўйнаб кетган кўчамиз
кўриниб туар, кўча четидан оқ яктакли, оппоқ
соқолли бир чол ҳассасига таяна-таяна, шу ёқقا
қараб имиллаб қадам ташлаб келаётган эди.

Адашмасам, ўшанда мен саккизми-тўққизми
яшар эдим. Ёки етти яшармикинман... хуллас,
эсимда йўқ. Аммо чолнинг кимлиги аниқ эсим-
да – кўчанинг бошида, лойсувоқ уйининг олди-
да доим қўёшда исиниб ўтирадиган Холмуҳаммад
бува эди у. Бизлар ўйинга овора бўлиб, унинг
яқинлашганини сезмабмиз ҳам. Чол ёнимизга келиб,
ўйинимизга пича термулиб турди. Салдан кейин эса
кўзларининг ёшланганини кўрдик.

– Нимага йиглајпсиз, бува? – деб сўрадим мен.

Чол, соқоли титраб:

– Бир маҳаллар мен ҳам онам ёпган нонни
шунақа оқизиб ер эдим, ўшани эслаб йиглајпман,
болам. Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-
кетдим... – деди. Нон егиси келяпти, деб ўйладимми,

ҳар ҳолда ўзимнинг сувга бўккан нонимни олиб, унга узатганим эсимда. Чол бўлса нонни олдию ҳеч уялиб-нетмасдан, хўнграб йиғлаб юборди.

Бизлар анграйиб қолдик.

Чол, кўлида бир бурда нон, кўзида ёш, яна имиллаб йўлида давом этди.

Унинг ортидан қарайман деб ариқдан ҳатладиму чол ҳам эсимдан чиқиб, кўзларим бакрайганча қотиб қолдим. Нимани кўрдинг дeng? Қопқалари тилладан, тутқичлари биллурдан бўлган бир боғнинг қархисида кўрдим ўзимни! Қопқа ёнида, биллур ҳалқани тутиб турган мен қатори бир болакай менга караб кулар ва ичкарига имлар эди.

Олдинга икки қадам босиб, боққа мўраладим. У ерда нималарни кўрганимни айттолмайман, айтганим билан қанақадир заминий нарсаларга ўхшаб қолаверади. У ердаги дараҳтлар, бизнинг кўрганимиз одатдаги дараҳтларга ўхшаб кетгани билан, мутлақо бошқача эди. У ердаги күшлар, сувлар... У боғ самовий эди! Фоятда гўзал эди! У гўзалликка мос таъриф тополмай ўртганаман.

Боғ мени ўзига шу қадар мафтун этдики, олдинга беихтиёр яна бир қадам қўйдим. Тағин бир қадам қўйсам, боғ ичкарисидаман. Ҳилпираб учайдиган олтин ниначиларни тутиб олишим, хув анави зар қанотли Семурғ билан сухбатлашишим ҳеч гап эмас...

Қопқанинг шундоқ ёнгинасида жудаям улкан бир яшил дараҳт бор экан. Шохлари булатлар орасида кўзга кўринмай кетган. Ҳар замон-ҳар замонда шохларидан япроқлар узилиб тушаётир. Мана, шундоқкина оёғим остига сарғайган бир барг келиб қўнди. Эгилиб караб, баргда ёзув борлигини кўрдим. Сарғиш томирчалари бўртиб турган япроқ сиртига «Холмуҳаммад Зиё ўғли» деб битилган эди.

– Ия? – дедим ҳайрон бўлиб. Дарбон болакай кулиб бош чайқади. Ундан бир нимани сўрамоқчи бўлиб турганимда ортимдан, негадир узок-узок-

лардан онамнинг мени чақирған ташвишли овози эшитилдию худди уйқудан уйғонгандек бўлдим. Кўзимни очсан, ранги оппоқ оқариб кетган онамнинг тиззасидаман. Тепамда ўртоғим ҳам ҳиқиллаб турипти. Онам йиғлаганича мени бағрига босди:

– Вой болажоним, нима бўлди сенга? Кўрқитиб юбординг-ку, жоним болам!?

– Кўрдингизми, сиз ҳам кўрдингизми? – дедим хаяжонда, тилим зўрға айланиб. – Боғни кўрдингларми?

– Қанақа боғ? – деди онам, ранги яна ўзгариб. – Қанақа боғ, ўғлим?

Кўрганларимнинг барини онамга айтиб бердим. Онам ҳеч нима демади, лекин ўша куни кечга яқин оппоқ соқолли бир қария уйимизга келиб, менга дам солди.

Ҳайрон эдим – ўша ажойиб боғ ва баҳайбат дарахт ҳакида гапиришим билан наинки ота-онам, балки бошқа катта ёшли кишилар ҳам қўрқишар, ёқаларига туфлаб тавба килишар, баъзилари йиғлар эдилар. Онам-ку жуда ҳам қўрқоқ бўлиб қолди: ҳадеб «Сени ўша бокқа ҳеч ким чақирмадими? Боғ ичкарисига кирдингми-йўқми?» деб сўрагани сўраган эди.

Кейин билишимча, ўшанда ариқдан ҳатлабману турган жойимда анграйиб қотиб колибман. Ўртоғим келиб турткиласа ҳам, чақирса ҳам қимир этмасмишман. Шунда у жонхолатда югуриб бориб, онамни чақириб келипти. Қайтиб келганидаям ҳолатим ўзгармай, ўша жойимда турганмишман... Онамнинг ортидан отам ҳам етиб келибди, улар мени кўтаришиб айвонга обориб ётқизишибди. Анчадан кейин ўзимга келибман...

* * *

Йиллар ўтди, улғайдим. Худойим насиб этиб, ота бўлдим. Ўғлимнинг чулдирашларини, алпанг-талпанг юришларини кўриб, ўзимни еттинчи осмон-

да юргандай сезаман. Гүё оламда мендан бошқа бахтиёр ота йўқдай. Онам-ку боламни мендан баттар авайлайди. Бир нималар деб қалдирғочдай чуғиллаганида, яшнаб кетади.

Уйимиз ортидаги бедазор ҳалиям бор. Аммо у кичкинагина бўлиб қолган. Бедазор ниҳоясидаги ариқ эса кўмилаёзган.

Баҳор келиб, гилослар қоп-қорайиб пишди. Ўғлимнинг ҳали тили чикқани йўқ, аммо гилосхўр бўлиб қолди. Қишлоғимизнинг кунботар тарафида катта бир боғда гилослар кўп эди. Ўғлимни елкамга миндириб, ўша бокқа бордим. Бир гилоснинг шохини эгиб, дўпписига тўлдириб солиб бердим. Тепароқдаги шохчадаги мевалар янаем шира боғлаб пишгандай кўринди кўзимга. Интилиб ўша шохчани ушлаганимни биламан....

Гилос шохлари орасидан яна ўша сирли боғ на-моён бўлган эди. Ўша-ўша! Қопқалари тилладан, тутқичлари марвариддан... Эшик олдида қоп-қора соқол-мўйловли ёшгина дарбон менга кулиб қараб турар эди. У мени таниган эди, мен ҳам уни танидим. У имо қилиб, ичкарига чорлар эди.

Боғ копқасининг иккала таваққаси ҳам ланг очик! Ичкарида ўша мен кўрган манзара барқ уриб турибди. Кўз ўнгимда гуллар ғунчалаб, ўша заҳоти очилаётир, бу гуллар аслми ёки тилладанми – фарқлаш кийин. Дарвоза ёнида баҳайбат бир дарахт юксалиб турибди, япроқлари чирт-чирт узилаётир. Кўнглимдаги бир сас «Тўби дарахти шу эмасмикин», дея шивирлаётир. Узоқ-узоқларда бир нима кўзни олгудай бўлиб яраклаб-жилваланяпти. Жилваси шу кадар гўзал ва нафиски, унга бир бокқан одам умр бўйи кўз узолмай қолиши аник.

Шундоққина оёғим остига узилиб тушган япроққа карадиму... томирлари бўртган сиртида падари бузрукворимнинг исми битилганини кўрдим!

Шу маҳал қулоғимга ўғлимнинг чириллаб йифлаган товуши урилди.

Дарров ўзимга келдим. Жонҳолатда ўғирилдим, карасам, эмаклаб бориб сал наридаги саёзгина ариқчага тушиб кетипти, сувнинг муздайлигидан кўрқиб йиғлаётган экан. Уни қўлимга олдиму маҳкам бағримга босдим.

Сезганимдек, қайтиб караганимда боғ яна ғойиб бўлган эди. Ўғилчам жажжи қўлчалари билан боғ ғойиб бўлган томонни кўрсатиб, ўзининг тилида алланималар деб чуғурлар эди.

Кейин ёдимга боғдаги дарахт, ундан узилиб тушган япроқ келди. Шоша-пиша уйга югурдим. Юрагим бир нимани сезгандай потирлаб урарди. Муюлишдан кўчамизга бурилдиму тиззаларим бўшашиб кетди. Дарвозамиз олдида маҳалламиз кишилари тўплланган эдилар.

Отам... Белининг қувватини, умрининг энг масъуд дамларини, ёшлигини бизларга баҳш этган, бизларнинг соғлом ва хушбаҳт бўлиб улгайишимиз учун ўзини ўтдан-чўққа урган отам... оламдан ўтилти!

Шундан кейин боғдан чўчийдиган бўлиб қолдим.

Тушларимга кириб чиқарди у синоат боғи! Эшик олдидаги дарбон мулојим нигоҳини менга тикиб, жим туради. «Яна нима керак?» деб қичкирардим унга тушимда. «Мендан нима истайсан ўзи? Тинч кўй, истамайман боғингга киришни!» Алаҳсираб уйғонганимда ҳам тушимдаги манзаралар кўз ўнгимдан кетмасди.

Умр эса бир маромда ўтар, у боғ кўрқуви астасекин дилдан чекиниб борар эди.

* * *

Богни учинчи дафъа кўрганимда ёш анчага борган, соч-соқол оқарган эди. Унинг бу галги зуҳоротидан галати бир ҳикмат туйдимки, тубига ҳали-ҳали етолмайман.

Ахир, умр.... умр ўтиб бормоқда эди.

Осмонга булут чиқса сүякларим симиллаб оғриди. Кўзим ёшланади. Кўпинча, дарвозам олдидаги супада қуёшда исиниб ўтираман. Олтин куз офтоби вужудимга хуш ёқади. Қалбим ҳам куз сувлари каби тиник, сокин...

Бу сафар ҳам супага чиқаётган эдим, пастак девордан қўшнимнинг томорқасига кўзим тушиб колди. Кўшним бу йил томорқасига беда экибди.

Бедазорнинг адогида эса яна ўша манзара.

Бу сафар эшикдаги дарбоннинг ҳам соchlарига оқ оралабди. Боғ ичи куз эди, эрта куз. Кузнинг бунақа гўзаллигини сира кўрмаганман. Дарвоза қархисидаги дараҳтдан олтин япроқлар мунигли бир жаранг билан бандидан узилиб, ерга соллана-соллана кўнардилар. Узилиб тушаётганлари сонсизсаноқсиз, ернинг бети кўз етгунича қадар япроқлар билан қопланган эди.

Ахир, ҳар бир япроқда бир исм ёзилган эмасмиди?

Бу сафар оёғим остига келиб тушган япроқда дўстимнинг исми ёзилган экан. Ахир, тенгдош эдик, болаликдан бирга ўйнаб катта бўлган эдик. Бир вақтда уйланган эдик, кўп жихатдан тақдиримиз ҳам бир-биримизниги ўхшаб кетар эди.

* * *

У саодат боғини тўртингчи дафъа кўрганимда....

Бедазор. Сал нарида иккита болакай ариқда нон оқизишияпти. Шу икки болакайга қараб турибману кўз ўнгимдан болалигим... отам... онам... қайноқ нонлар лип-лип ўтаётир... Кўздан эса милт-милт ёш оқаётир... Қандайин қайноқ, ҳовурли эди у нонлар. Онагинамнинг бағридай тафтли эди-я... Қандай эдим-а... Қандай эдик-а, биродарлар...

Қараб турибману ҳеч нари кетолмайман. Болакайларнинг бири мени кўриб қолди. Ҳайрон бўлгандек, кўзларини пирпиратиб қараб турди-да:

– Нимага йиғляйпсиз, бува? – деб сўради.

Воҳ болам-а! Нега йиғламайин, қўнглимдан ўтганини қандай қилиб айтмайин? Ахир, мен ҳам бир маҳаллар онам ёпган нонларни сизлар каби ариқда оқизиб ер эдим... Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим-ку!

Шууримда ўша – болалигим, бизларга қараб ииғлаган Холмуҳаммад буванинг қиёфаси...тилимда эса ўша жавоб... дилимда эса бу ғалати ҷархпаклакнинг ҳайбатидан кўркув...

Болакай узатган нонни олдиму ҳеч ўзимни тўхтатолмайман. Кўзимдан тинмай ёш оқади, умримнинг нурли ва армонли лаҳзалари лип-лип ўтади.

Ана шунда...

Ана шунда... у боғни яна кўрдим. Эшик олдидағи дарбон ҳам мен каби картайибди. Асосига суюниб, ҳорғин термулиб турибди. Боғнинг қопқалари ланг очик. Ичкарида эса ўша – шоҳлари булутлар орасида кўзга кўринмай кетган баҳайбат дараҳт. Шоҳлардан ҳануз япроқлар узилиб тушаётирлар...

Ажабо, бу сафар узилиб тушадиган япроқда кимнинг исми ёзилган экан? Менинг исмимми?

Дарбон иккимиз бир-биримизга узоқ термилиб колдик. Ниҳоят, у ҳассасига таянган кўйи, ҳорғин овозда:

— Энди кирақол, етар... – деди.

Ортимга қарадим. Аммо ҳеч нарсани кўрмадим – ёш пардаси кўзларимни тўсиб қўйган эди. Қадам кўярканман, кафтимда бир нарсанинг тафтли ҳароратини хис қилдим. Қарадим – боягина бедазордаги раҳмдил болакай кўлимга тутқазган, сувга бўккан бўлса-да, тафтини йўқотмаган бир бурда нон...



«Кайдасан жаннат?»

туркумидан



ЁГОЧ КАВУШ

Бу воеа узок йиллар аввал, Хитой императорларининг Тан сулоласи замонида, яъни бундан бир минг уч юз йил олдин рўй берган.

Бу – ҳаёт шафқатсизлиги ҳамда меҳрибон ота ҳакидаги ҳузунли бир хикоядир.

Ронзян деб аталмиш қишлоқда бир одам яшар эди. У қотма, озғин киши бўлиб, жуда қашшоқ ҳаёт кечирарди. Фан-Фёнг деган бойнинг бепоён дала-ларида сув кечиб шоли етиштирас, кийгани этиги бўлмагани учун доимо оёқяланг юрар, қиш ойларида эса бир бўлак терини оёғига ўраб, устидан арқон бойлаб оларди.

Бу одам ўзига ўхшаган бир чоракорнинг кизига уйланган, ҳозир бир қизалоги бор эди.

Қизалоқ ҳали кичкина, масъум, соф эди. Уйда ҳар доим ҳам егулик топилавермаса-да, турмушнинг заҳматларидан бехабар, отаси келганида қаршисига югуриб чиқиб кутиб олар, кундузги таассуротларидан бижир-бижир сўйлаб ҳам берарди. Ҳар қандай мамлакатнинг болалари бир хилда мусаффо бўладилар. Хёнг деб аталағидан бутанинг катта япрогига гуруч солиб ер эдилар, чунки уларнинг идиш-товоғи ҳам йўқ эди.

Қизча жуда ширин эди. Қийиқ кўзчаларидан ўт чақнар, қайда бир гул-чечак кўриб қолса, митти бармоқчалари билан узиб келиб, отасига ё онасига тутадиган ажойиб маъсума эди.

Ота ҳам қизини жуда яхши кўради. Гоҳо бойнинг бепоён ўзигина ишлаётганида ёки кечалари уйқуси ўчиб кетганида, кун келиб катта бўлганида қизимни қандай баҳтли қилсан экан, деган ўй сира тинчлик бермас эди.

Бор-йўғи биттагина қизи бор, ахир. Хуан-Шининг ўзи эсини танибдики, меҳнатдан боши чиқмайди. Бир нима орттириш у ёқда турсин, топгани фақат кун кечиришга етади, холос. Ота, агар иш шундай кетаверса, вақт-соати келиб ўзи каби қашшоқ биронтасининг ўғлига хотин бўлишини ҳамда умрининг охиригача шолипояларда меҳнат билан умрини ўтказишини сира истамасди.

Буни ўнглашни биттагина йўли бор, деб ўйларди ота. Уям бўлса шоличи бойга хотинликка бериш. Шоличи бой ниҳоятда бадавлат, хотинлари кўп, аммо пули ундан ҳам кўп. Ўшанга берсам, турмуш заҳматлари чарчатмайди, менга ўхшаб бели букилиб заҳмат чекмайди, қайтанга, ипак кийимларга ўраниб, бола-чақасини катта қилиб ўтиради.

Шоличи бой семиз, қўзларини ёғ босиб кетган киши эди. Гавдасини кўтаролмагани учун уни аравада олиб юришар, баъзан тахтиравонга солиб ҳам келишарди.

Хуан-Ши ундан-бундан юқори табақа кишилари-га қанақа қизлар ёқишини суриштириди.

Айтишларига қараганда, ингичка гавдали, оёқлари жуда кичкина қизлар маъқул эмиш. Қизи эса онасига тортди, яъни суяги йирик бўлиб ўсмоқда. Хуан-Ши ўйлай-ўйлай, ўша маҳаллар урф бўлган ишни қилишга аҳд қилди, яъни ёғочдан кичкина кавуш ясади-да, қизчасининг оёғига кийдириб қўйди.

– Отажон, бу нарса оёғимни қисяпти, оғрияпти, – деб зорланди қизча. Сўнг ерга ўтириб, митти бармоқчалари ила кавушни чиқаришга урина бошлиди.

– Хой қизча, – деди Хуан-ши, болтани кўрсатиб. – Агар кавушни ечадиган бўлсанг, оёғингни мана шу болта билан чопиб ташлайман!

Қизчаси кўрқди. Оғриқ сезилиб турган қоп-қора кўзчаларида ҳуркиш ифодаси пайдо бўлди.

– Хўп-хўп, ота, ечмайман, – деди шоша-пиша, итоат билан.

Хуан-Шининг юраги ачишса-да, боламни келажагини ўйлаб шундай киляпман-ку, деган ўй таскин берар эди. Бугун у жуда чарчади. Оёкларини шолипоя сувчәёнлари, зулуклари чақиб ташлаган, билаклари ачишар, тани ором истар эди. Бола ҳаёт нималигини қайдан билсин? Ҳали вақти келганида, шу қашшоқлик гирдобидан чиқаргани учун отасидан миннатдор бўлади, албатта. Ўзига кўйиб берсанг, ота яшаб ўтган қаттиқ кунлар унинг ҳам бошига келсинми? Боласининг жони ҳозирча оғриса оғрисин, бу укубат ортида қизчанинг тақдири турибди, ахир.

Бундай ўйлар кўп эди. Хуан-Ши шуларни ўйлаб ётди. Қишлоқ чанг ҳавода туриб қолган, шабада эсмас, у чанг аста-секин экинлар, дарахтлар узра кўнмоқда эди.

Кунлар ўтар, қизалоқ кўркқанидан ёғоч кавушни кечалари ҳам ечмасди. Гоҳида оёғи жуда оғриганида сувга солиб ўтирадиган одат чиқарибди. Хуан-Ши аввалига уни койимоқчи бўлди, кейин ўйлаб қараса, бу ишнинг фойдали томони ҳам бор экан. Чунки ёғоч сувда юмшаб, оғриқ озайгани, қизалоқнинг жони ором олгани билан, орадан бир оз вакт ўтгач, яна қурийди, куруқшагани сайин янада қаттиқроқ сиқади.

Хуан-шининг ҳаётида ўзгариш рўй бермас эди. Ҳар кун бир вақтда туриб нонуштасини қилиб, ортганини копчиғига солиб даласига йўл олади. Иш ниҳоятда заҳматли: сув бостирилган охири кўринмас шоли далаларида ингичка майса бўлиб ўсган шолини қолдириб, бегона ўтларни бирма-бир юлиб чиқиш керак. Куз келганида шоли ўрилади, дасталаб қуритишга кўйилади, шунда қоровуллик ҳам қилиш керак. Бу ишда кучуклар кўмак бериша-

ди, кушу ҳайвонларни ҳуркитиб вовиллаб юришади. Кейин шоли оқлаш мавсуми келади, қолларга солинган шолиларни араваларга юклаб, узокларга олиб кетишади. Шундан кейин дала хувиллаб қолади, унга яна сув қўйилади, ағдариб чиқилади, шу билан мавсум ниҳоясига етади. Бир-икки қоп гуруч Хуан-Шига ҳам тегади, шунда емиш мўл бўлиб қолади.

Йиллар ўтди Қизнинг аввалги болаларча мусаф-фолиги йўқолди, у отасидан ўзини олиб қочадиган бўлди.

Ниҳоят, киз ўн учга тўлиб-тўлмас, Хуан-Ши муддаосини Шолибойга билдиришга қарор қилди.

Бой далага келавермас эди. Хуан-Ши анча вақт фурсат пойлаб юрди. Ниҳоят бир куни Шолибой келармиш, деган гап тарқалди. Йўллар, чайлалар супуриб-сидирилди, у муҳтарам зотга атаб бир ший-пон курилди. Ниҳоят, улкан гавдаси тахтиравонда ялпайиб, Шолибой келди.

Сариқ ипак кийимлари ҳилпирад, семиз бармоқларига катта-катта узуклар тақиб олган, оёғидаги йилтироқ шиппагининг ўзи бир қишлоқнинг хирожига teng экан.

Чоракорларнинг бари энгашиб таъзим қилиб турардилар. Шолибой бир амаллаб тахтидан тушиб, алпанг-талпанг қадам ташлаб улар олдидан ўта бошлиди.

Хуан-Ши ҳаяжонда эди.

Мана, фурсат етди. Агар ҳозир журъатсизлик килса, шунча йилдан бери ўйлаб юрган нияти амалга ошмай қолади. Бойнинг кайфияти ёмон эмас шекилли, балки жаҳли чиқмас, бечорага муруватт кўрсатар?

– Жаноб, – деди Хуан-Ши, томоғи курукшаб.

Шолибой тўхтаб, у тарафга ўтирилди. Шунда Хуан-Ши унинг бўйни бурилмаслигини, балки бу-

тун гавдаси билан ўгирилишини пайқади. Бу улкан гавда, йўғон бўйин елкага битиб кетгани учун бурилмайдиган бўлиб қолган экан.

– Ким менга “Жаноб” деди?

– Мен, – деди Хуан-Ши. – Шу... сизга бир совғам борийди.

– Совғами? – деди Шолибой. – Совға бизга ёқади. Қанақа экан?

“Ёлғиз бир қизим бор, сизга ёқсин деб атай оёқчаларига ёғочдан кишан кийдириб ўстирганман” демоқчи бўлди Хуан-Ши, аммо гапиролмади, Бойнинг салобати унинг тилини бойлаб қўйган эди.

– Шу... қизим, – дея олди холос.

Аъёнлар Хуан-Шининг ниятини дархол илғашди.

– Муни бир қизи бор, – дейишди Шолибойга.

– Митти, озғин, жонсизгина қизалоқ. Ўшани сизга ҳадя қилмоқчи.

– Митти, кичкина эканми? – деб сўради Шолибой ва қаттиқ кулиб юборди. Унинг диққатини шу ерда учеб-қўниб юрган сариқ чумчуқ тортган эди. – Ана у чумчукчалик эканми?

Бу ғалати кулги Хуан-Шини янада эсанкиратиб қўйди.

– Йўқ, жаноб, чумчуқча эмас, – деди оғриниб. – Сизга жуда мос.

– Менга жуда мос эканми? – деди яна бой. – Бу фикр каллангга қайдан кела қолди?

– Сиз кичкина оёқчаларни яхши кўрармишсиз.

– Мен сираям яхши кўрмайман, – деди Бой.

– Чунки, кўзим хиралашиб қолган. Мен ёмон кўраман.

Ёнидагилар хохолаб кулишди. Ҳозир бой Тан сулоласида урф бўлган сўз ўйини қилмоқда эди, аммо Хуан-Ши олий табақа саройларига хос санъатни қайдан ҳам тушунсин?

– Син-шу, сенга хотин керакми? – деди Шолибой, ёнидаги қотма, тишлари тўкилиб кетган чолга қараб. – Керак бўлса, ана, олақол. Оёқчалари ҳам митти эмиш.

Аъёнлар яна кулишди.

– Йўқ. Менга хотин керакмас, – деди Син-шу деган чол.

Шундан кейин Шолибой йўлида давом этди, аъёнлар чуғур-чуғур қилишиб ортидан эргашишди.

– Тўхтанг... Ахир... – демоқчи бўлди Хуан-Ши, аммо тили яна айланмади.

Хуан-Шининг руҳи тушиб кетди.

Ҳаётида мазмун қолмагандай туюлди.

Энди нима қилсин?

Ҳозир кулбасига борса, кавушини тақиллатиб кизи чиқиб келади. Бечоранинг шунча чеккан азоб-захматлари беҳуда кетди. Энди қизига қайси юз билан “Еч шу ярамас матоҳни” дейди?

Бу ерлардан бошимни олиб кетсаммикин, деб ўйлади у. Шу фикри ўзига маъқул келди.

Узок-узокларда Тиёншон, бошидаги кўк музларию оқ қорлари билан савлат тўкиб ярқираб турарди. Бағрида ваҳший ҳайвонлари ҳам бордир? “Уша ёққа кетсаму мени айиқ ғажиб кетса яхши бўларди” деб ўйлади у.

Дунё бепоён, қишлоқдагилар уни ўлиб кетди деб ўйлашади ва маломат қилишмайди. Қизи эса, тақдирига тан беради, хотини иккаласи ҳамма каби, яна Шоличи бой далаларида ишлаб, кун кечираверишади, аммо...

Шу қарорга келди Хуан-Ши ва Тиёншон томон кетди.

Шундан сўнг уни бирор кўрмади.

* * *

Ота ғойиб бўлганидан сўнг, она-бола шоли далаларида ишлай бошлишди. Вакти келгач, бева хотин қизини ўша атрофдаги бир кишининг боласига узатди.

Йиллар ўтиб, фарзандли бўлди. У тенгиларнинг бари далаларда бирдай меҳнат қиласар эдилар. Шолибой ҳам ўлиб кетди, бепоёш шолипоялар семизсемиз болаларига қолди.

Шундан сўнг давр тезлашди, у шитоб аро одамларнинг қиёфалари кўздан ғойиб бўлди. Тан сулоласининг хукмронлик даври ҳам тугаб кетди.

Яна йиллар ўтгач, ўша кичкина қизча мункиллаган кампирга айланди.

Энди меҳнатга ярамай қолган, кулбасининг олдида қиём вақтигача, иссиқ қайтганидан кейин эса шомгача ўтирас, атрофини ўраб олган болаларга ҳар турли воқеаларни айтиб берарди.

Айниқса, ёғоч кавуш ҳақидаги хотираларини гапиришини яхши кўрарди.

— Отам бенихоя раҳм-шафқатли киши эди, сизлар билмайсизлар, — дер эди. — Қизим шу теваракнинг энг гўзали бўлсин дея, ўз қўллари билан ёғочдан кавуш ясад берган эди.

— Ўша маҳалларда император саройида кичкина оёқчалар урф бўлган экан, — дер эди. — Умри заҳматда ўтган отажоним муҳташам саройлардаги одатларни қайдан билақолибди? Кизгинам олийнасаб даргоҳларга мос бўлиб ўссин, деганини айтмайсизми?

Кейин болаларни етаклаб кириб, кулба тўрига авайлаб қўйилан ўша матоҳни кўрсатарди. Кавуш вакт ўтиши билан қорайган, иссиғу совукларда чатнаб ёрилган, кўрган киши бу матоҳни одам қандай кийиб юриши мумкин деган хаёлга келарди.

Кампирнинг энг ардоқли нарсаси мана шу кавуш

бўлиб қолди, уни еру кўкка ишонмас, ҳатто ўлиб қолсам, қабримга қўйинглар деб васият қилар эди.

Бутун умри меҳнат билан ўтгани учун, эслашга арзигулик ҳеч нимаси йўқ эди. Фақат, болалик мусаффоликларида дарак берадиган, еру кўкка ишонмайдиган битта ашёси бор эди, холос. У ҳам бўлса, меҳрибон ота севимли қизалоғига қачонлардир ўз қўллари билан ясад берган кичкина, жинчироқ монанд кавуш.

Эски, ёғоч кавуш...

2015

ТОШКЕЛИНЧАК

Бизлардан бир-икки ёш катта Назар бақувват, чайир, куюқ қошлири чимирилган, қора кўзларида ўт чақнаб турадиган шижоатли йигитча эди. У жўрабошимиз бўлиб, ҳаммамиз нима деса итоат қилардик. Чунки ақлда ҳам, кучда ҳам бир пофона баланд туради-да. Бизлар чиқолмайдиган дараҳтлар устига бирпасда ўрлаб кетарди, баланд шохлари орасида кўринмай, ахийри қуш полапонини ёки тухумини олиб тушарди.

Ўзгириликда ва безорилиқда ҳам унга бас келадиган кимса йўқ. Кимнингдир товуғини ўғирлаб кетган ҳам шу Назар. Бирорининг итини урган ҳам шу. Бизга ўхшаган болалар бирор номаъқул иш қилсак, ҳаммадан дакки эшитардик, аммо ўша номаъкулни Назар қилса, катталар “Ҳа, энди” деб бош чайқаб қўяқолишарди.

Назарнинг отаси далада сувчи, онаси уйда, меҳнаткаш кишилар эдилар. Бизлар гоҳида ота онамиз буюрган ишларидан бўйин товласак ҳам, Назар сира ундей қилмасди, қайтанга, жон-жаҳди билан, берилиб бажаарди. Шу сабабли отаси ҳам, онаси ҳам уни жуда яхши кўришарди.

Ҳаммамиз эндиғина мүйлови сабза уриб, овози дүриллай бошлаган йигитчалар, синфдош қызларга ёки ёndoш синфдагиларга үзимизча гап отиб юрганимизга куларди.

Мускулларини ўйнатиб, гаплашиб турганларнинг ёнига келиб атай баланд овозда гапирап, сўкинар, бундан қизгина бечоранинг ўтакаси ёрилиб, шошапиша йўлига жўнаб қоларди. Атай даф қилгани учун унга қарши чиқишга ҳеч кимнинг шаҳди етмасди. Хуллас, бало эди бу Назар деганлари.

Отларга бир ирғишида миниб олар, гоҳо икки отни ёнма-ён чоптириб, биридан иккинчисига сакраб ўтар, тойларни арқонлашни яхши кўрарди. Унинг бақувват қўлларида асов тойлар тезда ювош тортиб қолар эдилар.

Ўн еттига кириб-кирмаган ўсмирларнинг деярли барчасининг кўз остига олиб қўйган қизи бўлади. Кўпинча қиз бехабар, уни талашиб ўзаро муштлашиб ҳам юришади.

Менинг ҳам танлаб қўйган қизим бор эди. Биргалашиб мактабдан қайтаётсак, лоп этиб олдимиздан Назар чиқиб қолишидан ҳадиксираб аланглаб бораардик.

Оталаримиз “Уйлантириб қўяман” деб пўписа килардилар. Мўйлов чиқиб овоз дўриллагач, шунаقا ҳазиллашишарди-да. У ҳазилга нима деб жавоб килишингният билмасдинг, кулиб қўяқолсанг бир дард, индамасанг бошқа бир дард. Ҳар ҳолда, шунаقا деб ҳазиллашган кишига қовоқ уйган маъкулроқ қўринарди.

Назар эса ҳазилга жавобан хохолаб куларди. Катталар билан бемалол, ўз тенгидай гаплашиб кетаверарди, биз эса улар қаршисида қисиниб-кимтиниброқ туришга одатланган эдик.

Биргина у шунаقا эди: ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган, мағрур, чақноқ, жасур Назар.

* * *

Бир куни тенгкурларимиздан бири ғалати гап то-
пип келди.

- Айтсам, оғзинг очилиб қолади.
- Қанака гап экан?
- Назар, – деди у, атрофига аланглаб. – Назар
биттасини яхши күриб қолибди.
- Йўғ-э, кимни?
- Ўзидан сўраёлмадим.
- Унда қайдан билдинг?
- Сой бўйида сувга термилиб ўтирибди, – деди у,
гапига ишонмаганимни кўриб. – Юр, ўзинг ҳам кўр.

Эргашиб боряпману худди Назарнинг аччиғи
чиқадигандай ўзимни ноқулай сезаман. Ниҳоят,
айтилган сув ёқасига келсак, ҳақиқатан ҳам Назар!
Сувга қараб ўтирибди.

Бизни сезиб, бошини буриб қаради. Нигоҳи ав-
валгидай эмас, шашти сўникрок.

- Ҳа? – деди қовоқ уйиб.
- Ўзимиз, айланиб, – дедик.
- Майли, бораверинглар, – деди жойига ўтириб.

Бизлар унинг дарров бир нима ўйлаб топиши-
ни, “Юр ҳамманг, ортимдан” деб балиқ тутишга
киришиб кетишини ёки зовур дўнгларидағи сувсар
инларига ўт ёқиб, жониворларни қўрқитишини кут-
ган эдик. Ундан бўлмади, туриб-туриб, изимизга
қайтдик.

Орадан бир неча кун ўтди.

Назарнинг кимни яхши кўриб қолгани маълум
бўлди: нариги кўчадаги Самад новчанинг қизи
Уммугулсум экан. Э, дедим ҳафсалам пир бўлиб.
Чўпдай озғин, сочи калта бир қиз-ку? Нимаси На-
зарни маҳлиё қилганини билолмас эдим.

Назар унга севги изҳор ҳам қилибди.

Қиз булоқ бошидан сув олиб уйига қайтаётган
екан, қараса, тол тагида турганмиш.

- Ҳой, тўхта, – дебди қизга.
Киз тўхтабди.
- Сен менга ёқасан, – дебди. – Сенга уйланаман!
- Э бор, тошингни тер, – дебди қиз. Назарнинг аччиғи чиқибди.
- Нима дединг?
- Тошингни тер, дедим, – дебди қиз ҳам. – Кет бу ердан! Кетмасанг, отамга айтиб бераман!
- Ҳе, ўша отангни!..

Ўша куни Назар қўшнининг ғўзапоясини ёқиб юборди, кейин Самаднинг сигирининг қорнига паншаха тиқиб олди. Дараҳтларнинг мевали катта шоҳларини синдириб-синдириб ташлади, кучукмушукларни урди. Бекор қилди, шу тўс-тўполон туфайли ҳамма Назарнинг севгисидан хабар топди.

Отасига ҳам, онасига ҳам гап қайтариб ташлабди.

Унинг важоҳатини кўрганлар индамас бўлдилар. Уммугулсумнинг акалари бор эди, ўшалар Назарни ургани келишибди.

Назар уларнинг олдига ҳайикмай, хотиржам чиқибди. Ерда ётган катта кетмонни олиб, сопини бир уриб синдирибди-да:

– Гулсумни акаси бўлганингиз учун индамайман. Аммо тез кетинглар, ҳозир белингизни мана шу кетмонсонидай синдириб кўяман, – дебди.

Шаҳдини кўрган акалар чўчиб, ўзларича бир-икки таҳдид қилган бўлишиб, ортга қайтишибди.

Воқеани энди бутун кишлоқ билар эди. Шу болага бир-икки оғиз гапириб, эпақага келтириб кўя оладиган кимса йўқмикин, дер эдилар. Назарни-я? Унга бирор нима дея олармиди? Бузоқни кўтариб шартта сувга отворган ҳам шу-ку? Бу бола кейинчалик ё ўлиб кетади ё катта одам бўлади, дер эдилар.

Булоқ бўйида Назарни ҳайдаб юборгани билан, қизнинг бир-икки дугонаси унинг ҳам Назарга бе-

эътибор эмаслигини айтишибди. Тўғри-да! Тегирмонга тушса бутун чиқадиган, шаҳду шиддати жисмiga сиғмай тошиб турган Назарга тегмасдан, кимга ҳам тегарди? Йўқни йўндирадиган, борни бор қиладиган бундай йигитга қайси қиз йўқ дейди? Ўн етти ёшида қайси қизнинг ақли кирибди, қайси қиз севги ҳаваслари билан чин мухаббатни ажрата олибди? Баҳорнинг ифор ислари тараалган илиқ кечаларида баҳтли-саодатли ҳаёт ҳакидаги орзулари оғушида ётар экан, ҳам Назарнинг севгиси бошини айлантирган, ҳам жиду жаҳдидан хайиқкан бўлса бордир. Нимасини айтасиз, лекин ишни қизнинг ота-онаси бузибди. “Ўлсин, шу болани кўрсам доим кўрқаман, қизим ҳам бир умр кўркиб яшасинми? Қачон қарама, соч-тирноғи ўсиб, ўзи пахмоқ бўлиб юради” деганидан кейин қиз бўйсунибди. “Ота-онам нима деса шу” деб тураверибди. Назар буни эшитгач, анча ўйланиб ўтирди. Кейин тирнокларини олиб, сал ўзига қараб юрса-да, қиз томон барибирам фикридан қайтмади.

Одамлар ишларини қўйиб Назарнинг килмишларини томоша қиласар бўлдилар. Қачонки унинг ҳайкирифи эшитилса, бир нимани бошлаган бўлиб чиқар эди. Уммугулсумнинг оиласи ўзига тўкроқ бўлгани учун Назарнинг оиласини менсимабди, “Кизимни тагли-тугли, ўқиган болага бераман” дебди.

Шунда Назар Муродни чакирибди.

– Вей, ўкишга қандай кирса бўлади?

– Қайси бирига?

– Билмадим, – дебди. – Қайси бирига бўлса ҳам.

Мурод кириш тартибини тушунтирибди.

– Сен менга ўша китобларни топиб бер, – дебди Назар. Мурод топиб берибди.

Кириш синовларигача анча-мунча вақт бор эди. Шу кунларда уни фақат китоб ўқиб ўтирган ҳолида

кўрдик. Ҳеч ким билан гаплашмади, ўқийверди. Синов куни кетди институтига, суюниб қайтиб ҳам келди, аввалги шўхликлари, шиддати яна барқ ургандай эди. То жавоблар чиққунига қадар шодон юрди. Жавоблар чиққач эса хомуш бўлиб қолди: киролмабди.

Бизлар ҳам ўз ҳаётимизда давом этардик. Кимлардир ўқишига кирди, кимлардир киролмай, қайлардандир иш топиши.

Назар эса... назардан қола бошлади.

Ишлагиси келмас, ҳафсаласи пир эди. Ҳеч қаерга сифмасди, кечалари дайдиб юраверарди. Орадан анча-мунча вақт ўтгани учун кишилар кўнишиб ҳам қолиши. Кучук ҳурса, бир нима тарақласа “Ҳа, Назардир-да” дейдиган бўлиши. Аввал хотинлар унинг устидан кулгани ботинмас эдилар, Назар сезиб қолса бўралаб сўкар ёки кесак ғириллатарди, энди эса индамас, парво қилмас бўлди.

– Йигит уйланса эси киради, дейишарди. Қаранг-а, қанақа безори бола эди, кўнгил қўйдию босилди-қолди, – дейишарди кишилар.

Уйидагилар уни-буни рўпара қилиб кўриши, қани кўнса? Ё уйга кириб бағрини ерга бериб ётволовди, ё қайгадир кетади. Тўқайлару далалар орасида юриб-юриб қайтиб келади.

Ўз кўнгил қўйган қизларимиз билан гоҳ-гоҳ бекитикча гаплашиб турганимизда, шу ҳолимизга шуқр қиласидиган, Назар гўё биздан кўра бахтсизроғу ўзимизни бахтлироқ ҳис қила бошлаган эдик. Назар эса тобора кучлироқ ёнарди севги оловида. Мисоли парвона эди, ўзини тинмай ўтга уради. Қизнинг кўчаларини айланиб юраверарди. Жонига тегса, шартта тўқайга кетворарди. Нимагадир одамлар йўқ жойларга кетарди.

У ёқларда нима қиласиди? Болалар бир-икки марта узокдан кўришибди: ҳеч нима қилмасдан тенти-

раб юраверар экан. Кимдир бўғилиб-бўғилиб йифлаганини ҳам кўрганини айтса-да, бирор ишонмади. Назар-а? Ҳар не бўлса бўлар, аммо Назар ийғлармиди?

Кейин яна бир гап эшилдиқ. Назар қизнинг отаси билан гаплашибди!

Бирорнинг қизини яхши кўриб қолган йигитнинг қиз отаси билан гаплашиши ақлга сиғадими? Лекин, у – Назар-да!

Самад новча ишидан қайтаётган экан, бир маҳал олдидан чиқибди.

Сочлари ўсиб кетган, кўзларида жунун ёлқинланиб турганмиш.

Самад новча ҳамма гапни сезибди, ўзича кўрмаганга олиб ўтиб кетмоқчи экан, Назар тўхтатиби.

– Ҳой Самад ака, – депти. – Қизингизни яхши кўриб қолганман. Усиз яшагим келмай қолди. Айтган хизматингизни қиласман, шу қизингизни менга берсангиз бас.

Ота уни бошини эгиб туришини кўриб, баланддан келиб койибди:

– Қанака одобсиз боласан? Юриш-туришингни қара, турқингни қара. Олдимга чиқиб безрайиб айтган гапингни қара, ким тарбия берган сенга ўзи?

Шунда Назар дебди:

– Менга ўдағайлама. Ота бўлсанг ўзингга. Хурматингни қилиб, эл қатори қизингни сўрадим, нимангга дўқ урасан? Ҳозир жағингни иккига айириб кўяман!

Хулласки, яна бўлмапти.

Рухи кўз ўнгимизда сўниб бормоқда эди. Кўрсангиз, аввалги Назардан асар ҳам қолмаган, юриштуришидаги шиддати йўқолган, ҳардамхаёл, бир ўзига келиб атрофга алангласа, бир хаёллари ичига ғарқ бўлиб кетадиган йигитга айланиб бормоқда

эди. Насиҳатлар, ўгитлар, мисоллар кор қилмас бўлди.

Ниҳоят, бир маҳаллар калтакдан чўчиб қайтиб кетган акалар яна бир бора журъат қилиб, олдидан чиқиб роса савалashiбди.

Назар бу сафар индамабди. Гап ҳам қайтармабди. Жим тураверибди. Калтак зарбидан ерга йикилганида ғужанак бўлиб олибди. Акалар ўзларича бир ишни қойиллатган каби, ётган жойида ҳам бир-икки тепишибди, кейин “Яна у-бу десанг, ўласан” деб пўписа қилиб жўнашибди.

У томон ахвол шундай давом этаерса, яхшилик билан тугамаслигини билиб, шошилинчда қизларини узатиш пайига тушишди. Аслида ҳар доим рўй берадиган воқеа эмасми бу? Қиз узатилиб, Назар ҳам уйланақолса – олам гулистон, шу билан ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Аммо, қанийди Назарни кўндириб бўлса? Бу совчилар ҳам аввалгилари каби Назардан ҳайиқишибди, анави телба яна бир балони бошлаб юрмасмикин, деб ташвиш билдиришибди. Ниҳоят, ишни ими-жимида битиришга келишиб олишибди.

Қиз эса “Отам нима деса шу” деб турганмиш. Назардан гапиришса, индамасмишу аммо қўзидан ёши дув-дув оқиб кетаверармиш.

“Қиз бола йиғлайди-да, – дейишибди амма-холалари. – Бу умр савдоси, эрга тегаётганида йиғламаган қиз бор эканми?”

Бир куни ўша амма-холалари билан бозордан қайтиб келишаётса, Назар олдиларидан чиқибди.

– Ҳой, жон болам, қўйинг, кетинг энди, – дебди хотинларнинг ёши каттароғи. – Нима қиласиз бечорани қийнаб? Оғзидан қора қонини келтирдингиз-ку қиз шўрликни?

Шунда Назар шунақанги гапларни гапирибдики, ҳамма ҳайрон қолибди.

– Ахир, мен сен билан биттә бўлиб қолганман-ку, қандай қилиб кетай, – дермиш.

– Ахир, кўзим сендан бошқани кўрмайди-ку? Шафакни рангига қарасам ҳам сени кўраман. Ойга қарасам ҳам, куёшга қарасам ҳам сени кўраман.

Қайга боқсам, сен борсан.

Сенсиз мен куп-қуруқ ғилоф бўлиб қоламан-ку, ахир, ичим сен билан лиммо-лим тўлган-ку?

Юришиングни, кулишиングни, қовоқ уйишиングни ҳеч кимга ўхшатолмайман-ку? Кўча-кўйда зор бўлиб қоламан-ку сенга?

Билсанг, ҳатто итинг бўлиб қолишни орзу қила-ман-ку, ўша ит ҳам мендан кўра тузукроқ, тепсанг ҳам, урсанг ҳам мендан баҳтлироқ дея?

Сен... нима қилиб қўйдинг... мени? – дермиш.

– Эҳ-хе, каранглар, – дейишишарди кишилар. – Му-хаббат ҳам одамни шунчалар хор қиласдими?

– Ҳой, эркаксан-ку? – дейишишибди унга. – Ўзини қўлга ол, номусинг йўқми?

– Номус нима ўзи? – дебди.

– Ҳой бадбаҳтлар, тушуняпсизларми, усиз яшай олмайман ахир!

Шундай деб йиғлаб юборибди Назар.

– Ҳе ўл, – дейишишибди кишилар, ботирланиб. – Кўзингни ёшини оқизишга уялмаганингни қара.

– Жон оғалар, бир нима қилинглар, – дермиш Назар. – Худонинг тақдири шу экан, қандай қилиб бузишга ақлим етмаяпти. Сизлар ёрдам беринглар, ахир?

– Сенга қандай ёрдам берардик, ўзи истамай турган бўлса?

– Нима қилсам рози бўларкин? – дея тирнокларини тишлаб-тишлаб гапиравмиш Назар. – Нима қилсам, менга у совуқ, ёқтирас нигоҳи билан қарамас экан? Нима қилсам бир дам тўхтаб, гапимга кулоқ солар экан?

– Ҳеч нима қилолмайсан, – дейишибди одамлар.
– Ҳа, тўғри айтдинг. У тақдирни Худо яратди, бузолармидинг?

* * *

Ниҳоят, хавотирлару ташвишлар аро тўй ҳам бўлиб ўтди.

Одамлар Назар жунбушга келиб тўйни бузади деб ўйлашган, паҳлавон акалару жўралар қўр тўкиб, тўйхона атрофини айланиб кезишган эди. Йўқ, Назар келмади. Ўша куниям, эртасигаям, индинигаям уни бирор кўрмади.

Ҳофиз “Тўйлар муборак”ни айтганида, давра шоён қизиди.

*Тўйлар муборак,
эй ёри жоним,
Тўёна бўлсин-а
тан бирла жоним...*

Тавба, битта жону бир таним борийди, шуни энди сен олақол, деганими бу? Бу дунёда кезиб юрищимнинг ҳеч маъниси қолмади, ҳар иккиси ҳам тўйингга тўёна бўлақолсин, деганими бу?

Кишилар шундагина неча йиллардан бери эшитиб юрганлари шу қўшиқнинг аслида жуда дардли эканига эътибор беришди:

*Ойдек юзингни
кўргони келдим,
Ҳасрат ўтида-ё
куйгони келдим...*

Ҳам ҳасратли, ҳам шодон, ўзи йўқ ошиқ тилидан айтилаётгандай бу қўшиқ шу тарзда тўйхона узра мавжланиб қанот қокаверди, Ҳамма ўйнаб-кулгани келган, вақтичоғлик килишни истарди, Назар бирорнинг эсига ё келди, ё келмади. “Борган жойингга

тошдай тушгин. Тошдай тушгину тошдай қолгин” деган тилаклар айтилди.

Қишлоқнинг юқори қисмида теварагида жингулу чакалаклар ўсган Тошкелинчак деган қаровсиз бир жой бор эди. У асли тош эмас, суйганига етолмасдан, одамлардан қочиб бориб тошга айланиб қолган бир келинчак дер эдилар. Назар ўша жойда тунни ўтказибди.

Кўшиқчига ҳам бир нима бўлганми? Назар Тошкелинчакда бағрини ерга бериб ётаверди-ю, бу ёқда барча алёрлар Назар тилидан айтилаверди:

*Бу мусофир дашибида ҳар дам тумошиб ёнаман,
Ҳар қаён борсам бу кун, йўлдан адошиб бораман.*

*На отам бор, на онам, ҳеч кишиим йўқдир манинг,
Ҳар таги деворларда зору саргардонаман.*

*Не гуноҳ қилдим, Худо, дунёда мен бўлдим ғариб,
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.*

*Доғлаб қўйди юракни бу фалакнинг гардиши,
Қисматим шундоқ экан, мен жумладин бегонаман.*

Тошкелинчакнинг Уммугулсумга нима дахли бор? Ота-она иродасига бўйсуниб, бошқа бир хона-донга палахмон тошидай отилиб кетаётган бўлса? Шу куни Назарнинг илинж гавҳари ҳам тошга урилгандай чил-чил синди, шодон давра унинг ҳолидан кейинроқ ҳабар топди.

Ҳаҳ қизгина-я, ота-онангни гапларига қарамасдан, шу Назарга тегиб қўяқолсанг, осмон узилиб, ерга тушармиди? Сени еру кўкка ишонмай, умрини охиригача авайлаб ўтмасмиди, тош келса кемириб, сув келса симирмасмиди?

Тўйдан анча вакт ўтгач, уни яна Уммугулсумларнинг уйи кўчасида кўришибди. Яқинлашиб бо-

раверса, қиз хонадонининг кучуги югуриб чиқиб, оёқларига суйканибди, бошини ишқаб ангиллабди, шу-шу, ёнидан сира кетмас, изидан қолмас бўлибди. Қайга борса лўкиллаб борармиш, ўтирса ўтирармиш, юрса юрармиш.

Назар кўчанинг катта йўлга туташадиган ерида соатлаб тураверибди, Уммугулсум боласини етаклаб келишини пойлабди.

Уммугулсум келсаям, унга қарамай ўтибди. Назар ҳам қарамабди, аммо юзи тўсатдан яшнаб, худди сув остида узоқ қолиб ҳавога чиққандай ютоқиб нафас олармиш.

Ўшанда жунуни қайтибди, росмана одам бўлиб қолибди. Кейин Уммугулсум ўтган йўлларга интизор-интизор термилиб, кумоқ йўлда қолган иккита изга тегиб кетмаслик учун эҳтиёт бўлиб, ёнида бир-бир одимлабди: бири бежирим, иккинчиси – миттигина изча.

Ҳа, бўлар иш бўлиб, бўёғи сингди, энди орадан қанчадир вақт ўтгач, ҳар нарса ўз маромига тушади, деб ўйлаган эдик. Ахир, “Ўламан, саттор” деб дунёни бузишга чоғланган не-не кишиларни измига солмаган у? Уммугулсум ўз рўзғорида бола-чақали бўлиб яшаб кетади, Назар ҳам юриб-юриб, ахийри бир кун уйланадию хаёт ўз ўзанига тушади, деган эдик.

Воқеа шу билан тугаса майлийди. Аммо ҳаёт турли тасодифу балоларни киши бошига кутилмаганда солар экан. Ҳар ким ўз иши билан овора бўлиб юргани маҳал, бир куни Уммугулсум иккинчи боласини туғолмай оламдан ўтибди, деган хабар келди.

Фалакнинг ёзуғини кўринг! Куёв тараф “Келин эмас, қиз бўлиб тушган эди, келинлик уйидан чиқарамиз” деса, ота тараф “Туғилиб-ўсган уйи ватани бўлади, ўз уйидан чиқарайлик” деб торти-

шиб қолиши. Нихоят, ўз уйидан чиқаришга рози бўлиши.

Келган ҳам, кетган ҳам ачинар эди Уммугулсумга. Шўрлик, ҳаётга келиб нима кўрди? Гулдай очилган эди, гулдайлигича кетди-я!

Таъзия-маросимларга Назар ҳам келди. Одамлар тўпланмасидан дарвозахона ёнига туриб олар, издиҳом узилгунча қимиrlамас эди. Фотиха ўқилса дуога қўл очмас, бирорлар билан гаплашмас, жим турарди, холос.

Таъзияга биз ҳам бордик, унга бир нима дейишга сўз тополмай, кўришиб, ўтиб кетавердик.

Энди Назарни кўрган одам Назар демасди. Ҳақиқатан ҳам, бу тана ичидағи Назар қайгадир кетиб қолгандай, кўриниши Назару ичи бўм-бўшдай эди. Кўзлари ҳам бўм-бўш, теварагига қайрилиб қарамасди, ўз дунёсига ғарқ бўлиб, боши оқкан томонга кетаверарди.

Теварагида жингулу чакалаклар ўсган ўша Тошкелинчакка бориб, тошга ўтириб оларди.

Телбага ўхшардиюammo телба деб бўлмасди. Эс-хуши жойида, ammo у малакнинг сехри аклини чулғаган эди-да.

Не қисматки, малак энди йўқ эди!

Ха, энди унга ҳеч ким тегмай кўйди. Бирор сўз ҳам қотмади. Ўз ихтиёрича, нима қилгиси келса шуни қилиб юраверди. Парвардигори Олам шу бандасининг жонини олмади, у яна анча яшади. Аммо буни яшаш деб бўлармиди? Рухи ҳақиқатан ҳам Уммугулсум билан бирга кўмилгандай эди.

Умр сувдай оқаверди. Тенгкурларнинг кўпи болачали бўлиб, кап-катта кишиларга айланишиди. Уммугулсум дунёдан ўтгач, Назарнинг ҳам қадру қиймати қолмади, кишилардан узоклашиб, биз билган сиймоси хиралашиб, тобора афсонага кўмилиб бораверди.

Маросимларга, гап-гаштакларга келиб қоларди.
Маросимда кексалар хуш күрадиган сўзлар айтилса,
жон қулоги билан тингларди:

У нимадир, хаволарда дўланган?
У нимадир, ер юзини сув олган?
У нимадир, сув ичида жони бор?
У нимадир, пўсти йўгу дони бор?

– У менман, ҳой одамлар, – дер эди Назар. –
Менман-ку ахир?

Ривоят эса давом этаверарди:
У нимадир, яшил-қизил ўсадир?
У нимадир, оёги йўқ кезадир?
У нимадир, етти дарё сузадир?
У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?
У нимадир, қаноти бор, қони йўқ?
У нимадир, одам ютар, жони йўқ?
У нимадир, емадилар, тўйдилар?
У нимадир, қиёматга қўйдилар?

Мана шу ерга келганида Назар ҳўнграб-ҳўнграб
йиғлар эди.

* * *

Паҳлавон Назар ҳикояси мана шу.

У маҳалдан бери кўп сувлар оққан, кўп нарсалар
унут бўлган. Аммо Назар ўтирган тош ҳалиям бор,
оёқларининг изи шундоққина турибди.

Айтадиларки, Назар мана шу ерда, Тошкелинчак
қабри ёнида жонини ҳаққа топширган экан.

Уммугулсум ўтганидан кейин Назар келиб
ўтирган жойлар хозир зиёратгоҳ. Одамлар ке-
либ у ердаги бодомга латталар бойлашади, дуолар
килишади.

Ҳикоя шу билан тугаса-ку майлийди, аммо ҳали
яна бир гап бор.

Назарни дала-даштда итини эргаштириб юрганини кўришган эмиш. Ҳар замонда Уммугулсумнинг қабри тепасига келганини, бошида кунлаб ўтирганини айтишади. Уни Уммугулсумнинг эри ҳам, қариндошлари ҳам ҳайдашмабди, зора шунинг дуоси тегсаю марҳумага савоб етса, деб индамай қўйиб беришибди.

Индамай қўйиб беришибди деймиз-у... Аслида бу кишилар учун шуям катта нарса. Ҳаётда эканида қўйиб беришмади-ку? Шунга қарамасдан, Уммугулсум ўтганидан кейин ҳам Назарга гўё катта яхшилик килишаётгандай мамнун кетишганига нима дейсиз?

Назар ҳақидаги гап-сўзлар эл орасида ҳалиям бор.

Ҳа, бу – мана шундай қайғули, ҳасратли ишқ доистонидир. Аслида қайси бир ишқ достони қайғули ва ҳасратли бўлмаган? Қайси ишқ шодликлару қувончларни етаклаб келибдики, бу етаклаб келсин? Қачонки ишқ оташи туташса, одам сўзона бўлади. Жигари лахта-лахта қон бўлади. Индамаса, ичи ловлов ёнади. Айтай деса, тили куяди, айтмай деса, дили...

Ишқсизлар эса, тўсатдан Назарнинг ҳасратларини ифодалай бошлаган ўша ажойиб қўшиқ остида, тўйтўйчиқларда дастурхондаги нарсалардан bemalol eb-ичиб, маза қилиб яйрашади.

Битта Назар йўқ.

Битта Уммугулсум йўқ.

* * *

Тошкелинчак, қалби тош келинчак ҳикояси – мана шу.

Қишлоқдан чиқаверишда, бепоён далалар орасида у зиёратгоҳ ҳалиям бор. Бир қисми ҳозир чойхонага айланган, баъзи кишилар ўша жойга келиб, базму жамшид қилиб ўтиришади.

Зиёратгоҳ ёнидан катта йўл ўтган, бир ёғи Ўшдан Эргаштомга, бу ёғи Қамчик довони оралаб Тошкентдан Қозоғистоннинг бепоён чўлларига қараб кетади. Турли-туман узун-қисқа аробалар қатнови бир зум бўлсин тинмайди.

Эй яхшилар! Мабодо ўша ёққа йўлингиз тушиб қолса, Тошкелинчак олдида озгина тин олинг. Булоғидан бир ютум сув ичиб, Назару Уммугулсум ҳақига дуо қилиб ўтинг.

Шояд, савоби тегса ажабмас.

2015

ШАМОЛЛИ КЕЧА

*“Етим бола, ҳой бола,
Синглинг қани, бой бола?..”*

Р. Раҳмат

Данғаранинг даштида, шамолли кечада ака ва сингил бувилариникига кетиб боришлоқда эди.

Коронғи туша бошлаган бўлса-да, ҳали теваракни энлаб улгурмаган маҳал.

Қарама-қаршидан эсаётган шамол шиддати остида оч кулранг тусли нотаниш буталар ёввойи ис таратиб юлқинар, кўтарилган чанг тўзон иси ҳам теваракни тутиб кетган эди. Йўл четидаги оқиш жийдаларнинг шохлари узилгудай бўлиб юлқинарди. Қамишлар синиб кетган пояларини тиклолмай шовулларди, ҳавода тўзон ва қамиш попилтириқлари чирпирак бўлиб учарди.

Ака олдинроқда, бакувват бир таёқ тутганча, ерни ура-ура одимларди. У аввалига синглисининг қўлидан тутиб олди, бироқ эски хазонлар ва майдахас чўплар қуюн чирпирагида кўзига тикилиб каттиқ ачиштирганида кўлласини қўйиб юборди. Ҳозир қизалоқ акасининг ортидан чопқиллаб

борар, шамол гулдор кўйлакчасиниу рўмолини юлқиларди. Почасидан ингичка оёқчалари кўриниб турарди, икки ўрим ёввойи сочи кичкинагина гулдор рўмоли остидан чиқиб қолган, акамдан қолиб кетмай деб деярли югуриб бораётганди. Шамол уфуришлари остида олдинга хиёл энкайиб, кўйлаги гоҳо елкан каби шишиб қадам ташлаётган акаси кўзига ҳеч нарсадан кўркмайдиган ғоят кучли, юракли ботир бўлиб кўринар эди.

Шамол эса гоҳ ер бетига тушиб, гоҳ юксакларга кўтарилиб ғувиллаб эсарди.

Шамол бу маконларда тўсатдан кўзғалади. Тоғ ораларида етилиб, ўнгирлар орасидан ўкириб-ваҳшат солиб чиқиб келади. Қишлоқларнинг наридан-бери оҳакланган деворларидаги чангларни учириб, томларнинг кумларини сочиб, кўча тупроғини тўзғатиб-тўзғитиб эсаверади. Маккапояларни ағанатади, кир ўраларда ҳуштак чалади, сувларни чайқатади, тепаларда ғувиллайди, пастга тушганида чеҳакларни чўпсаватларни ағанатиб юмалатиб юборади. Дала-даштдаги юмрон инларини кум билан кўмади, овсарроқ кушлар курган уяларни тамомила бузиб ташлаганида жажжи полапончалари чирқиллаганча ерга қулаб тушиб, ваҳший ҳайвонларга ем бўлишади.

– Ака, секинроқ!

– Тез-тез юр дедим!

– Ака, жон ака, секинроқ юр, етолмаяпман ахир!

Минглар ортда қолиб кетган, у ёфи Даштқишлоқ. Даштқишлоқда болаларнинг бувиси яшайди. Бу икковлон шу бугун бувиникида ётиб қолиш учун йўлга чиқишиган.

Буларнинг онаси йўқ, бир неча йил аввал касал бўлиб оламдан ўтиб кетган. Баланд бўйли, келишимли, ёқимли аёл эди. Болаларига жуда меҳрибон, болалар ҳам уни жуда яхши кўришарди. Қип-қизил,

сингиб пишган нонлар ёпарди... Азбаройи аёлининг ҳурмати, ота анчагача уйланмай юрди, ҳар куни эрталаб сахар чиқиб кетиб, шом қорайганида гандиралай-гандиралай кириб келардии болалирини қучоклаб, кўзларидан сариқ ўшлари оқканча бир нималарни ғўлдирай-ғўлдирай ахийри ухлаб қоларди. Бир неча ой шу алфозда кечди, шунда бувилари жонга ора кирди, қаровсиз қолган болаларни ўз уйига бот-бот опкетадиган бўлди. Ниҳоят, ота тўнғиллай-тўнғиллай, бирорларнинг қистови билан Чомочдан бир бева аёлга уйланди. Бу бева хастаҳол, озғин, кўп жаврайдиган бир хотин эди. Йил ўтмай ингичка, ранги синиққан, озиб-тўзган бир бола туғди.

Ака-сингил у чақалоқдан, бегонасирашади, ёзғиришади. Шу сабаб, ховлиниг ишларини саронжомлагач, кўпинча бувилариникига ётгани кетиб қолишади. Бувининг уйи оддий, кичкина, аммо осойишталикка тўла. Ҳавоси сарин, ёқими. Лойсувок токчада беҳи чой дамланган туради. Сандал устида қурутлар, туршаклар, вассаларга беҳи, олма, анор, узум бошлари осилган. Вассаларнинг сони тўқсон тўққизта. Яна, жийда исиям кептуради.

Бугун шамол қўзғалмасидан аввал болалар уй ишларини бажариб улгуришди. Ота далада, бола мол-ҳолга қараб, ўтиналарни ғамлади, қизалоқ эса катта қозонда сув иситиб, тандирдаги кулдан қўшиб кир ювди, дорга қаторлаштириб осди, хоналарни супириб-сириб, эски шолчаларни ташқарига опчикиб қоқди. Ўгай ука нимагадир тинмай чириллаб йиғлагани-йиғлаган. Ўгай она эса чақалогининг бошидан келолмайди, думба ёғини докага ўраб шимдиради, бола чиқариб ташлаб яна чириллайди.

Шамол ана ўша маҳалда қўзғала бошлади. Унинг зўрайиши ўзига хос: аввалига экинзорлару дарахтларни силкитиб-силкитиб гоҳ-гоҳ шиддат

уриб турди, пайдар-пай эсиб, тандирнинг кулларини тўзғитди, кир ўраларнинг зангор сувларини чайқатди. Ака-сингил эрталабданоқ бувиникига кетамиз деб аҳд қилиб қўйишган, чунки чақалоқни қарғаб жавранаётган куйинчак бу аёл жонларига теккан. Юмушлар битгунича вақт ҳам кеч бўлди, тоғу тош тепасида қорамтири булутлар тўпланиб, кўкни энлаб кела бошлади. Бирпасда тўзонлар учди, кўчанинг тупроғини тўзғитиб деразаларга олиб келиб урди.

Мана шу маҳалда икковлон қўл ушлашиб уйдан чиқишида-да, бувиникига йўл олишди.

* * *

...Ҳаво булут бўлгани учун шом эртароқ қўнди. Сўқмоқ йўлнинг бир томонида ёввойи дараҳтзор, бир томонда тўқай бошланди.

Шамол янада кучлироқ эсаверди.

У осмондаги булутларни ҳам шитоб билан суриб бораради. Булутлар тўда-тўда бўлиб уйилар, гоҳ оралари очилиб, бўзранг ойнинг бир чети ҳам кўринарди. Балки бир оздан кейин ёмғири жала қўйиб юборар? Гоҳ булут ораларидан ой мўраглаганида теварак ёришар, шунда шамолнинг қилмишлари янада яққолроқ кўзга ташланар, атроф эгилиб-букилаёган дов-дараҳт, шох-шабба товушларига тўлиб кетган эди.

- Ака, қўрқиб кетяпман!
- Қўрқма, нимадан қўрқасан?
- Ака, сен қўрқмайсан-а?
- Йўқ, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман!

Шу маҳал қизгина оёғи аллақандай илдизга илашиб йиқилиб тушди. “Вой ўлай”, деб ҳадик ва қўрқув аралаш ўша заҳоти акасига қаради. Ака ортига қарамай кетиб бормоқда. Озгин елкаси-

нигина кўради қизалоқ, энсасидаги сочи шамолда юлқинади. Қизгина апил-тапил ўрнидан туриб, кўйлагини икки қўли билан тутганча яна акасининг ортидан чопди. Акаси ҳаммадан кучли, кўркмас йигит. Ана, қўлида таёғи, шамолда юлқина-юлқина адл кетиб бораётир.

Бу қизгинани Нозик дейдилар. Икки юзи бўғриқкан, кўлчаларию бармоқчалари қадокли, кафтлари қаварган, лекин қийикқа мойил қора кўзчалари кулиб-кулиб турадиган ёқимтой қизалоқ у. Нозик исмини бувиси қўйган. Онаси эса уни Назокат деб чакиради. Холалари уни Латофат дейдилар. Дугоналари Нози десалар, аммалари Гўзал дейдилар... Қизгинанинг ёқимтойлиги раҳматли онасига тортган.

Яна, ўзига ўхшаган жамалаксоч қизалоқлар билан тўптош ўйнарди, гоҳо латтадан қўғирчоқ ясад, боласини овутарди. “Вой жоним болажоним, очқаб кетдингми?” деб ўзича меҳрибончилик кўрсатганида, акаси уни масхара қилиб кулар эди. Қизгиналар кичкина чўпларни бир-бирига бойлаб, бир бўлак матони кийим қилиб кийдириб “меҳмон-меҳмон” ҳам ўйнашарди. Сумалак маҳали тортина-тортина, катта хотинларнинг “бўл ҳа бўл, уялмайгина қол” дейишлари остида улкан капгирни қозонга ботириб, нечта тош чиқишиниям кўради, беш-олтита тош чиқиб қолса уялганидан қочиб ҳам кетар эди.

Лекин хозир у саросимада, гоҳ митти қўлчаларини ёшиб, гоҳ шамол юлқилаётган кўйлагини тутиб, акасининг ортидан чопиб-чопқиллаб бормоқда.

Ака дўқ ургани билан, ўзи кўркувдан дир-дир титраётганини сингилга сездирмади. Поёнсиз даштда, шамолли кечада мана шундай боришияптию кишилар орасида оғиздан оғизга ўтиб юрадиган ҳамма ваҳимали нарсалар хозир шамол қаъридан чиқиб ке-

ладигандай туюлмоқда эди. Пастак нотаниш буталар остида ёвуз жинлар бўлиши мумкин, улар шунаقا шамолли кечаларда ёлғиз қолиб кетгандарни пойлаб изғишиди. Шовуллаётган корамтири даражатларнинг устидан қилич кўтарган қора одам тушиб келишиям мумкин. Ҳўй авави хароба – кимсасиз эски мачит ичида дев кутиб турган бўлса-чи? Ҳа, кимлардир йўл устидаги ҳозир нозир, бу суронда бирор қичқирсаям эштилмайди, ҳаммаёкни табиатнинг нолалари тутиб кетган маҳалда йўлларда, даражатлар остида мана шунаقا бемаҳалда йўлга чиққан йўлчиларни адаштириб кетишиди. Адашганларнинг баъзилари қишлоққа сира қайтишмайди, уларни кейинчалик ҳам бирор кўрмайди, гоҳо кимдир қандайдир тасодиф сабаб қайтиб келса ҳам эсдан оғиб, оғиз-бурни кийшайиб қолган бўлади.

Шундай маҳалларда ваҳималар гирдобида адашиб кетгандарнинг нималарни кўришганинию нимадан бунча қаттиқ кўрқишганиният бирор билмайди. Ўзлари эса, айтиб беришолмайди.

* * *

...Ой булатлар остига яна кириб кетди. Тўлқин-тўлқин булатлар кўк юзини тамомила қоплаб олди.

- Ака!
- Юрсангчи тез-тез, “ака” ламасдан!
- Ака!..
- Э, нима дейсан?
- Акажон!..

Шамол баттар шиддат уради. Шунда даражатларнинг кўланкаларига жон киргандай бўлди. Бир бута ўрнидан илкис кўзғалиб йўл устига ташланди. Юмюмалоқ каттакон бир нарса шундоқ ёнгинасидан юмалаб ўтиб қамишлар орасига кириб кетди. Аканинг эсига бувисининг эртакларидаги даҳшатлар келди, гўё бу аллақайси жодугарнинг кесилган

боши-ю “Ҳап саними!” дея кимнидир яний-яний юмалаб бориб чукурга тушиб кетгандай! Дараҳтлар шохларини чўзиб, ёлғизоёқ йўлга яқинлашиб кела бошлашди. Аканинг юzlари музлаб кетди, Аксига олиб узокларда чироқ ҳам кўринмайди. Чунки кишлоқдаги чироқлар шамолда ўчиб қолади. Ўт чиқиб кетмасин деб шам ҳам ёқмайдилар. Кўйкўзиларнинг баърашларинио кучукларнинг вовуллашларини шамол учирив кетади.

– Ака, акажон!..

Йигитча йўқдан бино бўлган кўркувини енгишга уринардию шу шамол остида чайқала-чайқала, тиззалири дир-дир қалтираб қадам ташлар эди. Жонҳолатда югуриб қочгиси келарди. Лекин, қаёққа? Бувининг қишлоғигача анча бор, теварак юлқинаётган, шитирилаётган, ингранаётган дараҳтлару буталарга тўла. Тўқайзорда ваҳший хайвонлар ҳам бўлиши мумкин. У таёнини янада маҳкам қисимлаб олди. Озгина юришса, бувининг қишлоғига етиб олишади. Дашту далалар узра ғувиллаётган бу шамол ҳозир, шу паллада кўркинчли холос. Эртага тонг отса, сира кўркинчли бўлмай қолади. Ҳозир ўтаётган ерларидан эртага кундузи ўтса, ҳамма нарса тинчланиб-сокинлашган бўлади. Лекин, ҳозир нега бу қадар кўркув уйғотаётир? Коронғи бўлгани учунми? Ҳа, коронғида нарсаларнинг кўринишлари ўзгариб кетади, ваҳима кучаяди. Аслида йўлга чиқишимса бўлар экан. Нимагаям чиқиши? Ўгай онанинг ёнида, чақалоқнинг бигиллашию отанинг тўнғиллаши остида бўлсаям тинчгина ухлагани яхшимасми? Яхшиси айвонда, кўрпага бурканиб олиб шамол овозига қулоқ солиб ухлайверарди. Шамолда теракларнинг қарсиллаб синишини эшитиб ётиш мазза... Бу даштдан ҳам қарсиллаётган овозлар келмоқда, балки қанақадир дараҳтларнинг шохлари синаётган-

дир? Буталар мустаҳкам, бари ер бағирлаб қолган, қайишқоқ, даштнинг буталари шамолга мослашиб кетишиган.

Хеч бўлмаса ой булутлар остига кириб кетмай турсайди. Лекин ой чикса, вахима яна кучаяди. Ой ёғдусида даштда нималардир ҳаракатланаётгандай туюлади. Юрак яна шувиллаб кетади. Тезроқ, тезроқ юриб бувиникига етиб олиш керак. Адаштирувчилар балки ростдан ҳам бордир? Нега бўлмаса кап-катта одамлар уларни гапириб юришади?

Йигитча шу тарз қадамини илдамлатиб, деярли югуриб бормоқда эди. Қамишлар орасида бир нималар қаттиқ шитирларди. Балки у ерда ҳам қанакадир ваҳший ҳайвонлар қулай пайт пойлаб югуриб боришаётгандир? Тезроқ бувиникига етиб олишсайди...

* * *

...Нихоят, қишлоқнинг дараҳтзорлари қорайиб кўринди. Шамол янада авжига чиқсан, дараҳтларнинг қуриган шохлари бу ерда ҳам қарсиллаб синарди. Чапдаги зовурнинг дўнглари устида бўғиқ хуштак чала бошлади. Қишлоқда овозлар ўзгача, даштдаги каби ёввойи, ҳуркитувчи эмас. Бу ерда ҳам нималардир тарақлаяпти, кимнингдир эшиги шамолда очилиб-ёпилиб ғийқиллаяпти, кучук воуллаши ёшлияпти.

Тупроғи тўзғиб ётган кўчадан деярли чопиб борар эди йигитча. Хеч қаерда чироқ йўқ, хўв наридаги баъзи уйларнинг кичкина деразаларида шам алангаси липилламоқда. У уйдаги кишилар балки ҳозир бамайлихотир гурунглашиб ўтиришгандир? Йигитчанинг юраги қинига сифмай ура кетди, ичичидан ғалати, ёввойи севинч кўтарилиб келди. У қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, нафаси тиқилиб-тиқилиб куларди ... Нихоят, бувининг эски уйига

етиб келди. Ичкари томонидан зулфини илинган эшик ҳам шамолда тақирламоқда эди, елкаси билан қаттиқ урган эди, очилиб кетди.

– Буви-и! Буви-и! – деб овоз берди у.

– Вой хайрият-эй! Вой худога шукур-эй! – салдан кейин шамолнинг увиллашлари аро одам товуши келишини ишониб-ишонқирамай кутиб ўтирган буви калишини апил-тапил киясола, чиқиб келди. – Эсон-омон этиб келволдиларингми, болажонларим, қўрқиб кетмадиларингми?

– Йўғ-э, нима деяпсиз, шамолданам қўрқаманми? – деди йигитча кеккайиб. Юрагидаги ёввойи кувонч ва хотиржамлик энди унда ўсмириона ғуур үйғотди. Қўркуви чекинган, бояги ваҳималари кулгилию бемаъни туюла бошлади.

– Вой, бувинг чўри, ботиримдан ўргилай! – деди буви.

Сўнг, чиқаётган жойида тўсатдан тўхтаб, саросималаниб сўради:

– Хой ўлгур, синглинг қани?

Йигитчанинг юзидаги баҳтиёрлик ифодаси бирданига ғойиб бўлди, гўё у ифодани ҳам шамол учирив кетгандай эди. Ҳангуманг бўлиб ортига аланглади.

Сингил йўқ эди!

– Йигит бўлмай ўл, Нози қани?

Нарироқда, эгилиб-букилаётган дарахтлар остида ҳам, хозир ой хира ёритиб турган тупроқ йўлда ҳам қизалоқ қўринмас эди.

Боягина “ака-ака”лаб чопқиллаб ортидан келаётган эди-ку? Кичкина гулдор рўмоли остидан икки ўрим ёввойи сочи тиккайиб чиқиб турган эди-ку? Почаларидан ингичка оёқчалари қўрина-қўрина, гоҳ теваракка “вой ўлмасам” дея аланглаб-аланглаб, гоҳ акасининг кучу қудратидан болаларча мағуруланиб-фаҳрланиб, кўйлакчасини шамол юлқилай-юлқилай

чопиб-чопиб келаётганди-ку? Қани қизалоқ? Қай ерда қолиб кетди у?

Кўчалар, боғлар, юлқиниб-силкинаётган бу маконлар бўм-бўш, фақатгина шамол – одам яшамайдиган узоқ тоғларнинг ёлғиз қоялари орасидан чиқиб келган мана шу ваҳший шамолгина бутун олам узра ёйилиб-сочилиб шиддат урмоқда эди, холос.

* * *

Дангаранинг шамоли – баҳайбат тоғ ораларидан кўзга кўринмас бениҳоя улкан махлук сингари чиқиб келган шу шамол ўкириб-пишқириб роса эсади!

Шу туришда у ҳозир Қирқлар, Минглар, Аравон, Жилва, Чомоч, Сойлар, Найман, Беговот каби юзлаб қишлоқлар устида тўзон ва қум сочиб ваҳшат солиб, чунон ўкириб-ўкириб ўтди-ки!

Дараҳт ораларини айланиб-айланиб эсишида нола оҳанглари борга ўхшарди. Куч ва қудратини инсонларнинг омонат маконлари узра намоён қила-қила, гоҳ бўзлай-бўзлай, гоҳ нолон-нолон, гоҳо эса исён ила қичкира-қичкира, шиддати пасайганида эса инграна-инграна эсаверди.

Унинг эсишида бошқа маънолар ҳам борга ўхшарди.

“Етим бола” деб овоз чиқарди у томорқалар уст�다.

Айқаш-уйқаш бўлиб синиб кетган жухоризорлар узра эса “Хой бола” деб дағдаға қилди!

Ва қаҳқаҳа уриб, шўрлик аканинг соchlарини узиб олгудай бўлиб юлқилайверди:

“Етим бола, той бола,

Синглинг қайда, бой бола?..”

* * *

Бу – ҳаётда жуда күп воқеаларни кўравериб дийдаси қотиб кетган кампир эди. Лекин ҳозир саросимага тушиб, ваҳима ва қўркув ила йигитчанинг сочларидан тортиб, муштлари билан бошига ура-ура йиғлай-йиғлай нидо қиларди:

– Эркак бўлмай ўл, топ синглингни, қирилиб кеттур! Бор, қайт изингга, тополмасанг ўша ёқларда ўлиб кет!

Ха, бутун бу бепоён кенгликларни бирдай энлаб, кутуриб-ваҳшат солиб эсарди шамол.

Йигитча бир томондан ор-номус титроғи, бир томондан яна ўша ваҳималарга рўпара келишнинг қалтироғи ила ортига ўгирилди.

Сал нарида қишлоқ уйлари тугаб, яна кимсасиз дашт, ғалати оқиш буталар, гоҳ яккам-дуккам, гоҳ қалин, айқашиб кетган қамишлар, юлғунлар, тўронғиллар тўла яйдоқ дашт бошланиб кетган, баттар кутуриб эсар эди Данғаранинг тентак шамоли.

Бу йигитча, онасининг ёлғиз ёдгори, ўша қўрқинчлар билан яна юзма-юз келиши керак эди.

Юзма-юз келиши нимаси, орасида санқиб, митти ва ёқимтой сингилни излаши керак эди. Дарахтлар устидан тушиб келадиган қилич кўтарган қора одам, буталар тагида олов ёқиб ўтирган одамчалар, нима учун кимсасиз маконларда кезиб юришларини бирор билмайдиган ғалати кишилар, қамишзорлар ичра қулай пайт пойлаб юргургилаб бораётган ваҳший ҳайвонлар изғиган дашт аро... нозик-ниҳол сингилчасини топиши керак эди!

Ваҳший шамол энди унинг юз-кўзларига, бошига тупроқ сочар, сочларидан юлқилаб қийнар эди. Унинг шиддатида кампирнинг ёғоч эшиги тарақлаб ёпилди, ёпилдию яна қайтиб ланг очилиб кетди.

Йигитча ортига караб йўлга чиқди.

Ким билсин... ичидаги шиддатли қўркувларни
енгиб у маконларда изғигани тақдирда ҳам, то-
пармикин синглисини? Бу талотўп ва сурон ичра
нафис-ниҳол қизалоқ қайси пучмокларда экан
ҳозир? Еру кўкни энлаб-бузиб эсаётган ва жонлию
жонсизни ҳаракатга келтириб қутураётган бу ёв-
войи шамол остида, қай бута ёки дараҳт тубида, қай
чукурда акасини кутиб дир-дир титраётган экан?

Мабодо топган тақдирда ҳам... қай аҳволда то-
паркин?

Топа олармикин?

2012

МУНДАРИЖА

Қисса

Онаизорим 3

Ҳикоялар

“Еру осмон оралигида” түркүмидан

Янги йил кечасида	106
Ота қасидаси	114
Оғриқ төғи	122
Үрмөндөгү күлба	131
Бир томоша тарихи	146
Бўри	163

“Боги Эрам ҳикоялари” түркүмидан

Отамга нимадир бўлди	180
Ёқимли ёмғир садоси...	190
Узук	199
Гўзал.....	207
Боги Эрам	212

“Қайдасан, жаннат” түркүмидан

Ёғоч кавуш	220
Тош келинчак	227
Шамолли кеча	242

ИСАЖОН СУЛТОН

ҲӨҒӢ ҶҖАМ

Қисса ва ҳикоялар

**Ўзбекистон халқ рассоми Акмал НҮР
асарларидан фойдаланилди**

WEB: www.isulton.uz
e-mail: isajon.sulton@mail.ru

«Sharq» нашриёт-матба
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2015

Мухаррир *Рустам Бойтӯра*
Бадий мұхаррир *Толиб Қаноатов*
Техник мұхаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусаххилар: *Шарофат Ҳуррамова, Маъмура Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 й.

Теришга берилди 20.11.2014. Босишига рухсат этилди
20.01.2015. Бичими 84x108^{1/32}. «Times New Roman» гарнитураси. Оф-
сет босма. Шартли босма табоги 13,44. Нашриёт-хисоб табоги 12,82.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 3731. Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 100000,
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган янги китоблар:

З.М. Бобур энциклопедияси.



Э. Вохидов. «Янги шеърлар».



Т. Малик. «Танланган асарлар» 13-жилд.



Муҳаммад Юсуф. Сайланма.



А. Обиджон. «Танланган шеърлар» 2-китоб.



Н. Қобул. «Етти иқлим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт».



Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Роман.



Р. Гунтекин. «Чолиқуши».



Ш. Перро. «Она ғоз эртаклари».



Исажон Султон – “Муножот” (1990), “Ойдинбулоқ” (1995), “Боқий дарбадар” (2011) ва “Озод” (2012) китоблари муаллифи.

“Озод” романи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик” танлови ғолиби. Асарлари рус, турк, инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. АҚШ, Россия, Туркия ва Молдова адабий нашрларида чоп этилган. АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтказилган халқаро адабий асарлар танлови совриндори.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими(2014).



ISBN 978-9943-26-156-3

A standard barcode representing the ISBN number 978-9943-26-156-3.

9 789943 261563